



© “Yoshlik” № 11/12 (252) 2011-y.

O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,  
«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati muassisligidagi  
yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali  
1982-yildan chiqa boshlagan.



**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**

Najmiddin JIYANOV  
Feruz MUHAMMADJONOVA  
Abulqosim MAMARASULOVI  
Ahmad OTABOYEV  
Minhojiddin MIRZO  
Shuhrat SIROJIDDINOV  
Ahmad USMONOV

**Bosh muharrir:**

Sobir O‘NAR

**Bosh muharrir o‘rinbosari:**

Luqmon BO‘RIXON

**Mas‘ul kotib:**

Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay‘ati:**

Bobur ALIMOV  
Iqbol MIRZO  
Abduqayum YO‘LDOSHEV  
Abdusaid KO‘CHIMOV  
Sirojiddin SAYYID  
Alisher NAZAR  
O‘rozboy ABDURAHMONOV

**Sahifalovchi:** Saodat RUSTAMOVA

**Rassom:** Dadaxon BAHODIROV

Ushbu son “Yoshlik” jurnali tahririyatining  
kompyuter markazida sahifalandi.

**Manziligimiz:**

Toshkent. sh.  
O‘zbekiston shohko‘chasi, 16-«a» uy.

**E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru

**Tel/faks:** (8371) 227-0-227,  
245-5-793, 245-0-552

## MUNDARIJA

### MULOQOT

Sharof BOSHBEKOV. Sof san‘at qayg‘usi ..... 2

### ADIB XONADONIDA

Shafolat RAHMATULLO TERMIZIY. Do‘mbira mening ilk ustozim. .... 9

### NAZM

Anvar OBIDJON. Qalam kuyar qo‘limda chirs-chirs. .... 5  
Nodir JONUZOQ. Sog‘inch – suyagimga singib ketgan g‘am. .... 25  
Dilshod RAJAB. Nafasingdan tozarar havo. .... 44  
Dildora RAHMATOVA. Shodlik urug‘idan o‘stirsam bir gul. .... 63  
Zikrilla NE‘MAT. Biz yonmasak, kim yonadi Batan uchun. .... 54  
Ma‘mura YOQUBOVA. Gullar qurshovida orziqib kutsang. .... 73  
Munavvara QURBONBOYEVA. Ikkimiz bo‘laylik baxtning tutquni. .... 76

### NASR

Bahodir ABDURAZZOQ. Ikki hikoya. .... 14  
Ibrohim MUHAMMAD. Toptalgan chechak. Hikoya. .... 28  
Tojiddin RAZZOQ. Dunyolarni to‘ldiraman mehrga. Esse. .... 46  
Mahmud RAJAB. Yo‘lovchilar. Hikoya. .... 58

### NEVARAKULCHA

Muyassar ABRIYEVA. Rostgo‘ylikdir shiorim. .... 37

### BIRINCHI UCHRASHUV

Nargis QOSIMOVA. Qahrabo parchasi. Hikoya. .... 40  
Rustam MIRVOHID. Izimdan chechaklar ko‘taradi bosh. .... 50  
Adiba ARIFOVA. Aqlim shoshar, hayratim shoshar. .... 53  
Shoira HASAN qizi. Men esa bir qush – bir umrga sehrlangan. .... 57

### MUTOLAA

Rustam MANNOPOV. Musaffo tuyg‘ular tarannumi. .... 24

### YASHAYOTGAN SATRLAR

Nazar SHUKUR. Sodda ertaklardan uzilgan umrim. .... 38

### XOTIRA

Ashurali JO‘RAYEV. Daryodil inson edi. .... 42

### JAHON HIKOYACHILIGIDAN

Najib MAHFUZ. O‘zgalar uchun yasha. Hikoya. .... 49  
Mari ROBERTS RAYNHART. Lab bo‘yog‘i. Hikoya. .... 67

### TALQIN

Dilnavoz RAHMATOVA. Ko‘ngil javohiri. .... 56

### NIGOH

Sanobar TO‘LAGANOVA. So‘z qudrati. .... 64

### TADQIQOT

Dilobar SAYDAHMETOVA. Davr va shaxs fojiasi talqini. .... 74

### YELPUG‘ICH

O‘ktam MIRZAYOR. Amakimning kasali. Hajviy hikoya. .... 78

Bosishga 19. 12. 2011 yilda ruxsat berildi. Qog‘oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog‘i 8,7. Indeks 822.  
ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan № 0253 raqami bilan ro‘yxatga olingan.  
Jurnaldan ko‘chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi» deb izohlanishi shart.  
«O‘qituvchi» NMIU bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № 241/11. Adadi 2820 dona.  
Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Yangishahar ko‘chasi, 1-uy.



# ШОҒ ШАҒЪАМ ҚАЙҒУСИ

## Таниқли драматург Шароф Бошбеков билан суҳбат

– Шароф ака, Сиз институтда актёрлик мутахассислиги бўйича таълим олгансиз. Турли йиллар давомида айрим театрларда актёр сифатида роллар ижро этганингизни ҳам яхши биламиз. Бироқ кўп ўтмай маҳоратли драматург сифатида ўзингизни намоён этиб, кенг жамоатчилик назарига тушдингиз. Актёрлик касбидан драматургия оламига ўтиб кетишингиз жараёни қандай кечган?

– Айнан шеърият ёки наср вакили бўлмай драматург бўлишимга театр сабабчи бўлди. Қайси театрда ишлаган бўлсам, албатта, бадиий кенгаш аъзоси бўлганман. Бундай бўлгач, табиийки, жуда кўплаб, ҳатто юзлаб пьесаларни ўқишга мажбур бўласиз. Тўғри, уларнинг ҳаммасини ҳам асар деб бўлмайди. Лекин нима бўлишидан қатъи назар, ўқиш шарт. Мана шу мутолаа жараёнида драматургияга кириб келдим.

Гулистон театрида ишлаб юрган пайтларимда қизиқ бир воқеа бўлди. Бир куни нима бўлди-ю бир драматург ёзувчига: “Бунақа асарларни мен ўйнаб-ўйнаб ёзаман” деб юбордим. У “ёзинг” деди. Театр директори ҳам “марҳамат, ёзинг” деди. Уларнинг ҳузуридан “ёзаман” деб шахд билан чиқиб кетдим. Бироқ уйга келиб кўрқувга тушдим. Ўзим актёр бўлсам, бу ҳам етмагандай оёғим билан ёзаман деб катта кетишнинг нима кераги бор эди. Мактабда яхши ўқирдим, институтни ҳам аъло баҳоларга тугатгандим. Аниқ фанларга қизиқардим, илмий китоб-



ларни кўп ўқирдим, олган билимларимга яраша савиям, дунёқарашим ҳам бор эди. Лекин ёзишдан йироқ эдим. Қалам масаласида талант чатоқ эди. Бироқ ўзимга қатъий ишониб “Тақдир эшиги” пьесасини ёзишни бошладим. Кейинчалик “Тикансиз типратиканлар”, “Тушов узган тулпорлар” ёзилди.

Ўша пайтларда мен драматург бўламан демаганман, бу изланишларимга актёрлик касбининг давоми сифатида қарардим. Ўзим пьеса ёзиб, ўзим саҳнада ижро этардим. Учта пьесам саҳналаштирилганда ҳам Муқимий театрида ишлаб юрардим.

Рости, назаримда Шукшин каби ҳар икки соҳани олиб кетаман деб ўйлар, ўзимга катта баҳо берардим. Аммо бу иш жуда қийин экан. Шундан кейин бутун куч-ғайратимни драматургияга қаратдим.

– Шароф ака, ҳар бир соҳада, айниқса, ижодкор ҳаётида бир раҳнамонинг, устознинг ўрни беқиёсдир. Ижодингизда кимларнинг ўрнини алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?

– Менинг ижодимда, хусусан, драматург бўлишимда уч инсоннинг алоҳида ўрни бор. Талабалик пайтларимда Равшан исмли бир дўстим бор эди. У драма режиссёрлиги факультетида ўқирди. Равшан диплом ишига саҳналаштириш учун Кондидан Сминовнинг “Тўртинчи” пьесасини танлабди. Пьесани ёзувчи Учқун Назаров таржима қилган экан. Негадир бу таржима унга ёқмабди. У пьесани мендан ўзбекчага ўгириб беришни сўради. Табиийки, мен



бунга журъат қилмадим. Бироқ у “қўлингдан келади” деб туриб олди. Рост, дўстимнинг бу ишончи менга қанот берди. Ижодий иш бошланди ва у Ҳамза театрида диплом спектаклини намойиш қилиб ҳали ҳеч ким мақтов эшитмаган талабчан режиссёр Родундан аъло баҳо олди. Бу менга сал бўлса-да таржимонликда ишонч ва рағбат бўлганди. Кейин Жанни Родарининг “Желсимининг саргузаштлари” асарини ўзбекчага ўгирдим. Гулистон театрида ишлаб юрган кезларимда Ранет деган Ҳиндистон ёзувчисининг “Жиноий танго” (“Криминальный танго”) асарини таржима қилдим. Тўғри, бу таржималарнинг ҳаммаси кейинчалик йўқ бўлиб кетди. Лекин уларнинг ҳар бири ёзиш оламига кириб келишимга туртки бўлди. Албатта, кейинчалик бир қатор улуғ устозларнинг маънавий кўрсатмаларидан баҳраманд бўлдим.

**– Ижодий изланишларингизга таъсир этадиган омиллар ҳақида гапириб берсангиз...**

– Бир куни ёзувчи Тоҳир Маликнинг ҳузурига бордим. Устоз ижодхонасида ўтирган эканлар. Ўша ерда деворга осиб қўйилган бир суратга кўзим тушиб қолди. Тасаввур қилинг, суратда бир рицарнинг қўли, ҳа, фақат бир қўли тасвирланган эди. Қўл ажиб бир гулни ушлаб турибди. Аммо соҳиби кўринмасди. Тоҳир Малик билан суҳбатлашяпмиз, хаёли-ҳушим мана шу антиқа тасвирда бўлди.

Ўша куни уйга кетгунча шу қўл ҳақида ўйлаб кетдим. Соҳиби номаълум бир қўл чиройли бир гулни авайлаб ушлаб олган. Гул эса тушиб кетаман-кетаман деб турибди. Биласизми, кимларгадир арзимас туюлган мана шу сурат таъсирида “Тикансиз типратиканлар” пьесаси ёзилди. Гарчи бу асарни саҳналаштиришнинг иложи бўлмаган бўлса-да, лекин бу пьеса энг ижодий ишларимдан биридир.

Столга ўтириб ўз-ўзидан асар бошлаб кетолмайман. Нимадир туртки бўлиши керак. Баъзан ҳамма нарса битта жумладан бошланади. Ҳа, шундай фикрлар борки, унинг шарҳи учун бутун бошли асар ёзиш мумкин. Мисол учун, виждон нима? Инсоннинг ичида виждон деган орган йўқ. Юрак бор, талоқ бор. Лекин виждон оғриси, азоб берса одамнинг ҳаёти зулматга айланади. Шу фикрнинг ўзи учун “Тақдир эшиги” ёзилган. Ҳар қандай асар аввал инсоннинг миясида этилади, ёзиш вақти келганда эса техник иши қолади, холос. Асарни бир ўтиришда ёзиб қўйишнинг иложи йўқ. Асар кайфиятига, қаҳрамонлар руҳиятига кириш лозим. Мен табиатан ўз-ўзимга талабчанман. Шу сабаб, баъзида узоқ вақт ёзмайман. Баъзан асар қаердадир тўхтаб қолади.

**– Ўзига талабчан одам бугун ёзган асарларидан эртага қониқмай қолиши мумкин. Сизда ҳам шу жараён бўладими?**

– Кечаги одам бугунгисидан фарқ қилади. Вақт ўтган сари тажриба ошади, билим ўзгаради, дунёқараш ўсади. Баъзи асаримнинг орадан йиллар ўтиб бўш жойларини кўриб қоламан. Ўша пайтда муҳим туюлган гаплар, кейинчалик саёз

кўринади. Тузатгим келади, лекин ўзимни тўхтаман. Шу пайтгача ёзганларим қандай бўлса, шундайлигича қолишини истайман. Чунки уларнинг ҳар бири умримнинг варақлари. Агар ўттиз йил олдинги ёзганларимни ўзгартираверсам менинг болалигим, йигирма йил олдингисини бузсам жўшқин ёшлигим ва ўша пайтлардаги беғубор ўйларим, фикрларим қаерда қолади? Агар “Ромео ва Жулетта” асарини ҳар ким ўзининг замониغا мослаштириб қўяверса Шекспирнинг Шекспирлиги қоладими?

Назаримда ҳар бир саҳна асари ёзилган вақтига мос тарзда саҳнага олиб чиқилиши керак. Ана шунда асарнинг мазаси, шираси сақланиб қолади. Эски ўзбек киноларини кўрганимда ўзимга таниш қадрдон кўчаларни, биноларни, дарахтларни кўргим келади. Кадрлардан уларни қидираман. Беихтиёр ёшлигим эсимга тушиб кетади. Ўша пайтларга тегишли хотиралар ёпирилиб келади, энтиқиб, орзиқиб кетаман. Аввал ёзган пьесаларимни ўқиганимда ҳам худди шундай аҳволга тушаман.

**– Ижодкорга хос бўлган талаблар билан шахсий принципларингиз доим муроса қила оладими?**

– Принципларни, тартиблар ва чегараларни ёмон кўраман. Ижод борасида жуда эркинман. Кундалик тартибим ҳам йўқ. Бу соҳага оид бирор иш қилиш – албатта бирор бадиий асар ўқиш, кино ёки спектакл кўриш тартибим ҳам йўқ. Умуман олганда бетартиб одамман. Ҳар иккисидан бирини танлаш келиб қолган вақтда ҳам енгилман – саёҳатни, дўстлар даврасини танлайман.

Ижодкор учун нима керак? Унчалик кўп нарса эмас. Аввало, қорним тўқ бўлиши, соғлиқ ва тинчлик бўлса бўлди. Мен илҳом деганларига кўп ҳам ишонавермайман. Менимча илҳом париси ишлашга бўлган кайфият, иштиёқдан бошқа нарса эмас.

**– Ижодкорликни касб деб бўлмайди, уни тақдир ҳукми дейишади...**

– Бу саволингизга ўз ҳаётим мисолида жавоб берсам. Мен ҳам ижодни тақдир ҳукми сифатида ҳамма нарсадан устун қўйганман. Аммо бемор бўлиб қолганимдан кейин ўзим ҳақимда ўйлаб бошладим. Мен пул учун ёзмайман дердим. Бироқ вақти келганда ҳаёт ҳамма нарса ҳақида ўйлашга мажбур қилиб қўяркан. Тириклик учун соғлиқ ҳам, пул ҳам керак экан. Ёшинг улғайган сари “яра”ларинг ҳам каттариб бораркан. Бирини уйлантириш, бирини узатиш, уй-жой қилиб бериш... Бу “тақдир ҳукми” деб мукка тушиб ёзиб ётаверишнинг иложи йўқ.

Ижодкорнинг вазифаси одамларни яхшиликка ундашдир. Ҳар қандай бадиий асар эзгуликка хизмат қилсин. Охири фожеа билан тугаган асарлар сўнггида ҳам ёруғликка умид бўлишини истайман. Аччиқ бўлса ҳам айтишимиз керак, ҳозирда соф санъат хавф остида қолмоқда. Ҳатто оддийгина болалар учун намойиш этилаётган мультфильмларда ҳам уруш-жанжал, даҳшатли махлуқлар... Бу кимга керак?

Илм-фан инсоннинг миясини, дин руҳини, спорт жисмини тарбиялайди. Ижод кўнгили иши, ижодкор қалбини тарбиялайди. Ижодий асар инсон юрагини эзгулик билан безаши керак.

**– Шароф ака, сизнингча, ҳаётни қай даражада саҳнага кўчириш мумкин?**

– Асар табиий бўлиш керак. Масалан, сиз эрталаб кўчага чиқасиз, одамларга қўшиласиз, ишга борасиз, иш жамоангиз бор... ҳаёт тарзингиз шундай. Ҳаётлик билан бадиийликни алмаштириб қўймаслигимиз керак. Афсуски, сўнгги пайтларда мутлақо ҳаётлик воқеликдан йироқ фильмларимиз кўпайиб кетди. Тасаввур қилинг, бир фирмада ишлаётган йигит билан қизнинг севгиси фильмга сюжет қилиб олинган. Кинони томоша қилар экансиз, то охиригача бу фирма ўзи нима иш билан шуғулланади деган саволга жавоб тополмайсиз. Ахир шунчаки кўча гаплари билан асарни тўлдириб бўлмайди. Бу томошабинга ҳам, актёрга ҳам ҳеч нарса бермайди.

**– Шароф ака, бизнинг театрларимизда турли хил чет эл драматурглари асарлари қўйилади-ю, нима учун ўзбек драматургияси**

**намуналари жаҳон саҳналарида намойиш этилмайди?**

– Бу ҳолат миллий менталитетимиз билан боғлиқ, деб ўйлайман. Халқимиз табиатидаги юморини, аскияларимизни, энг асосийси, аскияларимиздаги нозик қочиримларни ҳамма ҳам тушунавермайди. Ваҳоланки, бизнинг адабиётимизда маҳорат жиҳатдан қолишмайдиган ўнлаб ёзувчи-драматургларимиз бор. Мисол учун, Пиримқул Қодиров, Саид Аҳмад, Учқун Назаров, Одил Ёқубов, Ўлмас Умарбеков сингари ёзувчиларимизни санашимиз мумкин. Тўғри, кўплаб ёзувчиларимизнинг асарлари таржима қилиниб чет мамлакатларда нашр этилмоқда. Аммо бу борада масаланинг яна бир жиҳати бор. Яъни, роман ёки қиссани ўқувчи ўқиётганда ўз тасаввур оламига биноан қабул қилади. Асар воқеаларига ўз шахсиятидан келиб чиқиб муносабат билдиради. Театр эса кўпчиликка мўлжалланган. Воқеани оммавий тарзда қабул қилиш мураккаб жарён.

**Сўхбатдош: Акбар ЭРГАШЕВ**



## ШОШИЛИНГ! ОБУНА - 2012


**Журналимизнинг азиз мухлислари!  
Ҳаш-паш дегунча йил оёқлаб, тагин келеуси  
йил обунасига тараддуланиб қолдик.**

Эътибор бердингиз, журналимиз 2011 йилдан 48 эмас, 64 саҳифада чоп этила бошлади. Анча-мунча йирик ҳажмдаги асарлар билан танишдингиз. Яна бир сир: ғаладонларимизда Сизни қизиқтирувчи, бадиий пишиқ, маънавий оламингизни янада бойитувчи сара асарлар бисёр.

Ўйлаймизки, келеуси йилда ҳам биз билан, АДАБИЁТ билан, бадиий янгиликлар, мутлақо янги асарлар билан ошно бўлиб қоласиз.

Шундай экан, обуна эсдан чиқмасин. Негаки, журналимиз матбуот дўконларида сотилмайди, фақат обуначилар манзилига боради.

**Нашр индексимиз: Якка обуначиларга - 822.  
Ташкилотларга - 968.**





**Анвар ОБИДЖОН,**  
Ўзбекистон халқ шоири.

## Қалам куйар кўлимда чирс-чирс



*Янгисидан эшитайлик, деб қўйишади ижодий учрашув чоғида баъзилар. Эскиси-чи, уларнинг орасида ҳалигача яшириниб ётганлариям бор, дейман. Ундай бўлса, майли, аралаш ўқийверинг, дея муроасага келишади.*

*Бу туркум ҳам – аралаш. Энг муҳими, азиздан азиз шеърхонларга булардан лоақал бир-иккитаси маъқулдек туюлса бас, шунисигаям бошим кўкка етади.*

Муаллиф

### ИНСОНИЙ БУРЧЛАР

*Заҳарлайди гўё танамни ором,  
Бефарқлик – шаънимга гўё суиъқасд.  
Бурчларим даштида сангийман мудом,  
Уқубат кайфидан бўлганимча маст.*

*Гамлар подасига дилим гар кўра,  
Гарчи бошим гажир туйгулар баҳси;  
Сарсонлик гўзалдир ўлимдан кўра,  
Изтироблар куфрий ишратдан яшии.*

2011

### ОГОҲЛИК ЗАМОНИ

*Олам – жанггоҳ, тўрт ёнда хатар,  
Аланглар у тўрт ёнга эзгин.  
Фисқу фасод, фириблар портлар,  
“Чув-чув” учар фитналар тўзгин.*

*Шоир кунда ярадор бўлар.*

2010

### ТАФСИЛ

*Ҳисни ирдаб мавжин ошириш мумкин,  
Эркин Воҳидовдек тошириб бўлмас.  
Луғатдан у-бу сўз яшириш мумкин,  
Эркин Воҳидовдан яшириб бўлмас.*

*Бир табрик айтишида, ҳатто, во ажаб,  
Эркин Воҳидовга тенг бўлиш қийин.  
Энг мушукули – қаттол ёвин ҳам мақтаб,  
Эркин Воҳидовдек кенг бўлиш қийин.*

2009

### ЧАЛАТАНИШ

*Бозорчи аёлдан нон сотиб олаётсам,  
Анвар Обиджонга ўхшаркансиз, қариндош  
эмасмисизлар, деди.*

*Маширабмас-ку ахир Анвар Обиджон,  
Қайдан билай у банданинг кимлигин.  
Эшитганман, шумлар ичра совуққон,  
Совуққонлар ичра эса шумлигин.*

*Бўлиб юриб кутубхона “сарбон”и,  
Гоҳ киночи, тракторчи, буғолтир,*

Конда бурғиловчи, завод богбони...  
Гап пуллашени ўрганганмиши у охир.

Дерлар, гарчи қувноқдир кўп асари,  
Ўзи ўта инжиқфеълу бадқовоқ.  
Бўйига тенг қат-қат шеърий дафтари,  
Чиққан китоб – тиззасидан ҳам пастроқ.

Зормиши унга қишлоқдаги онаси,  
Кўзлари тўрт йўл пойлаб, кун санармиши.  
Ҳатто ўғиллари саёқ дадасин  
Ойда-йилда кўриб, зўрга танирмиши.

Бир томчимиши уммондек зич шаҳарда,  
Зах хонадан чиқмай озиб-тўзиган.  
Паст тамаки чекиб, бўкиб заҳарга,  
“Ёз-ёз” жини кўзигани кўзиган.

Кезар ўйи кўктурк, сағлар ерида,  
Сўйлар Бобур, Эр Тўнгалар даврини.  
Аммо аниқ билмас қирқ йил берида –  
Вафот этган отасининг қабрини.

Қариндошу дўстга ҳам беоқибат,  
Кўринармиши на чойхона, на тўйда.  
Унга қалам – ҳаво, қозғоз – сув-овқат,  
У шўрликка ҳузур – зиён, гам – фойда.

Алами шу – “оқ” ишларин деб “қаро”,  
Тош отармиши унга “аҳли серсанчиқ”.  
Бу тошлардан Тошкент-Фарғона аро –  
Тоғ яралмиши, дерлар довонин “Қамчиқ”.

Ўзин уриб шу зайл ҳар жафога,  
Жонин итдек қийнар эмиши ҳар қадам.  
Кун кўрармиши таваккал деб Худога,  
Табибларга ишонмасмиши тукин ҳам.

Дермиши, шифо кутманг дардим чўзилса,  
Машинадир ётлар – ердадир мудом.  
Таъмирламоқ мумкин авто бузилса,  
Мен учоқман, бир бор қулайман – тамом!

Қуёш санар ўзин ёлғиз қолса шам,  
Одамови шоир шамга ўхшаммиши.  
Билишимча, неваралар кўрса ҳам,  
Анварларинг ҳануз ўша-ўшаммиши.

Тангрининг у балки галдир эркаси,  
Пайгамбарнинг ё адашган уммати...

У ҳақдаги гап-сўзларнинг, қисқаси,  
Йўқдир менга бир тийинлик қиммати.

2008

## ОМОНСИЗ ПОЙГА

Илинж,  
Орзу-умид,  
Эҳтиёж сонсиз,  
Тирик юрмоқ асли – омонсиз пойга.  
Энтикиб, ҳансираб чопаверамиз  
Азалдан бизга чоҳ қазилган жойга.

2008

## МАКОН

Қуш эмаски кўнса дуч келган толга,  
Макон йўқ жонга шу бадандан бўлак.  
Лолман Юртин савдо қилган даллолга,  
Илинжли жой қайда Ватандан бўлак?!

2008

## ОЙМАЛАК

Жанжал деган қишлоқ бор,  
Паст уйлари гил томли.  
Кўчалари қилдан тор,  
Ҳовлилари ишжомли.

Оймалак шу қишлоқнинг  
Энг биринчи таннози.  
Овлаб яқин-йироқни,  
Чарчамас бу ҳаллози.

Қорамағиз бетларин  
Безар уна-эликда.  
Одимласа, этлари  
Сўлқиллайди иликдай.

Бу чўнтакда ойнаги,  
Унисиди тароғи.  
Капиталидир кўйлаги,  
Камзулюю пайпоғи.

Пойабзали оҳангли,  
Сочпоғу қирқ қатор.  
Уни кўриб Хол банги  
Бўлар ҳар кун ярадор.

Қиз чеварга қатнар гоҳ,  
Гоҳи дўкон кезади.  
Ортдан боқсанг қаттиқроқ,  
Сесканади, сезади.



Кунда йўқлар холасин,  
Ўртогин ҳам орада.  
Ҳилтираб тўр ёқаси,  
Қайтар кутубхонадан.

Гузарнинг бош аттори  
Сақичфуруш Мастона –  
Гудранар, бамисоли  
Ғийбаттўқар корхона:

– Бундайларни қайси бир  
“Бўм-бўм” йигит олади?  
Илинмаса мусофир,  
Охир эрсиз қолади.

Бу ҳасадми ёки кин?  
Йигитчалар қулишар.  
Оймалакнинг кимлигин  
Улар яхши билишар.

Топилмайди жаҳонда  
Асли бундай гизгизон.  
Сигир соғар азонда,  
Уй сутурар, ёпар нон.

Қўшиқ айтиб артади  
Деразалар ойнасин.  
Пок-покиза пардалар  
Мисли сувсар мўйнаси...

Минг юмушни битириб,  
Чиқар кўча кезгани.  
Мастонани куйдириб,  
Безгагини қўзгани.

Ҳилпиллатиб ёқасин,  
Йўлда оққуш бўп сузар.  
Сўнг, кечанинг тўрт пасин  
Кашта тикиб ўтказар.

Туйгулари ранго-ранг  
Товланади ипларда.  
Кампиришолар ҳангу манг  
Бундай ноёб сеплардан.

Четдан совчи келса гар,  
Билинги, ши гирт чатоқ.  
Қилишади итқувар,  
Кесак отиб бор бўйдоқ.



Бўйдоқларда қулоқ динг,  
Пойлар совчи овозин...  
Оймалак шу қишлоқнинг  
Э-э-нг ардоқли таннози!

2011

### ЧОРЛОВ

Ошно бўл-у шоир гамига,  
Ўт ичига кириб бор сарҳуш.  
Кел огушим жаҳаннамига,  
Эй, жаннатдан қочиб чиққан қуш!

1989

### ВАЗИЯТ

Қалам куяр қўлимда чирс-чирс,  
Ҳис қиламан атирнинг бўйин.  
Ён хонада ётса дўндиқ қиз,  
Юрт ҳақида шеър ёзиш қийин.

1981

### ҚАЙТИШ

Келдим, мана, мўлтираб,  
Каптарбадан бекачим.  
Кўзларимнинг қаърига  
Тикиласиз яна жсим.

Кўзларимнинг қаърида  
Яшириндир гуноҳим...  
Бу оламда қолмади  
Сиздан бўлак паноҳим.

Бу оламда қолмади  
Гуноҳимдан ўтгучи.  
У – Сиз, ташлаб кетсам ҳам,  
Кечиргучи, кутгучи.

1981

### ХУЛОСА

Ишқ дегани – мудҳиш касаллик,  
Солиштирсанг, ўлат дард эмас.  
Севги ногоҳ бошга тушса лек,  
Дори ичиб ётиш шарт эмас.  
Мен “Аспирин” ичган эмасман.

Алжабр ҳам асли – бир саноқ,  
Майли, шу “сал мужмал”ни танла.  
Қизлар феъли – энг чигал жумбоқ,  
Ечмоқ учун етмас бир калла.  
Кўп уриндим, ечган эмасман.

Бефарқ эсанг, қизлар – бехатар,  
Сал илиқсанг, қилишар хуноб.  
Оҳ-нолага маҳкум телбалар  
Ер юзида қумдан ҳам сероб.  
Мен рўйхатдан ўчган эмасман.

Қиз ҳайдаса, наздингда гўё  
Бера олмас тангри ҳам нажот.  
Қиз чорласа, ёришиб дунё,  
Қоқармишсан тарлондек қанот.  
Ҳозирча ҳеч учган эмасман.

1975

**КЎНГИЛ ИЛА СУҲБАТ**

Кел, ёзайлик ростгўй шеърларни,  
Кўнглим, кимдан писиб турибсан?  
Жулдур кийим янглиз сирларни  
Нечун ҳануз ечмай юрибсан?  
Жандаларни асрамоқ нечун?  
Ечин!



Тураверма абадий муздек,  
Сирларинг соч, бўлма кўп бахил.  
Чўмилмоқдан уялган қиздек –  
Қимтинмагил, ўзни тут дадил.  
Қўрқма, сени чалиб кетмас жин,  
Ечин!

Майли кимдир ёгдирса нафрат,  
Тан ола бил айбингни бир-бир.  
Зора биров қилиб сал шафқат,  
Дер: “Ойда ҳам доғ бўлар ахир”.  
Дилхун юрма, ўзингга ачин,  
Ечин!

Билмасдик не зиён, не фойда,  
Қаттоллик не, недир одиллик.  
Отиб ўзги мушукни сойга,  
Қилган эдик илк бор қотиллик.  
Қўй, гезарма, гапиравер чин,  
Ечин!



Болалигу ўсмирлик – гўр ҳис,  
Ёшликда ҳам қолдик гирт нодон.  
Эсингдами йиғлаб кетган қиз?  
Хаёлимда йиғлар у ҳамон.  
Лаънатлаш-чун “манман”лик кучин,  
Ечин!

Айбимизни қилмоқчи деб фош,  
Жондош дўстга сочдик тил захрин.  
На отага бўлдик елкадош,  
Илитолдик на она багрин.  
Тан олмоқ-чун одамлик бурчин,  
Ечин!

Ёш ва содда эдик... афсус... аҳ...  
Боқдик кимдир дард чекса, кулиб...  
Туртдик бўшанг йигитни ноҳақ...  
Хў-ў анқовдан олгандик юлиб...  
Чувалама гапнинг бир учин,  
Ечин!

Бачкана завқ излабмиз тинсиз,  
Ақлимизни қилолмабмиз жам.  
Юртга бир нок эмабмиз, эсиз,  
Қўймабмиз бир ярага малҳам.  
Эл-юртдан авф сўрамоқ учун  
Ечин!

1973

**ЁРУҒЛИК**

Ой йўқолди булут ортида,  
Сукут сақлаб замин тумтайди.  
Жим боқарман висол дардида,  
Хазин кўнглим зиё қўмсайди.

Ер соғинар Ойнинг висолин,  
Кўкдан ўжар булутлар қочмас.  
Дилим нолон, тусаб жамолин,  
Қиз дераза пардасин очмас.

1972





Шафоат РАҲМАТУЛЛО ТЕРМИЗИЙ

## ДЎМБИРА МЕНИНГ ИЛК УСТОЗИМ



Онам бечоранинг айтишича илон йилида туғилган эканман. Уруш, қаҳатчилик. Икки акам фронтга кетишган. Нон азиз паллалар эди. Чорвадорнинг қора ўтовида кўзилар билан кўканлашиб улғая бордик. Синфдан-синфга юқорилаган сари китобхонлик касалига йўлиқиб қолдим. Ҳатто далага пахта теришга борганда ҳам иложи бўлса бир қисса ё романни ҳеч кимга кўрсатмай этакка солиб кетишга ҳаракат қилардим. Зеҳним ўткир эди. Бир-икки ўқиган шеърни ёдлаб қолар эдим. Унча-мунча ижодий машқлар қилганман. Аммо уларнинг бари жўқий шеърлар эди. Келажакда назм илми билан мунтазам шуғулланаман, деган ният менинг хаёлимга ҳам келмаган ўша пайтлар. Энди эса ўша мактабда олган адабий-бадий жозибалар, уйдаги бахшиёна урф-удумлар кўнглимга жиндак ижод туйғусини жойлаган тақдир-битик эканми деб ўйлаб қоламан.

Оиламизда бахшиликка қизиқиш зўр эди. Раҳматли катта акам Бобоқул Раҳматулла ўғли ҳам ўсмирлик пайтлари бахшичилик қилиб, дўмбирани маромига етказиб, катта маҳорат билан чалар эди. У кишининг бирон воқеани ҳикоя қилиб бериш маҳорати ҳаммани қойил қолдирарди. Айниқса, ўзи бошидан охиригача бўлган иккинчи жаҳон урушида кўрган-кечирган воқеаларини гапириб, бутун бир даврани лол қолдириб турган онларининг жуда кўп гувоҳи бўлганман. Акам жуда эрта вафот этиб кетди.

Кичик акам Чоршам бахши Раҳматулло ўғли ҳам муштдайлигидан терма кўшиқ тўқиб, дўмбирадан ажралмай қолган эди. У бахшичиликни бетиним машқ қилиб, катта бахшиларнинг оғзига тушиб, тезда танилиб кетди. Айниқса Шерободлик машҳур Мардонақул Авлиёқул ўғлидан йўл-йўриқлар олиб, вилоятнинг етакчи, чечан бахшиларидан бирига айланди.

Чоршам бахшининг жуда кўп ўзи тўқиган термалари ва шеърлари бор. У киши қирқдан зиёд халқ дос-

тонларини маҳорат билан ижро қилар эди. Унинг ўзи ижод қилган “Тошбосар” достони мен билган ўзбек замонавий дostonлари орасида чинакам теран сюжет ва бетакрор мазмунли халқ романидир. Чоршам бахшининг “Алпомиш” шажарасидаги бир неча чуқур маъно-мазмунли янги дostonлари сурхондарёлик олимлар томонидан ёзиб олинган ва айримлари нашр ҳам қилинган. Бахшининг ўзи тўқиб айтган ва маҳаллий матбуотларда чиққан шеърларини тўпласа ҳам бир китоб бўлади. Ана шундай юксак истеъдод соҳиби ўн йилча бурун оламдан ўтди. Бу катта сўз хазинасининг бор бисотини халққа, келажак авлодларга етказиш борасида ҳали кўп тадқиқотлар бўлишига умид қиламан.

Менинг шеърятга, сўз сеҳрига қизиқишимга мана шундай оила муҳити сабаб бўлган бўлса керак, ҳойнаҳой. Айтишим мумкинки, дўмбира менинг илк устозим.

Матбуотда илк бор чиққан вақтимни мен 1968 йил деб белгилаганман. Адашмасам, ўша вақтдан бошлаб шеърят билан жиддийроқ шуғуллана бошлаганман.

Биринчи китобим “Жануб шамоли” 1981 йилда Ғ.Ғулom нашриётида чоп этилган. Китоб чиқаришга жуда кеч уринганман. Ваҳоланки, шу китобга кирган шеърлар ва “Оҳу” дostonим 1971 йилдаёқ вақтли матбуотда эълон қилинган эди.

Менинг доимий беминнат устозим – китоб! Мен адабиёт дарсини мустақил мутолаа қилиб баҳоли қудрат ўрганганман. Чунки мен адабиёт йўналиши бўйича таълим ололмадим. Тошкентда зилзила бўлган йил Тошкент Давлат университетига талабгорлардан Самарқанд шаҳрида ҳужжатлар қабул қилишди. Ўшанда Самарқанд опера ва балет театрида ишлардим. Таваккал қилиб журналистиканинг сиртки бўлимига ҳужжат топширдим. Ва талаба бўлдим. Бир семестр Тошкентга бориб ўқиб келдим. Кейин ҳарбий хизматга кетдим. Аскарликдан кейин ўқишни яна бориб

тиклаш ва давом эттиришга бўйним ёр бермади, қолиб кетди. Шундай қилиб менга катта шоир-ёзувчилар ва адабиётшуносларнинг китоблари устозлик қилишган, холос.

Ҳарбий хизмат даврида ҳам шеърлар қоралаб турдим. Бунга армия ҳаётининг ўзига хос қийинчиликлари, гўзал театр турмушини соғиниш, дўстлар даврасини қўмсаш каби туйғулар туртки бўлди. Армиядан қалин бир дафтарни қоралаб қайтдим. Сурхондарё вилоят халқ ижоди уйига йўриқчилик вазифасига олишди. Бу ерда жуда кўп санъаткорлар билан танишдим.

Шу орада бойсунлик бир қизга бағишлаб “Бойсуннинг шўх дилбари” деган шеър ёзиб, унга ўзим мусиқа басталаб ўзим ижро этиб юрдим. Бу шеър вилоят газетасида босилиб ҳам чиқди. Шундан кейин менда яна жасорат пайдо бўлди. Энди мунтазам машқ қила бошладим. Бир куни ёзганларим – ўзимга маъқул шеърларимни олиб, юз истиҳола билан таҳририятга кириб бордим. Ўша пайтлари Теша Сайдалиевни сиртдан танир эдим. Буни қарангки, Теша ака ҳам мени сиртдан танир экан. У кишининг ёнларида бургут сиймо бир зот ўтирарди. “Менгзиё, бу йигит Шафоат Раҳматуллаев бўлади, яхши шеърлар ёзаяпти” деб таништирдилар Теша ака. Менгзиё ака билан ака-ука, дўст бўлиб кетдик. У кишига шеърларим жуда маъқул бўлиб қолди. Кўп ўтмай ўша 1968 йилда Менгзиё Сафаров менга вилоят газетаси саҳифасида оқ йўл тилади. Ўшанда ўттиз ёшнинг остонасида эдим.

Ҳаётда катта ёзувчи Менгзиё Сафаров билан ака-ука, ҳаммаслак, ҳамиша, бир-биримизга узангийўлдош эдик. Менгзиё ака ҳам китоб чиқаришга деярли эътибор бермасди. Менгзиё ака менинг назаримда гўё абадий яшайдиган, омади доим олдинда, ҳамма нарсага барибир улгурадиган бир сиймо бўлиб туюларди. Аммо ҳеч ким ва ҳеч нарса боқий эмас экан.

Шу йилларда Республика газета ва журналларида мунтазам чиқиб турдим. “Ўзбекистон маданияти”, “Гулистон”, “Шарқ юлдузи”, “Саодат” каби газета ва журналларда шеърларим босилди. 1975 йилнинг баҳорида Менгзиё ака билан Тошкентга бордик. Ёзувчилар уюшмасида устоз Саид Аҳмад ака ўзининг қадрдон укалари Менгзиё Сафаров, Неъмат Аминовлар билан ичак узди қилиб ҳангомалашди. Кетарда ҳаммамизни уйига ошга таклиф қилдилар. Кечқурун устознинг уйига учовлон кириб бордик. Устоз ҳазил-хузул билан кутиб олди.

Саида опа олдиларига фартук тутиб олган, ошхонада ошга уриниб юрипти. Неъмат ака мендан шеърлар ўқиб беришимни сўрадилар, бир-иккита шеър ўқидим. Шеър тугагач, Саид Аҳмад ака чақириб қолдилар: “Саидахон, мана бу саҳрои боланинг шеърларини сиз ҳам эшитиб кўринг”.

Опа келгач бояги шеърларни яна қайта ўқидим. Шеърлар Саида опага ҳам манзур бўлди шекилли, “Шафоат, шеърларингиздан ташлаб кетинг” деди. Мен шеърларни Саида опага қолдириб кетдим. Саида опа 1975 йилнинг май ойида “Ўзбекистон маданияти” газетасида менга “Оқ йўл” тилади. 1976 йилда Ф.Ғулом нашриётидан чиққан “Ёшлик баёзи”да бир туркум шеърларим босилди. 1979 йилда “Ёшлик” альманахида шеърларим босилган. 1979 йилда “Шарқ юлдузи” кутубхонаси тўплами “Гўзалликнинг туғилиши” тўпламида “Оху” дostonим тўлиқ ҳолда босилди. Ниҳоят, 40 ёшнинг устида биринчи китоб – 1981 йилда Ғафур Ғулом нашриётидан илк тўпламим “Жануб шамоли” чиқди. Ўша йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Сарвар Азимов бошчилигида, Зулфия опа, Эркин Воҳидов ва бошқа ижодкорлар вилоятимизга келишиб бизларни Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилишди. 1988 йилда “Ёш гвардия” нашриётидан иккинчи тўпламим “Умид остонаси” чиқди. 1992 йилда “Гулбоб” номли тўпламимни вилоятимизда мавжуд бўлган “Жайхун” нашриёти чоп қилди. 2003 йили “Озод сўз” сайланмам “Янги аср авлоди” нашриётида нашр қилинди. 2008 йилда бирдан икки мўъжаз тўпламим “Кўринмай гулладим” ва “Шоҳ ва шоир”ни “Муҳаррир” нашриётидан чоп қилдирдим. Китобларим турмуш тақозоси билан кам тиражда чиққан.

Хуллас, қимирлаган қир ошар деб қимирлаб ёзиб турибман. Худо сабр берса, шеърларимнинг ўзини бир китоб, дostonларимни бир китоб, бадий ва илмий публицистик мақола ва суҳбатларимни бир китоб қилиб чиқариш ниятим бор. Имкон бўлса галдаги ана шу режаларни амалга ошира олсак марра бизники. Мен катта-кичик ўндан ортиқ дostonлар ёзганман.

Менинг педагогик фаолиятим эса 1968 йилдан бошланган. Шу йили институтга мусиқа ўқитувчиси бўлиб ишга келганман. Ўшанга ҳам 43 йил бўлибди. Ҳануз шу даргоҳдаман. Мен ҳам озми-кўпми таълим берган айрим шогирдларим ҳозирда университетимизнинг етакчи олимлари. Айниқса, педагогика фанлари





доктори, профессор, Термиз давлат университети-нинг ректори, фидойи фан ва жамоат арбоби Мамат Ҳайдаров билан фахрланаман.

Муסיқа соҳасида ҳам бир-иккита илмий-услубий рисолалар ёзганман. Булар 1991 йилда чоп қилинган “Муסיқа услубиёти”, 1992 йилда чоп қилинган “Муסיқа алифбоси” ва 2003 йилда чоп қилинган “Бошланғич муסיқа” рисолаларидир.

Шу пайтгача жами олти бадиий китоб, уч муסיқий рисола чоп эттирган бўлсам, улардан биттаси ўн минг тиражда, қолганлари кам тиражларда чиққан. Ҳозирги пайтда китоб чиқаришдан кўра уни сотиш изтироби, азоби бор. Шунинг учун китоб чиқаришдан кўнглим тўлмайди. Кейинги 2008 йилда чиқарган икки мўъжаз тўпламимни шу боисдан уйга босиб қўйибман. Учрашувларга борганда ўқувчиларга, чегарачиларга битта-иккитадан совға қилиб озайтиряпман.

Менинг назаримда, адабиёт миллат маънавияти ва маданиятининг ҳам пойдевори, ҳам кўзгуси. Чунки миллий тил ҳам, миллий театр ҳам, миллий кино ҳам, миллий кўшиқчилик ҳам, колаверса, миллий фольклор ҳам адабиётга суянади.

Адабиёт катта майдон, ҳамиша шундай бўлиб келган. Бугун тўққиз яшардан тўқсон яшаргача китоб чиқариб ётибди. “Эрмас осон бу майдон ичра турмоқ...” деган эдилар улўғ бобомиз. Биз ҳам “Ҳаёт рубоб – ҳамма чолғучи. Ҳар ким ўз куйини чалади. Кимнинг куйи бир лаҳзалиқдир. Кимнинг куйи мангу қолади” деб минғирлагандик бир вақтлар. Бугунги адабиётнинг ютуғию қусури хусусида гапиришга маънавий ҳуқуқимиз ҳам йўқ, қувватимиз ҳам етмайди. Фақат вақт ҳакам дея оламиз. Ўзимизга қарата уни шундай таъкидлаганмиз:

*Сен ўчсанг нима ғам, порлайверади,  
Йўлчи роғ ҳақиқат – поклик онаси.  
Ҳаммага зол ҳукмим борлайверади,  
Темир қонун вақтнинг қозихонаси!*

“Гилгамиш”дан “Алпомиш”гача, “Авесто”дан, “Қуръон”гача бўлган жами эзгу каломларнинг ва шу каломларнинг алоҳида инсонни тадқиқ қилиш тармоғи бўлган адабиётнинг ҳам бош мақсади – комил инсонни тарбиялаш бўлиб келган.

Менимча адабиётшунослиги кучли ривожланган рус ва Европа мамлакатлари тажрибасидан келиб чиқиб, ўзбек адабиётининг ҳам қадимдан ҳозиргача, аввало, асрлар бўйича изчил даврлаштириш, кейин эса иложи бўлса нашрини ҳам бошлаш керак. XX асрда амалга оширилган ноёб нашрларни яна ўша ҳолича ва ўша кўринишда қайта нашр қилинса нур устига аъло нур бўларди. Ҳозир улар олтинга баробар, топилмайдиган бўлиб қолди.

Республика олий ўқув юртлари ахборот ресурс марказлари китоб фондлари фақат ўқув, илмий ва ижтимоий-сиёсий адабиётлардан иборат бўлиб қоляпти. Уларнинг алоҳида бой бадиий адабиёт фондиди зудлик билан ташкил этиш керак. Ёшлар бадиий адабиётдан узилиб қоляпти.

Ҳар бир вилоят Ёзувчилар уюшмаси бўлимлари қошида “Ижод” фонди ёрдами билан алоҳида бой бадиий адабиёт кутубхонаси ташкил этилса яхши бўларди.

Ва ниҳоят, оилам ҳақида гапирсам: турмуш ўртоғим ўқитувчи Хосият Раҳматуллаева билан саккиз фарзандга ота-она, ўн битта набирага бобо-момо бўлиб рўзгорни эплаб турибмиз.

## АДИБ ҲАҚИДА

*Шафоат РАҲМАТУЛЛАЕВ (Шафоат Раҳматулло Термизий) – 1941 йилда Сурхондарё вилоятида таваллуд топган. 1965 йили Тошкент Давлат консерваториясини тамомлаган. Унинг “Жануб шамоли”, “Умид остонаси”, “Озод сўз”, “Кўринмай гулладим”, “Шоҳ ва шоир” сингари китоблари нашр қилинган. Шунингдек, муסיқа соҳасида “Муסיқа услубиёти”, “Муסיқа алифбоси” ва “Бошланғич муסיқа” рисолалари муаллифи ҳамдир.*

*Шафоат Раҳматуллоев 1968 йилдан буён Термиз давлат университетида дарс бериб келмоқда. 1998 йилда “Шуҳрат” медали, 2003 йилда “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланган.*





*Шафоат РАҲМАТУЛЛО ТЕРМИЗИЙ*

# *Шалъи шафоат*

Туркумдан

## **ОЛҒИР**

*Эпламаган бу тўнка тўрт амални,  
Диплом олди қилиб турфа амални.  
Эрта асов-мансаб тутар баҳсда ҳам,  
У биринчи эгарлайди амални.*

## **ЭНА СУТИ**

*Тугилгандан тирик томоқ “ем” дейди,  
Ийган кўксин тутиб эна “эм” дейди.  
Эна сути – беш йил эмган боланинг  
Юз йил бедард яшашига эм дейди.*

## **БУ БОЗОР**

*Бу бозор – нафс бозори – томошадир,  
Бозордан тошиб ёлгон том ошадир.  
Ногаҳон тўғри кирса кун битар,  
Инсоф хор, бунда фақат таъма – шоддир.*

## **ТУШ**

*Умрнинг тонг, шоми бор, ўртаси туш,  
Тушгача комил касбни жиловлай туш.  
Тушгача улгурмасанг мурудинга,  
Сўнг имкон етар-етмас, армонли туш.*

## **ЎҒИЛГА ДУО**

*Қувонч эди кеча сени “той-той”лар кун,  
Бугун эса келин сепин той-тойлар кун.*

*Эрта бир кун ўглингнинг бош товоғига  
Насиб этсин элга қурда “от, той”лар, кун.*

## **ТЎЛА ЭКАН**

*Ер дегани мўъжиза ертўла экан,  
Бор жонлининг ризқига Ер тўла экан.  
Кўкартириб, яшартириб, сўнги ҳукми:  
Жонинг олиб, танингни ер – “тўла!” экан.*

## **БИР УСТОЗ**

*Истеъдодни бу устоз чоп-чоп қилади,  
Чопқилари шогирд шаитин чопқилади.  
Киссасида таланти бор талантсизнинг  
Жўқийчасин устоз силлиқ чоп қилади.*

## **АДОСИ ЙЎҚ**

*Хурларнинг ҳам ундай нози адоси йўқ,  
Адосида ваъдаси бор, адоси йўқ.  
Кўчасида куйдим деган гадоси кўп,  
Аммо биздек ёнаётган адоси йўқ.*

## **УМР ЙЎЛИ**

*Илк айтганим, ўрганганим “а” сасидир,  
Балки шу сас борлиқ сўзлар асосидир.  
Кўп асосни ўқиб, уқиб суянганим –  
Бугун толнинг бир омонат асосидир.*



### ГУЛ ЛАБ

*Жон гулобин ичмиш рухсоринг гуллаб,  
Жонга жонмиш гулобли жоминг гул лаб.  
Мен жон учун гулоб деб лаб очгувчи,  
Дардим кўзим гулоби кўймиш гуллаб.*

### ОЙДИН КЕЛАЖАК

*Дедим бир кун шеър битиб юз, қошингга:  
“Эй, Ой, юлдуз йўлдош даркор қошингга”.  
Бугун иккимизга ойдин келажак –  
Оқ йўргакда ойдек чехра, қош, “инга”.*

### ОТАЛАР ЁДИ

*Болам дея куйиб-пишса отамиз,  
Бу нечун деб ўйламамиз о, тамиз.  
Ота бўлиб билгач ота қадрини  
Оталар ёдига ўзни отамиз.*

### ОНА БУ

*Бахтинг суйиб дейди: “Бахтли он-а бу!”  
Тубан кетсанг куйиб дейди: “О, на бу?!”  
Ҳар қадаминг қалб тоши-ла тортувчи –  
Бебаҳо бир суянчигинг она – бу.*

### ЕЙДИ

*Ўлжасини илон аввал чақиб-ейди.  
Болтаютар тошга ташлаб-чақиб ейди.  
Ҳасад ростни маҳкамага чақиб-ейди,  
Мискин топса ўз кўнглини чоқ қиб ейди.*

### ТАНДИР

*Бу олам юлдуз, қуёш нонли тандир,  
Оллоҳу олам балки битта тандир.  
Ер танҳо бу тан ичра, Одам танҳо,  
Коинот кори ёлғиз ҳаққа тандир.*

### МАНЗАРА

*Кўл бўйи, кечар кунларим, боқаман,  
Гоҳ одам, гоҳ қуш бўлиб, гоҳ бақа ман.  
Еру кўл мавжсим гирди кўкдан қайтар,  
Бир таскин нидо бўлиб: “Мен бақоман!”*

### СЕН

*Ки сенинг топмоқ орзунг ул кўки тоқ,  
Топ аввал ўз чистонинг жуфтми ё тоқ.  
Топмасанг қилма минбаъд тоқатинг тоқ,  
Магарам топсанг фақат қалбингга тақ.*

### ВИДО

*Осмонимда битта ўзинг айлан, Ой,  
Ойрухсор, юлдуз кўзингдан айланай.  
Менинг Ер достонимни тинглар эсанг,  
Хокимдан унган заровни айла най.*

### КЕЛАЖАККА МАКТУБ

*Ёзма ҳеч унут, қолар нома ёнда,  
Номаи номдор ёзсанг ном аён-да.  
Сўзингни: “Келажакка мактуб” деб ёз,  
Авлодлар десин: “Бизнинг намоянда”.*





Баҳодир АБДУРАЗЗОҚ

# ИККИ ҲИКОЯ





## ҚОРА КИЙИК ТАЪҚИБИ

Усмон тун бўйи босинқираб чиқди. Тавба, милтиқ тутган аллақандай кийик Мунисани тинимсиз таъқиб қилармиш. Жон ҳовучлаб уларнинг ўртасига тушишга ҳаракат қилсаям, оёқларига тош боғлангандек, жойидан қимирлай олмас экан. Шу тушни бир кечанинг ўзида бир неча марта кўрди. Ҳатто ухлашга ҳам чўчиб қолди. Кўзларини лўқ қилиб хаёл суриб чиқди. Эрталаб бўкиб ичган сармастдай боши лўқиллаб оғриётганидан, қанда қилмайдиган одати, онасининг ҳужрасига бош суқиб салом беришни ҳам унутди. Соқолини чала-чулпа қиртишлаб ишга отланаётган маҳал қунишибгина сочиқ узатиб турган Муниса билан нигоҳлари тўқнашди. У ҳам туни билан мижжа қоқмаган ҳойнаҳой, қовоқлари салқиб, сурмаранг соя тушган эди. Ниманидир ундан яшираётгани титраётган лаблари қимтилганидан, нигоҳларини яширишга уринаётганидан англашилиб турарди.

«Бу бечорага ҳам қийин, дарди ичида, ичидагини тўкиб соладиган яқин кишиси ҳам йўқ. Қизлари турганида бу пайтга келиб унга дардқаш, сирдош бўлиб кетармиди. Онам азалдан уни хушламайди. Шундай бўлса ҳамки, ўттиз йилдан бери миқ этмай чидаяпти. Ўзи қайнона бўладиган ёшга етганида ҳам, қайнонасининг бир имосига маҳтал, ёш келинчақдек зипиллаб юмшини қилади. Нега йиғлади экан? Ё, яна Султон...»

Усмон симиллаётган чаккаларини қўллари орасига олди.

– Дорингизни ичиб олинг, давлениангиз...

Хотини узатган ҳапдорини бир пиёла совуқ чой билан зўрға ютди. Бироз бошининг лўқиллаши босилгандек бўлди. Хотинига «Нима гап?» дегандек нигоҳ ташлади. Ўттиз йилдан бери бир ёстиққа бош қўйиб, ҳали бирор марта сан-манга бормаган, бир-бирини бир қисқа нигоҳ ёхуд, яримта ҳаракатдан англаб оладиган бўлиб қолганларидан Муниса эрининг сўроқли нигоҳи аломатини тушунди. Янада мунғайиб, бир сиқимгина бўлиб қолди.

– Янами?

Муниса секингина бош ирғаб қўйди. Лабини минг тишлаб овозини ичига қамаб турса-да, аммо кўз ёшларини тийиб туролмасди. Усмон яхши кўрадиган узун-узун қайрилма киприкларидан дувиллаб ёш қуйила бошлади.

– Чақир!

Муниса сесканиб бошини кўтарди. Юзларида илтижоли ифода зоҳир бўлди.

– Дадаси, ишдан қайтганингиздан кейин гаплаша қолинг. Бечоранинг ҳозиргина кўзи илинди. Юзини моматалоқ қилиб ташлабди уйгинанга ўт тушгурлар.

– Минг марта айтдим унга, ўша кўчага қадам босмагин деб! Яна борибдими?

Муниса унсизгина бош ирғаб қўйди. Усмон ишга кечика бошлаган эди. Нонушта ҳам қилмай машинасига ўтирди.

\* \* \*

...Раҳматли Бурҳон овчи кўп ғалати феълли одам эди. Ўзининг алоҳида ҳужрасида яшар, имкони туғили-

ши билан саҳрога бир неча кунга, баъзан эса ҳафталаб овга чиқиб кетарди. Онаси Каромат кампир шу пайтларда ҳужрани супуриб-сидириб чиннидек ярақлатиб кўяр, аммо Усмонни бу ерга яқин йўлатмасди. Отаси баъзан илвасинни мўл қилиб, тўлиб-тошиб келганида, ҳужра улфатлари билан тўлар, кийик гўштидан бўлган кабобни шайтон сувига чазан қилиб базм куришарди. Баъзан ови бароридан келмай уйга ҳолдан тойиб, қуқуруқ кириб келганида эса унга кўриниш беришга ҳеч кимнинг юраги бетламасди. Бурҳон овчи Усмон ўн иккига кириб-кирмай вафот этди. Ҳали бу фожианинг бутун қудратини ҳис қила олмай, келди-кетдиларга анграйиб караб турган Усмон сўрида ўтирган чолларнинг суҳбатига беихтиёр қулоқ тутди.

– Раҳматлини кийикнинг пири уриб кетди-ёв, – деди тишсиз милклари билан бир бўлак нонни чайнай олмай кавшанаётган қоқсуяк чол, – Ўзим гувоҳи бўлганман. Бўриётоғидаги кийикларни Бурҳон овчи қийратди. Бир куни десанг, қўшда оёғимни чўзиб ётувдим, узоқдан бархан оралаб, Бурҳоннинг пат-пати товуши чиқди. Бир пайт қуоқ чанг кўтарилди. Ўрнимдан туриб қарасам, ўттиз чоғли кийикни олдига солганча пат-патини учириб қувиб юрибди. Ярим соатча таъқиб қилганидан сўнг, уларни ялангликка олиб чиқди. Кейин нима бўларкин, деб кизиққанымдан бархан устига чиқиб қарасам, Бурҳон билан яна бир киши қарсиллатиб отиб ётибдилар. Беш-олти чоғли кийикни отишди-ёв, дедим. Бироздан кейин уларнинг товуши ўчди. Ўша куни кечга яқин, ўғлим бир ярадор кийикни эшакка ўнғариб олиб келди. Орқа чап оёғини ўқ чўрт синдириб кетган экан. Негадир, бечоранинг қорни ва оёқлари оппоқ, танасининг ранги эса қора эди. Шу пайтгача бунақа қора кийикни кўрмагандим. Бунда бир хислат бўлса керак, деб ўйладим ва унинг оёғини тахтақлаб боғлаб боқа бошладим. Бир ойларда тузалиб қолди. Кейин сурув орасига қўйиб юбордим. Анча эл бўлиб қолганди. Кейинчалик кийиклар яқинроқ келганларида уларга қўшилиб кетди. Лекин аҳён-аҳёнда келиб қолар, мен ҳам қўлимга илашган нонми, емми унинг оғзига тутардим. Жонивор бирам гўзал, киришимли эди-да ўзи ҳам. Ўлган кишининг ортидан яхши-ёмон гапириб бўлмайди-ю, лекин ҳар сафар Бурҳон саҳрони оралаганида юрагим симиллаб, шу кийикни отиб қўймасин-да, деб Худонинг зорини қилиб турардим. Бурҳон кетгандан сўнг бир-икки кун ўтиб, кийиклар ўтлайдиган жойларни айланардим. Шунда унинг ўтлаб юрганини узоқдан бўлса ҳам кўриб, хотиржам тортиб қайтардим. Бир куни отарни сувга ҳайдаётганимда яна пат-патини патиллатиб Бурҳон келиб қолди. Саҳрода анча айланиб юрганидан бўлса керак, юзи қорайиб, уст-боши чангга беланган, томоғи қақраб кетганидан, овози базўр хириллаб чиқарди. У сув сўраб келганди. Сув бердим. Саксовулнинг соясига хуржунини тўшаб бироз нафас ростлади. Шундан фойдаланиб, унга насиҳат қилмоқчи эдим, қаерда... Ҳатто қулоқ солгиси ҳам келмади. Икки кундан бери саҳронинг тит-питини чиқарса ҳам бирор кийик учрамабди. Менимча кимгадир кийик отиб келаман деб ваъда берган у. Энди қуйи

сувлоқ томонини қидираман, деди. Юрагим «шувв» этиб кетди. Кеча кечкурун кийикларнинг шу томонга кетаётганини кўрган эдим. Шу томонга борса албатта кийикларни топади. Уни гапга кўндиролмаслигимни тушуниб охирида кўнглимдагини айтдим.

– Орқа чап оёғи бироз оқсайдиган, урғочи қора кийик бор, илтимос укам, шуни отмагин.

– Қизиқсиз-а, Абдурахмон ака, тўдага қараб отгандан кейин, ўққа шу кийикка тегма, бунисига тег деб айтиб бўладими!

– Укажон, шу кийикнинг бир хосияти бор. Бекорга унинг ранги қора эмас. Шуни ўлдирмагин, илтимос. Уволи ёмон бўлади.

У менга бир қаради-ю индамади. Пат-патига миниб, қуйи сувлоқ томонга кетди. Шундан кейин кийикнинг қайтиб кўрмадим.

...Усмон ўшанда ёшлик қилибми, ёхуд чолнинг изтиробини ҳис қила олмаганиданми, «Отамни ёмонотлиқ қилмоқчи бўляпти, ичиқора», деб ўйлаганди. Лекин йиллар ўтиб, отасининг ўлими тафсилотларини эшитгач, Абдурахмон чорва ва унинг кийиғи ҳақидаги воқеани бот-бот эслаб қоларди.

... У замонлар Бурҳон овчи қолхозда табелчи бўлиб ишлар, бош ҳисобчиликка кўтарилишни орзу қиларди. У қолхозда, молия техникумини тугатган ягона дипломли ҳисобчи бўлса-да, аммо раис уни ҳисобчиликка қўйишга шошилмасди. Ўқишни тугатиб келганида, «бир йилча табелчилик қилиб турасан, кейин албатта ҳисобчиликка ўтказаман», деб ваъда берганди раис. Лекин орадан тўрт йил ўтиб ҳам ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Раис ўша-ўша, ваъда беришдан чарчамас, йиғим-теримдан кейин албатта, идорада ўтириб, бир устолга эгалик қилишини айтиб қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб юбораварди. Шунда унинг яқин жўраси, кассир бўлиб ишлаётган Умарқул бир гап билан кўзини очиб қўйди.

Ўшанда Умарқул иккови кимнингдир тўйидаги ошда ҳамтовоқ бўлиб қолди. Гурунғ оқими Бурҳоннинг табелчилигига тақалганида, у чидай олмай дардини дастурхон қилиб юборди, Умарқул сирли илжайди.

– Туппа-тузук овчисан, ана, Бўриётоғи кийикка тўлиб ётибди. Биттасини шартта отгину раиснинг уйига элтиб ташла. Раис кийик гўштини кўрса ўзини тойдан ташлайдиганлардан. Мени айтди дерсан, эртагаёқ ҳисобчиликка ўтказди сени.

Бурҳон овчи унинг айтганидек қилди. Эртаси куни ўз бригадаси билан пайкалга чиқаётганида уни раис йўқлатди.

Раис бу сафар уни олдингидек энсаси қотиб эмас, анчайин илиқ қарши олди. Кеча еган кийик қовурдоқнинг таъмини тамшаниб эсларкан, уни ёрдамчи ҳисобчиликка ўтказиш тўғрисидаги буйруққа гажақдор имзо чекиб юборди.

– Мана укажон, биз ваъдамизни бажардик. Энди сиз бизнинг ўз одамимизсиз. Шунинг учун битта-яримта хизмат чиқиб қолса бўйин товламайсиз. Кейинчалик сизни бош ҳисобчиликка кўтариш ниятимиз ҳам бор. Шуни эътиборга олиб астойдил ишланг, укажон.

– Хўп бўлади, раис бува, – деди Бурҳон кўлини кўксига қўйиб.

Унинг бундай тавозеси раисга ҳам хуш ёқиб, ёйлиб илжайди.

Раис айтган «битта-яримта хизмат» ўзини жудаям кўп куттирмади. Янги жойдаги ишининг иккинчи ҳафта-сидаёқ раиснинг мухташам кабинетига чақирилди.

– Келинг, Бурҳонжон. Сизга битта хизмат чиқиб қолди.

Бурҳон кўлини кўксига қўйди.

– Эшитаман, раис бува.

– Гап бундоқ. Уч кундан кейин, ижроқўмнинг туғилган куни. Шунга бир кийик кабоб қилдирмоқчи эдим. Кейин у киши, шунақа жониворларни яхши кўрадилар. Уйлари запарк бўлиб кетган. Ҳар хил қушлар, ғалати жонзотларни боқадилар. Шунга бир кийик боласини тирик ушлаб келсангиз, зўр бўларди-да. Бу ишлар сиздай овчига чўт эмас-ку, а? – Раис теваракка бир аланглаб, сирли пичирлади. – Нормат ака нафақага чиқаман деб қўймай юрганди. Сизга ишонаман, иқтисодчиликни бемалол эплайсиз.

Бурҳон овчи аста-секинлик билан раиснинг қўйган тузоғига чирмашиб бораркан, мансаби ҳам йилдан йилга ошар, раиснинг ҳакалак отган нафси Бўриётоғи кийикларига қирон келтирарди. Бош ҳисобчиликка кўтарилганидан кейин раис овга чиқишингизга ярайди деб бир сувчига аталган мотоциклни унга топширди.

– Вилоятдаги бир раҳбаримизга кийик гўшти зарил, – деди бир куни раис, – агар шуни эпласангиз, шу йил ҳосил байрамида «Москвич»ли бўлиб қоласиз.

Бурҳон ширин энтикди. Ахир қишлоқда шу раиснинг «Волга»сидан бошқа машина йўқ. Машина миниб қишлоқ кўчаларини чангитиб юришини, кўрган ўртоқларининг оғзи очилиб қолишини тасаввур қилиб, кайфияти кўтарилиб кетди.

– Бўпти раис бува, қойиллатамиз!

– Балли, яшанг!

Бурҳон ўшанда саҳронинг тит-питини чиқариб уч кун изласа ҳам бирорта кийикнинг қорасини кўролмади хуноби чиқиб юрганида Абдурахмон чорвага дуч келганди. Ўша куни шом қўнаётган маҳалда қуйи сувлоқдан кийикларнинг сийрақина тўдасига кўзи тушди. Уларни безовталиқ билан шохдор така сувга бошлаб келарди. Мотоциклнинг патиллашини эшитсалар бир сониядаёқ кўздан йўқолиб, чеку чегарасиз сахро бўйлаб тарқалиб кетишга тайёр турардилар. Бурҳон мотоциклни ўчириб сувлоққа писиб боришга қарор қилди.

Шохдор така сувлоқ ёнидаги мўъжаз тепалиқда хушёр турар, сийрақлашиб қолган тўда эса шошапиша сув ичарди. Бурҳон салгина эҳтиётсизлик қилиб, оёғининг остидаги шохни шитирлатиб юборди. Қари така эса қулоғини динг қилиб ерни бир тепиб қўйди. Сувга энгашган кийиклар бирдан бошларини кўтардилар. Шошилмаса бўлмасди. Қоронғулик аста-секинлик билан қоплаб келаётган сахрога сингиб, кўздан йўқолишлари ҳеч гапмас! У шошилиб ўрндан турди-да чопиб кетаётган тўданинг сўнггидаги оқсаётганлиги элас-элас сезиладиган йириккина қора кийикни мўлжалга олиб тепкини босди. Кийик ўмбалоқ ошиб тушдию зарбдан яна туриб кетди. Бурҳонга у яна югуриб кетаётгандек туюлиб, иккинчи ўқни ҳам бўшатди. Кийик илтижоли бўзлаб қулаганича қайтиб турмади. У уч кунлик сарсонлигига нуқта қўйган ўлжаси томон ҳорғин қадамлар билан яқинлаша бошлади. Шу пайт тўда бошида кетаётган така қутилмаганда ортага қайтди. Қонга беланиб ётган кийикни ҳидлаб,



этни жунжиктирувчи хунук ва йўғон товушда ўкириб юборди. Бурхоннинг оёқларидан мадор қочиби, жисмини қалтироқ эгаллади. Ўлжанинг ёнига боришни ҳам, ортга қайтишни ҳам билмай иккиланиб қолди. Бехос, сахронинг мунгли оқшомида шохдор така кийикнинг қоп-қора кўзлари билан нигоҳи тўқнашиб кетди. Ёшдан янада ялтираб, катталлашиб кетган кўзларни сўнгги кунларига қадар унута олмас керак!

– Нима қилиб қўйдим?! – Унинг ичида нимадир чирт узилгандек бўлиб, титроқ овозда пичирлади. У бўзлаётган кийик томон яқинлашишга ўзида куч топа олмади. Милтиғи оғирлик қилаётгандек қайишидан ушлаганча судраб ортига қайтди. Бархан панасида қорайиб турган мотоцикли ҳам унга кийик бўлиб туюлиб, юраги орқасига тортиб кетди. Синчиклаб қараб мотоциклини илғагач аранг судралиб бориб унга суяниб қолди.

– Менга нима бўляпти ўзи? Шунча кийик овлаб бунақа ҳолга тушган эмасдим-ку. Ҳақиқатан ҳам анави чорванинг гапида жон бормикан? Хосиятли кийикмикан у? ...Бариси бўлмаган гап! Уч кундан бери саҳро кезиб юрганидан чарчаган, холос. Ҳозирги аҳволини Умарқулга ўхшаган кўрса роса масҳара қилиб кулса керак. Кимсан, Бурхон овчи, аёлга ўхшаб кийикнинг ўлигидан қўрқиб ўтирса-я!

Бурхон мотоциклни ўт олдириб, фарасини ёқди. Узун ингичка нур яйдоқ сахрони тилиб, сувлоқ бўйидаги қамиш ва юлғунларни ёритди. Мотоцикл патиллаганча қонга беланиб ётган кийикнинг жасадига яқинлашганда Така кийик ҳамон унинг ёнида эканлигини кўриб, Бурхон яна бир сесканди, бироқ ўзини тезда қўлга олди. Мотор товушидан чўчиган така кийик бироз нарига чопиб борди-ю, таққа тўхтади. Ўгирилиб, кўзларидан кўкимтир-яшил аланга сочганича қотиб тураверди. Бурхон унга қарашга ботина олмай ўлжасини мотоциклига ўнғариб, газни қаттиқроқ сиқимлаб буради. Мотоцикл сахронинг осуда оқшомини суронга тўлдириб, ёлғизоёқ йўлдан учиб кетди.

Бурхон мотоциклнинг қулоқни қоматга келтиргудек патиллаши орасидан ортидан чопиб келаётган така кийикнинг туёқ товушларини аниқ эшитар, бунга сари юрагини ваҳима қоплаб рулга қаттиқроқ ёпишарди. Ярим тунда осуда уйқуга чўмган қишлоқни мотоциклнинг шовқини уйғотиб юборди.

\* \* \*

...Султонни аллақандай сирли куч бобосининг ҳужраси томонга тинимсиз чорлайверарди. У моматалоқ бўлган юзидаги оғриқлардан афтини бужмайтириб, бу ҳужра қачондан бери ўзига тортаётганини ўйлашга уринарди. Шунда биринчи бор қўшни маҳаллалик Қодир муштумзўрдан калтак еганида, бобосининг эски милтиғи ҳақида обдон ўйлагани эсига тушди. Ҳа, тўғри. Худди ўша биринчи бор калтакланганидан кейин, бу ҳужра, тўғрироғи, унинг сувоқлари кўчиб кетган паҳса деворидаги занглаб кетган қозиққа илиб қўйилган милтиқ уни ўзига чорлай бошлаган эди. Эҳ-ҳе, унга ҳам бир неча йил бўлиб кетибди...

Ўшанда у эндигина мактабни тугатган пайти эди. Сулувни дугоналари билан мактабдан қайтаётган пайтида учратиб қолдию, қалби, ақли, дунёқарашини, мақсадлари ағдар-тўнтар бўлиб кетди. У институтга кириш

илинжида эди. Келажақда катта-катта ишлар қилмоқчи эди. Ҳаммаси, бари-бари сувда оқиб кетгандек, бир зумда йўқолди-қолди. Уларнинг ўрнини эса тўлалигича Сулувнинг ишқи, Сулувнинг ҳажри, унинг васли-соғинчи эгаллади. У Сулувнинг чанг кўчасидаги ҳар битта хасу хашагини ўпишга тайёр эди. Сулувнинг оёқлари изи тушган кесагу тошларни бағрига босишга шай эди. У ердаги нураган паҳса деворлар нақадар бахтли, чунки ҳар куни Сулувни кўради, унинг хуш бўйини тўйиб-тўйиб ҳидлайди. Султон тонгга қадар Сулувларнинг маҳалласида изғийдиган қилиқ чиқарди. Шундай сандироқлашларида қизни олисдан кўриб қолса ҳам ундан бахтли кимсани дунёдан топиб бўлмасди.

Шундай дарбадарликнинг нечанчи кунидир, унинг мажнунлиги маҳалла йигитларининг эътиборини торта бошлади. Қодир муштумзўр бошчилигида у огоҳлантирилди. Натижа чиқмаганидан кейин эса Султон яхшигина ур-калтаклар билан уйига жўнатиб юборилди. Агар Султонда овчи бобосининг ўр феъли бўлмаганида воқеа шу билан интиҳолаган, хушини йиғиб олган йигит яна ўз ҳолига қайтиб институт умидида катта шаҳарга йўл олган бўлармиди. Аммо, унинг суяк-суягига сингиб кетган ўрлик исён қилиб эртаси кунёқ кўкарган кўзларига қора кўзойнак таққанча яна ўша маҳаллада пайдо бўлди. Қодир муштумзўр бу сафар ўзи англаб-англамай Султон билан Сулувнинг юрагида ўз ҳолича айланиб юрган ишқ жилғасини ягона ўзанга буриб юборди.

Қора кўзойнак тақиб олган «мажнун»нинг яна маҳаллада пайдо бўлгани ҳақидаги хабар шотирлари томонидан қулоғига етди.

«Шошма, – деб ўйлади Қодир. – Уни Сулувнинг кўз олдида шармандасини чиқариб, обрўсини ер билан битта қилиш керак!» Қодир ўзининг топқирлигидан мағрурланиб, ёнидаги муте шотирларига осмондан назар ташлади. Улар Қодирнинг зарбаси қанчалар залворли бўлса, ақли шунга тескари мутаносибликда ишлашини билишар, лекин унинг бакувват, суяги бузук гавдаси, маймунниқидек узун қўллари, каттакон мушти сўзсиз итоат этишларини таъминларди.

Бу сафар Султон сувга чиққан Сулувнинг кўз ўнгида калтаклана бошланди. Қодирнинг ҳар бир зарбасидан икки қадам ортга учиб кетаётган Султон, минг машаққатлар билан бўлса-да ўрнидан туриб яна рақиб томонга ташланишга ўзида мадор топа оларди. Қодир ўзининг ҳам Сулувга бефарқ эмаслигини билдириб қўйишни, буни қиз ўз кўзлари билан кўришини истарди.

– Яна Сулувнинг ортидан эргашганингни кўрсам, уйингга тирик қайтмайсан! – вишиллади у оғзидан тупук сачратиб.

– Йўқ! Ўлдирсанг ҳам аҳдимдан қайтмайман!

Қодирнинг гурзидек мушти бу сафар унинг чаккасига қалтис тегди. Султон мувозанатини йўқотиб, чанг кўчага қулади.

– Нокаут! – ҳайқиршиди шотирлар.

Сулув Қодир муштумзўрнинг анчадан бери уларнинг уйи атрофида бунақа томошалар уюштиришига кўникиб қолганди. Сулув айна мактабдан келар чоғи, ёхуд, сувга ёки дўконга чиққан чоғи бу бекорчихўжалар кураш, ё бокс мусобақасини уюштирар, пировардида Қодир барча шотирларини ер тишлатганча, мутлоқ

чемпионликни қўлга киритиб, унинг олдидан ғоз юриб ўтарди. Бугун ҳам шунақа томошаларнинг бири деб ўйлаган Сулув унга эътибор бермади. Аммо муштлашаётганлар унинг номини тилга олишганидан сўнг, эътибор бериб қараса...

– Нима қиялсан, каллахум?! Ундан қўлингни торт!  
– Сулув Қодирнинг тиржайган от башарасига нафрат ва ғазаб билан тикилганча, ҳамон тупроққа қоришиб ётган Султоннинг туришига ёрдамлашди.

...Усмон ўғлининг феълида ғалати ўзгариш бўлаётганини сезиб юрар, то ўзи бошламагунча, унга бирор гап айтиб кўнглини қолдиришни истамаганидан арқонни узунроқ ташлаган эди. Аммо унинг қиладиган ишларидан тайин қолмай, ҳатто, институтга киришга ҳам тайёргарлик кўрмаётганидан, бунинг устига ҳар икки кунда бир марта юзини кўкартириб келадиган одат чиқарганидан кейин сабр косалари лиммо-лим тўлди. Шундай кунларнинг бирида очиқ гаплашиб олиш учун ўғлини чақирмоқчи бўлиб турган эди, Султоннинг ўзи шишган юзини отасига кўрсатмасликка тиришиб кириб келди.

– Хўш, – ўғлига синовчан назар ташлади у. – Саргузаштларни бир бошдан тингларканмиз-да?

Султон иккиланиб, қизариб-бўзарганича бор гапни отасидан яширмай айтиб берди.

Усмон унинг гапларидан кейин бир муддат ўйга чўмиб қолди. Ўзининг бошидан ҳам бир пайтлар шунга яқин савдолар ўтганди. Онасининг Мунисага рўйхушлик бермаслиги сабабларининг бир учи ҳам шунга келиб тақаларди. Усмон ёлғиз ўғлини тушунгиси келди.

– Иккинчи ўша кўчага бориб, аллакимлар билан муштлашиб юрма. Менга қўйиб бер. Ўзим ҳал қиламан.

– Майли, – деди Султон ҳам отасининг ўзига хайрихоҳлигидан қувониб. Лекин Сулувнинг кўчасига бормасликка куч топа олишига ўзи ҳам ишонмасди.

Дарҳақиқат шундай бўлди ҳам. Бир неча кундан сўнг у яна Қодир билан рўпара келди. Бу гал Султон Сулув билан очиқ-ойдин гурунглашиб келаётган маҳал рақибнинг қўлига тушди.

Сулувни четга суриб чиқаришиб Султоннинг башарасига пайдар-пай мушт ёғдира кетишди. Султон яна тупроққа қоришди. Сулувнинг чирқирашига ҳеч ким эътибор ҳам бермади.

– Ўлдираман сени! Ўлдираман! – Султоннинг овози чексиз ғазабдан хирқираб чиқди. Сулув унинг кўзларида ёвузона шуъла чақнаганини кўриб титраб кетди. У ҳозироқ Қодирни ўлдириб қўядигандек, чопқиллаб бориб Султоннинг қўлларига ёпишиб олди.

– Сен ҳезим, ҳали мени ўлдирмоқчимисан?! – деди Қодир яна совуқ тиржайиб: Қўлингдан келадими? Агар яна сени шу қиз билан кўрсам, ўзингни асфалософилингга жўнатаман!

У чанга беланган Султон томонга чирт этиб тупурганча нари кетди. Султон ҳамон титроғини босолмасди. Шунда бобосининг хужрасидаги милтиқ кўзлари олдидан ўтди. Ўтаверди.

\*\*\*

...Каромат кампир неча йилдирки, тўшакка михланиб, қуни ўзи хушламайдиган келини Мунисага қолган. Ўшанда эри ярим тунда патпатини патиллатиб худ-бехуд бўлиб келганида юраги бир сесканганди.

Эрининг шунақа юришларига кўникиб қолган бўлса-да, бу сафаргиси бошқача эди. Ранг рўйи бир ҳолдаги Бурҳон овчи қонига беланган ғалати қора кийикни ерга улоқтирди. Мотоциклини деворга суяб гандираклаганча хужраси томон юрди. Кейин қорачиқлари кенгайиб кетган кўзларини катта-катта очиб хотинига гўлдиради:

– Дарвозани тамбала! У ортимдан келяпти!

Ким келяпти? Балонинг ўқиға тик борадиган эри бунча жоникади? Каромат ҳеч нарсани англамаса ҳам эрининг амрига сўзсиз бўйсуниб, ғайри шуурий тарзда дарвозанинг зулфинини туширди. Шу пайт, кейинчалик уни умрининг охиригача таъқиб қилиб юрган туёқ товушлари, худди бўғизланаётган сўқимнинг сўнги нидосига ўхшаган ваҳимали хунук товушни эшитди-ю, жисми жонига титроқ инди. Бу товушни эри ҳам эшитган чоғи милтиғини шоша-пиша ўқлаётганига кўзи тушди.

– Нима қиялсиз? Ярим кеча ҳам милтиқ отади-ми?

Овчининг қулоқлари кар, кўзлари кўр эди. У дуч келган томонга қаратиб ҳар иккала тепкини босиб юборди. Негадир битта ўқ узилди. Қалтироқ қўллари иккинчи тепкини тўғри босолмадими ёхуд патрон нотўғри жойланганми, иккинчи ўқ отилмай, ўз вақтининг келишини узоқ, қирқ йил кутиб қолди...

Каромат яримжон қайнонасининг илтижоси билан қўшни қишлоққа, қушноч кампирниқига йўл олди.

Исириқ ва яна алламбалоларнинг ҳидига тўлган бадбўй хужрага кирганида, кампирнинг оҳорсиз қасабаси остидан чиқиб, елкасида ёйилиб кетган патила-патила, кирчил оқ сочлари, буришиб кетган юзлари, киприксиз қовоқлари остидан йилтираб турган бит кўзларидан шу қадар ирганиб кетгандики, шарт ўрнидан туриб жўнаворай деди. Аммо кампир йилтироқ кўзлари билан унга тикилар экан:

– Жойингдан қимирлама! – деди амирона хирқироқ овозда. – Эшикка қулоқ тут, у шу ерда. Эшитяпсанми?

Ўша даҳшатли тунда дарвоза ортидан эшитган товушлари қулоғи остида қайта жаранлагандек бўлди. Ваҳимали хужранинг ҳилвираб қолган эшиги ортидан қандайдир ҳайвоннинг туёқ товушлари, бузоқ бўзлаганига ўхшайдиган товушда маърагани эшитилиб турарди.

– Ҳозир ўрнингдан туриб, эшикдан чиқсанг, кунинг битади!

Бу гапдан кейин Каромат турган жойида тахта бўлиб қолди.

– Эринг кийикни ўлдирган. У кийик париларининг ғазабига дучор бўлди. Энди уни ҳам, сени ҳам сўнги кунларингача ўша кийик таъқиб қилади.

Кампир мис тоғорада нимадир тутатди. Унинг кўкимтир тутунларига бир муддат караб туриб, гўё тутундан ниманидир ўқиётгандай сўзлай бошлади.

– Эринг ўлади. Кийикни ўлдирганининг қирқинчи кун. Унинг авлоди қарғишга қолган. У она кийикни отгани учун, унинг авлодида қиз фарзанд бўлмайди. Агар бўлган тақдирда ҳам у она бўлолмайди.

Кампирнинг бундай даҳшатли гапларидан Кароматнинг вужуди музлаб кетгандек бўлди: «Оғзингдан чиқиб ёқанга ёпишсин!»

– Сен бунақа гапларни хаёлингга ҳам келтирма!  
– Кампир унинг хаёлидан кечганларни ўқиб тургандек



кўзларини ғазаб билан ялтиратди. – Сен ҳам эрингнинг ордидан кетишинг кераклигини билиб турибман. Унинг олдини олмоқчиман. Қулоғингга қуйиб ол! Эринг тупроққа қўйилганидан қирқ кун ўтиб сен шу ерга, менинг олдимга келасан. Қайтарма қиламан. Шунда сен тирик қолишинг мумкин. Бўлмаса ҳар қирқ кунда уйингдан битта тобут чиқади. То овчининг авлоди буткул қирилиб битмагунча. Қайтармадан кейин бу муддат қирқ йилга узаяди.

Каромат каловланиб уйига қайтди. Лаънати фолбин, ҳали тирик, тўрт мучаси соғ одамни бир зумда ўлишига ишонтиргани унда қарама-қарши туйғуларни уйғотарди...

Қушноч айтганидек, роппа-роса қирқ кун ўтиб Бурҳон овчи омонатини топширди. Эрининг қирқи ўтганидан сўнг бир қизил хўрозни кўтариб яна кампирникига борди. Қушночнинг қилган амаллари таъсир қилдими, туёқ ва маъраган товушлар уни таъқиб қилмай қўйганди. Аммо икки-уч кундан бери юрса ҳам, турса ҳам, ўша қирқ йил бурунги, даҳшатли товушлар қулоғига киради. Кечалари алаҳлаб, эрининг қийшайиб кетган башараси, қонга беланган кийиклар уни таъқиб қилиб чиқишади. Қушноч ҳали ҳам бормикан. Ўшанга бир алас қилдирса бўлмасмикин? Агар тирик бўлса, ҳозир юз йигирмага кирган у. Ё, аллақачон суяги сурма бўлиб кетдимикан.

\*\*\*

...Султоннинг телбаворий шахд билан бобосининг ҳужрасига кириб кетганини кўриб қолган Муниса унинг қай пайтда қандай чиқиб кетганини илғамай қолди. Негадир шу куни тонгдан юраги алағда. Эрталаб эрининг ҳам ранг-рўйи бир хил бўлиб турганидан унга ҳам бирон гап айтишга юраги бетламади. Қўли ишга бормаса ҳам қайнонасининг ғурбатига қолмаслик учун ҳовлида

куймаланиб юрди. Тезроқ келин туширса, кўнгли бироз тинчиб, жисми ором олармиди.

Айвон раҳига суянганча бир муддат хаёл суриб қолибдими, шу пайт бирдан ўзи умрида кўрмаган қайнотасининг ҳужраси эшиги ғалати қийшайиб очилиб турганидан бир машъумликни илғаб юраги орқага тортиб кетди.

Дарвоза ташқарисида қандайдир туёқ товушларига омухта бўлиб ваҳимали бўғиқ овоз ҳам эшитиларди. Бу товуш тушларига кириб чиққан товушларга ўхшаб кетарди. Шунда у беихтиёр эшиги қийшайиб кетган овчининг ҳужрасига қараб юрганини билмай ҳам қолди. Ҳужрада қирқ йилдан бери илиғлиқ милтиқ йўқ эди.

– Султон... Султон кирган эди!

Муниса юз беражак мудҳиш фожеани ҳис этиб, сесканиб кетди. Ковушларни пойма-пой илиб ташқарига чиққанида, шундоққина дарвозалари рўпарасида қорни ва оёқлари оппоқ, танаси эса негадир қорайиб кетган кийик йирик-йирик қора кўзларини жовдиратганча қараб турарди.

Муниса бу гавжум кўчада кийикнинг қандай пайдо бўлиб қолганидан ҳайратланиш ҳам эсига келмай у томон юрди. Кийик ортимдан юр дегандек, уни бошлаб кетаверди. ...Бир пайт Сулувларнинг маҳалласида кўрди ўзини... Ана, ёлғизи Султонжон аллақандай маймунсифат йигитга милтиқ ўқталиб турибди.

Онанинг юраги ҳаприқди.

– Тўхта-а!!! Султонжон, бола-ам...

Қирқ йил олдин мўлжалга олинган ўқ унинг кўксини ўпириб кетганди. Мунисанинг бир неча сонияда оқарган сочлари ёйилиб, енгил бир эпкинда силкинди. Ўзининг қулаётганини, бехосдан онасини нишонга олиб қўйган Султонжоннинг қийшайган башарасини элас-элас иллаганча кўзлари юмилди...

## РИШТА



– Ҳобил амаки оламдан ўтибди...

Совуқ хабар қишлоққа бир зумда тарқалди. Дўппи, чопон кийган кишилар Ҳобил амакининг уйига йиғила бошладилар. Минг йилдан бери одат шунақа. Кимдир чин дунёга сафар қилар экан, барча қилаётган ишини ташлаб, азадор хонадонга шошилишади. Иш кутиб туради. Бу ерда инсон омонатини топширган...

Қариндош-уруғлар шивир-шивир қилишиб, Ҳобил амакининг қирқ йилдан бери юз кўрмас бўлиб кетган акаси – Қобил теричига ҳам хабар беришга қарор қилдилар.

Қобил теричи Сталин ўлганидан кейин қамоқдан қайтгач, бир мартагина укасининг уйига келган ва шу бўйи бошқа қорасини кўрсатмаган, Ҳобил ҳам уни йўқлаб бормаган, бу аччиқ ҳақиқатни ҳамма билади. Оға-инининг орасидан не гап ўтгани эса қоронғу. Ҳатто қишлоқнинг қайси ғунажини кимнинг буқачасига кўзини сузаётганига биламан, деб лоф урадиган уста Севин ҳам бу сиру саноатнинг тагига етолмай доғда эди. Буни Ҳобил амакидан сўрашга журъат топган пайтлари

хам бўлган, бироқ “Товуққа ўхшаб гўнг титишни қачон бас қиласан, Севин” деган заҳаролуд, шивирлагандек паст товушда айтилган жумладан кейин, уста пилдирпис бўлиб қолган эди. Хуллас оғани қирқ йилдирки бир-бири билан гаплашмайди.

Бунинг устига теричи қамокдан келган куни ҳол сўрашга келган ҳамқишлоқларининг оёғи узилиши билан, полуторкани олиб келиб унга лаш-лушларини, хотин ва бола-чақасини ортиб қишлоқдан йигирма чақиримлар наридаги қозоқлар овулига ёндош темирйўл станциясига кўчиб кетди. Ҳозир у станция кичикроқ шаҳарчага айланган, қозоқ ўтовлари чўнкайиб турадиган жойларда яхлит панеллардан тикланган, тўрт қаватли, негадир унда яшайдиган ўрис геологлар “Хрушевка” деб атайдиган уйлар қад кўтарган эди. Қобил теричи нафақага чиққанидан кейин ҳам қишлоққа қайтиб келмай, темир йўл ишчилари учун давлат пишиқ ғиштдан қуриб берган уйда яшайверди. Бу орада қозоқ чўпонларидан бошқа ҳеч кимга керак бўлмаган сап-сарик саҳродан ермойи топилиб, бу овлоқ станция гавжумлашиб қолди. Бу ерда геологлар шаҳарчаси қуриладиган бўлиб, теричининг катта ўғли Баҳриддин қурилишга ишга кирди. Кичиги Фаҳриддин эса “буравой”чиларга кўшилиб, ҳафталаб чўлда қолиб кетарди. Кейин иккаласига ҳам янги қурилган “хрушевка”лардан уй беришди. Давлат ҳам бор пулини шу саҳрога тўкишга аҳд қилган эканми, уларнинг оладиган ойлиги ҳисобини эшитган теричининг бошидан қатирмоч телпаги тушиб кетар даражага етарди. Қобил теричи бирин-кетин, орадан олти ойни ўтказиб, иккала ўғлини уйлантириб қўйди. Тўғриси айтганда, ўғиллар ўзларини ўзлари уйлантиришди десаям бўлади. Бу тўйларга ҳам, сарпо-суруқларга ҳам теричи бир сўлкавой сарфлагани йўқ. Буларнинг барчасини, янги уйдаги асбоб-анжомларигача ўғилларнинг ўзлари сотиб олишди. Тўйга қишлоқдан ҳеч ким келмади, ҳисоб. Фақатгина Ёлғиз аммасидан қолган Ёдгор жиянини айтмаса... Ўғиллар фалончиниям айтилиб, дейишмади. Теричи ҳам ановиларга ҳам хабар беринглар, деб эмранмади. Тўй янги пайдо бўлаётган шаҳардаги ёш-яланглар, теричининг ошналари бўлган Рауф абзига ўхшаган қари темирйўлчилар билан ўтди. Ўғиллар қишлоқда амаки, амакиваччалари борлигини унутишган, Қобил теричи уларни унутолмаса-да, эслатмоққа уринган тилни кесишга тайёр, ҳам босқон, ҳам сандоннинг орасида қолиб, бир сиқимгина бўлиб юрган кампирнинг эса дарди ичида...

...Қобил теричи йигирманчи йилнинг сунбуласини ҳеч қачон эсидан чиқармайди... Қирқим пайти эди. Бунақа пайтда чўпон-чўлиққа мардикор қирқимчилар ёрдамга келишади. Садриддин теричининг беш мингдан ортиқ қўй-кўзисининг жунини тўрт чўпон билан етти чўлиқ, ана боринг теричининг икки ўғли – йигирмани уриб қўйган Қобил билан ўн олти яшар ўспирин Ҳобилларни қўшса ўн уч киши бир ҳафтада қирқиб тугата олмайди-ку. Бу йил қирқим маҳалидан бир ҳафта ўн кун олдин келадиган Садриддин теричи ҳа деганда кўринавермагач, Қобил чўпонларга қўйларни дарё бўйига ҳайдашни айтди.

– Отам негадир кечикди. Қўйларни ўзимиз ювиб турайлик-чи. Ҳали-замон келиб қолар.

Беш минг қўйни дарёда чўмилтиришга икки кун кетди. Қўйни чўмилтирмасдан қирқиб бўлмайди. Ёз

бўйи чангда, хас-хашак орасида юрган жониворнинг узун жунларига тупроғу чўп-чор илашиб қолиб узун қайчи – қирқликнинг тиғини жун орасига ўтказмайди. Натижада ҳам қирқимчига, ҳам қўйнинг ўзига азоб бўлади. Қўйни чўмилтиришнинг қанчалик машаққат эканлигини айтиш шарт эмас...

Чўлиқлар бир сурув қўйни дарёнинг саёзроқ соҳилига тақаб келадилар. Иштончанг бўлиб олган чўпонлар эса бирин-кетин қўйларнинг орқа оёғидан тортиб сувга туширишади ва қўйни чалқанча қилиб қулоғига сув кирмаслиги керак) сувга ботириб олаверадилар. Офтоб тиғида муздек сувга тушиб олиб қўй чўмилтириш олдинга серзавқ туюлади. Чўпонлар қийқиришиб, бир-бирларига сув сочиб қўй ювадилар. Бир қўйни чиқариб юбориб, иккинчисини ушлаб келтиргунларича бир-икки ёшроқ чўпонлар дарёнинг чуқурроқ жойларига шўнғийдилар, атрофга сув сачратиб сузиб келадилар. Аммо вақт ўтган сари қўйларни ушлаш қийинлашиб боради. Чунки дарёдан чиққан қўйлар жундан оққан сув қирғоқни шалаббо, сирғанчиқ қилиб ташлайди. Соатлаб сувда ҳаракат қилиш, уларни очқатиб, тинкасини қуритиб ташлайди. Чарсроқ тўқли ва кўчқорларни бўйсундириб дарёга олиб тушишнинг энди ўзи бўлмайди. Кун охирига бориб бечора қирқимчию чўпонларнинг аҳволини кўрса ҳатто маймунлар ҳам хўнграб юборар даражага келади. Сирғанчиқ қирғоқда йиқилавериш, бунинг устига туёқлар ва шохларнинг зарбларидан моматалоқ бўлмаган жойи қолмаган бечоралар, бир косадан шўрвани зўрға ичиб шундоққина ухлаб қолаверадилар.

Садриддин теричи қўйлар ювиб бўлинган куни тунда келди. Қобил қирқимчилар билан қапада ухлаб ётган, Ҳобил эса чўлиқлар билан бирга сурув ётган жойда гулхан ёқиб ўтирарди. Отасининг келганини у кўрди. Кўрдию, отасининг олдига эмас, ухлаб ётган акасини уйғотиш учун чопди.

Садриддин теричи йилида уч марта, эрта баҳорда, тўл бошланган пайтларда келиб, қўзиларнинг сўйиладиган ва қолдириладиган қисмларга ажратар, тайёр териларини тузлаб, қапага босар, бунинг устига қўшни чорвадор бойлардан ҳам минглаб қоракўл териларни сотиб олар ва уларни араваларга юклаб Бухорога олиб кетарди. Шунинг учун ҳам уни Садриддин теричи дейишарди. Кейинги сафар орадан бир ойни ўтказиб баҳорги қирқимга келарди. У шу ерда ўн кунча туриб, жунларни саралаб қанорларга жойлатар, қўшниларнинг ҳам жунларини сотиб олиб яна араваларга юклаганча Бухорога кетарди. Тирамойи қирқимда ҳам шундай қиларди. Айтишларича теричининг Бухорода катта ҳовлиси, хотинлари бор эмиш. Бироқ Қобил бунга ишонмиш, ишонмаслигини ўзи ҳам билмасди. Чунки отаси уни бирор марта ҳам Бухорога олиб борган эмас.

Ҳобил йилида аттиги уч мартагина кўрадиган теричидан ҳайиқар, ёввойиларча қандайдир туйғу уни отасига яқинлашишга қўймасди. Шунинг учун ҳам у акасига яқинроқ эди. У чопиб бориб акасини уйғотди ва отасининг келганини унга билдирди. Қобил инқиллаб ўрнидан турди-да оти қозигини қоқаётган теричининг ёнига қараб юрди.

– Қобил, буёққа юр, гап бор, – деди отаси эгардан хуржунни олиб унга узатаркан.

Хуржун оғиргина экан. Қобил уни елкасига ташлаб отасининг ортидан эргашди. Улар нарироқдаги чайлага киришди.

– Мен кетяпман, ўғлим, – деди у бироз сукутдан кейин оғир тин олиб. – Амир енгилди. Ўрислар Бухорони кунпаякун қилиб ташладилар. Энди бу ерларга ҳам келишлари мумкин. Мен Амирнинг ортидан Афғонга кетяпман. Эрта пешинда карвонга қўшилиб оламан. – Садриддин теричининг овози олдингидек ўктам эмас эди. У хуржунда чоғроқ сопол кўзачани чиқариб Қобилга узатди. – Бунда мингта тилла танга бор. Яшириб қўй. Эртага тонгда қўйларни Помуқ томонга ҳайда. Ўша ердан Бешим Дурдини топ. Қўйларнинг ҳаммасини унга сотасан. Бешим Дурди инсофли, дангал одам. Мени яхши танийди. Пулни Бухоро тилла тангаларида тўласин. Беш минг танга бўлади. Уни ҳам шу кўзачага солиб, то яхши замонлар келгунча овлоқ жойга кўмиб қўй. Худо хоҳласа бир-икки йилда ўрис балосидан қутуламиз. Шунда Амир билан қайтиб келаман. Шунда сени ҳам, укангни ҳам уйлантираман. Бу пулларни шунга ишлатамиз. Ҳатто онанг ҳам билмасин. Тушундингми?

– Тушундим, – деди Қобил ғамгин.

– Агар мен келмасам, Ҳобилни сен уйлантирасан. Укангга оталик киласан. Мен сенга ишонаман. Агар ўлиб кетадиган бўлсам, буни васият ўрнида кўрасан. Тиллани уканг билан тенг бўлиб оласан. Укангнинг ҳақиға хиёнат қилмасликка онт ичасан.

– Онт ичаман, ота, агар укамнинг ҳақиға хиёнат қилсам, Худо урсин!

– Майли, ўғлим. Сен эсли-хушли йигитсан. Сенга ишонаман.

Садриддин теричи ўғлини қаттиқ бағрига бошиб хайрлашди. Кейин намланган киприкларини кўрсатмаслик учун терс ўгирилиб отини қозиқдан бўшатди ва узангига оёқ қўйди.

Қобил қоронғуликка сингиб бораётган отасининг шарпаси ортидан узоқ термулиб қолди.

Қобил ҳаммасини отаси айтгандек қилди. Буни на онаси билди, на укаси.

Орадан йиллар ўтди. Амир қочганидан кейин ҳам ҳаёт тўхтаб қолгани йўқ. Садриддин теричининг ҳовлида йигирма-ўттизтача қўйни қамаб боқиш одати бор эди. У сурувдан қўй келтириб сўйдирмас, меҳмон келганда кўрадаги қўйлардан сўйиларди. Шунинг учун ҳам бу қўйлар семизгина бўлиши лозим эди. Қобил энди шу қўйларнинг изига тушиб боқиб юрадиган бўлди.

Бухорони олган ўриснинг ҳукми бу ерларга ҳали етиб келмаган, бироқ ўғрию қароқчининг куни туғиб қолган паллалар бошланганди. Кимдан, қаердан эшитган, билмайди, бир куни иккита башарасини жун босган қароқчилар келиб унинг бўғзига ханжар тиради. Отасидан қолган тиллани чиқариб беришни буюрди.

– Отамдан ҳеч қанақа тилла қолмаган, – изиллади йигит. – Тиллам бўлса шундоқ юрармидим?!

Йигитнинг сўзлари ишончли чиқди. Устида шарт кетиб, парти қолган, ямоқлари кўплигидан асли қандай матодан тикилганини англаб бўлмайдиган даражадаги яқтак-иштон. Оёғидаги кавушнинг йиртиғидан қорайиб, ёрилиб кетган бармоқлари чиқиб турарди. Олдига солиб ҳайдаб юрган қўйлари ҳам рамақижон. Ҳайтовур қароқчилар унга ишониди.

– Берди энағар бизни чув туширибди-да. Бу болада тилла тугул, уйида бир бурда нони ҳам бўлмаса керак. Юр кетдик, – деди норғулроқ қароқчи ва улар ортига ўгирилиб от суриб кетдилар.

Қобил Берди кимлигини яхши биларди. У ўзларининг чўпони. Помуққа бирга қўй ҳайдаб боргандилар. Бир-икки марта “Бундоқ юргунча ўша тиллаларни ишлатиб, бойвачча бўлиб юрмайсанми?” деган илмоқли гап қилганди.

– Ўша куни тунда отам келиб, барчасини олиб кетганлар. Уйда тиллам бўлганда ўзим билардим, – деганди ўшанда Қобил.

Демак аблаҳ Берди унга ишонмаган экан-да. Бироқ қароқчилар ишониди. Қайтиб безовта қилишмади.

Орадан етти йил ўтиб, ниҳоят Шўро ҳукумати бу овлоқ саҳрога ҳам етиб келди. Берди қишлоқ шўросига раис бўлди. Босмачи, қароқчи деганлари йўқолиб кетди. Одамлар енгил нафас олиб, уёқ-буёққа чиқадиган, Бухорою Қаршининг бозорларига бориб келадиган бўлишди. Қишлоқда анчадан бери бўлмаётган тўйлар бошланди.

– Қобилжон, – деди онаси бир куни, – ёшинг йигирма еттидан ошди, уканг ҳам йигирма учга кирди. Энди сизлар ҳам уйлансаларинг, мен ҳам келин олиб невара кўрсам...

– Майли, эна, – деди Қобил, энасига мулойим жилмайиб қараркан, – кимни келин қилмоқчисиз?

– Шу, Бердининг икки қизи бўйга етиб қолган. Ўзимнинг кўлимда ўсган, десамам бўлади. Тунов кун Гулжон чиқиб шунга шама қилгандек бўлувди. Нима дейсан?

Отаси бадар кетгандан бери Қобил шу хонадоннинг хўжаси. Онаси бирон иш қиладиган бўлса, албатта катта ўғлига маслаҳат солади. Қобил ҳеч қачон ноҳўя маслаҳат бермаган. Бу сафар эса Қобилдан садо чиқмади. Чунки Бердининг нима ишлар қилиб юрганини онаси ҳам, укаси ҳам билмайди. Уларга Бердининг қароқчиларни унга йўллаганини уларга айтгани йўқ. Берди ҳамон тилладан умидини узмаган кўринади, лаънати.

– Эна, шу гапингиз бўлмайдиганга ўхшаяпти. Берди яхши одам эмас.

Энаси унинг феълени билгани учун, нега деб сўраб ўтирмади.

– Бўлмаса, ўзинг айт, кимникига борай?

– Эрназар полвонникига боринг. Унинг ҳам бўйга етган икки қизи бор эди, шекилли.

– Қизлари борликка борку-я, бироқ...

– Нима бироқ, эна?

– Полвони қурғурнинг димоғи баланд. Бизга берармикан...

– Беради. Мен эртага Бухорога кетаман. Қайтиб келганимдан кейин борасиз.

Шу куни тунда Қобил тандирхонага кўмилган кўзадан йигирмата тилла тангани олиб белига тугди ва Бухорога кетди. Уч кундан ўтиб, сарпою суруқ, новоту ҳолвага тўлдирилган икки қопни елкалаб қайтиб келди. Кейинги чоршанбада Ҳидоят кампир оҳори тўкилмаган адрас қўйлаги устидан бахмал нимчани кийиб, манглайчаси устидан бухори шол рўмол ташлаганча амиркони маҳси ковушда, дастурхон ўралган тоғорасини қанд-курсга тўлатиб Эрназар полвоннинг уйига йўл олди.

Орадан ой ўтмай, Эрназар полвон кўш куёвли, Ҳидоят кампир кўш келинли, Қобил билан Ҳобил эса бир-бирига божа бўлди. Қобил укасини уйлантирганида отасига берган ваъдасини бажариб, елкасидан тоғ ағдарилгандек туюлди.

Орадан яна бир неча йил ўтди. Берди шўро қанчалик ҳаракат қилмасин, барибир Қобилни кулоқ қилиб Сибирга сургун қилишнинг иложини топа олмади. Бу орада Ҳидоят кампир оламдан ўтди. Қобил икки ўғил кўриб уларни Баҳриддин ва Фаҳриддин деб номлади. Ҳобилнинг эса негадир хотини юкли бўлавермади. Югурмаган табибу азайимхони, боқтирмаган дўхтири қолмади. Шу пайтларда Қобил яна тандирхонадаги кўзадан беш танга олиб укасига тутқазди. Бухорою Самарқандларга бориб даволатишни маслаҳат берди. Укаси хотинини олиб сафарга чиққан кун кечкурун унинг ҳовлисини мелиса босди.

Хотини ва болаларини бурчакка дилдиратиб қўйиб, хонадаги лаш-лушларни ўртага уйганча титкилаб нималарни излашга тушишди. Кейин молхона, ўтинхона, тандирхонани ҳам титкилашди. Тузук-қуруқ нарса топишолмади шекилли, отасининг қирқ йилдан бери отилмаган, алмисоқдан қолган пилтамилтиғига ёпишиб олишди, худди босмачини қўлга туширгандек, уни қуроли билан отга ўнғариб олиб кетишди.

Терговда эса босмачиларни эмас, Садриддин терричидан қолган тиллаларни сўрашди. Ёшгина нўғай терговчи йигит уни ҳар сафар терговга чақирганида “Ҳа, теричи, келдингми, балки бугун айтиб берарсан, тиллаларни қаерга яширганигни!” – дерди. Ҳар қанча азоб беришса-да, барига чидади. Тилланинг қаердалигини айтмади.

Бир ҳафта Косондаги мелисахонанинг тор ва зах зиндонидида ётди. Шунда уни йўқлаб аввал хотини катта ўғли Баҳриддинни эргаштириб келган бўлса, иккинчисидида қаердан хабар топган, билмайди, Ҳобил билан келди. Ҳобилнинг келгани яхши бўлган экан. У отасининг васиятини бажаришга имкон топди. Бор-йўғи ўн дақиқалик учрашувда у Ҳобилни кучоқлаганча шивирлади:

– Тандирхонанинг остонасини кавла. Топганигни олиб бошқа жойга яшир. Отам уни тенг бўлиб олинлар деганди. Яхши замонларда учрашсак, ярмини берарсан. Бўлмаса болаларимга ишлат. Улар хор-зор бўлиб юришмасин.

– Хўп, оға, – деди Ҳобил йиғламсираб. – Илойим омонлиқда учрашайлик. Шунда ҳаммасини ўзингизга қайтариб бераман.

– Эҳтиёт бўл, ука...

Бундан буёғига эшик олдида кўзини лўқ қилиб ўтирган мелиса гапиртиришга қўймади. Ҳобилни турткилай-турткилай ташқарига чиқариб юборди. Шундан кейин яна учрашишга имкон бўлмади. Уни суд-пуд ҳам қилиб ўтирмай, тўппа-тўғри ўн беш йилни босишди-да, Сибирга жўнатиб юборишди. “Отилмай қолганинга шуқр қил, босмачи,” деб писанда ҳам қилиб қўйди унинг ишини ёпаётган терговчи...

Орадан икки йил ўтди. Акаси бадар кетди. Ортидан бир парча қоғоз ҳам келмади. Ҳобил акасининг отилиб кетганига шубҳа қилмай қўйди. Қирқинчи йилнинг кеч кузидида ҳеч қандай даво-муолажаларнинг фойдаси бўлмагач Ҳобил хотинини ҳайдаб солди. Унга кўшилиб янгаси ва икки жияни Эрназар полвонниқига кетади-

ган бўлганида ҳам парво қилмади. Ҳайҳотдек ҳовлида бир ўзи қолди. Унинг уйига негадир Берди серқатнов бўлиб қолди. Ҳар келганида стансиядаги темирйўлчи ўрислардан олган бир шишани кўтариб келарди. Иккаласи анчагача шакаргуфторлик қилишарди. Шундай улфатчиликларнинг бирида Берди қишлоқдаги мактабда хўжалик мудирлиги бўш эканлигини айтиб шу ишга ўтишга ундади.

– Сени ёшлигингдан биламан. Хат-саводинг чакки эмас. Чўт қоқишни ҳам эплайсан. Кел, қолганига ўзим ёрдам бераман...

Ҳобил мактаб хўжалик мудирлигини эгаллаган бўлса-да кунини Шўро идорасида ўтказадиган бўлди. Албатта иш куни Ҳобилниқидида ичкиликли зиёфат билан яқунланадиган бўлганидан кейин, мактабнинг директори Шўронинг ошнаси бўлган Ҳобилнинг пишагини пишт дейишга ботина олмас, бунга сари унинг ўз ҳомийси Бердига ихлоси ошиб борарди.

Бу орада эса туну-кун акаси кетида судралиб, ўн бешини элликка етказган қўйларни сотиб, сўйиб баракасини учира бошлаганига чидай олмаган Эрназар полвон қизларининг юқларига қўшиб, қолган йигирма беш қўйни олиб кетди.

– Сен ҳаромхўр, майли хотининг туғмас экан, қўйдинг. Бунга индамадим. Нега энди шу норасидаларнинг ризқини еб ётибсан? Инсофинг борми ўзи?!

Ҳобил аллақандай совуқ, тиржайганча индамай тураверди. Полвон сўкинганча чиқиб кетди. Орадан бир ой ҳам ўтмай, Ҳобил Бердининг ўтириб қолган қизига уйланди. Энди улфатлар қайнота-куёв бўлиб олганларидан кейин янада қадрдонлашиб кетгандилар. Навбатдаги шакаргуфторлиқда Берди айёрлик билан унинг қўйнига қўл солиб кўра бошлади.

– Сен ёш эдинг, биласанми, йўқми, хў, пошшо қочган йили отангнинг беш минг қўйини Помуққа элтиб Бешим Дурдига сотиб келгандик. Бир хум тилла бўлганди. Шуни Қобил исини чиқармай кетди. Жуда-а писмиқдан келган экан аканг.

– Нега исини чиқармас экан? Чиқарди, – деди кайфдан яйраб ўтирган Ҳобил қайнотасига ўзининг давлатманд одам эканлигини кўрсатганча мақтаниб қўйди. – Косонда қамоқда ётганларида боргандим. Ўша тилланинг жойини айтдилар. Олиб бошқа жойга яшириб қўйдим.

Бердининг кўзлари катта-катта бўлиб кетди. Демак лаънати Қобил писмиқ шу пайтгача ҳаммани алдаб юрган экан-да! Вой ҳароми-ей! Ҳатто органни ҳам чув туширибди-да!

– Шунақа дегин, Ҳобилвой! – деди у энди ялтоқланганча илжайиб. – Омадим чопиб қолди, десанг-чи, куёв!

Берди ўрнидан чайқалганча туриб, уйига кетганида тонг оқара бошлаган эди. Орадан ҳафта ўтказиб келди ва яна қайнота-куёв шиша устидида машваратни бошладилар.

– Бухорода Мўрдахай деган жуҳуд танишим бор, – деди у чайналиб. – Занғар жуда зўр заргар. Беш-ўн танга берсанг унга олиб борардим. Хотинингга зирак ясатардинг, кейин қолганини пул қилиб, сигир-бузоқ, беш-олти қўй қилиб қўйсанг, нимаси ёмон? Анави ўпкаси йўқ полвон бор-будингни шилиб кетганидан кейин қўранг чангиб ётибди-ку, куёв.

Қайнотасининг гапи Ҳобилга жўяли туюлди. Ўзи



кундузлари ишда бўлса, хотини эрталабдан кечгача хурракни тортиб ухлайди. Кейин кечкурунлари отаси билан ўзига чала-чулпа бир нарсани пишириб беради ва яна ўзини кўрпага уради. Пировардида бўрдоқига боқилган қўйдек семириб кетди. Агар уйда мол-ҳол бўлганида ишга куймалашармиди...

Берди эртаси куни тонгда стансияга бориб, темирйўлчи танишлари ёрдамида Бухорога кетаётган қизил вагонли поездга илашиб олди ва шу кетганича уч кундан кейин аллақандай ваҳима билан қайтиб келди: “Уруш бошланибди!”

Унга бериб юборган йигирма тангасининг аҳволи билан қизиқишга Ҳобилнинг вақти бўлмади. Бир ҳафтадан кейин ўзи, орадан уч ойни ўтказиб Берди ҳам урушга кетди. Кўзадаги тилла тангалар эса энди Ҳобилнинг ҳовлисида кўмилганча ўз вақтини кутиб ётаверди...

Қобил Сибир совуқларида қарийб ўн олти йил арра тортиди. Дарахт кесди. Бир неча бор оёқ-кўлини совуққа олдирди. Бир марта устига дарахт юмалаб тўртта қовурғасини мажақлади. Бунча азоблардан кейин одам боласининг тирик қолиши гумон, агар тирик қолганда ҳам бир умр майиб-мажруҳ бўлиб кун кечириши лозим эди. Бироқ, Қобилни нимадир ҳаётга боғлаб тургандек, негадир ҳар сафар у омон қолар, тезда тузалиб яна арра тортаверарди. Сталин ўлганида у эллик уч ёшда эди. Бироқ уни кўрганлар камида етмишни қоралаган чол деб ўйлашарди. Муттасил машаққат остида ўтган йиллар унинг жисмига ўз муҳрини босган бўлса-да, бироқ руҳини тушира олмаган эди. Уни озод қилганларида қанот чиқариб учгудек бўлиб юртга ошиқди. Шунча йиллик машаққатдан кейин одамга ўхшаб яшашни шунчалик истар эдики...

– Қанақа тилла? – деди Ҳобил акасининг саволига кўзларини лўқ қилганча жавоб қайтарар экан, – Тан-дирхонадан ҳеч қанақа тилла чиқмади.

– Отамнинг руҳини чирқиратма, ука. Унинг ярми менинг ҳақим. Шуни берсанг бўлди.

– Қизиқ гапларни гапирасиз-а, ака. Айтяпман-ку, тандирхонадан тилла чиқмади, деб.

Ҳобил ширакайф эди. Урушдан келганидан бери эрталабдан отиб олиш одатини чиқарганди. Ҳеч қаерда тузук-қуруқ ишламайдиган киши ҳар куни икки шишага пулни қаердан топади, буни ҳамқишлоқлар тушуна олмасдилар. Ойда, икки ойда бир марта Бухорога тушиб келадиган одатини айтмаса, ҳаммиша уйда бўларди.

Қобил теричи укасининг мастона кўзларидаги сурбетликни кўриб ғазаби тошди. Бироқ у билан ади-бади айтишишни ўзига эп кўрмади. Худо ўзига инсоф берса, топиб боради, деган хаёл ўтиб, лаш-лушини полторкага ортганча қишлоқдан чиқиб кетди ва шу-шу қайтиб келмади.

Ҳобил орадан бир неча йил ўтиб қаттиқ касал бўлиб қолди. Мўрдахай заргарнинг жияни бўлган машҳур дўхтир уни даволаб оёққа турғизди, бироқ, уйига жавоб бераётганида айтган бир гапи Ҳобилнинг кейинги ҳаётини буткул ўзгартириб юборди.

– Агар яна бир култум ичсангиз, ўласиз. Сизга ҳеч ким ёрдам бера олмайди.

Шу-шу Ҳобил ичкиликни оғзига олмай кетди. Кейин нураб кетган уйини тузатди. Ўғилларини уйли-жойли қилди. Ўзига нафақа тўғрилади. Соқол қўйиб, қишлоқнинг маъракаларига қатнайдиган бўлгач, уни Ҳобил амаки деб атайдиган бўлишди. Бироқ, бирон марта бўлсин акасини йўқлаб бормади.

Қобил теричи тўқсондан ошиб қолган бўлса ҳам бардам, тетик чол эди. Эрталаб бомдодни ўқиб, кейин ўз хонасига кирди. Кўрпачага ёнбошлаганча кўзи илинибди. Укаси, ўша кайфдан кўзлари қисилиб турган, сурбет ҳолда эмас, йўқ, ўша, отаси бир хум тиллани олиб келганида уни уйғотган ўн олти яшар ўспирин ҳолида экан. У қўлидаги кўзачани унинг олдига қўйиб, “ака, олинг буларнинг барчаси сизники” дермиш. Теричининг кўзлари бирдан очилиб кетди.

– Астафуролло, – деди у кўзларини кафтининг орқаси билан ишқаларкан.

Ҳеч бунақа, намоздан кейин мизғийдиган одати йўқ эди. Кейин ўрнидан туриб мўъжаз ҳовличани айланди. Гулларга қараган бўлди. Шу пайт ошхонага ёндош уйдан невара келини чиқиб келди.

– Бува, чойингизни киритайми?

– Майли.

Қобил теричи худди биров кириб келадигандек дарвозага интиқ термулди. Кейин эса бир-бир босиб ўз хонасига кирди. Келини олиб келиб қайтариб қўйган чойдан бир пиёласини эрмак қилиб ўтирди. Бироздан сўнг хабар олишга келган келинига “Мени безовта қилманглар, бироз дам олмоқчиман” деди ва ёнбошлади.

Ишга кетадиганлар ишга, ўқишга кетадиганлар ўқишга кетиб, ҳовли бир зумда сув сепилгандек жимиб қолгач, келин бир тоғора кирни чайиш учун ҳаммомга йўл олганида дарвоза тақиллади. Келин қўлидаги мағзава юқини кир чойшабга арта-арта дарвоза томон йўналди.

– Қобил амакининг уйлари шуми? – сўрарди дўппи-чопон кийиб, белини боғлаган йигит.

Келин шунча тикилмасин, барибир уни танимади.

– Ҳа, шу эди. Тинчликми?

– Ҳм, шу... бобомни бериб қўйдик. Ҳобил бобомни. Шуни Қобил амакига айтсангиз.

Келин аввалига унинг гапини англамади. Кейин Қобил бобонинг қишлоқда Ҳобил деган укаси борлигини, нимагадир икковлари юз кўрмас бўлиб кетганларини эшитганини эслади.

– Ҳозир, бувамни чақираман.

Келин дарвозани очиқ қолдириб, Қобил теричининг хонасига қараб югурди. Хонанинг эшиги қия очиқ. Ундан ёнбошлаганча, дарвоза томонга кўз тикиб ётган Қобил бобо кўриниб турарди.

– Бува, бува!

Келин чорловига у жавоб бермади. Келин ичкарига кириб, ҳамон бир нуқтага тикилиб турган теричининг қуруқшаган қўлидан ушлади. Панжа музддек эди. Келин ўлимнинг мудҳиш шарпасини сезиб, бирдан қўлларини тортиб олди. Қобил теричининг боши шилқиллаб болишга тушди. Теричи аллақачон омонатини топшириб бўлган эди.





**Рустам МАННОПОВ,**  
тадқиқотчи

## МУСАФФО ТУЙҒУЛАР МАРАЖЖУМИ

Таниқли ёзувчи Аҳмад Аъзам замонавий ўзбек адабиётида ўзининг ўрнига эга бўлган ижодкор. Унинг ҳар бир асарини ўқувчилар илиқ қарши оладилар. Яқинда ёзувчи ўзининг ажойиб бир новелласини ўқувчиларга тақдим этди: “Тугмачагул”. Бу жажжи асарда инсонга хос мусаффо туйғулар тараннум этилади. Муҳаббат изтиробларига беихтиёр ошно бўламиз. “Тугмачагул” новелласи бир муҳаббат тарихидир. Новелла бош қаҳрамони Акбар ўзи ардоқлаган қиз – Ҳабибага бўлган дил изҳорларини романтик руҳда ҳикоя қилиб беради. Новелла ибтидосида узоқ йиллардан сўнг ногаҳон биринчи муҳаббати Ҳабибани кўриб Акбарнинг эски хотиралари жонлана кетади.

У болаликдаги ширин туйғуларини эслаб бир зум хотиралар гирдобиди ўй-хаёлларга берилади. У синфдошларини, улар орасидан Ҳабибани кўз олдига келтириб, синфдошлари билан бўлган тортишувларни эслайди. Акбар билан Ҳабиба мактабни битириб Университетга ўқишга кирдилар. Ўша пайтда улар арзимаган бир воқеа туфайли тўққиз йил гаплашмай юришади. Лекин Акбар Ҳабибани севишда давом этади. У қиз ўқийдиган жойга тез-тез келиб Ҳабибани кузатиб юради. Новелла кульминацион нуқтаси Акбарнинг студентлар қурилиш отрядида Нукусга кетиши ва у ерда оёғини куйдириб олишидан кейин ўз ечимини топа бошлайди. Ҳамма курсдошлари Акбарга меҳрибонлик кўрсатишади, унга ўзлари қараб туришади. Лекин Акбар Ҳабибанинг келишини кутади. Севгани Ҳабиба келмагач Акбар Ҳабибани кечира олмайди. У аламлар ўтида қоврилади. Энди қалбидан қизни чиқариб юборишни ўйлайди. Бир куни у хиёбонга бориб бир нечта музқаймоқ еб ўз қалбини совутади. Акбар ҳатто бир куни қиз билан троллейбусда бирга кетиб уни севишини ошқора айтади. Шунда ҳам Ҳабиба индамай кетаверади. Новелладаги Ҳабибанинг ҳолати ўқувчини ўйлатади. Наҳотки, Ҳабиба Акбарга бефарқ бўлса деган фикрлар пайдо бўлади. Асарни ўқиган китобхон бу жумбоқни ҳам асар ниҳоясида билиб олади. Акбарга онаси бир қиз топганлигини, у жуда одобли эканлигини айтади. Онасининг айтишича у қиз ҳам Акбарга тегишга рози эканлиги ойдинлашади. Акбар бу қиз ўзи севган Ҳабиба эканлигини билиб уни рад этади. Бу орада ҳаётнинг ўзи уларни икки тарафга ажратиб юборади.

Новеллани ўқир экансиз, сиз Акбарнинг изтиробли кечинмаларига шерик бўласиз. Муаллиф Акбарнинг ички туғёнларини батафсил ёритиб беради. Мактаб давридаги Акбарнинг ҳолатлари лиро-романтик руҳда тасвирланади. Акбар мактаб давриданоқ ўзи севган Ҳабиба учун қанчалик курашмасин, уни бир араз алами совутиб юборади. Аҳмад Аъзам бу ҳолатларни ниҳоятда теран тасвирлай олган. Новелла сюжетини бойитишда Аваз, Гуландом образлари катта вазифани бажаради. Орадан йиллар ўтиб тақдир бу икки инсонни яна учраштиради. Бу пайтда Ҳабиба турмушга чиққан, саккиз боланинг онаси эди. У мактабда директорлик қиларди. Акбар бу аёлни кўриб, ёшлигидаги Ҳабибага таққослайди. Йиллар қачондир у севган Ҳабибани ўзгартириб юборганига амин бўлади. Новеллада мактаб даври, талабалик даври воқеа-ҳодисалари Акбар ва Ҳабиба муносабатлари орқали теран ёритиб берилган. Мактаб давридаги болалар ўртасида Ҳабиба учун кураш, талашиб-тортишишлар манзарасини ёзувчи Аҳмад Аъзам яхши тасвирлаб берган. Новеллани ўқиб бўлгач, бу севги-муҳаббат симфонияси ўқувчи қалбида маънос туйғулар, ғамгин кечинмалар ҳосил қилади. Асарда Акбарнинг фалсафий ўй-мушоҳадалари ўқувчи қалбидаги некбин туйғуларни уйғотиб юборади. Акбар бу муҳаббат изтиробларини кўз олдидан ўтказиб болалик, ёшлиқдаги Ҳабиба билан ҳозирги Ҳабибани кўз олдига келтириб шундай дейди: “Билмайсиз-да у Ҳабиба қандоқ эди”. Шу сўзларнинг ўзиёқ Акбарнинг ҳолатини ифодалаб беради.

Новеллани ўқиб бўлгач ўқувчи Акбар билан Ҳабиба ораларидаги муносабатлар тугунини ечишга ҳаракат қилади. Бу икки ёшнинг бирга бўла олишмаганига афсус қилишади.

Асар динамикасида Акбарнинг ҳис-туйғулари гоҳ пасайиб, гоҳ кучайиб у ўз мақсадига етишиш учун курашади. Охир-оқибат Акбарнинг ғурури бу муҳаббатни чилпарчин қилиб ташлайди.

Акбарнинг ҳам ўз феъл-атвори бор. У мард ва танти йигит. Шунинг учун у севгисига етиша олмайди, хулоса қилиб айтганда “Тугмачагул” новелласида ёзувчи Аҳмад Аъзам муҳаббат симфониясини баралла куйлаган. Новелланинг аҳамияти ҳам мана шунда.



Нодир ЖОНУЗОҚ

# Соғинч – сўягимга сингид кетган ғалм



## КУЗГИ ЯПРОҚЛАР

1

Куз. Лойқалар тинди. Кўнглимда  
Равшан тортди ҳисларим. Тиниқ,  
Ширин тушлар кўриб ўнгимда,  
Жилмаяман. Кейин... хўрсиниқ.

Хазонларга тикилиб беҳол,  
Титкилайман намхуш ёдимни.  
Билиб-билмай қилдимми увол,  
Ҳар лаҳзаси гул ҳаётимни.

Энди қайтмас чечак онларим,  
Қайтиб келмас йилларим – чаман.  
Муҳаббатга, ишиққа қонмадим –  
Нетай, ёмғир сувин ичаман.

Куз. Лойқалар тинди. Кўнглимда  
Равшан тортди ҳисларим. Тиниқ,  
Ширин тушлар кўриб ўнгимда,  
Жилмаяман. Кейин... хўрсиниқ.

Яшолмаган кунларим ҳаққи,  
Ўч олмоққа мунтазир – шайман.  
Халал берманг... Кўёшдай балқиб,  
Ҳар лаҳзада минг йил яшайман!

2

Кўзларимга тўлиб келар мунг,  
Санчиб қўяр гоҳо кўкрагим.



Аланглайман сўз тополмай гунг,  
Не учундир келар ўкрагим.

Кошки эди ҳеч ким кўрмаса,  
Ёмғирларда ивисам далли.  
“Ҳолинг нечук?” дея сўрмаса,  
Изламаса ёлгон тасалли.

Қўл чўзарак қари қуёшга,  
Жилмаяман ўзимча заиф.  
Кўзимдаги бир томчи ёшга,  
Олсам дейман дунёни чайиб.

Чаплашади ранглар чизиги,  
Илдизини йўқотар мантиқ.  
Ёлғиз қолсам дейман... Қизиги,  
Севгим келар кимнидир қаттиқ.

У ҳам яқин келмасин, майли,  
(Севги сўнги – яна айрилмоқ)  
Фақат менинг сеvgим туфайли,  
Хазон титиб, қилса сайрибоғ.

Ёмғирларда ивиса тенгиб,  
Туйиб кўнғир булут исини.  
Ўйим билан уйқуга кетиб,  
Шивирласа тушида исмимни...

Телба қилди мени бу мавсум,  
Юрагимга хазонлар сочди.

Жилвалари бунчалар маъсум,  
Менга тилсиз дилини очди.

Аланглайман сўз тополмай гунг,  
Санчиб қўяр гоҳо кўкрагим.  
Кўзларимга тўлиб келар мунг,  
Не учундир келар ўкрагим...

3

Куз. Япроқлар силкинар беҳол,  
Эрта нима бўлишин билмай.  
Куздай қари, куздай абгор чол  
Боз қўйнида чалапти най.



Таралади ҳазин-ҳазин куй,  
Таралади қадимий наво.  
Деган каби : “Оҳангимни туй –  
Дардларингга бўлади даво...”

Йўловчилар ўтади саф-саф,  
Кимдир чақа, кимдир ташлаб сўм.  
Майда пулин қилар экан сарф,  
Ўзин бахтли ҳис қилади сўнг.

Куз. Япроқлар силкинар беҳол,  
Эрта нима бўлишин сўраб.  
Куздай қари, куздай абгор чол  
Тарқатади куйга бахт ўраб.

Сеҳргарга ўхшайди гўё,  
Қўлидаги – сеҳрли таёқ.  
Бир пуфласа – ўзгарар дунё,  
Бир пуфласа – рангин ҳамма ёқ.

Мен ҳам майда пулимни ташлаб,  
Бир кафтгина бахт сотиб олдим.  
Унутилди эски кин-гашлар,  
Ўктам-ўктам ташладим одим.

Кузга дедим: “Япроқларга айт,  
Титрамасин ҳеч озурдаҳол –  
Қайтар яна кўклам келган пайт,  
Келмаса ҳам бу сеҳргар чол...”

4

Кузга савол бердим:  
“Афу этгин, Куз,  
Нега рангинг сариқ, юзларинг заҳил?”  
Куз жавоб қайтарди бош эгиб маъюс:  
“Ошиқман –  
Баҳорни севаман, ахир!”



Бироқ дунё зиддир менинг измимга,  
Мудом менга қарши қайраб турар тиш.  
Севгим томон юрсам – қайт дер изингга,  
Ўртамизга муздан тўсиқ қўяр Қиш.

Ортга юрай дейман – йўл йўқдир яна,  
Турфа таъқибларга дуч келаман боз.  
“Ҳаддингдан ошмагин!” – қилади таъна  
Қайноқ тошлар билан қалъа қурган Ёз.

Ўртада сарсонман,  
Саргаяр жоним,  
Соғинч – суягимга сингиб кетган гам.  
Осмонни тўлдирар оҳу-фигоним,  
Йиғлайман...  
У ёқда йиғлар Баҳор ҳам.

Кўҳна япроқларга ишқий хат битиб,  
Елларга етказ деб йўлладим кеча.  
Умидим бор: тупроқ қатини титиб,  
Топиб олади-ю, ўқир Бойчечак.

Баҳор ҳам кўнглини гунчага тугиб,  
Атиргул кафтида пинҳон узатар.  
Юрагим қон бўлар – қолмасин тўтиб –  
Фалак иккимизни ҳушёр кузатар...”

Мени карахт қилди Кузнинг ҳасрати,  
Бу қисмат нақадар фожели, тахир.  
Ўртада чириди қанча хас – хати,  
Баҳорга етмасдан йўқ бўлди, ахир.

Э, Худо!  
Караминг, марҳаматинг кенг,  
Сенинг раҳматингдан умид узмасман.  
Гарчи муҳаббатим минг Баҳорга тенг,  
Шафқат қил –  
Кузмасман,  
Ахир, Кузмасман...

5

Остонада ёлворади Куз:  
“Қийин экан қилмоқ жон таслим.  
Сўнгги ришта – мезон итин уз,  
Кела қолсин бошқа бир фаслинг.


Сийим битди. Вақт етди ахир,  
Ўтиб кетди дуркун чоғларим.  
Меваларин тарқатиб бир-бир,  
Заҳил тортди кўркама боғларим.



Хирмон чўкди. Бўшади қўйним,  
Пуч ёнгоқ ҳам қолмади, мана.  
Тамом бўлди япроқ ўйиним,  
Ўзга фасл қилсин тантана.

Сўнги ришта – мезон ипин уз,  
Қилай энди осон жон таслим...” –  
Остонамда ёлворади Куз,  
Менинг эса йўқ унда қасдим.

Қўлим бормас қатл этмоққа,  
Узолмайман риштани – нозик.  
Йўл тополмас у ҳам кетмоққа,  
Йиғлайверар кўнглини ёзиб...



Бўғриқади. Тўлғонар ёмон.  
Ранги ўчар. Тутар қалтироқ.  
Ва жон берар...  
“Ҳаммаси тамом!” –  
Эълон қилар Момоқалдироқ.

Аза тутар Само ва Замин,  
Уч ой мотам – тўхтар барча иш.  
Чекар экан тийра моҳ гамин,  
Оқ кафанга ўрар уни Қиш.

Кўмилади. Мана шу тахлит  
Ташлаб кетди не-не кузларим.  
Қилай десам уларга тақлид,  
Жон ичимни ҳали узмадим.

“Яша!” – дейди гулдираб Кўк ҳам,  
“Яша!” – дейди пойимдаги Ер:  
“Сен бўлмасанг келмайди Кўклам,  
Ёз келмайди – сен ёзмасанг шеър...”

Бош эгаман. Шу бўлса қисмат,  
Иложим не, чорам йўқ ўзга.  
Ҳар мавсумга қиларкан хизмат,  
Етиб келгум қадрдон Кузга.

Шивирлайман қучоқлаб маъюс:  
“Бунча олис бўлмаса васлинг.



Биродарим, дилтортарим Куз,  
Менинг олтин сийратли фаслим.

Кетма энди. Ватан тут. Мана  
Шу ерларда мангу қолиб кет.  
Кетар бўлсанг агарда яна,  
Ўзинг билан мени олиб кет...

Бош чайқайди: “Қисматга доир  
Сир кўп жуда – барин айтмасман.  
Яхшиямки, сен борсан, Шоир,  
Сен бўлмасанг... мен ҳам қайтмасман!”

6

Куз.  
Хазонрез.  
Шанбалик – ҳашар.  
Бола-бақра, эркагу аёл  
Қўлни қўлга бериб ишлашар,  
Ҳеч ким бекор сурмайди хаёл.

Куз боғида юмуш кўп, иш кўп,  
Меваларни узар, қоқишар.  
Кейин эса... қуриган шох-чўп,  
Хазонларни йиғиб ёқишар.

Қандай баланд ўрлайди тутун,  
Қандай аччиқ фиғон қилар Куз:  
“Бу қандайин бешафқат тутим,  
Жон бераман қийналиб... Афсус...”

Бошқа чора йўқми осонроқ,  
Йўқми ўзга енгилроқ ўлим?  
Майли, қисмат бўлсин – осилмоқ,  
Кейин эса эл каби кўминг...”

Куз!  
Тушунгин,  
Қисматинг – гулхан,  
Ўзгасига кўниб бўлмайди.  
Ахир, сенинг вужудинг улкан,  
Ер кичкина – кўмиб бўлмайди.





Иброҳим МУҲАММАД

# ТОПТАЛГАН ЧЕЧАК

Ҳикоя



Навқирон граф Альбер де Ренар, ниҳоят, латофатли Жозефинанинг ўз-ўзидан нафратланиш сабабидан воқиф бўлди.

Жозефина ҳақида бундан икки ой муқаддам графнинг ишратпараст дўсти Шарль сўзлаб берганди.

«Дўстим Ги, шу кеча қайси жононнинг кўйида кайфу сафо қилганимни биласанми?» – дея мамнун керишди у. – Бир нозанинки, бунақаси Париж у ёқда турсин, бутун оламда йўқ, ҳа, ишонавер. Мисоли эндигина очила бошлаган муаттар бир ғунча!»

Граф Альбер машҳур ёзувчи Ги де Мопассанга жудаям ўхшаб кетарди. Бунинг устига граф ёзувчига чинакам ихлос қўйган, унинг ҳар бир асарини қўлдан қўймай мутолаа қилиб борувчи самимий мухлисларидан эди. Шу боис бўлса керак, айрим дўстлари ҳазиллашиб уни ёзувчининг номи билан қақирар эдилар. Бу эса графга жудаям ёқиб тушарди, албатта.

Граф дўстининг гапига унчалик эътибор қилмай – у фақшона саргузаштларни унча хуш кўрмасди – суюкли адабининг «Ҳаёт» романини берилиб ўқиб ўтирарди.

«Шу китобингни бирпас қўйсанг-чи а, ошна! Мопассанни минг марта ўқигансан-ку, бадинг-га урмадим, ахир?!» – дўстининг гапига эътибор қилмаганидан жиғибийрони чиқди Шарлнинг. – «Ҳай, инсон! Мен сенга Жозефинанинг қандоғлигини гапириб бермоқчиман-а!»

«Сўзлайвер, Шарль, сўзлайвер. Кўзим китобда бўлгани билан қулогим сенда», – деди осонликча дўстининг чакагини ёпиб бўлмаслигини яхши англаб турган граф энгил хўрсиниб.

«Оҳ, Жозефина! – дея ҳузурбахш тин олди Шарль. – Офатижон қизгина! Эндигина ўн еттига кирган экан-а, билсанг! Шунанг иймачоқ ва ҳуркак нозанин эканки, асти қўяверасан. Муродингни ҳосил қилгач, гўзал тиниқ чехрасини бирпас қўллари билан беркитганча ўқисиб-ўқисиб йиғлаб олар экан бечора».

«Ҳа энди янгилардан бўлса, исловатхонага кўни-колмаётгандир-да, – дея ўқишдан тўхтамай мингирлаб қўйди граф бепарволик билан. – У ерга тушган ҳамма қизлар ҳам бошида шундай бўлишади: аввал уялишади ва номус қилишади. Аста-секин, вақт ўтиши билан тақдирга тан беришиб, кўникиб кетиб, қарабсанки, бир куни ажойиб фоҳишага айланишади».

«Ҳа, гапинг тўғри, ошна, аммо мен бунақасини авваллари ҳеч учратмаганман-да. «Нега йиғлаяпсан? Бирор жойинг оғрияптими ё сенга қўполлик қилиб, қийнаб қўйдимми?» – дедим сал чўчиб. У бўлса, кўз ёшларини энги билан тезгина артиб, чуқур хўрсинди-да, «Ўзим шунчаки» дея жилмайиб қўйди.

Жозефина ташқарига чиққанида, ёстиғи тагидан унинг кундалигини топиб олдим. Дафтарда ғалати-ғалати гапларни ёзиб ташлабди: «Ўзимни-ўзим ёмон кўриб кетаяпман. Ҳар куни шу ифлос ишдан кейин ўзимдан нафратланиб, дунёга сиғмай қоламан. Ҳамма-ҳаммасига ўша сабабчи. Уни қанчалар севар эдим-а! Уни бамисоли покдомон бир фаришта деб ўйлаб юрардим. Кейин билсам, у тамоман бошқача одам бўлиб чиқди! Орзуларимни чил-чил синдирди! Ундан ўч олиш ниятида шу йўлга кириб қолдим. Шу ифлос ишни қилиб, расво бўлдим! Ё раббий! Қандоғ улуғ гуноҳга ботдим-а?! Ўзинг кечир мени?!»

Биласанми, бу гапларни ўқиб, бироз ғалати бўлиб кетдим, дўстим.

Қиз бечоранинг нима учун бундай гапларни ёзганини суриштирсам, эски ярасини янгилаб қўяманми деб истиҳола қилдим.

«Ғалати қиз экан-ку, а?!» – эшитилар-эшитилмас шивирлади кўзлари толиққан граф ўқишдан тўхтаб.

Шарль кетгач, Жозефина графнинг хаёлидан кетмай қолди. У бундайин бебахт, бева-бечораларга бепарво эмас эди. Уларга дилдан ачинар, кези келганда қўлидан келган кўмагини аямас эди.

Граф Жозефинани ҳам иложсиз бебахтлар қаторига киритганди.

Бахтиқаро бечора қиз! У кимни бунчалар покдомон фаришта деб ўйлаб, қаттиқ севиб қолди экан-а?! Севгилиси унга нима ёмонлики раво кўрдийкин-а? Ундан ўч олиш учун шу ифлос ишга қўл урдим деб ўзидан нафратланибди. Ишонтириб алдаб, ташлаб кетдимикин? Ё хиёнат кўчасига кирдимикин? Қизгина ўзидан нафратланибдими, демак, ҳали виждони бор экан-да?!

Мутаассир граф ҳали зикр қилганимиздек, дийдаси юмшоқ, куйинчак инсон бўлгани боис туйғулари эрта хазон бўлган, бироқ виждони уйғоқ бу бахтиқаро қизга ич-ичидан ачиниб кетди. Кимдан, нима учун бунчалар аёвсиз нафратланиши сабабини билишга жуда ҳам қизиқиб қолди. Ўйлай-ўйлай, Жозефина билан танишиб, у билан бироз бўлса-да, суҳбатлашиб кўнглига қўл солиш истаги туғилди графда.

Орадан уч кунлар ўтиб, буни қаранг, қутилмаганда графнинг нияти ўз-ўзидан амалга ошса бўладими?!

Ўша оқшом граф Елисей майдонида айланиб юрганида кетворган бир дўндиқча билан қўлтиқлашиб юрган Шарлга дуч келиб қолди.

– Ана, ана у! – дея айёрона нигоҳ ила секин ишора қилиб графнинг қулогига шивирлади Шарль четдаги ўриндиқларнинг бирида ёлғизгина хаёл суриб ўтирган, яхшигина кийинган қизгинани кўрсатиб.

– Ким у? – ҳайрон бўлди граф.

– Тунов куни сенга гапириб берганим ўша офатижон Жозефина-да! Нима бало, дарров эсингдан чиқиб кетдимми? Мопассанни ўқийвериб, хаёлинг паришон бўлиб қолганми дейман? – ажабланган бўлди Шарль.

– Э, ҳа, бу ўша қизми?

Шарлнинг бетоқат янги хуштори икки ошнанинг гаплашиб олишига изн бермади. «Йигити»нинг энгидан секин тортиб, айна чоғда қаерга шошиб турганларини эсига солди шекилли, Шарль ноилож графдан узр сўраб, дўндиқчаси билан тезда бу ердан жўнаб қолди.

Граф нима қилиш кераклигини бирпас ўйлаб турди-да, сўнг йўлнинг у бетига ўтиб, олти-етти қадам беридаги Жозефинага қарама-қарши қўйилган ўриндиққа бориб ўтириб, оёқларини чалиштирганча сигара тутатиб, қизни шу ердан кузата бошлади.

Жозефина тунлари кўпроқ хизмат кўрсатар, ёш ва гўзал бўлгани боис ундан мижоз аримас, исловатхона бекаси бунинг ортидан мўмай пул ишлаб олаётгани учун кундузлари унинг раъйига қараб сал эркин қўярди. Жозефина ғала-ғовур Парижни бир айланиб чиққач, оқшом чўқар маҳали бир соатгина шу ерга келиб дам олиб кетарди. Боя у бу ёққа келишда китоб дўконидан Бальзакнинг «Горио ота» романини харид қилганди. Елисей даласининг бир чеккасида эман остидаги ўриндиққа чўкиб, ҳар хил ўйларни бошидан қувиш мақсадида китоб мутолаасига киришганди.

«Бу қизгина ўзини гўё оқсуяк киборлардек одобахлоқли китобсевар қилиб кўрсатмоқчимми ё чинданам китоб ўқишга ишқибозмикин?» – дея хаёлидан ўтказди граф.

Ўқишдан кўзи толиқдимми ё бироз зерикдимми, Жозефина китобни ёпиб, бошини кўтарди. Шунда граф қизнинг қайрилма киприкли шаҳло кўзларида, кулгичли латиф, тиниқ чехрасида болаларга хос ҳайрат ва маъсумлик мавжудлигини пайқаб қолди. Граф қизнинг китобни ўзини кўрсатиш учун эмас, чиндан мутолаа қилаётганига инонди. «Наҳотки, шундай маъсума фоҳиша бўлса-я?!» – дея унга ачиниб кўнглидан ўтказди у. Нима мажбур қилдийкин уни шу йўлга киришга? Нафрат! Ўч олмоқ! Кимдан? Ни-ма учун?» Бу мавҳум саволларга жавоб топиш ёш граф учун бошқа юмушлардан кўра муҳимроқ бўлиб қолганди бугун.

У аста ўрнидан туриб, секин одимлаб, бошгинасини экканча тагин мутолаага шўнғиган қиз томон юрди.

– Ёнингизда бирпас ўтирсам майлими, мадмуазель?

Жозефина китобга берилгани боис нотаниш жанобнинг ёнига яқинлашганини сезмай, унинг қутилмаган ижозатидан бир чўчиб тушгандай бўлди. У кўзларини пирпиратганча бир ютиниб олиб:

– Марҳамат, марҳамат, мсье! – деди ўрнидан туриб кетишга чоғланаркан.

– Э-э, ўтиринг-ўтиринг, – дея узрнамо кулимсиради граф. – Халал берганим-чун кечиргайсиз?

– Йўқ-йўқ, узр сўрашнинг ҳожати йўқ, жаноб, – деди Жозефина овози сал титраб графга бошдан-оёқ бир разм ташларкан. Қочиб юрган ёки таъқиб қилиб юрган кишисига тўсатдан дуч келиб қолгандек Жозефинанинг юзи бироз оқаринқираб кетгандай бўлди. «Наҳотки бу ўша бўлса?!» – дея яшин тезлигида хаёлидан ўтказди у. – Йўғ-э, нималар деяпман ўзи? У сал тўлароқ эди. Бу эса озғинроқ, бўйи ҳам бироз узун экан. Фақат унга жудаям ўхшаб кетар экан.

Жозефина графни адиб Мопассанга ўхшатган эди.

– Ижозатингиз билан ўзимни таништираман, мадмуазель, – деди йигит киборона одат бўйича самимийлик билан, – Граф Альбер де Ренар.

«Мадемуазель, – дея ичида маҳзун хўрсиниб шивирлади Жозефина. – Қанийди шундоқ бўлса? Бу жаноб аллақачонлар мадамга айланиб бўлганимни билармикин? Қанийди билмасан!»

– Ижозатлари билан билсак бўладими: мадемуазель қандай китоб ўқияптилар? – дея ним табассум ила сўради граф қизни суҳбатга тортиш мақсадида.

Жозефина китоб муқовасини кўрсатган эди, граф вожаб дегандай қошларини кўтариб:

– О! Оноре де Бальзак-ку! – деди ҳайратланган оҳангда. Жозефина унга жавобан ана шунақа дегандай жилмайиб қўйди.

– Нима, сиз жаноб Бальзакнинг мухлисларимисиз?

– Жаноб Бальзакнинг мухлисалари бўлмасам-да, ёзувчининг уч-тўртта китобини ўқиб чиққанман, – камтарона жавоб қилди Жозефина.

– Ҳа, дуруст-дуруст, – дея бош чайқаб қўйди граф.

Граф Альбер гўё дидига мос суҳбатдош топгандек, ўз-ўзидан завку шавққа тўлиб, Бальзак ижоди, асарлари ҳақида мамнуният билан сўзлаб қизнинг оғзини очиб қўймоқчи бўлганди, у гапини энди тугатган ҳамано билганингиз шуми халос дегандай Жозефина адибнинг «Евгения Гранде» асарини билимдон адабиётшунослардек шунақанги чиройли таҳлил этиб бердики, сира қутилмаган бундай ажабтовур ҳолдан қайтанга графнинг оғзи очилиб қолаёзди.

Шу пайт уларнинг олдидан пўрим кийинган бир жонан Жозефинага қандайдир имо-ишоралар қилиб ўтиб кетди. Буни граф сезмай қолди. Бу жувон исловатхона бекасининг исковучларидан бўлиб, сайрга чиқиб кетган фоҳишаларнинг қадамини кузатиб, ҳар кеч бекага маҳфий хабар етказиб турарди.

Бу имо-ишораларнинг маъноси қуйидагича эди: «Пулдорроқ мижоз топган бўлсанг, уни кўлдан чиқарма! Чўнтагида бир мири йўқ мирқуриқлардан бўлса, у билан кўп валақлашмай, тезда ишратхонага бор. У ерда сени бошқа пулдор мижоз кутаяпти».

– Минг бора узр, граф, бир дугонамникига туғилган кунга зиёфатга айтилган эдим, – дея ўрнидан кўзгалди Жозефина кўзларини йигитдан олиб қочиб.

– Майли-майли, ҳеч бир узр сўрайдиган жойи йўқ, хоним. Айтилган жойга, албатта, вақтида бориш лозим, – илтифот қилди граф. – Сиз билан тузукроқ танишмадик ҳам. Исмингизни ҳам айтмадингиз. Шундоқ дилбар қизнинг исмини билмай кетиш мен учун катта муваффақиятсизликдек бир гап.

Ўзига берилган таърифдан ёноқлари бироз қизарган қизгина овози сал титраб, уялганнамо оҳангда исмини айтди.

– Жозефинами?! О, нақадар чиройли исм! Жисмингизга жудаям мос экан! – иқрор бўлди граф.

– Ташаккур, миннатдорман, жаноб, – енгил таъзим қилди Жозефина.

– Сиз билан эртага кўришармиканмиз? – деди граф умидвор оҳангда.

– Балким, насиб қилса, учрашармиз, – синиқ жилмайди қиз.

– Биласизми, эртага худди шу вақтда мен сизни шу жойда кутаман, Жозефина, – Келасиз-а?

Жозефина хўп дегандай кулимсираб, граф билан хайрлашди.

Яқин келажакда яхшигина адабиётшунос ёки муаллима бўлиши мумкин бўлган, баъзи оқсуяк нозик хонимчаларга қараганда теран фикрли, фасоҳатли қизнинг манфур фоҳишахонага тушиб, ёш умрини ифлос тўшақда хазон этаётганининг боиси нимада эканлиги графни қаттиқ ўйлантириб, диққатини ошириб қўйган эди.

Жозефина исловатхонага қайтгач, овқатланди-да, кетидан пайдар-пай икки қадаҳ май сипқорди. Бирпасдан сўнг ширакайф ҳолда ўзини тунги мижози оғушига топширар экан, кўзларини чирт юмганча унинг ўрнида граф Альберни тасаввур қилди... Мижози туриб кетгач эса ҳар кунгидек ўзидан нафратланиб, аччиқ-аччиқ йиғлади.

Граф Альбер бугун оқшом Парижнинг таниқли аслзодаларидан бириникига балга таклиф этилган эди. У ерда таниш-билишлар билан кўнгил қонганча чақ-чақлашиб, пайдар-пай шампан ичишиб, роса маза қилишди. Нафис либосларда гул-гул ёниб турган нозик бадан хонимчалар билан рақса тушавериб, Жозефинани ҳам, у билан бўлган бугунги учрашувни ҳам унутарди. Балдан кейин дўстлари уни каретада уйига элтиб қўяётганларида йўлда кўзлари юмила-юмила мудраб келди. Графнинг яхши хислати: ичса, бошқаларга ўхшаб эзмалик ёки тўполон қилмас, дарров ухлаб қоларди. Уйга кўп ичиб, кеч қайтгани боисми, эртасига тушга довур донг қотиб ухлади.

Жозефина йиғлаб ғуссага ботганлиги учун боши оғриб, то тунги соат учгача кўзига уйқу илинмади.



Уйку дори ичганди, бошининг оғриғи босилиб, қизариб толиққан кўзлари пинакка кетди. У ҳам худди граф сингари то пешингача донг қотиб ухлади.

Эртасига кеч соат бешларда Жозефина юраккинасини ҳовучлаганча Елисей майдонига етиб келса граф Альбер ўз ваъдасида туриб, кечаги жойга ундан сал олдинрок келиб, «Француз ҳаёти»нинг янги сонини ўқиб ўтирган экан.

Жозефина ўзининг нима иш билан шуғулланишини графдан қатъий сир тутишга аҳд қилганди. Граф ҳам ўзини соддаликка олиб, унинг ким эканлигини, то кўнглига қўл солиб, сирларидан тўлиқ воқиф бўлмагунча юзига солмасликка қарор қилди.

Самимий кўришувдан сўнг суҳбат бугун ҳам адабиёт ва санъат хусусида кечди.

Граф Жозефинани ресторанга тамадди қилишга таклиф этди. У ерда ҳам яхшигина суҳбатлашиб ўтиришди.

Шундан кейин улар ҳар куни бўлмаса-да, кун ора учрашиб турадиган бўлиб қолишди. Кун ўтиб, бир-бирларига нисбатан аста-секин илиқлик ва меҳр уйғона борди. Икки ойлик учрашув-у, суҳбатлар дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаб, ўзлари кутмаган ҳолда бир-бирларига кўнгли қўйишларига сабаб бўлди. Айниқса, граф қизнинг фоҳишалигини ҳам тамоман унутгандек, унга қаттиқ боғланиб қолганди.

Бир гал граф уйингиз қаерда деганида, эртасига Жозефина уни беш ой муқаддам вафот этган холасининг кимсасиз уйига бошлаб борди.

У қишлоқдан келганида, бир йилдан сал ошиқ муддат бева холасиникида яшаган эди. Бола-чақаси бўлмагани-чун холаси вафотидан сал олдин уй-жойи ва мол-мулкни жияни Жозефинага мерос қилиб қолдирганди. Жозефина ишратхонада истиқомат қилса-да, кун аро уйдан хабар олиб турар, оқсоч ёллаб, уйни одам яшайдигандек қилиб қўйганди. Ҳамма ёқ чиннидек ярқираб турган саранжом-саришта бу хонадон Жозефинага тегишли эканлигига граф бироз шубҳа ҳам қилди. Ичкари хонадаги уч жавондан иборат кутубхона графнинг гумонини тарқатгандай бўлди. У ерда Гюго дейсизми, Флобер дейсизми, Бальзак дейсизми, Дюма дейсизми, Стендаль дейсизми, Золя дейсизми яна қанча таниқли ва машҳур француз адибларининг том-том китоблари дид ила терилган эди. Фақат негадир у жойда Мопассаннинг асарлари йўқ эди холос. Шуниси графни сал ажаблантиргандай бўлди. Шу тўғрида сўраганди, Жозефина уч-тўртта китоби бор эди, бир дугонам ўқийман деганида бериб юборгандим дея истамай жавоб қилди.

Шу кеч улар қаҳва ичишиб, аввалгидек ширин суҳбат қилишди. Кетар чоғи граф қизни эртага шаҳар ташқарисидаги қасрмонанд уйига боришга кўндирди.

Эртасига эрталаб, ҳали Жозефина ширин тушлар кўриб ётган маҳал граф исловатхона бекаси ҳузурда бўлиб, қизгинанинг бир кечалик ҳақини икки баробар қилиб тўлаб, бу кеча у меникида бўлади, менинг келиб-кетганимни у билмасин дея тайинлади. У дилбар Жозефинанинг висолини жуда ҳам кўмсаган эди! Оқшомги сайр ва ресторандаги кайфу сафодан сўнг сархуш Жозефинани каретага ўтқазиб, уйига олиб кетди. Граф уни баланд зинапояли сароймонанд муҳташам уйига не сабабдан кечқурун етаклаб келганини Жозефина сархуш бўлса-да, яхши фаҳмлаб турарди.

Кенг ва ёруғ меҳмонхонага киришгач, граф Альбер Жозефинанинг етти ухлаб тушига кирмаган ва бутун умр ёдидан чиқмайдиган нозик юмушни адо этиб, қизни ҳайрон-у лол қолдираёзди.

– Биласизми, Жозефина, энди шу оқшом иқрор бўлишга мажбурман: сизни жуда-жуда ҳам яхши кўриб қолганман! – деди у эҳтирос ила чақнаган кўзлари умидвор боққанча. – Сиз ким ва қандай қиз бўлишингиздан қатъий назар, – у фоҳиша бўлишингиздан қатъий назар дейишга тили бормади, – мен учун фариштадек покдомонсиз, азизам!

Ҳали зикр қилганимиздек, Жозефинанинг ҳам графга кўнгли бор эди. Аммо бир ёмон ҳис – графдек олижаноб инсонни севишга арзирмикинман, ҳаққим бормикин бунга, деган истиҳола шу кунгача нозик кўнглининг бир четини аёвсиз кемириб ётар эди.

Энди эса, ҳеч хаёлига келмаган мискин, ғариб кўнглини ўртаб юборгучи ишқ изҳоридан сўнг Жозефина графни бурунгидан юз чандон яхши кўриб кетди! У графнинг кўксига бош қўйганча кўзларидан севинч ёшлари тирқираб йигитнинг бўйнидан маҳкам кучиб олди.

– Оҳ, Альбергинам! Мен ҳам, мен ҳам сизни жонимдан ортиқ кўраман, ҳа! Аммо сиз мени билмайсиз. Сизнинг пок севингизга арзирмикинман, деб кўрқаман!

– Нега арзимас экансиз, арзиганда қандоқ, – деди ишонч билан унга жавобан граф. – Ўтган ишга саловат...

– Ростданми, унда шу тундан эътиборан, сизникиман, жоним! – дея графнинг бўйнидан ўпди Жозефина.

Навқирон жононнинг қайноқ қучоғида вужуди жунбушга келган граф энтиккан кўйи уни даст кўтариб, ётоқхонага шаҳдам одим ташлади...

– Тонг саҳардан нималарни мутолаа қилаяптилар, жанобим? – дея эркакларнинг юрагини ўйнатиб юборадиган нозли карашма билан оппоқ билакларини графнинг елкаларига ташлади Жозефина.

Граф мрамардек силлиқ билаклардан енгил ўпиб қўйиб, масрур жилмайганча ўқиб турган китоби муқовасини Жозефинага кўрсатди ва:

– Дунёдаги энг севимли ёзувчим! – деди энтиқиш ила. – Барча ёзганларини битта қўймай ўқиб чиққанман. Соғиниб, тағин қайта ўқияпман.

Граф Жозефина билан энди танишиб, учрашиб юрган кезларида бир-икки гал шу китоб муаллифи ҳақида сўз очиб, оғзидан бол томиб гапира бошлаганда, шу мавзу ёқмайми, қизгина унинг гапини бўлиб, суҳбатни бошқа ёққа буриб юборганди.

Жозефина қизғиш муқовали китобни қўлига оларкан, гўё нохуш хабар эшитгандай афти бужмайиб бояги шўхчан кайфиятидан асар ҳам қолмай, аъзои бадани титраб кетди. Қутилмаганда мафтункор шахло кўзларидан икки томчи қайноқ ёш тирқираб чиқиб, қизғиш ёноқларига аста қуйилди. Бу ҳолдан ажабланган граф:

– Рангингиз намуноча оқариб кетди? Тинчликми ўзи? – дея сўради бироз хавотирланиб.

Жозефина графнинг саволини жавобсиз қолдириб, ёноғидаги ёшни халати енги билан артди ва ўнг қўлидаги ҳалиги китобни каминда паст ёниб турган олов устига индамай, совуққонлик ила отиб юборди!

– Э, э, эсингиз жойидами ўзи?! – дея ҳовлиқиб ўрнидан туриб, энди четларига олов туташган китобни чаққонлик билан каминдан олди граф.

– Ёмон кўраман уни! – деди Жозефина аламли паст товушда. – Аблаҳ одам у!

Ялтироқ, силлиқ муқова четидаги чўғни пуфлаб ўчираётган граф одам ҳавас қиларли даражадаги шундоқ мулоим табиатли зебо санамнинг хаёлга келмаган қалтис ҳаракати-ю, ҳозиргина оғзидан чиққан нафратомуз ғалати гапларига тушунмай анграйганча унга тикилиб қолди.

Лаҳзада ёш хонимнинг латиф чехрасида алам ва нафрат ифодаси қалқиди.

Жозефина ғунча мисол чиройли лабларининг четлари пирпираганча, ҳансираш-у ҳаяжон ила ётоқхона сари югурди. Э, муни нима жин урдийкин деган хавотирда граф унинг ортидан кирди.

Жозефина момик тўшакка узала тушганча юзларини ёстиққа босиб, елкалари силкинганча ўксиб-ўксиб йиғлаб ётарди. Граф унинг билакларидан ушлаб секин тортди-да, ўзига қаратди. Ёш хонимнинг юзлари сув билан ювилгандек ҳўл бўлиб кетганди. Жозефина шу тобда бир меҳрибон таскин-тасаллига муҳтождек, графнинг бўйнидан қаттиқ кучоқлаганча баттар ҳўнграб юборди.

– Жозефина, жонгинам, қани, бўлди энди, ўзингни бос-чи, – деди граф юпатувчи оҳангда, ҳалиям ҳеч нарсага ақли етмай.

Жозефина бир зумдан сўнг йиғидан тўхтаб, кўксидаги бор-йўқ барча алам-у армонларини чиқариб юборгудек энтикиб чуқур хўрсиниб юборди. Кейин графнинг бўйнидан қўлларини олиб, кўзларига термилганча:

– Мен уни қанчалар яхши кўрганимни билсангиз эди?! – деди лаблари пирпираб. – Уни фариштадек покдомон бир инсон деб эъозлаб юрардим. Кейин билсам, у ўйлаганимдек эмас экан. Мен эҳтирос-у ҳою ҳавасга берилиб, қаттиқ янглишибман. У тамоман бошқача одам бўлиб чиқди.

Ундан ўч олиш-чун гулдай ёшлигим-у, бокиралигимни поймол қилиб кўйдим! Ё парвардигор, ўзинг кечир мени?! Қандоқ улуғ гуноҳга ботганман-а!

Граф ҳалиям Жозефинанинг гапларига тушунолмай ўйланиб турарди.

– Сиз унга жудаям ўхшаб кетасиз, азизим Альбер! Билсангиз: унга ўхшаб кетганингиз-чун меҳр кўйганим йўқ, сизга, – дея ютиниб гапани давом этди Жозефина. – Яхши одам бўлганингиз-чун, юрагингиз болаларникидек беғубор, самимий, меҳрибон бўлганингиз-чун сизни ёқтириб қолганман, рост. Ё гапларимга ишонмайсизми?

– Нега ишонмас эканман, жоним! – дея Жозефинанинг тўзғиган сочларини силади граф унга таскин бера туриб.

Альбер графиндаги сувдан қадаҳга яримлатиб кўйди-да, ма, ичиб ол, ўзинга келасан, ҳовуринг босилади дегандай имо билан биллур идишни хонимга узатди. Жозефина чанқоқ кишидек сувни қўлтиллаб энтика-эника ичиб юборди.

– Сени мундай ўч олишга мажбур қилган одам ким ўзи, билсам бўладими? – сўради граф қизиқиши ортиб мулоимлик билан.

Жозефина ҳали ҳам фаҳламадингни деган маънода графга маҳзун нигоҳ ташлади-да:

– Боя мен оловга ташлаган китоб муаллифи-да! – деди ғамгин овозда.

– Ги де Мопассан-а?! – ҳайратдан ёқа ушлагудек ҳолатда ўрнидан туриб кетди граф.

Ҳа ўша сенинг севимли ёзувчинг деган имо билан гўё айбдордек бошгинасини эгди Жозефина.

Сал туриб, яна бир марта энтикиш аралаш чуқур хўрсиниб олди-да, бир йил бурун айна кўклам кезла-

рида бошидан ўтган аянчли савдони қимтина-қимтина сўзлай кетди.

...Жозефина кўнгли беғубор қишлоқ муаллимининг соддагина гўзал қизи эди. Дадаси француз тили ва адабиётдан дарс берар эди.

У онасини унчалик яхши эслай олмасди. У уч яшарлик чоғида онаси бевақт дунёдан ўтганди.

Аёлига чинакам вафодор бўлган отаси бошқа хотинга уйланмай, қизини бировга бермай ўзи катта қилди. Мактабда ҳам ўзи ўқитиб, бадий адабиётга ҳам ўзи меҳр уйғотди. Жозефина мактаб давридаёқ кўзга кўринган барча француз адибларининг асарларини битта кўймай ўқиб чиқди. Айниқса, шуларга замондош бўлган Ги де Мопассаннинг ёзганларини қизгина жуда ҳам яхши кўрар, уларни қайта-қайта ўқийвериб, ёзувчи-га ғойибона меҳри тушиб қолган эди.

У ўн бешга кирган чоғида сил касаллиги авж олган отаси вафот этиб, қизини мусибат гирдобига ташлаб кетди. Бу айрилиқ Жозефинага қаттиқ таъсир қилиб, уни одамови қилиб кўйди. Уззу кун кўчага чиқмас, ғамгин хаёлларга берилганча дадасининг китоблар билан лиқ тўла хонасида ўтиргани-ўтирган эди. Дунёда китобдан яхшироқ дўст экан аслида. Айрилиқ ва ёлғизлик азобларини китоб мутолааси билан енгди у. Айниқса, Мопассан асарлари унга таскин-тасалли бериб, унда ҳаётга қайта муҳаббат ато қилгандай бўлди.

Бир йил ўтгач, Жозефина отасидан қолган китобларни икки катта қутига жойлаб, бефарзанд бева холасини қора тортиб, Парижга келиб қолди. Тикувчиликдан кун кўрадиган кекса холасига юк бўлмаслик учун тўқимачилиқ фабрикасига ишга кирди.

Бир куни ишдан кейин цех бошлиғи жаноб Ранбалнинг китоб дўконидан Мопассаннинг янги китобини харид қилаётганини кўриб қолди. Ўша куни Жозефина ҳам маош олганди. У ҳам китоб сотиб олмоқчи бўлиб дўконга кирганди. «Ие, сиз ҳам мсье Мопассаннинг мухлисларимсиз?» – дея сўради Жозефина чехраси ёришиб. Жаноб Ранбаль, ҳа, тўғри топдингиз дегандай жилмайиб жавоб қилгач, Жозефина уни ўзига яқин олгандай, йўл-йўлакай раҳбари билан Мопассан асарлари ҳақида берилиб суҳбатлашиб кетди. Жаноб Ранбаль Жозефинанинг Мопассан асарлари ҳақида худди адабиётшунослардек тўлқинли сўзлашидан ҳайратланиб, мен ўзимни унинг мухлисман деб юрсам, бу қишлоқи қизча мендан ўн чандон кучли мухлис экан-ку унга дея тан олди ичида.

– Қанийди, жаноб Мопассанни бир мартагина кўрсам! Китобларидан олган таассуротларимни ўзларига айтсам, армоним қолмасди! – дея орзиқиш билан энтикиб кўйди Жозефина суҳбат охирида.

Жаноб Ранбалнинг мактабдош ўртоқларидан бири – журналист Монтень Мопассаннинг яқин ошнаси эди. У Мопассан ҳақидаги турли гап-сўзларини шу Монтендан эшитиб қоларди. «Мопассанни ишчилар билан учрашувга таклиф қилсаммикин?» – деб ўйлади у Жозефина билан хайрлашиб уйига қайтар экан. «Шунда ҳалиги қишлоқи қизгинанинг орзу-армонлари ушалишига ёрдамлашган бўлармидим?» Монтенга бир оғиз айтса бас, келаси ой қай йўл билан бўлса ҳам ёзувчини фабрикага эргаштириб келиши тайин. Аслида ёзувчини учрашувга таклиф қилишдан осони йўқ. Бироқ, минг афсуслар бўлсинким, бу учрашувга ишчи қизлар ҳали тайёр эмас-да. Уларнинг тўқсон фоизи Мопассан у ёқда



турсин, оддий бошқа бир китобни қўлларига ушлаб кўришмаган ахир! Бундай оми, саводсиз жамоа орасида машхур ёзувчи билан учрашув ўтказмоқликнинг ўзи гумроҳлик эмасми? Нима қилиш керак энди? Бу мушкул юмушда унга фақат Жозефина кўмаклашиши мумкин. Қизларни учрашувга у тайёрлайди. Эртасига жаноб Ранбаль бу фикрни Жозефинага айтгани, қизгинанинг ҳайратдан оғзи очилиб қолаёзди. У суюкли адиби билан бўладиган учрашувга жон-жон деб қизларни тайёрлашга рози бўлди. Индинига у уйдан ёзувчининг ўн бешта китобини фабрикага олиб келиб, қизларга тарқатиб чиқди.

Шу баҳонада қизлар ҳам ҳали ўзларига нотаниш бўлган Мопассан асарларидан баҳраманд бўлишиб, дугоналаридан жудаям мамнун бўлдилар. Жозефина тушлик ва ишдан қайтар пайтлари ўқиган асарлари бўйича олган таассуротлари ҳақида қизлар билан тинимсиз суҳбатлар ўтказиб, уларни учрашувга пухта тайёрлаб борар эди. Бироқ, минг таассуфлар бўлсинким, жаноб Мопассан бир ойдан кейин ҳам, икки ойдан кейин ҳам, уч ойдан кейин ҳам баъзан ижодий иш билан қаттиқ машғул бўлиб, баъзан чет элларга саёҳатга кетиб интикиб кутилган бу адабий кечага келолмади. Ҳа, энди келмаса керак деб, Жозефинанинг ҳам, қизларнинг ҳам ҳафсалари пир бўлишиб, ўқиш-у, китоб ҳақидаги суҳбатларни йиғиштириб, ўзларининг кунлик ташвишлари билан андармон бўлишиб, ёзувчини ҳам, унинг асарларини ҳам бир муддат эсларидан чиқазишди. Аммо жаноб Ранбаль бўш кетмади. Монтеннига қатнайвериб, уни безор қилишдан чарчамади. Ёзувчининг қачон бўш бўлишини эринмай кутаверди, кутаверди. Нақ олти ой деганда, ишчи қизларга Мопассан билан учрашиш насиб қилди! Бу хушxabарни эшитган Жозефина гўё узок кутган суюкли ёри келаётган интизор ошиқдай ухламай, юраги орзиқиб, ёзувчининг китобларини тагин бир қарра кўздан кечириб чиқди.

Мопассан эртасига соат тўртларга яқин бир-иккита ёзувчи дўстлари билан – буларнинг ичида Монтень ҳам бор эди – тўқимачилик фабрикасига қизлар билан учрашувга келди.

Юраккинаси дуқиллаб, кўзлари жовдираб турган Жозефина биринчи қатордан жой олган эди.

У икки соатлик учрашув давомида ёзувчидан кўз узмай ўтирди. У ёзувчи билан юзма-юз бўлганда бир неча саволлар беришни кўнглига тугиб қўйганди. Аммо Мопассанга кўзи тушиши билан тили гўё танглайга ёпишиб қолгандек, ёзувчининг ўткир нигоҳи гўё уни сеҳрлаб қўйгандек, хаяжон оғушида бир оғиз ҳам гапиролмади. Жозефина индамай ўтиргани билан қизлар жим ўтиришмади. Худди у беш ой бурун ўргатгандек қилиб, ёзувчига асарлари ҳақида бурро-бурро саволлар ёғдиришди. Кеча охирида Сюзанна деган шаддодрок бир қиз: «Хотинингиз чиройли ва бахтли аёл бўлсалар керак, а?» – деб савол берса бўладими?! Бу антиқа саволдан залда ўтирган қизлар ҳам, ёзувчининг ҳамроҳлари ҳам кулиб юборишди. Мопассан эса худди гуноҳкордек хижолатомуз жилмайиб қўйди. Жозефина қани у хотини ҳақида нималар деркин дея нафасини ичига ютганча вужуди қулоққа айланиб, бетоқат кутар эди. Мопассан жавоб беришга шошмай, ёш йигитчалар сингари уялиқираб ерга қарар эди. Унинг ўрнида Монтень: «Сизнинг севимли адибингиз сўққабаш, у бўйдоқлар сафидадир. Сизларга ўхшаган китобсевар,

кувноқ ва чиройли қизлар учраб қолса, уни, албатта, яна уйлантириб қўямиз деган ниятдамиз», – дея ҳазил аралаш кулиб жавоб қилди.

Нима-нима? Шундоқ машхур ёзувчи Мопассан ҳалигача сўққабаш, бўйдоқ бўлса-я?!

Жозефина қулоқларига ишонгиси келмас эди. «Наҳотки, наҳотки шу гаплар рост бўлса-я», – дея шивирларди ичида у.

Жаноб Монтень учрашувга якун ясар экан: «Ушбу ажойиб, қизиқарли кечани ташкиллаштиришда беқиёс жонбозлик кўрсатган Жозефина қизимизга чин юракдан қизгин миннатдорчилик билдираимиз», – деганида Жозефинанинг юраги ҳапқириб кетди. Монтенга Жозефина ҳақида жаноб Ранбаль гапириб бергани.

Залда гулдурас қарсақлар янраган пайтда Мопассан қизлар тақдим этган гулдасталар ичидан қип-қизил чиройлисини танлаб олиб, саҳнадан тушган заҳоти ним табассум билан Жозефинага пешвоз чиқиб, гулларни эҳтиром ила унга узатди. Бундай ажиб ҳолдан Жозефинанинг оғзи очилиб қолаёзди. Кимсан Мопассандек машхур адиб шунча қизнинг ичидан келиб-келиб унга гул берса-я! Бундан-да хаяжонли ва ҳайратланарли ҳодиса бормикан ўзи бу дунёда?!

Қувончи дунёга сифмаган Жозефина шу куни уйига гўё оёғи тегмай учиб келгандай бўлди. Алламаҳалга довуру уйқуси келмай, Мопассаннинг китобларини варақлаб, биринчи саҳифадаги ёзувчининг суратига кўзлари қувнаганча термилиб ўтирди. Енгил хўрсинганча тўшакка чўзиларкан, ёзувчининг ўзига гул тақдим этгани масрур ҳолда кўз олдига келтириб, кўнгилига орзиқиб кетди. Шу кундан эътиборан, Мопассан унинг хаёлидан сира кетмай қолди. Қиз ёзувчини қаттиқ севиб қолган эди! Усиз кейинги ҳаётини тасаввур қилолмасди. Қиз ёзувчининг ёлғиз яшашини эшитгандан бери оромини йўқотган эди. Агар Мопассан истаса, унга бир умрлик садоқатли ёр бўлиб, ҳаётига файзу шуқуқ олиб киришни орзу қиларди. У эртасигаёқ ёзувчининг хузурига бориб, қиз болага номуносиб бўлса-да, унга дилидагини изҳор қилишга тайёр эди. Аммо аллақачонлар урфдан қолган шу эскигина уст-бош билан Мопассанга рўбарў бўлишга ор қиларди. Оқсуяк киборлар сулоласига мансуб ёзувчи уни шу туришда кўриб, худди эслолмаётгандек: «Бу ким ўзи, ҳалиги фабрикада ишлайдиган қизми?» – дея писанд қилмай қарши олишидан қаттиқ чўчирди.

Мопассаннинг эътиборини тортиш учун кўзни яшнатувчи бежирим либослар кийиб, графинялардек мафтункор бўлиши лозимлигини Жозефина яхши тушуниб турарди, албатта.

Парижнинг сўнги модасидаги қимматбаҳо гўзал либосларни бир мартагина кийиш қашшоқ ишчи қизларнинг бир умрлик ушалмас орзулари эди ўшанда! Шўрлик қиз-жувонлар орзу қилар эдилар-у, аммо шу орзуларига етиш учун интилиб ҳаракат қилмас эдилар. Шулу боис ушалмаган орзулари бора-бора аччиқ армонга айланиб, дилларида тугун бўлиб қолар эди. Бироқ Жозефина э, ҳаёт шунақа экан-да дея хўрсиниб, қашшоқлик ва иложсизликка тез кўникиб кетувчи қизлар тоифасидан эмасди. У орзу-истаклари бекаму кўст ушалишига катта умид билан қаровчи ва бу йўлда қатъий интилувчи қизлардан эди.

У Парижга келганида, ишдан сўнг ҳар кеч вақтини нуқул китобга термилиб ўтказмай, кекса тивувчи холасидан олти-етти оининг ичида бичиш-тикиш сирларини

кунт билан бинойидек ўрганиб олганди. Шу ҳунари бугун унинг орзулари амалга ошишида асқотиб қолди. У фабрикадан оладиган маошини йиғишга киришди. Ишдан ташқари тикувчилик меҳнатидан топганлари кичкина рўзғорни бир амаллаб тебратишга етиб турар эди.

Ниҳоят, саккиз ой деганда тинимсиз заҳматлар ўз поёнига етиб, орзу қилинган кўркам либослар учун мўлжалланган пул йиғилди! Шу либосларни мато олиб ўзи тикса ҳам бўларди-ку дерсиз. Қизгина графинялар киядиган гўзал кўйлақларни тикадиган мохир тикувчи бўлиб етишмаганди-да ҳали. Шул боис уларни дўкондан ҳарид қилишга мажбур эди бечора қиз. Жозефинанинг кўзлари қувнаб либос ҳарид қилаётгандаги қувончини бир кўрсангиз эди: «О! Келажакда ўзини нималар қутаётганидан беҳабар, маъсум кўнгли ҳисларга тўлиб-тошган бечора заҳматкаш қиз!» – дермидингиз. Бу унинг ҳаётидаги энг бахтли кунлардан эди-да, ахир! Йўқ, йўқ, нималар деяпмиз ўзи? Орзиқиб, интиқиб қутилаётган энг олий бахт ҳали олдинда-ку! Мопассаннинг муҳаббатини қозониб, унинг ғариб ҳаётига нур олиб кириб, хаёлидаги фариштасифат инсоннинг кўнглини олиб хурсанд қилолсагина, ана ўшандагина энг катта бахтга эришган ҳисоблайди ўзини у.

Уйга келиб, кўзни яшнатувчи оҳанжама бежирим либосларни кийиб, бошига шляпа кўндириб, ойнага қаради-ю, ўзини танитай қолди! Кўзгудан ҳусну жамолининг тенги йўқ, кўзлари чақнаган, латофатли, мафтункор бир графиня термилиб турарди! «Наҳотки шу ўзим бўлсам-а?!» дея юраккинаси дуқиллаб кетди.

Мана энди жаноб Мопассаннинг ҳузурларига боришининг фурсати етган эди!

Жудаям ажойиб туш кўрди у шу кеча. Қордек оппок кўйлаги устидан яп-янги чиройли фрак кийиб олган ёзувчи уни дарвоза олдида бир кучоқ ранго-ранг гуллар билан кўзлари чақнаганча интизорлик ила қутиб турганмиш... Жозефина мана мен келдим дегандай, уялинқираш ила жилмайиб унга яқинлашганмиш...

Ширин туш таъсирида қалби қувончга тўлиб уйғонган Жозефина юз-кўлини совуқ сувга ювиб, нонушта ҳам қилмай, тезгина кийинди-да, биринчи учраган кэбга ўтириб, ёзувчининг шаҳар ташқарисидаги уйига қараб жўнади. Мопассаннинг яшаш манзилни жаноб Ранбалдан сўраб билган эди у.

Хўш, ёш қизгина номдор адибга қай йўсин рўбарў бўларкин-а? Унга нималар деб арзи ҳол этаркин-а? Жозефина ёзувчига айтадиган гапларини бир неча кун илгари кўнглида пишитиб қўйган эди.

«Мана, ўн йилдирки, мен сизнинг чин мухлисингизман. Ҳамма ёзганларингизни битта қўймай қайта-қайта, ҳатто ўн-ўн беш мартадан ўқиб чиққанман ва ҳозир ҳам ҳар куни уйқуга ётиш олдидан битта ҳикоянгни ўқиб, кейин ухлайман. Мен сизнинг уйингизга хизматингизни қилгани келдим», – дейди у сал ўнғайсизланиб. «Оқсочим бор, бекорга овора бўлибсиз-да, хоним», – дейди унга жавобан Мопассан сўнги модада кийинган бундай сулув қизнинг оқсочлик қилмоқчи бўлганидан сал ажабланиб. Шу тобда ёзувчининг кўнглидан ўтганини яхши фаҳмлаган Жозефина бир ютиниб олади-да: «Менин мундай кийиниб олганимдан графинялардан деб ўйладингиз чоғи, жаноб. Йўқ, мен аслзода зодагонлардан эмас, оддий қишлоқ ўқитувчисининг қизиман. Фабрикада оддий ишчи бўлиб ишлайман. Эслайсизми,

тўқувчилар фабрикасидаги учрашувни? Кеча охирида сиз менга қизил гул тақдим этгандингиз!

Бу ерга келишимнинг асосий сабаби: бу гапни қиз бола нотаниш одамнинг олдида айтиш қанчалик одобсизлик бўлса-да, мени тўғри тушунасиз деган ниятдаман, мен сизга бир умрлик тан маҳрам бўлиб, чўрилик қилмоқчиман! Мен сизни жудаям-жудаям яхши кўриб қолганман! Истасангиз ҳозироқ ўзимни сизга бағишлашга тайёрман, жаноб...»

Бечора Жозефина бу гапларни уятдан юзлари ловуллаб, кўзларини адибдан олиб қочганча ерга қараб айтади. Ёзувчи соддадил қизнинг эҳтиросли кўнгли изҳорига дарров ишонади ва уни бағрига босиб оғир хўрсиниш ила: «Азизам, бечорагинам, қаёқларда эдинг, шу пайтгача? Сени қанчалар қутганимни билсанг эдинг?! Сенин мана шундай қутилмаганда, бир кун эмас бир кун албатта келишингни кўнглим сезиб юрар эди. Файзсиз ҳаётимга чўри, оқсоч бўлиб эмас, йўқ-йўқ, тенгсиз малика-ю, малак бўлиб кириб, уни нурафшон эт!» – дея эҳтиросли хитоб қилади. Изтиробли дил изҳоридан кўзлари жиққа ёшга тўлган Жозефина Мопассаннинг бағрига отилади. Икки қайноқ қалб эртақлардагидек барча алам-у изтиробларни унутишиб, муродлари ҳосил бўлганча саодатли ҳаётга қадам қўядилар...

Кэбмен уни шундоқ ёзувчининг дарвозаси олдида тушириб кетди. Жозефина нафасини сал ростлаб олиб, аммо юраги ҳали ҳам қушчадек питирлаганча эшик кўнғироқчасининг арқончасини икки марта тортиди.

Бирпасдан кейин ичкаридан сариқ жингалак сочли, мовий кўз, чўзиқ юзли бўйчан бир йигит чиқиб, эшикни очди. Жозефинага бошдан оёқ бир кўз югуртириб олди-да: «Хўш, хизмат, сизга ким керак?» – дегандай қошларини кўтариб имо қилди.

– Кечирасиз, жаноб, эрталабдан ҳаловатингизни буздим, – деди узрона оҳангда Жозефина. – Мен мсье Мопассанни излаб келувдим. У кишининг уйларини адаштириб юбордим шекилли?

– Адашмай, тўғри топиб келибсиз, мадмуазель, ҳа бу мсье Мопассаннинг уйлари, – дея қўлларини кўксига чалиштирганча эшик кесақисига суяниб илжайди йигит.

Бу жавобдан Жозефина қониқиш ҳосил этиб, юзлари янада ёришиб, лабларида ним табассум жилва қилди.

– Мсье Мопассанда жудаям зарур ишим бор эди-да, икки дақиқага чақириб қўёлмайсизми? – дея овози сал титраб ўтинди қиз.

– Мухлислариданмисиз дейман-а? – дея иягини силаб, унга зинокорона нигоҳ юритди йигит.

– Ҳа, тўғри топдингиз, жаноб, чинданам у кишининг мухлислариман, – дея қизаринди Жозефина.

– Ёзувчи жанобларида қандай гапингиз бор эди, яхши қиз? Биз ҳам билсак бўладими? Ўта муҳим сирлар эмасми ишқилиб?

Жозефина уялинқираб бошгинасини эгганча:

– Бир нозик гапим бор эди-да. Уни сизга айтиб бўлмайди-да. Фақат у кишига тааллуқли гаплар-да, – дея жавоб қилди.

– Демак, қулоққа айтиладиган гаплар денг? – айёрона бошини сарак-сарак қилди йигит. – Менга қаранг, мабодо, Мопассанга ғойибона ошиқ бўлиб қолганингиз йўқми, ишқилиб?

Жозефина бу қалтис саволга жавоб беролмай, юзлари бадтар қизарганча ер чизиб қолди. Ишратпараст,



айёр йигит қизнинг бу ҳолатидан унинг ўта содда ва ишонувчан эканлигини дарров пайқади.

– Мсье уйда бўлсалар, чақириб берсангиз, илтимос! – дея кўзлари жовдираганча тоқатсизланди қиз.

Йигит ёзувчи уйда йўқлар, бошқа пайт келинг деб юборса ҳам булар эди-ю, бироқ у бу гал бундай қилмади. Шундай офатижон, соддадил қизнинг қалбида ёзувчига нисбатан салгина нафрат уйғотмоқчи бўлди. Синалган шу йўлни тутса, қизни тезда кўлга киритиш осон кечини бу ишратбоз олчоқ яхши билар эди.

– Ги сиз хаёл қилганчалик поқдомон фариштасифат эмас-да, – деди у бу гапни айтганидан гўё хижолат чекаётганидек у ёқ-бу ёққа аланглаб. – У аёлларга муккасидан кетган гуноҳкор бир банда-да, ахир, хоним.

– А? Нима дедингиз? – хаёли бошидан учганча чимирилиб сўради Жозефина.

– Хўп, майли, гапни чўзиб нима қилдим, сизга тўғриси айт қолай бўлмаса, – деди йигит хотиржам ишонтирувчи оҳангда. – Сиз ғойибона кўнгил кўйган мсье Мопассан ўйнаши Эртет билан кеча кечкурун кўнгил ёзгани каёққадир кетган эди. Ким билади дейсиз, у Эртетнинг иссиқ кучоғидан уйғондими, йўқми ҳали?

Сира хаёлига келмаган бу аёвсиз совуқ ҳақиқат Жозефинанинг бошига гўё чақмоқдай урилиб, бутун вужудини титратиб юборди.

Шундай ҳаётий, гўзал асарлар муаллифи, ўзича поқдомон, фариштасифат деб қалбининг тўрида эъзозлаб юрган азиз инсони наҳотки қаердаги бузуқи, ишрат-параст хотинбоз бўлиб чиқса-я?! О, қандоқ разолат бу! Бу гапларни эшитгандан кўра қизгина кар бўлиб қолса бўлмасмиди!

Маъсума Жозефинанинг булоқ сувидай тиниқ, беғубор туйғу ва орзулари шу тобда гўё нафис ва шаффоф чиннидек ерга тушиб чил-чил бўлган эди.

Бечора қиз аламли оҳ тортганча ўзини тутолмай йиғлаб, гўё йиқилиб тушишдан кўрққандек темир панжаларни оқ кўлқопли нозик кўллари билан ушлаб-ушлаб қоча бошлади. Бор гўзал орзулари поймол бўлган бу остонада бир сония бўлса-да қолишни истамас эди у!

Адибнинг олчоқ ошнаси айна дамда фурсатни кўлдан бой бермаслик-чун дарҳол уйга югуриб кирди-да, фраки-ю, цилиндрини эгнига илиб, кўчага отилиб, Жозефинанинг кетидан югурди.

Пьер – йигитнинг исми шундай эди – етиб келганида, Жозефина хўрланган ва ҳақоратлангандек дунё кўзларига қоронғи кўриниб, ҳиқиллаганча, изтиробли аччиқ кўз ёшларини тўкмоқда эди.

Пьер бундайин содда ва ишонувчан ёш қизларнинг кўнглига кўл суқиб, уларни тезгина йўлдан уриб, бирон-бир овлоқ гўшада маст қилиб, тўшагида тонг оттиришга жудаям устамон, пихини ёрган учар йигитлардан эди. Бугун ҳам унинг ошиғи олчи бўлиб, ўз ифлос ниятига осонликча эришиш илинжидан турарди. У Жозефинанинг титраб турган елкаларидан ушлаб ўзига қаратди-да, уни таскин-тасалли берувчи ширин сўзлар билан юпта бошлади. Мопассаннинг шундоқ бетайин бир хотинбоз эканлигини айтиб, уни шу қилиғи учун унчалик хуш кўрмаслигини изҳор қилди. Чил-чил синган кўнгил айна тобда шундайин хайрихоҳнинг муруввати-ю, таскинига муҳтож эди. Жозефина ўзини кўлга ололмай бадтар ҳиқиллаганча Пьернинг кўксига бош кўйди.

Шу пайтда кўчадан бўш фойтун ўтиб қолди. Пьер уни тўхтатиб, Жозефинани чиқарди-да, Парижга томон

жўнади. Йўлда қизнинг кўнглига шайтон шундай васваса солдики, оқибатда аста-секин унинг йўриғига кириб кетаётганини сезмай қолди. То манзилга етгунларича аламли чуқур-чуқур хўрсингача: «Ҳали кўради у менадан: ундан ўч оламан, ўч оламан! Нима, у қилган ишрат-парстлик нима, менинг кўлимдан келмайдими?!» – дея шивирлаб борарди.

Деярли ҳар куни жононлар билан кайфу сафо қилишга ўрганиб қолган Пьер Жозефинанинг титроқ елкаларидан аста қучганча момиқ билакларидан силаб-сыйпалаб, тиниқ чехрасидан энтикиб ўпганида, қиз унга монелик қилмади.

Пьер уни пойтахт четидаги овлоқ гўшалардан бирида жойлашган икки қаватли ҳашамдор уйга бошлаб келганида, қиз бу ер қанақа жой эканлигининг фаҳмига етган эди.

Уйнинг биринчи қавати киришдан худди ресторанларникидек кенг зал бўлиб, унда чиройли кийиниб, бўяниб олган дўндиқ жононлар мижозларининг тиззаларига ўтиришиб, кулишиб, ичишиб, чекишиб уларнинг кўнгилларини олиш билан овора эдилар.

Эрталабдан туз тотмай, роса очикқан Жозефина ҳали умрида кўрмаган таомлардан еярган, Пьерни хайрон қолдирганча пайдар-пай май сипқорди ва тезда сархуш бўлиб, ҳалиги дилисиёҳликларни эсдан чиқарганча, йигитнинг ичак узди латифаларидан завқланганча қийқириб кулар эди.

Ишрат учун фурсат етганлигини анлаган Пьер қизни иккинчи қаватдаги хос хонага олиб кириб, аста ечинтиришга киришди. Айна чоғда Жозефинанинг қулоғига иблис: «Ундан ўч олиш вақти етди, бардам бўл», – дея шивирлаб тургани учун йигитнинг ҳаракатига ҳеч бир қаршилиқ қилмай, кўзларини чирт юмганча ихтиёрини унга топширди...

Эрталаб боши сал оғриб кўзни очса, Пьер ўрнида йўқ эди. У муҳим юмуши борлиги сабаб эртароқ туриб жўнаб қолганди. Жозефина ёстиғини кўтарган эди, анчамунча яп-янги пулларга кўзи тушди.

Буларни Пьер унга тунги хизмати эвазига ташлаб кетганини дарров пайқади ва титроқ кафтлари билан юзларини яширганча йиғлаб юборди.

Сал ўтиб эшик секин тикиллади ва беканинг: «Мумкинми кирсам?» – деган овози эшитилди. Жозефина кўз ёшларини апил-тапил артганча пуллар устига ёстиқни ташлаб, киришга ижозат этди. Бека илжайганча Пьерни кўли очик бойвачча деб мақтади. Бу ерга келган қизлар дастлабки пайтларда бироз кўникишолмай қийналишади, кейин вақт ўтиши билан секин-секин ҳамма нарсага ўрганиб кетишади. Сиз ҳам, жонгинам, ҳаммасига кўникиб кетасиз. Бу ҳусни-малоҳатингиз билан кам бўлмайсиз.

Пул оёғингиз остига баргдек тўкилади, азизам. Ҳали шундай бахтиёр яшайсизки, муҳтожлик кунларингиз худди тушдек унут бўлиб кетади,» – дея вайсаб чиқиб кетди.

Бирпасдан кейин Жозефина ювиниб, тараниб бояги пулларни чўнтакка урганча кўчага чиқди. Шаҳарнинг асл моллар билан савдо қилувчи дўконлари жойлашган кўчаларини ҳеч нарсани ўйламай бамайлихотир сайр қилди. Эскигина кийиниб, қашшоқликнинг тошдан қаттиқ кунларини бошдан кечирган кезлари аслзодалар юрадиган бу обод кўчаларга келишга ийманар, негадир ҳадди сизмасди. Энди-чи? Энди эгнида графиняларникидек бежирим либослари, ёнида эса бир даста яп-янги

пуллари бор. Мана ман деган аслзода билан басма-бас савдолашиши мумкин энди. Икки-уч кечада топган пулига истаган нарсасини оппа-осон сотиб олиши муқаррар. Фабрикада ярим йил бели букчайиб ишлаганида ҳам бунча пул тополмаслигини Жозефина яхши фахмлаб етганди. Ўзларини зоҳиран одоб-ахлоқли, иффат-у, орномусли қилиб кўрсатиб юрган шу оқсуяк хонимчаларга нисбатан унинг қалбида нафрат ҳисси уйғона бошлади. Бир пайтлар ночорликда кун кечирган дамларида ўзига ирганиб қараган бу хонимчаларга нисбатан эндиликда қасдма-қасд яшашни кўнглига тугди.

Бир ярим йилдан ортиқ яшаган қадрдон кўчасидан ичида юраги дириллаб турса-да, ҳеч гуноҳсиздай кўкрагини кериб, бошини ғоз тутиб ўтиб кетар, маҳалладошлари ким бўлдийкин бу хоним дегандай бирданига уни танитайиб ҳайрон бўлишиб ортидан қараб қолишар эди. Баъзи танитганлар оддийгина ишчи қизнинг бир кунда киши танимас даражада бундай ўзгариб кетганига ҳеч ишонгилари келмай, оғзилари очилганча анграйиб қолишаверарди.

Жозефина уйни бир сидра йиғиштириб чиққач, негадир юраги сиқилиб кўчага чиққиси келаверди. Хонасида столда очиқ қолган Мопассаннинг ҳикоялар тўпламига кўзи тушгач, жазаваси кўзгаб, китобни жавон томон улоқтириб юборди. Китобнинг илк саҳифасида адабнинг кулиб тушган сурати бор эди. Шу тобда ёзувчи унинг устидан кулаётгандек туюлиб кетди унга. Адибнинг ҳамма китобларини йиғиштириб, қўшни қизга «чин кўнгилдан» тақдим қилди.

Оқшом маҳали шоҳона ҳаётни давом эттириш ҳамда Мопассандан ўзича ўч олишни давом эттириш мақсадида Жозефина исловатхонага йўл олди ва бир йил ичида у Париждаги энг ёш, офатижон жонон деб ном қозонди.

Граф Альбер Жозефинанинг аянчли саргузаштларини тинглаб бўлгач:

– Энди у ерга сира қайтиб борма, – деди ўйчан оғир овозда. – Етар шунча азоб чекканларинг. Шу ерда қол. Истасанг, шу уйни шу бугуноқ номинга хатлаб бераман.

– Нима, мендайин эркаларнинг эрмаги бўлган бир жувонни, – у фоҳишани демоқчи бўлди-ю, аммо бундай дейишга тили бормади, – уйингизга қўймоқчимисиз? – дея сўради Жозефина қулоқларига ишонмай. – Балким, менга уйланмоқчи ҳам бўларсиз, ҳали?

– Бу тўғрида ҳали ўйлаб кўрганим йўқ, – дея жавоб қилди граф ўрндан тураркан. – Нима, уйлансам арзи-майсанми?

– Биламан, сиз менга икки дунёда ҳам уйланмай-сиз, уйланолмай-сиз. Бу гапни кўнглим учун айтдингиз, – деди Жозефина тушкун овозда. – Бунга аввало ота-онангиз, кейин эса мансаб, мавқе, насабингиз асло йўл қўймайди. Сизни кўнсангиз, кўнмасангиз ўз табақангиз тоифасидаги графиняларнинг бирига уйлантиришади. Ўшангача мен сизнинг маъшуқангиз бўлиб туришимни истай-сиз, биламан. Кейин эса мени унутиб юборасиз. Мен бировга бир умрлик маъшуқа бўлишга ярамасам керак. Шунинг учун мен бировга жудаям кўп боғланиб қолишни хоҳламайман. Эркин қўш бўлишни истайман. Бундан кейин биз аввалгидек дўст бўлиб қоламиз деган умиддаман. Бироқ битта шартим бор: уйингизда Мопассаннинг китобларига кўзим тушмасин, у ҳақда менга бир оғиз ҳам гапирманг, хўпми?

Граф оқила Жозефинанинг шартига ноилож кўнди. У Жозефинани кузатиб қўйгач, ҳақиқатни очиқ-ойдин билиш мақсадида Мопассаннинг ошнаси бўлмиш ўша Пьер деган кимсани ахтариб топишга аҳд қилди. Бу юмушда унга дўсти Шарль кўмаклашди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, дўсти уни ресторанларнинг бирида Пьер билан таништириб қўйди. Аввалига ўзини сипо тутиб, гаплари қовушмай турган Пьер икки шиша ўткир майни пайдар-пай сипқоргандан кейин жағининг қулфи калити очилиб кетди. Графнинг Жозефина ҳақида сўраганларини битта қўймай, оғзининг суви оққанча оқизмай- томизмай сўзлаб берди.

– Бу тўғрида эртасига Мопассанга айтганмисиз? – дея сўради граф ўзини аранг тутиб, ичида бу кимсадан қаттиқ нафратланганча.

– Бўлмасам-чи, бизнинг орамизда сир йўқ, граф, – дея кекириб жавоб қилди Пьер.

– Хўш, Мопассан сизга нима деб жавоб қайтарди? – муштларини қисиб қизиқиш ила сўради граф.

– Нима ҳам дерди, – дея иршайганча кўлига қадаҳни олди Пьер. – У ҳам каминадек кулди-да: «Бу янги ҳикоям учун яхши сюжет бўлиши табиий», деб қўйди халос.

– Ёш бир қизнинг номусини булғаб, уни исловатхонага ташлаб келганингиз-чун бир оғиз уришмай юзингизга тарсаки тортмай, бепарволик билан илжайиб қўя қолдимиз, а? – деди жиғи бийрони чиқиб граф.

– Мен уни мажбурлаганим йўқ, жаноб, – деди Пьер ҳиққичоғи тутиб. – Қизнинг ўзи Гидан ўч оламан деб шу ишга розилик билдирди-да, ахир.

– Эҳ, афсус, Мопассаннинг ўрнида бўлганимдами, ўша куниеқ сизни дуэлга чақириб, пешонангиздан отиб ташлаган бўлар эдим! – дея жаҳд билан ўрндан туриб, ресторани тарк этди граф. Граф Альбернинг шу кеч улуг Мопассандан кўнгли қолди.

\* \* \*

Мопассан ҳаётининг сўнгги кунларини «Азиз дўст» деб номланган севимли яхтасида ўтказди.

Умрининг охирида адиб кучли асабий толиқиш ва қаттиқ бош оғриғи хасталигидан кўп азият чекди. У яхтасида хизмат қилувчи икки матросдан бошқа кимса билан учрашишни ҳам, гаплашишни ҳам истамас эди. Ҳатто яқин ўртоқларини ҳам ёнига яқинлаштирмай, ич-этини еб ётган адибнинг аянчли аҳволдан қаттиқ хавотир олган дўстлари зора ёрдами тегса деган ниятда унинг ҳузурига тажрибали руҳшуносни юборишди. У руҳшуносни хушламайгина базўр қабул қилди. У билан атиги бир соатгина суҳбатлашди холос.

– Агар менга кўнглингизни очиб сўзламасангиз, сизга ҳеч қандай маслаҳат ҳам, ёрдам ҳам беролмайман, – деди руҳшунос гапни майдалаштириб ўтирмай. – Айтинг, сизни қандай дард бунчалар қийнаб, безовта қилмоқда ўзи?

Адиб руҳшуносга бирпас ўйчан тикилиб турди-да, мана неча ойлардан бери ич-этини кемириб келаётган дардини айна чоғда унга тўкиб солмасдан бошқа иложи йўқлигини идрок этди.

– Биламан, умримнинг шоми яқинлашиб бормоқда, – дея оғир хўрсинди адиб. – Мени чин дилдан севиб, мухлисам бўлган бир қизгинанинг ҳаёти барбод бўлишида ўзимни қаттиқ айбдор деб биламан!

Бечора ишчи қиз! Мен уни фабрикага учрашувга борганимизда атиги бир мартагина кўргандим халос. Ҳозир



унинг чехрасини ҳам, исмини ҳам эслолмайман, ҳатто.  
 Ўша қизгина менга қаттиқ ошиқ бўлиб, бир куни тонгда, мен уйда йўқ маҳалим, мени кўргани келибди. Аёлларга ўч бир дўстим уни авраб, бошини айлантириб, исловатхонага олиб бориб...

Мопассан у ёғини ўзингиз тушунасиз-ку дегандай қолган тафсилотларни сўзлашни истамади.

Эртасига у кеча ўша қизни нима аҳволга солганини мақтаниб айтганида, мен нодон уни бир оғиз койимай, янги ҳикоям учун қизиқарли сюжет дебман-а!

Умрида бундай воқеани ҳеч эшитмаган руҳшунос нима деярини билмай, кўзойнагини туширганча анграйиб қолганди.

– Нимага ўша куниёқ исловатхонага бориб, оёқларига йиқилиб ундан кечирим сўрамадим-а?! Уни ўша ифлос макондан уйимга олиб келиб, бутун ҳаётимни ўша муштипарга бағишласам бўлар эди-ку?! Менга умрини бағишлаб, садоқатли ёр бўлмоқчи бўлган қизгинага нега бунчалар бепарво бўлдим-а?! Агар вақтида уни топиб, кўнглини ополсайдим, қолган ҳаётим бошқача ўтган бўлармиди? Эски тузалмас дардлар бугунгидек аччиқ армонга айланиб, мени абгор қилиб ўтирмасмиди?! Мен осий бандангни ўзинг кечир, эй Худойим!

Бу буюк адибнинг умри сўнгидаги дилдан чиққан аламли истиғфори эди.

\* \* \*

Мопассан вафот этган вақтда Граф Альбер Амери-када савдо ишлари билан банд эди. Шу боис сеvimли ёзувчисининг дафн маросими га қатнашолмади.

Орадан икки ойлар ўтиб, Парижга қайтганининг эртасига граф сеvimли ёзувчисининг қабрини зиёрат қилгани тонгда қабристонга йўл олди.

Хувиллаган қабристон кимсасиз деб ўйлаган эди граф. Аммо у ўйлаганчалик бўлиб чиқмади. Мопассаннинг қабри олдида қоп-қора мотам либосли бир аёл пичирлаганча дуо ўқиб турар эди. Оёқ остидаги хазонларнинг шитирлашидан сергак тортган нотаниш аёл секин ортга бурилди. Граф дарҳол уни таниб, сокин юраги гурсиллаганча хушнуд ҳолда унга интилди. Бу аёл – унинг Жозефинаси эди.

Қабр тошига ёзувчининг кулиб тушган чиройли сурати ўрнатилганди.

Улар суратга тикилганча анча вақт туриб қолишди. Улуғ адиб ҳақиқий икки мухлисининг қайта топишгандан мамнундек эди гўё.



## НЕВАРАКУЛЧА

Муяссар АБРИЕВА

### Ростгўйликдир шиорим



#### МЕҲМОН КЕЛГАНДА

Келганда уйга меҳмон,  
 Ёзилади дастурхон.  
 Бизда одат шунақа,  
 Гапга тушиди Гулжаҳон.

Қулогинга қуй Акмал,  
 Айтганимга қил амал.  
 Дастурхонга чўзиб қўл,  
 Изза қилиб қўймагил.

#### ҲОЗИР КЕТДИЛАР

Ҳозир кетдилар денглар,  
 Тайинлар баъзан бизга.  
 Қайтгунимча музқаймоқ,  
 Олиб қайтаман сизга.

Ойим уйда бўлмаса,  
 Ишдан эрта қайтган дам.  
 “Кўринмайди негадир,  
 Ойинг қани?”, дер отам.

Қўймангиз яна койиб,  
 Ростгўйликдир шиорим.  
 Тўрт-беш соат бўлганди,  
 Ҳозир кетдилар ойим.

#### ҚИШ

Қишнинг ажиб завқи бор,  
 Ёққанда атрофга қор.  
 Хизматга шайдир қўлқоп,  
 Чаналар турар тайёр.

Шундай кунда Адҳамнинг,  
 Келиб ўйин қилгиси.  
 Қорбобонинг бурнидан,  
 Олиб еди “сабзи”син.

Қор совуғи аёвсиз,  
 Чимчилади бармогин.  
 Дўстлари деди: эвоҳ,  
 Эсини еган чоғи.

Бир пайт Адҳам совуқдан,  
 Йиғлаб тушиди йўлига.  
 Чунки Аёз бобо унинг,  
 «Игна санчди қўлига».



Назар ШУКУР

## Содда эртақлардан узилган умрим

### МАЖНУНТОЛ

Сочи билан тўсиб юзини,  
Ғамгин турар мажнунтол мудом.  
Еллар эса юпатиб уни,  
Севинч этмоқ бўлади инъом.

Ҳар дам яшар қомати эгик,  
На кунлардан кутгай нашида.  
Узоқларга боқмай сира тик,  
Ўртанади ғам оташида.

Ичга ютиб дардларин ёлғиз,  
Ўзгартирмас шаклу вазият...  
Яшагани учун мевасиз,  
Бош кўтармай чекар азият.



1975

\* \* \*

Эринг бўғилади шеърларим ўқиб,  
Сени азоблайди излаб баҳона.  
Сен-чи, ёлворасан унга тиз чўкиб,  
Дейсан: « У мен учун энди бегона!»

Ишонмас! Чорасиз тўйдинг жонингдан,  
Бошингдан ёгилар таъналар бетин.  
Мен ўлсам – маҳрумсан илк севганингдан,  
У ўлса – фарзандинг қолади етим!

1977

### ХАЁЛ САРҲАДИ

Фазоларга элтади хаёл,  
Масофалар гурурин ёриб.  
Кенгроқ маъво тополмай, беҳол –  
Чексизликка урилар бориб...

1977

### СУВРАТ

Асрар дақиқалик умримни суврат,  
Собит турар унда оний ҳолатим.  
Ён-веримда нафас ютган сукунат,  
Кўзларимда қотган парча жууръатим.

Гоҳ не фурсатимиз ўтса ҳам бекор,  
Ўйлаб ҳам кўрмаймиз афсус этмоқни...  
Суврат-чи, лаҳзалик умримни зинҳор  
Олис замонларга асраб элтмоқчи.

1978

\* \* \*

Умрлар ортида барҳаёт ўлим,  
У баттар даҳшатли, жим-жит бир дунё.  
Қадимий зулумот безавол, сўлим,  
Ўлим ҳам жим кезар қўрққандан гўё.

Дарвоқе, эсларкан уни одамзод,  
Силқиган ваҳмини бўлмайди сўйлаб.  
Даҳшатга тушади,

Абадул-абад  
Орзусиз, севгисиз яшашин ўйлаб.

1978

\* \* \*

Не ҳадиклар жойлаб кўнгилга,  
Тинч дамлардан кетгайсан учиб.  
Беихтиёр номимни тилга,  
Олишингдан яшайсан чўчиб.



Хаёлинггу тушингга мутлоқ  
Шарпалардай киргайман сизиб.  
Сен қўрқасан, ёринг боққан чоқ  
Чиқшишдан чехрангга сузиб.

1978

\* \* \*

Хайр!  
Энди учрашмаймиз ҳеч,  
Титраб турар бу сўнгги висол.  
Кўёш ботмай тушаёттир кеч,  
Қучишамиз бир-бирни беҳол.



Хайр! Не тонг, кўзингни ёшлаб,  
Сен ортимдан қоласан туриб.  
Мен-чи, кескин қадамлар ташлаб,  
Айрилиққа кетаман кириб!

1978

### ВАҚТ ХИЁБОНИДА

Дарахтлардай ўтишар қатор,  
Дақиқалар икки ёнимдан.

Мен бораман дунё келиб тор,  
Кўркама Вақтнинг хиёбонида.

Армонларнинг кўксин поралаб,  
Ҳордиқ олмай йўллар ошаман.  
Гоҳ тун, гоҳо кунни оралаб,  
Келажакка яқинлашаман.

1978

\* \* \*

Томчидай турибди титраб куз,  
Энг сўнгги лаҳзага илиниб.  
Зум ўтмай фалокат берар юз,  
Зум ўтмай эсон берар уриниб.

Узилди!..  
Изида хазон, мунг,  
Ҳар ённи қамради ларзалар.  
Киради ададсиз қишга сўнг,  
Хотиржам қор кечиб Лаҳзалар.

1978

### БОЛАЛИК

Гоҳ бўлса ҳаётда ташивиш кўндаланг,  
Болалик жим қалқиб чиқар хотирга.  
Хаёллар эшигин очар шунда ланг:  
Хивич от, шўхлик-ла бўламан бирга.

Тагин хув, йироқлар туюлар сирли,  
Тагин пок руҳимга ҳар нарса тилсим.  
Шунчалар покиза,  
Шунчалар нурли,  
Содда эртаклардан узилган умрим.

1978





Наргис ҚОСИМОВА

## ҚАҲРАБО ПАРЧАСИ

Ҳикоя



Нилуфар бехосдан уйғониб, қаердалигини анча вақт тушунмай, бир муддат турли хил рангларда товланаётган шифтга тикилиб ётди. Кеча нима бўлганлигини эшлашга ҳарчанд уринмасин тарқоқ, бир-биридан икки мусбат заряд сингари қарама-қарши томонга қочаётган фикрларини жамлай олмади. Олисликдан бундан етти йил илгари ажрашиб кетган эрининг истеҳзо билан тиржайган башараси кўриниб: «Менсиз бир ўзинг яшаб кўр-чи, кўраман ҳолинг не бўлар экан? Тиланчилик қиласан, икки боланг этагинга ёпишиб, чанг кечиб юрасан ҳали» деган сўзлари яна бир бор жаранглагандай бўлди.

Нилуфар бошини тўлаб гўёки, тиржайган башарани кўз олдидан ҳайдади. Саккиз йиллик турмуши

давомида ҳақорат-у, калтақдан деярли бошқа нарсани кўрмай, ажрашиб, эндигина тинч яшаётганида бот-бот уни таъқиб этаётган эрининг хунук тиржайган башараси баъзида унут бўлаётган хотираларини яна эсга солар, шундай пайтларда аёл Худодан фақатгина ўша қора кунларни ёдига солмасликни сўрар эди. Башара узоқлашиб, қор пардаси ичида ғойиб бўлди, аммо танасидаги ҳорғинлик, бошининг лўқиллаб оғриши юмган кўзларини яна қайта очишга мажбур этди. Ташқаридан эшитилаётган шовқин Нилуфарни сергаклантирди. Худди денгизнинг шовуллашига ўхшайди-я! Бу ерда денгиз нима қилади? Нилуфар яна ухлашга ҳаракат қилди. Бу ҳаммаси қулоғининг орқасида пайдо бўлган шишдан. Кечасию, кундузи азоб бериб, эндигина изга тушаётган ширин ҳаётига захар солди. Бошидаги лаънати оғриқ пайдо бўлганидан буён бирор бир бошлаган ишини охирига етказа олмайди. Эрталаблари худди кечаси билан кетмон чопган одамга ўхшаб чарчаб, жиққа терга ботиб уйғонади.

Нилуфар секин ўрнидан туриб ёнидаги каравотда ётган ўғлининг устини ёпиб қўйди. Эндигина саккиз ёшга тўлган ўғилчаси совқотиб ғужанак бўлиб олибди. Бошқа каравотда ётган қизига термулар экан, бошида пайдо бўлган оғриқ билан кўнглида пайдо бўлган хавотир янада кучайди. Унга бирор кори ҳол бўлса, ҳали бу шафқатсиз ҳаёт таъмини татиб кўрмаган норасидаларининг аҳволи нима кечади? Ёлғиз ўзи ялаб-юлқаб катта қилаётган фарзандлари учун уч жойда ишлайди. Бировдан кам бўлмасин, ўксимасин деб истаган нарсаларини олиб беришга ҳаракат қилади. Шунча елиб-югурганига яраша Худойим унга яна озгина умр, бахт берса нима қиларди-я?!

Нилуфар яна ўз ўрнига чўзилар экан, боя қулоғига чалинган шовқин яна такрорланди. Қизиқиб, дераза пардасини четга сурди. Во ажабо! Ой нурига чўмган борлиқда бепоён денгиз ястаниб ётар, кетма-кет ўр-



малаб келаётган тўлқинлар қирғоқдаги тошларга урилиб, уларнинг устида қолаётган оқ кўпик бир дақиқадан сўнг жимираб сўнарди..

Нилуфар туш кўраяпман шекилли деб ўйлаб, аста ўзини чимчилаб кўрди. Йўқ, бу туш эмас эди. Демак, ақлдан озаяпти. Ахир у шаҳар чеккасидаги тўрт қаватли уйда яшайди. Кеча кечкурун ишдан қайтаётганида ахлатга тўлган кичкина ариғу кўп қаватли уйлар олдида савлат тўкиб турган азим қайрағочларнинг тагида оёқлари қийшайиб, ёғочлари чирган ўриндиқдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Бу денгиз қаёқдан пайдо бўлди. Доимо денгиз қирғоғида ўзининг катта уйи бўлишини орзу қиларди. Наҳотки, орзуси рўёбга чиқаётган бўлса?!

Пишиллаб ухлаб ётган фарзандларини уйғотмаслик учун илғақда турган чарм куртқасини тунги кўйлаги устидан елкасига ташлади-да, аста ташқарига чиқди. Ташқарида ҳақиқатдан ҳам денгиз мавжланарди. Оёғидаги калишини ечиб, сув ювган илиқ қумга қадам босган Нилуфар ҳамма нарсани бир зумда унутди. Аччиқ ҳаётининг битмас-туганмас ташвишлари, соғлигининг ёмонлашгани – барчаси унут бўлди. У бақариб кулгиси, ашула айтгиси, ёш қизалоқлардай яланг оёқларини юваётган тўлқинлар ичида югургиси келарди. Соҳил бўйлаб кетар экан, ой нурида ялтираган алланарса диққатини тортди. Энгашиб уни кўлига олди. Қаҳрабо парчаси экан. Болалигида раҳматли бувиси ўз севгисига етиша олмаган гўзал қизнинг сув парисига айланиб, бир умр қирғоқда қолган ёри ишқида кўз ёш тўкканлиги ҳақида эртаси айтиб берганди. Сув парисининг кўз ёшлари қаҳрабога айланар, тўлқинлар эса уларни қирғоққа чиқариб ташлашар экан. Бир куни қаҳрабо парчасини топиб олган йигит заргарга олиб бориб ундан узукка кўз ясатибди. Ҳар доим узукка қараса, қаҳрабода севгилисининг аксини кўрар экан..

Нилуфар кафтидаги қаҳрабо парчаси ой нурида гоҳ оч сариқ, гоҳ қизғиш рангда товланишини томоша қилар экан, бувисини, бузилган турмушини эслаб оғир хўрсинди. Қаҳрабони авайлаб кўйлагининг этагига артиб, куртқасининг чўнтагига солиб кўйди. Оёқларига келиб урилган янги тўлқин аёлни чўчитиб юборди. Ахир, фарзандлари уйда ёлғиз қолишди-ку, уйғониб қолишса, кўрқиб, йиғлашса-я? Нилуфар калишини қидириб орқага югурар экан, ҳозиргина ўзи чиққан уйини топа олмай хуноби ошди. Калиши қолдирган жойда ётар, аммо кўп қаватли уйлар, ўзининг мавзеси йўқолган эди. Уларнинг ўрнида болалиги ўтган, томи тунука билан қопланган уйи қад кўтариб турарди. Дадаси вафот этганидан буён ёқилмайдиган чироқ унинг хонасини ёритиб турганини кўриб, ҳовли томон шошилди. Дарвоза очиқ, зинада мудраб ётган кучуги уни таниб, думини ликиллатганича оёқларига сурқалди.

– Тузик, Ту-узик, ўзингмисан?

Нилуфар кучугини эркалаб, совуқ бурнидан ўпиб кўйди. Отаси вафотидан сўнг ёлғиз укаси хотинининг «талаби» билан ҳовлини иккига бўлиб, ўртадан девор урган, етмиш беш ёшга кириб, келин олиб кўлидан бир пиёла ҳам чой ичмаган онаси ва синглисидан айри бўлиб олган эди. Ўзи-чи, ўзи. Бошқа шаҳарда насибасини териб юрибди. Онаси ва синглисидан фақатгина телефон орқали хабар олади. Ҳозир эса...ўша машъум девор йўқ, ҳаммаси отаси ҳаёт пайтидагидек.

Нилуфар атрофга боқиб ҳар доим тунда қулфланадиган даҳлиз эшигини тортди. Очиқ экан. Дадасининг хонасига кирар экан, шифтгача китоб терилган жавонлар, дераза ёнидаги ёзув столи олдида ўтирган дадасини кўриб қотиб қолди. Бирданига соғинчдан, бошига тушган қийинчиликлардан ўпкаси тўлиб, кўзлари намланди.

– Нега ёлғиз келдинг, болаларинг қани?

Дадаси кўлидаги ручкани қоғоз устига кўйиб, қайрилиб Нилуфарга қаради.

– Ассалому-алайкум, дада... Сиз...

– Болаларинг ёнига қайт. Уларни ёлғиз қолдирма, кейинроқ гаплашамиз. Ҳали бунинг вақти эмас, ўзим сени олиб кетаман.

Дадаси яна қоғоз устига энгашиб алланималарнидир ёзишга тутинди.

– Дада..

– Бора қол... Кейин гаплашамиз, менинг бу уйда анча ишим бор экан, қайтмасам бўлмади...

Нилуфар кўйилиб келган кўз ёшини энги билан артдию, кўлини туширганида қоп-қора подъездда, хонадонининг эшиги олдида турганини кўрди. Аста эшикни очиб уйга кирди. Ҳаммаёқ сув қуйгандай жим-жит. Болалари ҳамон ухлашарди. Сукунатни фақатгина ошхона деворига осилган соатнинг чиқиллаши бузарди. Устидаги куртқасини ечиб, аллақачон совуган жойига чўзилар экан, хўрсиниб кўзини юмди.

... – Э, Худо, болалар, тез турунлар, мактабга кечикасизлар.

Нилуфар болаларини гап билан шоширар экан, уларга нонушта тайёрлаб, шу орада ўғлини кийинтиришга, қизалоғининг сочини ўриб кўйишга ҳам улгурди. Кечга бориб секинлашган вақт аксига олиб эрталаб югуриб кетади. Соат тўққизда ўзининг университетдаги дарси бошланади. Бир соат олдин уйдан чиқмаса, улгурмайди. Фарзандларини кузатиб, хонтахта устида сочилиб ётган маъруза матнларини сумкасига солди. Тезда кийиниб, сочини таради. Сумкани елкасига илиб, аксига олиб доимо шошилганида йўқолиб қоладиган калитини қидира бошлади. Куртқасининг чўнтақларини титар экан, ниҳоят калитни топди. Шода калитларни олиши билан, улар орасидан нимадир ерга тушиб кетди. Эшикни қулфлаб, тушган танга бўлса керак дея энгашиганича қотиб қолди. Нилуфарнинг оёқлари остида тунда соҳил бўйидан топган қаҳрабо парчаси ётарди.





**Ашурали ЖҰРАЕВ**

## ДАРЁДУА ИЖОЖ ЭДИ

Шоир Машраб Бобоевни илк бор “Онамга хат” китоби орқали таниганман. Айнан шу номдаги шеърни ёд олиб, мактаб давраларида айтиб юрганман. Муаллиф билан Тошкентда ўқишни тугатиб, технология билим юртида ишлаб юрган пайтда раҳматли устозим Неъмат Аминов орқали юзма-юз кўришиб, танишганман. Бир сафар Неъмат ака, Машраб Бобоев билан билим юртимизга келишган. Ўша пайтда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида машҳур рус адиби Валентин Катаевнинг “Хаёл чечаклари” китоби Машраб Бобоев таржимасида нашр этилган эди. Китобни кўлдан қўймай ютоқиб ўқиб чиқдим. Асар ёзиш услуби, мавзуси, мазмун-мундарижаси билан қизиқарли бўлиб, кўп китобхонларни ўзига жалб этган эди. Таржима шу қадар ра-вон, шу қадар жозибали эдики, гўё В.Катаев уни ўзбекча ёзгандай эди. Кейинчалик ёзувчи Хайриддин Султоновнинг ушбу таржима моҳиятини теран очиб берадиган яхши мақоласи чоп этилди.

Биринчи учрашувдаёқ Машраб ака билан суҳбатимиз чиқишиб, гапимиз-гапимизга тўғри келиб, ака-ука бўлиб қолдик. Бу ўзаро илиқ муносабат у кишининг умрларини охиригача давом этди.

Машраб Бобоевдан камина кў-ўп яхшиликлар кўрди. Ўша ўтган асрнинг 80-йилларда 2-Тошкент ун заво-дига қарашли бир хонали баракда оилам билан яшардик. Аҳвол ниҳоятда оғир ва ачинарли эди. Биз яшайдиган хонанинг деворларида каламушлар бемалол юрарди. Анча елиб-югуришлардан сўнг каминага Сергелидан тўққиз қаватли уйнинг саккизинчи қаватидан квартира беришди. Уйни Неъмат аканинг машинасида Машраб ака билан бирга бориб кўрдик. Янги уй уларга ҳам ёқди. Мен уйнинг ишхонамга узоқлигини, квартиранинг баландлигини гапирганимда Машраб ака:

– Аввало уйни берганига шукур қилинг. Сўнг бу уйга меҳр қўйинг, Ашурбой, – дедилар.

У кишининг ана шу бир оғиз ибратли сўзи билан уйга астойдил меҳр қўйиб, шу уйда ўн уч йил яшадик. Баъзан йўлнинг олислиги, ҳафталаб лифтнинг ишламаслиги асабга тегса, дарҳол Машраб аканинг меҳр ҳақидаги га-пини эслаб, юмшардик...

Яна бир унутилмас яхшилик. 1983 йилда усто-зим Неъмат Аминов билан Машраб Бобоев камина-

ни “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига ишга тавсия қилганлар. Ўшанда таниқли ижодкор Маматқул Ҳазратқулов газетанинг масъул котиби эди. Улар мени Маматқул акага, Маматқул ака эса яна бир машҳур усто-зимиз Одил Ёқубовга тавсия этган. Шу билан менинг Тошкентдаги сарсон-саргардонлигимга, узоқ чеккан азоб-укубатларимга чек қўйилиб, ўн йил кутган орзуим амалга ошди. Таҳририятга ишга қабул қилиндим. Бу яхшиликлари учун улардан бир умрга миннатдорман. Илоё, икковларининг ҳам жойлари жаннатда бўлсин!

Машраб Бобоев катта шоир, ажойиб драматург ва моҳир таржимон эди. Машраб аканинг шеърлари кутил-маган ташбеҳлари, образли мисралари, бетакрор ман-заралари ва ҳаётийлиги билан ҳали-ҳануз ўқувчиларни ҳаяжонга солиб келади. У она юртимиз – Ўзбекистонни юксак меҳр билан қаламга олади:

*Ўзбекистон, она Ватан, дардингни олай!  
Билмасанг ҳам Машраб киму, юмуши надир,  
У ҳам сенга жонин фидо қилмоқ учун шай.  
Саноқда йўқ миллионлар қаторидадир.*

Машраб ака қанчалар ватанпарвар бўлса, юрт-парвар бўлса, шунчалар дўстпарвар, инсонпарвар ҳам эди. Дўсти жуда кўп эди. Машраб ака билан бир кўришган, суҳбатлашган ё даврада ўтирган инсон у кишининг дўстига айланарди. Мудом яхши одамлар билан дўст тутинарди, улар билан дўст бўлишга инти-ларди. У дўстнинг қайғусига шерик бўлар, яхши кунла-ридан қувончга тўларди. Дўстларга садоқатни, вафони, меҳр ва оқибатни Машраб Бобоевдан ўрганиш керак. Айниқса, Машраб аканинг устоз Неъмат Аминов билан ака-укачилиги, қадрдонлиги ҳавас қиладиган даража-да ибратли эди. Улар худди туғилган қариндошлардай яқин эди. Оилавий борди-келдилари бор эди. Ҳатто фарзандларининг туғилган кунларини ҳам бирга нишон-лашарди. Машраб ака Неъмат акамни ўз акасидай яхши кўрарди. Агар Неъмат акамнинг юрти Бухорода бирор тадбир ё маърака бўлса, албатта, Машраб ака бориб қатнашарди. Ёки Машраб Бобоев туғилган Пайарикда тўй-маърака бўлса, албатта, Неъмат акам бошчили-гида борардик. Ана шундай борди-келдилар туфайли



Пайариқдан жуда кўп кадрдонлар, дўстлар орттирдик. Бундай сафарларда ижодкорлардан Нусрат Раҳмат, Сайди Умиров, Маматқул Ҳазратқулов, Асад Дилмурод, Зиёдулла Нурматов, Орзиқул Эргаш, Нортўхта Қилич ва бошқа ҳамкасбларнинг бирга бўлишлари давраимизга файз бағишларди. Жойларда бўладиган учрашувлар қизиқ ўтарди. Бир сафар Пайариққа борганимизда Исмоил ал-Бухорий қабрларини кечаси бориб зиёрат қилганмиз. Шўро даврида анча ташландиқ аҳволга келиб қолган буюк авлиё қабрларини кундуз кунни бориб зиёрат қилиш балога қолиш билан баробар эди. Оллоҳга шуқр, мустақиллик туфайли Бухорий қабри обод бўлиб, улкан мажмуа қад ростлади. Энг муҳими, бу улуғ бунёдкорликни Неъмат Аминов ҳам, Машраб Бобоев ҳам кўриб, қайта-қайта зиёрат қилиб кетишди.

Машраб ака билан тез-тез вилоятларга ижодий сафарларга ҳам бориб турардик. Бир гал 1985 йилнинг 9 майида Фарғонага бордик. Гуруҳимиздаги устоз адиблар – Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом самолётда кетишди. Биз – Машраб Бобоев, Ёқубжон Хўжамбердиев, шоир Шайдо ва камина машинада жўнадик. Машраб ака билан узоқ йўлда юришнинг ҳам ўзига хос гашти, мазаси бор эди. Қамчиқ довоининг ва табиатнинг хушманзара жойларида тўхтаб, бир пас дам олиб йўл юрсак ҳам мўл юриб, манзилга етиб бордик. Дастлаб Олтиариқ, Бувайда туманларида учрашув бўлди. Риштондаги катта боғда бўлган учрашувдан олдин уруш қаҳрамони – машҳур Мамадали Топиболдиев қабрини зиёрат қилдик. Ўша кунни Белоруссиядан ҳам у кишини хотирлаб, бир гуруҳ меҳмонлар келган экан. Меҳмонлар асосан Белоруссиядаги Топиболдиевка деган қишлоқдан экан. Ҳар йили келишаркан.

Тадбирга шоир акамик Йўлдош Сулаймон раҳбарлигидаги фарғоналик ижодкорлар ҳам келиб қўшилдилар. Ўртада Машраб Бобоев бошлаган табрик шеърга уланди ва мушоира бошланди. Бир пайт каминага ҳам сўз берилди. Шунда Машраб Бобоевнинг қўлидаги “Бағишлов” китобини олиб, давра ўртасидаги микрофонга бориб, байрам тилақларини айтиб, китобдаги “Муин Бисису” шеърини баланд овозда ўқидим. Ушбу каттагина шеър:

*Миллатни ким йўқотди, қизим?  
Миллатни ким йўқотди, ким?*

мисралари билан бошланиб, шу мисралар билан тугайди. Шеърни ўқиб бўлгач, охирида ичкилик таъсиридан бўлса керак ўзимдан қўшиб: “Миллатни политбюро йўқотди”, деб айтиб юборганман. Бу сўзлар микрофондан шундай жаранглаб эшитилдики, даврадагиларнинг ранглари ўчди.

Давра сув қуйгандай жим-жит. Биз билан ўтирганларнинг кўпчилиги бир зумда куён бўлишган. Мени ҳам жойимга ўтқишишмасдан у ердан тезроқ олиб кетишган. Кўзимни очганимда олтиариқлик бир танишимизникида ётган эканман. Шунда Машраб ака кўнглимни кўтариб:

– Энди афсусланишдан фойда йўқ. Айтилган гап айтилди. Ҳаммаси яхши бўлади. Парво қилманг, Ашурбой, – деди.

Сафар тугаб, довондан ўтаётганимизда шахсан Машраб аканинг ташаббуси билан менинг “қаҳрамон-

лигим”ни ювдик. Тошкентга келганимиздан сўнг ҳам Машраб ака кун ора телефон қилиб, аҳвол сўраб турди. Орадан бир ҳафта ўтгач: “Энди ҳеч гап бўлмайди”, – деди Машраб ака қатъий қилиб. Ҳақиқатдан ҳам ҳеч гап бўлмади. Чунки ўша даврларда ошкоралик шабадаси эса бошлаганди...

Энди бир гапни ёзмасам бўлмайди. Гўё Машраб ака ҳақидаги хотираларга нимадир етишмаётгандай бўлади. У киши яхшигина улфат эди. Зиёфатларда “кам-кам, лекин тез-тез” деган иборани такрорлашни яхши кўрарди, даврадагилар билан яйраб, яшнаб ўтирарди. Лекин ўзини ўйламас, соғлигини аямасди. “Отамга хат” номли шеърда ўзи бунга иқрор бўлиб, шундай деб ёзади:

*Одамнинг табиати лекин жуда ғалати,  
У доим таққиланган нарсага ўч бўлади.  
Ичма дедингиз – ичдим, чекма дедингиз – чекдим.  
Кетма, дедингиз – қалбим саёқлик қутқулади...  
Яхши ҳамки, бошқа гап айтмагансиз, отажон,  
Барчасининг аксини қилармидим эҳтимол...*

Машраб ака очиқ кўнгил ва мард одам эди. Баъзан ноҳўя гапириб қўйса, дарҳол тан оларди ва ўша заҳоти узр сўрарди. У кишининг “узр, энди жон дўстим, узр” деган ибораси дўстлар орасида оммалашиб кетганди...

Бу гапларни эсламасак, Машраб Бобоев ҳақидаги хотиралар гўё чала бўлиб қоларди. Бу билан Машраб Бобоев ичкиликка ружў қўйган эди, деган фикрдан йироқмиз. Ўтган асрнинг 80-йилларида турли соҳа ижодкорлари, айниқса, рассомлар, композиторлар, ёзувчилар, актёрлар, кинематографчилар орасида “жиндай-жиндай” олиб суҳбатлашиб, фикр алмашиш урфга айланган эди. Тўғрироғи, собиқ тузумнинг ситамкор сиёсатидан ва бу сиёсат ўтказган зуғумлардан энгил бўлиш учун ҳасратлашиб, дардлашиб олишарди. Давраларда, учрашувларда айтолмаётган фикрларини бир-бирига айтиб энгил бўлишарди. Баъзан шунчаки фикрлашиш жараёнининг ўз-ўзидан жиддий баҳс-мунозарага айланиши қадаҳлар сонини ҳам кўпайиб кетишига олиб келарди. Ўша даврларда бундай хилватларда руҳни энгиллаштириш одатлари ҳам тамойилга кирган эди. Бу ҳам зиёлиликнинг бир “кўриниши” ҳисобланарди. Афсуски, ғарб ва рус ижодкорлари таъсирида кириб келган бундай “ичкилик ва ижодкор” кўшма ҳамкорлиги кўплаб истеъдодларни хароб қилди. Жумладан...

Машраб Бобоев ажойиб шеърый китоблар яратиш билан бирга драматургия соҳасида самарали ижод қилди. Унинг “Ўттиз ёшлилар”, “Ер томири”, “Гурун” сингари драмалари мамлакатимизнинг катта театрларда сахналлаштирилиб, репертуарлардан тушмай келди.

Мустақиллик йилларида Машраб Бобоев ижодининг янги саҳифалари очилди. Ажойиб шеърлар, туркум мақолалар ва телетомошабинлар томонидан қизгин кутиб олинган “Кўнгил кўчалари” номли кўп қисмли видеофильм сценарийсини ёзди. Бу асар муаллифга катта шуҳрат олиб келди.

Катта шоир, драматург ва таржимон Машраб Бобоев ниҳоятда беғубор ва самимий, одамларга яхшилик қилиб чарчамайдиган дарёдил инсон эди. Охиратлари обод бўлсин!



Дилишод РАЖАБ

## *Нафасингдан тозарар хаво*

### **ҚИРҚ ЁШ**

Қирқингда тавба айлаб бир муршидга кўл берсанг.

**МАХТУМҚУЛИ**

*Қирқига чидадинг, гўзал сабр бу,  
Қолганига шай тур энди, огоҳ тур.  
Умрнинг энг авж нуқтаси ахир бу,  
Бундан кейин йўл қуйига энмоқдир.*

*Ўзга-ўзга бўлар энди кори ҳол,  
Ўзгарадир қарашилару ўй-тимсол.  
Аввал қизнинг қоши эди ҳув ҳилол,  
Энди бошинг узра сўзсиз сўроқдир.*

*Қирғий деган қуш ўлтирар қиёда,  
Қирқ йилда бир йигит келар дунёга.  
Зиё сочиб умринг бўлсин зиёда,  
Ўйинг ёруғ бўлса йўлинг порлоқдир.*

*Рўзгор деган горда йитиб қолмагин,  
Элим деб ён, яхшилик қил, толмагин.  
Дуо олгин, майли олтин олмагин,  
Дуолар ўнг-сўлингда шамчироқдир.*

*Бойлик дея бой бермагин борингни  
Баланд тутгил номусингни, орингни  
Ечма ҳаргиз гуноҳга белбогингни  
Нафс ўзингдан чиққан бало, тузоқдир*

*Бир пулдир савлатинг, шавкатинг, шонинг,  
Қалбингда бўлмаса ганжинг – иймонинг.*

*Аслида иймондир, тандаги жонинг,  
Жонсиз тан – жасад, бир ҳовуч тупроқдир.*

*Дилишод дилни пок этгилу – шод этгил,  
Ҳақ амрини ҳар лаҳзада ёд этгил.  
Ёлгон дунё – чин ганим, де, ёт этгил,  
Усти ял-ял, ичи ола қуроқдир.*

### **АЁЛ МАДҲИ**

*Сен-эзгулик, некбинлик рамзи,  
Сенда бари ҳаётбахи, гўзал.  
Қилич эмас бу қошлар асти,  
Жаллод эмас, жонбахидир кўзлар.*

*Нафасингдан тозарар хаво,  
Қадамингдан яшнайдиди замин.  
Сўзларингдан таралур наво,  
Нигоҳингдан тош тортар майин.*

*Камолоту нафосатнинг шаън,  
Тахтидасан масрур шохидай.  
Таърифлару, мақтовлар ётар,  
Айбдордай тиз чўкиб пойингда.*

### **БУХОРОЛИК ПАРИВАШ**

*Зар устида илондай ёноғ узра зулфинг бор,  
Лаъл ичида маржондай дудогингда кулгунг бор.  
Лаби ҳовуз лабида оташ солдинг қалбима,  
Сўзинг мунча латиф-а, мунча ширин тилинг бор.  
Боғи жинон жамолинг, боғлар чунон хаёлим,*

Малакдайсан ё, олий фалаклардан улгинг бор?  
 Қош қоқсанг қотар ҳатто парвоздаги қалдирғоч,  
 Гар боқсанг қиё, дилни булбулгўё қилгинг бор.  
 Бир холга хирож бўлган Самарқанду Бухоро  
 Не-не шаҳар бергудек сенинг ҳусну мулкинг бор.  
 Эй ҳусн мулкин шоҳи, етсин сенга дил оҳи  
 Гарчи Дилишоддир оти, шиқда дилхун қулинг бор.

### НОМ

То тирикман, боламдай сени,  
 Гард юқтирмай олиб юрурман.  
 Сўнг қолдириб кетурман... мени  
 Дунёга эслатиб турурсан.



Ширин жоним бахш айлагайман,  
 Дил шодлигим – ўзинг борсан-да.  
 Шод бўлсинлар бол ялагандай,  
 Сени тилларига олганда.

### ҲАЁТ

Эриниб кўзингни очасан аста,  
 Тонг, ўчган қораси кечаги туннинг.  
 Гўё сен кўзингни очиб юмгунча,  
 Ўзи келиб қолар қуёшли куннинг.

Ҳолбуки жанг борар. Ёруғ кунни деб,  
 Не чақноқ юлдузлар ўлдилар қурбон.  
 Ўйлама шунчаки вақтнинг ҳукми деб,  
 Мағлуб тун кўтарган оқ байроқдир Тонг.

### ДЕНОВГА ҚАЙТИШ

Шовқинли шаҳарни эғнимдан ечиб,  
 Не дарё-кўллардан, чўллардан кечиб.  
 Бағрига отилдим она қишлоқнинг,  
 Бағримдан отилди завқу севинчим.



Бўй чўзиб йўлимни пойлаган каби,  
 Шивирлай бошлайди сергак тераклар.  
 Янги қурилажак иморатларга,  
 Синч, болор тераклар, тиргак тераклар.

Ҳар дарахт, ҳар майса кўнглимнинг мулки:  
 Толларга термулиб толмас кўзларим;  
 Қадрдон тутларнинг қўлларин тутиб,  
 Отамдай сизлагим келар, сизлагим;

Ўриклар кўрикка чиққандай қатор,  
 Тиллодай товланар ҳар бир зардоли.  
 Шовуллаб юборар бирдан буғдойзор,  
 Нигоҳим тортади ёрқин жамоли.

Бош эгган бошоқлар неларни ўйлар,  
 Шовуллаб неларни сўйлар буғдойлар?  
 Тандирнинг тафтида, онам кафтида,  
 Оппоқ нон бўлишни ўйлар буғдойлар.

О, она қишлоғим!  
 ... Ҳар майса гардида умрлик қарзим,  
 Болалик изларим ботган бу тупроқ.  
 Бошимга кўтариб юришига арзир,  
 Оёғим остида ётган бу тупроқ.

\* \* \*

Азал ташибеҳики шамшод –  
 Бўйларингга бандадир,  
 Юзингни кўргандан моҳтоб,  
 Бағрида доғ, гамдадир.

Сўзинг ширинму ё шакар,  
 Лабинг ширинму ё асал,  
 Сўриб билай десам дилбар,  
 Лабинг иши хандадир.

Лол қолдим қош қоқишингдан,  
 Айрилай деб, оҳ, ҳушимдан.  
 Ўтли-ўтли боқишингдан,  
 Бу жоним гулхандадир.

Ҳақ борму ёр, даргоҳингда,  
 Бу жазо қай гуноҳимга?  
 Бунча гаму оҳ-воҳ менга,  
 Мунча ҳусн сандадир?!





Тожиддин РАЗЗОҚ



## "ДУНЁЛАРНИ ТЎЛДИРАМАН МЕҲРГА"

Эссе

*Хайр, мени ташлаб кетгайсиз бир-бир,  
Парда туширилди, томоша тамом.  
Бироқ саҳна узра ҳал бўлган тақдир,  
Менинг юрагимда қилмоқда давом.  
«Санъаткор». 1970 йил.*

Ҳамма замонларда, ҳамма даврларда ёлғиз Аллоҳга қуллик қилиш буюк саодатдир! Чунки замон офатлари қалбимизнинг кўргони – кўкрак қафасимизни сиқувга олиб, қобирғаларимизни ҳар лаҳзада қисирлатадики, бундай пайтларда қурбонлик бериб бўлса-да, юракни асраб қолмоқ том маънода мардликдир. Шунинг учун Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи энг катта китобини "Сабр дарахти" деб номлаган. Бу ноёб дарахт эса Рауф Парфининг ўзи эди. Биз эса бугун қилган ишимизнинг мукофотини бугуноқ олмоқчи бўламиз. Ҳатто аввалдан бериб кўйишмагани учун хафа ҳам бўламиз. Тақдимот бир кун кечикса дод сола-миз, олдимиздан чиққанга адолатсизликдан нолийимиз. Ваҳоланки, Аллоҳ бандаларидан фақат ва фақат сабр кутар ва шунга қурби етганларнигина тақдирлар экан.

Рауф Парфи ўн тўрт кунлик ойдаи шеърият осмонини ёритиб юрган йиллари Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати бўлмаган шоир-ёзувчи қолмади ҳисоб. Шунда соддадил мухлислардан бири: "Рауф ака, нега сиз комсомол мукофотининг лауреати эмассиз?" деб сўрайди. Устоз жавоб қилади: "Ахир кимдир лауреат бўлмаслиги ҳам керак-ку! Ўша одам менман!"

Мен ҳали одам бўлиб Алихонтўра Соғуний ҳазратларининг "Тарихи Муҳаммадий" романидек буюк ва муҳташам бадиий асарни кўрганим ҳам, ўқиганим ҳам йўқ. "Тарихи Муҳаммадий" яқиндагина, бундан ўттиз йиллар бурун Тошкент шаҳрининг қоқ марказида, соф ўзбек тилида, ўзбек алломасининг қўли билан ёзилган. Эътироф ва тақдирлар яна маҳшарга қолди! Ана шу мулоҳазаларнинг ўзи ҳам менинг замон офатлари билан яхшигина заҳарланганимдан далолат.

Умуман, замон офатларининг саноғига етиб бўлмайди. Аммо ҳадисларда улар бирма-бир саналган ва улардан омон қолишнинг йўллари ҳам баён қилинган. Бу – Пайғамбаримиз алайҳиссалом суннатларига оғишмай амал қилмоқлик! О, бу осон эканми?! Одам-зод ҳозир қандай бўлса, минг йиллар илгари ҳам табиатан худди шундай эди. Порахўрлик, зинокорлик, ҳаромхўрлик, адолатсизлик эҳтиёжга яраша ҳамма замонларда ҳам бўлган.

Ростгўйлик, ваъдага вафодорлик ва омонатга хиёнат қилмаслик қанчалар оғир. Аммо не саодатки, орамизда ана шундай вазмин юкни елкалай оладиган зотлар бор. Ана шу муборак одамларнинг ҳурматига тоғлар жойида қоқилган қоziқдай турипти!

Шоҳ Машраб ҳазратларининг авом ичида "Девоннайи Машраб" аталиши ҳам бизга кўп гапларни айтиб беради. "Кўрдим юзингни, девона бўлдим, Ақлу ҳушимдан бегона бўлдим!" деган хитобларни ўйлаб топиб бўлмайди. Бундай иқрорга етишмоқ учун шоирликнинг ўзи жудаям камлик қилади. Масалан, мен Шоҳ Машраб ҳазратларига кўп йиллардан бери шоир деб қарамайман. Фаридуддин Аттор ҳазратлари бир муносабат билан "Менинг ҳар бир сўзим тавҳиддир!" дейдилар. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ҳазратлари эсини танигандан то сўнги нафасигача Атторни кўлидан кўймади. Бу дунёдаги сафарининг энг охири бекатида эса "Мантиқ-ут тайр"га шарҳ ёзди. Тавҳид сўзга ана шундай қудрат берар экан!

Муборак ҳадислардан бирида ҳар бир инсон дунё неъматларидан Аллоҳ истаган миқдорчалик баҳраманд бўлиши айтилади. Алишер Навоий ҳазратларининг "Беихтиёрликда борми менда ихтиёр" деган иқрорномасини ана шу муборак ҳадис таърифининг баённомаси деб қабул қилинса ҳам бўлаверади. Аслида Рауф Парфининг иборалари билан айтганда, Алишер Ғиёсиддинович битган ҳар бир байт илоҳий



пойдевор узра барқарор туради. Бу ҳақиқатни англаш мақомига етишмоқ учун "ҳар сўзим тавҳид" деб турган Фаридуддин Аттор ҳазратларини сув қилиб ичмоқ лозим бўлади. Биз эса қўлимизда калити бўлмаган эшикни очиб, ичкарига кирмоқчи бўламиз ва бундай уришиларимиз билан ўзимизни овора қилиб, умримизни ўтказиб юборамиз. Алишер Навоийни танимасдан ўтиб кетган кўплаб, жуда кўплаб "навоийшунослар"ни санаш мумкин. Улардан бизга коммунистик ғоялар билан суғорилган қалин-қалин китоблар ва кўплаб шогирдлар мерос бўлиб қолди.

"Бир парча гўшт билан итни не қўйларга солиш мумкин", деб Бальзак барибир тўғри айтган. Шўро мафқураси тўзони ичида не-не талантларнинг чанги чиқиб кетди. Ҳатто халқ бахшиларининг "Гўрўғли" билан "Алпомиш"га қўшиб "Ўртоқ Ленин" деган достонларни айтганини бундан бошқа яна қандай таърифлаш мумкин!

Оёғи осмондан келган салтанатни муҳокама, ҳатто танқид қилиш учун одамнинг ҳатто файласуф бўлиши ҳам шарт эмас. Мана икки минг йилдан бери Рим империясининг ҳалокатини инсоният изчиллик билан ўрганмоқда ва бу муҳокама қиёматгача ҳам тўхтамас керак. Шўро салтанатининг муҳокамалари энди бошланяпти. Шунинг учун бу ҳақдаги мулоҳазаларни чувалаштирмаймиз-да, бир гапни айтмиш: кўпчиликнинг фикридан келиб чиққан ҳолда Шўро мафқурасини шартли равишда вабо дейдиган бўлсак, кимлардир замон офати бўлган ана шу ўлатдан ҳам омон қолар экан. Ўзингиз ҳам тусмол қилаётган саноклигини ана шундай одамларнинг биттаси Рауф Парфи жаноблари бўлади.

Рауф Парфи "Оғриқ" шеърини "Кўкрак қафасимиз – нажот қалъаси!" деган буюк сатрлар билан тугатади. Аммо мен сизга айтсам, кўкрак қафаси ҳамма муаммони ҳал қилолмайди. Чунки вабога қиёсланган замон офатлари биздан ижозат сўрамасдан, ҳатто ҳаво орқали вужудимизга кириб, қонимизни бузади. Ана энди у дунёдан умидингиз бўлса, фаришталарга дарс берган ичингиздаги шайтон билан курашишингизга тўғри келади.

Бу ички жанг аёвсиз ва омонсиз бўлади. Шунинг учун ҳам Рауф Парфи ўзининг умрини "чексиз-чексиз дақиқалардан иборат" деган эди. Шоир ҳаётда энг ишончли, аммо азоб-уқубатларга тўла йўлни танлади. Шоҳ Машраб ҳазратларининг изидан кетди. Эсини таниб, қўлига қалам олгандан кейин шайтонга ва унинг хизматкорларига эл бўлмади. Шўро мафқурасининг байроғи эса "Кимки бизга дўст бўлмаса, у бизнинг душманимиздир!" деган шиор эди.

Ҳукмрон салтанатнинг ўзига бўлган муносабатига Рауф Парфи бундай жавоб берган эди: "Кўзингдаги тошни ғижирлатма!" 1981 йил ёзилиб, келгуси йил чоп этилган мана бу шеърни ўқинг:

*Юзма-юз, кўзма-кўз, изма-из изғир,  
Ёвуз ёв, қаттол ёв қонга қонмоқда.  
Бу зулмат ўтлари, бу ёнғин надир?*

*Москва ёнмоқда, ахир, ёнмоқда.  
Охири бир кун интиқом бордир,  
Кимлар жон узмоқда, кимлар тонмоқда.  
Ҳақиқат ҳеч узра, қайда у Қодир,  
Москва ёнмоқда, ахир ёнмоқда.  
Москва, Москва, қутлуғ, шўрлик ер,  
Бўғриққан қўшбургут қанотида қон.  
Билгисиз, анланмас, эй, ғариб жаҳон,  
Банданга тўзим бер, ер бер, имон бер.  
Айтинг, ким сўзлайди бу кун ҳам ёлғон?!  
Москва ёнмоқда, ёнмоқда ахир.*

Шеърга "1812 йил" деб тагсарлавҳа қўйилиши ва унинг "Уруш ва тинчлик" киноэпопеяси муаллифи Сергей Бондарчукка бағишланиши қайчисини қайраб ўтирган Шўро цензорларининг кўзини шамғалат қилган. Шунинг учун улар "ёнмоқда" деган феълнинг ҳозирги замонда эканлигига ҳам диққат қилмаганлар. Ваҳоланки, XX асрнинг саксонинчи йиллари Москва-нинг "ёнаётгани"ни кўрмоқ учун икки кўз жудаям камлик қилади. Бунинг учун одамга мавлоно айтган учинчи кўз керак бўлади.

"Бировнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг уни гапиртириб кўр" дейишади. 1975 йилда ёзилиб "Хотирот" китобига кирган "Шоир" деган шеърда Рауф Парфи ўзининг бу дунёдаги вазифаси ва ўрнини аниқ кўрсатиб қўйган:

*... Не эллар, ватанлар гулханда ёниб,  
Шоир кўз ўнгидан ўтади бир-бир.  
Барчанинг дардини ўзига олиб,  
Мажнун бўлиб юрар шунинг-чун шоир.  
Ҳали бўғизларда бўғилар нафас,  
Эски яралардан чак-чак томар қон.  
Шоирни куйлатган табиат эмас,  
Шоирни куйлатган ҳазрати инсон.  
Тиккандир жонини Ватанига у,  
Бу сўз қаршисида титрама, эй жон.  
Юзма-юз келгандек гўё ўт ва сув,  
Юзма-юз келадир шоир ва замон.  
Буюк эътиқоддир бу даҳр аро йўл,  
Буюк эътиқоддир муборак илҳом.  
Шоир юрагида очилмаган гул,  
Шоир юрагида собит интиқом.*

Шоир ва Замоннинг ўт билан сувдай эканлигини овоза қилмоқ учун бағишлов шунчаки чалғитувчи қалқон вазифасини ўтаганлигини фаҳмламоқ учун фил. фан. док. бўлиш шарт эмас...

Рауф Парфи шу ва шунга ўхшаш бошқа ваъдаларининг ҳам устидан чиқди. То қазосигача ўзи эгаллаган, минг машаққатлар билан забт этган марралардан бир қадам ҳам чекинмади. Шеърят чўққисида собит қолди.

XX асрнинг 60-йилларида Рауф Парфига "Оқ йўл!" тилаган ва орадан йигирма йиллар ўтиб унинг "Сабр дарахти"га мухтасаргина сўзбоши ёзган Асқар Мухтор "Шеър – шоирнинг ижтимоий виждони" деган мақоласида: "...ўринсиз, ўйлаб чиқарилган дардларга зўр бериш на ҳожат? Шоирни баъзан, чунончи, сабабсиз зулмат қийнайди. ("Деразадан боқар зулумот"),

деб ёзади. Асқад Мухторнинг ғазабига йўлиққан шу шеърни ўқиймиз:

*Деразамдан боқар зулумот,  
Зулмат билан жанг қилар ёмғир.  
Юрагимга оқар зулумот,  
Оқиб фикримни тилар ёмғир.*

*Зулмат билан жанг қилар ёмғир,  
Шиддат билан кесар зулматни.  
Пичоғингни боғла, эй, бағир,  
Сен ҳам, сен ҳам уни йўлатма!*

*Юрагимга оқар зулумот,  
Манзилда бўларми ҳукмрон.  
Қўлларимни боғларми, наҳот,  
Шу мантиқсиз зулмат – ногирон.*

*Оқиб тилар фикримни ёмғир,  
Фикрларим менинг сачрайди.  
Чўян парчаларидек кескир,  
Нега бу зулмат қочмайди?*

*Нега, тушунмайман, нега? Дод!  
Ёмғир – дунё сингарии оғир.  
Деразадан боқар зулумот,  
Зулмат билан жанг қилар ёмғир.*

Аслида Асқад Мухтордан бўлак ҳеч ким Рауф Парфи шеърини ҳақида махсус мақола ёзмаган (қойил!), ёзган бўлса ҳам ҳеч қаерда чоп этилмаган. Энди Асқар Мухторга келсак, у ўша мақоласида яна бундай ҳам деган: "Шоирга катъий қоидалар, рецептлар бериб бўлмайди. Борди-ю, бундай қоида ва рецептлар тўплами чиқса бу зарарли китоб бўлар эди. Аммо бир қоида аниқ: энг эмоционал поэзия ҳам вазифа ва моҳият эътибори билан сиёсий масаладир, шеър – шоирнинг ижтимоий виждони!" Гап шундоқ бўлгандан сўнг Рауф Парфи "зулумот" ва унга "мантиқсиз", "ногирон" (кўряпсизми?) деб баҳо берганида нега энди ҳукмрон салтанат Шўро давлатини, унинг қаттол ва ёвуз сиёсатини назарда тутмаган бўлиши мумкин экан! Ҳамма бало шундаки, Рауф Парфи ижодининг ягона тадқиқотчиси бўлган ва бор-йўғи шугина мақолани ёзган Асқар Мухтор ватанпарвар шоир бўлганлиги учун "зулумот" нинг Шўролар салтанати эканлигини ҳатто хаёлига ҳам келтира олмасди. Чунки биз билан сиз сингари у ҳам коммунистик кенгликлар оша коммунизмнинг муқаррарлигига қаттиқ ишонар эди. Ваҳоланки, замонга фарзанд бўлишнинг мутлақо айби йўқ. Рауф Парфи замон билан муносабатини "Ўт билан сув" асосига қурган экан, бу унинг иши. "Зулмат" – СССР йўқ бўлгунча Рауф Парфининг китобларини тарк этмади.

Бир адабий учрашувда бир одам минбарга чиқиб, Маяковскийнинг ҳозиргина ўқиган шеърларига эътирозларини баён қила бошлайди. Танқидга тоқат қилолмайдиган Маяковский шартта ўрнидан туради-да ҳалиги одамга қараб: "Сиз билан икки юз йилдан кейин гаплашамиз, ҳозир эса бас қилинг!" деб қичқиради. Менимча бу тафсилот талқинга, изоҳга муҳтож эмас.

Рауф Парфи кўп йиллар илгари бир шеърда ҳазил аралаш "Шоирга буюртмалар кўп бўлади, аммо

шоир нуқул ўзи ҳақида ёзиб келади" деган эди. Балки шунинг учун бўлса керак, шоирнинг китобларидаги нафақат ҳар бир сатр, ҳатто ҳар бир сўз: "Мен Рауф Парфи!" деб туради. Аммо "Коммунистлар гуллатмиш, бу озод Осиёни!" деган сатрларнинг калласига муштласангиз ҳам улар ҳеч қачон "Мен Рауф Парфи!" демайди. Ҳамма гап шунда. Буни қарангки, ёзувчилар уюшмасининг катта минбаридан бу машҳур қўшиқнинг сўзлари ўқилганда Рауф Парфи ҳам орқароқдаги қаторларнинг бирида ўтирган экан. Шу заҳоти ёнида ўтирган одамга эшитганини қуйидаги таҳрир билан ўқиб берган: "Коммунистлар булғатмиш, бу гўзал Осиёни!". Шоирдан шоирнинг, айниқса, Рауф Парфининг фарқи шу тариқа билиниб қолади.

Биз бу тўрт кунлик дунёда уйимизни, машина-мизни безашга зўр берамиз. Рауф Парфи эса юрагига нақш берди. Шунинг учун шоир битган ҳар бир сўз жавоҳирга айланди. Унинг ҳар бир китоби менинг кўзимга жавоҳир тўла сандиққа ўхшаб кўринади.

Рауф Парфи жудаям кўп, ҳаддан ташқари кўп йиллар маошсиз, демакки, ижтимоий таъминотсиз истиқомат қилди. Рауф Парфи алоҳида эҳтиром кўрсатган Ван Гогнинг ҳам қаттиқ нонсиз қолган кунлари кўп бўлган. Акаси ҳар ойда жўнатиб турадиган озгина маблағ мато билан мойбўёқдан ортмас эди. Ҳозир унинг баъзи асарлари миллионлаб долларга сотилмоқда.

Сиз ҳали буни айтасиз, Америка қитъасини Европага топиб берган Колумбни денгиз сафаридан қайтгач, чақув туфайли кишанбанд этишган. Айбсизлиги аниқлангандан сўнг ҳам Колумб ўша кишанни бўйнига осиб юрган. Ўлсам шу кишан билан бирга кўмасизлар деб васият қилган.

Гоголнинг истиқомати ҳам китоблар савдосидан тушадиган пулга қараб қолган эди. Тўғри, бир марта Жуковскийнинг сайъи-ҳаракати билан подшоҳ хазинасидан 5000 рубл ажратилган. Ўлиги бир ошнасининг уйидан чиқарилган.

Н.В.Гоголнинг вафоти бадий адабиёт мухлислари ва унинг намоёндаларини қаттиқ изтиробга солди. Иван Тургенев ихчамгина таъзияномада Н.В.Гоголни расмий матбуотда биринчи марта "улуғ ёзувчи" деб таърифлайди. Ана шу бир оғиз гап учун Тургеневни бир ой қамаб қўйишади. Унга маъмурлар айтишадики, генерал-губернатор улуғ бўлиши мумкин, министрлар улуғ бўлиши мумкин, аммо ҳеч бир замонда ёзувчи ҳам улуғ бўлиши мумкинми дейишади.

Гоголнинг қарзга ботиб ёзган асарлари у қазо қилгандан бери бир неча юз миллион нусхада чоп этилди. Нашриётларга унинг китоблари миллион-миллионлаб фойда келтирмоқда. Энг муҳими, у жаҳон адабиётида ҳамон жуда баланд жойни эгаллаб турипти ва ҳали бери унга қўли етадиган одам чиқмаяпти.

Дарҳақиқат, Рауф Парфи нафақат шоир, балки таржимон сифатида ҳам ўзига хос мактабга эга эди. Назаримда, агар Байрон бу дунёга қайтиб, "Манфред"нинг ўзбекчасини ўқиганида, албатта Рауф Парфининг олдида таъзим қилар эди. Александр Твардовскийнинг "Хотира ҳуқуқи" ҳақида-ку гап ҳам бўлиши мумкин эмас!

Рауф Парфига "Ўзбекистон ҳалқ шоири" унвони берилган кунлар Тошкентга йўлим тушиб, қутламоқ



учун устозни суриштирдим. Дўрмонда дейишди. Кечанинг бир маҳалида излаб топдим. Бирқанча вақтлардан бери енгилгина шу ерда яшаётган экан. Таомилдаги тадбир-маросимлар амалга оширилгандан сўнг Рауф ака даъватни ҳам кутиб ўтирмасдан шеър ўқий кетди. Биласиз-ку, Рауф Парфи шеър ўқиганда деворга ҳам жон кирар эди. Сўнг ўртасидан очилган бир китобни берди

– Мана шу шеърни таржима қилдим. Лекин чиқиши қийин бўлди.

Шеър Тагорники эди.

– Ўзингиздан ҳам қўшиб юборибсиз, – дедим.

– Шундай қилмасам бўлмади-да!

Бир сафар Устоз "Жаҳон адабиёти" журналида ишлаб юрган кезлари Деновга, тўғри бизни келди. Табиийки, Рауф аканинг мутлақо кутилмаган бу ташрифидан қаттиқ хурсанд бўлдим. Ёнидаги икки йўлдошини "шишадошларим" деб таништирди. Обуна аллақачон тугаб кетган бўлса-да "Жаҳон адабиёти"га маблағ топиш керак экан. Рауф Парфини қалқон қилиб бир қанча ташкилотлар билан ҳамкорлик, моддий қўллаб-қувватлаш тўғрисида шартномалар туздик. Тўғри, кейин уларнинг ҳаммаси қоғозда қолиб кетди. Энг муҳими, биз ўшанда узоқ гурунглашдик, устоздан жуда кўп нарсаларни сўраб, билиб олдим. Аммо ҳар доимги нодонлигимга бориб, ўша гурунгланинг тафсилотларини ҳатто кейин ҳам ёзиб қўймаганман. Дарёнинг бўйида ўтирган одам вақти келиб унинг қуриб қолишини хаёлига ҳам келтирмайди-да!

Рауф Парфининг вафотини эшитиб ўзимга ачиндим. Чунки мен деҳқончилик қилиб, миллионер бўлмоқчи, сўнг Рауф акага Тошкентда бир хонали уй оббермоқчи ва шеърларини бир жилдга жамлаб, китобини чиқармоқчи эдим. Энг муҳими, бу ниятларимни одобнинг барча тамойилларига итоат этган ҳолда устознинг ўзларига айтган эдим. Бу орзуларнинг ҳаммаси сувга оқиб кетди. Деҳқончилик қилиб бой бўлолмадим. Минг воҳки, энди Рауф акага китобнинг ҳам, уйнинг ҳам кераги йўқ.

Рауф Парфининг қазосидан сўнг менинг назаримда Тошкентдаги энг катта Навоий кўчаси ҳам кенгайиб қолгандай бўлди. Чунки Рауф Парфи нафақат кўнгиларни, балки кўчаларни ҳам тўлдириб турар эди.

"Қишлоқ ҳаёти"да ишлаб юрган кунларим Бош муҳарриримиз Шукур Холмирзаев билан Рауф Парфи ҳақида алоҳида-алоҳида мақола ёзишимни айтди. Ўзим ҳам шундай даъватга зор бўлиб турган эканманми, бир нарсаларни ёзиб ташладим. Рауф Парфи ҳақидаги мақола "Музлаган олов" сарлавҳаси билан чиқиб кетди. Аммо Шукур Холмирзаев ҳақидаги "Бу тоғлар бизники" деган мақола туриб қолди. Сўнгра "Моҳият"да чоп этилди. Орадан ўн-ўн беш кун ўтиб

бировдан эшитдим: "Қишлоқ ҳаёти"га Рауф ака келипти, газета тахламидан "Музлаган олов"ни ўқипти. Таҳририятдагиларнинг "қалай, мақола маъқулми?" деган саволига Рауф ака: "Мақола жуда яхши. Пул топсам сизларга албатта "яримта" қуяман!" депти. Дунёнинг бир тийинга қиммат муаммолари билан овора бўлиб, шундан кейин бу дунёда Рауф акани учратмадим.

Рауф Парфининг нақадар буюк шоирлигини, нақадар улуғ инсонлигини бировга тушунарли қилиб тушунтириб беролмаслигим барибир менга алам қилади.

Бир тадқиқотчи Анна Ахматовага: "1911 йилда чиққан китобингиз билан орадан қирқ йил ўтиб чиққан китобингизни таққосладим, ҳеч ўзгармаган экансиз" деганида, Анна Ахматова: "Агар замонга қараб ўзгараверганимда, сиз ҳозир менинг ҳузуримда ўтирмаган бўлар эдингиз!" деган экан. Бу тафсилотнинг айнан Рауф Парфига тааллуқли эканлигига қаранг!

Рауф Парфи ўта миллий шоир бўлганлиги учун ҳам ўта умуминсонийдир. Шунинг учун бирон марта ўзбекни, Ўзбекистонни бошқа миллатлардан, бошқа давлатлардан баландда кўрмади. Яъни айрим замондошларига ўхшаб миллатга ва мамлакатга муҳаббатини баён қилмоқ учун миллатчилик қилмади.

Рауф Парфи узоқ ва гўзал умр кечирди. Қандай ўйлаган бўлса, шундай ёзди: "Ёраб! Кўзингни оч! Ҳиддат суринди. Тилсиз мозоратда жимирлаб оқшом. Яланғоч ёбонда бир инс кўринди. Сарик алвастилар бўлди намоён, сен-да, чибин каби чирпандинг. Сен ёвуз бандасан, кирдоринг аён, сен ўлаксахўр, эй жирканч одам. Кўксимни эзғилаб босиб юрган ким? Кимдир? Ўликзордан излаган нажот? Хайр, кўзларимда ғижирлаган қум, хайр, живирлаган, инграган баёт, хайр, заҳматларда чирпанган халқим, хайр, шеъриятга кўмилган ҳаёт".

Рауф Парфи ҳақидаги гапнинг адоғига етиб бўлмайди. Келинг, охириги гапни у устознинг ўзлари айтсин:

*Занғори оғочман, ҳозир осаман,  
Қайта тириламан тўлиб сеҳрға.  
Ул Меҳрнинг қанотини ёзаман,  
Дунёларни тўлдираман меҳрға.  
Мен қишман, бошимда азалий оқтош,  
Қонли булутларга бурканиб қотган.  
Мен баҳорман – музлаган оташ,  
Зулматнинг жизғанак тонглари отган.  
Абадий коинот бирла қоламан,  
Ўлсам чирқирайди овозим танда.  
Энг янгироқ юлдузни узиб оламан,  
Эзилган, хўрланган баргман тубанда,  
Ёлғиз, ўзим – халқман, ўзим оломон.  
Мен шоирман ахир, Шоҳман, эй банда.*





Рустам МИРВОХИД

## Ўзимдан чечаклар кўтаргани бош

\* \* \*

Сабрим булутлари чидолмаган он,  
Меҳрим ёмғирлари тўкила бошлар.  
Афсус, у қақраган чўлу биёбон  
Каби дилинг узра эримас тошлар.

У тошлар гурурдир, у тошлар –ҳаё,  
Остида кўмилган ЮРАК – хазина.  
Оҳ, уни кўриқлар гўзал аждарҳо  
Карашма оловин пуркаб.

Жимгина...

Елкамда тортаман захмат омочин,  
Изимдан чечаклар кўтаргани бош.  
Олдимда – тиканзор – бу кўҳна очун,  
Кўлимда ўроғим – матонат, бардош.

Кун келар ўзимга бўламан ҳайрон,  
Сенга ёр бўлмоқни уддаладим, деб.  
Ўшанда... кувёш ҳам қарзга олар қон,  
Қалбимдан – шафаққа бермоқ учун зеб.

### БАҒРИ ЎЙИЛГАН ДАРАХТ

Хилват масканларга етаклар мени,  
Бўйнимга занжирлар осган хаёлинг.  
Одамлар йўқ жойдан қидиргум сени,  
Одамлар кўп жойдан топмай мисолинг.

Дарахтлар оралаб излайман танҳо,  
Иккимиздан ёдгор Юрак расмини.  
Топсам гар ёнига ўйгум: “Эй Худо,  
Айт, нега, суйдирдинг биров хасмини?”

Нечун икки инни боғладинг, агар  
Кун келиб қайчига топширар бўлсанг.



Ё ифор таратган боғда жуфт гуллар –  
Тақдир шамолидан бемаҳал сўлса?..”

Шу хилда гапларни минг бор қайтадан  
Дарахтларга ўйсам нафи бормикин?  
Ёинки, бу Дунё – бағри ўйилган  
Дарахтлари бисёр дарахтзормикин?!

\* \* \*

Мен ошиқ одамман, менда сарҳад йўқ,  
Истасам, ичимга сизади осмон.  
Йиғласам... кўзимдан сачраб тушар чўғ,  
Мени совутолмай пишқирар уммон.

Мен ошиқ одамман, менда мадор йўқ,  
Чумолидан ҳатто озор етади.  
Ҳатто ёмғир ёғса бамисоли ўқ –  
Заиф баданимни тешиб кетади...

Мен ошиқ одамман, менда забон йўқ,  
Руҳим сукунатдан олади сабоқ.  
Лек, сирим фош этсам : “оҳ” урар андуҳ,  
Дарднинг-да юзига тушиб кетар доғ.

Мен ошиқ одамман, менга фарқи йўқ,  
Темир низомларни илмайман кўзга.  
Фақат соқий мени қайтарса қуруқ,  
Мажнундек босаман ярамни тўзга...

Ҳа, ҳа... Мен Мажнунман, менда тоқат йўқ,  
Кабутар, Лайлимга бу номамни элт.  
Унда ёзилгандир: “Бери кел, маъшуқ,  
Мени этагингга хасдек илиб кет..!”






Нажиб МАҶФУЗ

## ЎЗГАЛАР УЧУН ЯША

### Ҷикоя



Кечкурунлари Абдурахмон боғига кириб, ундан завқ олишни хуш кўрар эди. Бу унинг одатига айланган эди. Абдурахмон аксарият вақтини уйида ўтказар, зарур кезлардагина кўчага чиқар эди, холос.

У илиқ сентябр кунларининг бирида боққа кириб, теваракка синчков кўз ташлаган кўйи, нотекис йўлакча бўйлаб борарди. У гулзордаги гулларга анча пайт суқланиб термулгач, қўшни ҳовлини ажратиб турувчи тиканли сим тўсиғи олдидаги креслога ўтирди. Кечки газетани кўлига олиб кўз югуртира бошлади.

Унинг юриш-туришида, афт-ангориди ажиб бир виқор сезилиб турарди. Бирор кимса уни шу лаҳзада кўриб қолса, ҳеч иккиланмай Абдурахмонни улўғ бир хонадон соҳиби, дея ўйларди. У доимо хотиржамлик ва совуққонлик билан ажралиб тураркан, кўзларида донолик ва мардлик нур сочиб тарар эди. Хумдек боши, қалин мўйлови ҳам унинг салобатига монанд. Унинг кўриниши қирқ беш ёшни берса-да, аслида бор- йўғи ўттиз беш ёшни қоралаган эди.

Абдурахмон креслода ястаниб ўтирга кўйи ўқишга шунчалик берилиб кетган эдики, оҳиста бир овоздан сесканиб кетди:

– Ассалому алайкум, амаки.

Абдурахмон газетани кўйиб, кўшнининг боғи томон ўгирилди. У ёқда бир қиз турарди. Қизнинг ёрқин, тим қора кўзларида ишонч, самимият балқирди. Абдурахмоннинг юзига ясминнинг муаттар исини таратувчи ёқимли шабада урилди.

– Ва алайкум ассалом, Самара, – жавоб берди у.

Қиз илжайиб кўйди-да, ёнидаги кучукчаси билан ўйнай кетди. Самара ўн олти ёшда эди. Унинг чиройли юзлари ва келишган қақди-қомати анчадан буён Абдурахмоннинг ҳаловатини ўғирлаган эди.

У қизнинг итига ишора қилиб сўради:

– Аҳволи қандай бунинг?

– Оллоҳга шукур, бутунлай тузалиб кетди.

– Ҷар ҳолда, – таъкидлади Абдурахмон илжайиб. – Искандариянинг ҳавоси унга ёқмаган кўринади?

– Аксинча. У томонлар миттивойга жуда маъқул келди, ўзини яхши ҳис қилди.

Самарага боқар экан, унинг қуёшдан андек қорайган

юзлари, жозибали кўзлари Абдурахмонни тобора ром этарди.

– Самара, роса қуёшда қорайдингми?

Қиз кулиб кўйди.

Абдурахмоннинг маъноли нигоҳи янада ўткирроқ тус олди. Бир томонга йўналтирилган фикрлар ўрнини фусункорлик ва орзулар ошиёни эгаллади. У стулга ўтириб, ёнидаги эрмагини ўйнатаётган қизга узоқ ва мамнун тикилди. Самара эса кучукчасини эркаларкан, оппоқ, узун жунларини силаб-силаб кўярди. Ажойиб жонзот хурсанд тарзда думларини ликиллашиб, соҳибасининг кўлини ялади ва унинг тиззасига сақраб чиқиб олди.

Самаранинг майин, узун сочлари унинг бўйинини қоплаб турарди. Абдурахмон унга қараб туриб, завқланаётганди. Негадир унинг юраги сиқилди: Самара болалигидан бери “амаки”, деб мурожаат қилиб келади, ҳозир ҳам шундай. Ўша кезларда у жуда кичкина бўлиб, кўғирчоқлар ўйнаб ўтирарди. Илгари бундай мурожаат унга маъқул эди, чунки, қизга нисбатан оталарча меҳр кўйган эди. Энди эса қизнинг бу тарздаги мулоқоти уни хижолатга солар, ҳатто кўнглини чўктираётган ҳам эди.

Агар “амаки” унга уйланса, тўғри йўл тутган бўлармикан? Кўпчилик ўйлайдики, турмуш кураётганлар ёшидаги тафовут асло тўсиқ эмас ва бунга эътибор бермайдилар ҳам. Аммо бахт учун кураш жуда қимматга тушмасмикан? Ахир у бор-йўғи Ички ишлар вазирлигида ўн беш фунтга кун кўраётган бир инспектор-ку. Унинг йиғиб кўйган молу давлати ва ёхуд мансаби бор бўлсаки, қизнинг юрагини забт эта олса. Лекин у қизни севади ва ўз ҳиссиётлари билан курашиши қийин, тўғрироғи бунинг иложи ҳам йўқ. Соҳибжамол қиз ўн олти йил мобайнида кўзи ўнгида ўсиб улғайди. Бу қиз унинг ёлғизликда ўтган ҳаётида тақдирнинг юборган ягона иноятидир. Муҳаббат унга секин-аста яқинлашди ва унинг бутун вужудини қамраб олди.

Абдурахмон қизнинг бахтиёр ва беташвиш болалиги қандай ўтганлигининг шоҳиди бўлди. Бу эса унинг ёлғизлигини янада гўзалроқ қилиб кўрсатарди. У севиб қолди ва аввалги хотиржамлигини йўқотди. Энди уни ҳамма нарса, ҳатто ҳаловатини ўғирлаган ёш дўсти билан

тасодифий учрашувлар ва суҳбатлар ҳам қийнаётган эди. У қиз билан болаларча мулоқот қилаётган эди. Абдурахмон қизга муҳаббатга тўлиб- тошган кўзлари билан нигоҳ ташлар, Самара эса бу бу ҳолатни сезмай “менинг азиз амаким”, дейишда давом этарди. Агар у қизнинг қўлини сўраса, нима деб жавоб берар экан-а? Унинг ҳиссиётлари қандай? У ҳарқалай таажжубга тушса керак? Қиз отасига нима дейди? Қандай тушунтиради? Бундан кейин ҳозиргидек кўришиб туриш унга насиб этармикан? У қизни бутунлай йўқотиб қўйса-чи...

Ҳарқалай, Абдурахмон қизнинг отаси – ўз дўсти билан бу масалани хотиржам гаплашиб олишга қодир. Лекин у қандай жавоб берар экан? Ҳа, қанчалар қийин бу иш! У кўзларини юмиб олиб, бўлажак мулоқотни тасаввур қила бошлади:

“Дўстим, мен жуда муҳим масала юзасидан ташриф буюрдим. Сен бунга кўнасанми ёки йўқми, билмадим... Эҳтимол, мен бу масала ҳақида сўз юритишга ҳақли эмасдирман. Лекин барибир мен масала қандай ҳал бўлишидан қатъий назар гаплашиб олишим керак...”

У хаёлан мулоқотни давом эттираётган эди, даб-дурустан ёқимли овоздан ўзига келди.

– Ухляяпсанми?

– Йўқ.

– Узр. Мен кўзингни юмиб ўтирганингни кўрдим.

– Мен ўйлаётган эдим.

– Нима ҳақида?

У ёш суҳбатдошининг юзига разм солди: нима дейиш керак? Унга ҳаммасини айтиб бериш керакми? Йўқ, бунга ҳали эртароқ, ҳозир мавриди эмас. Яхшиси гап очмай турганим маъқул.

Бу заифанинг қаршисидаги хижолат қамчи зарбаси мисоли унга таъсир қилди. Шу онда у қимирламай ўтирарди. Сўнгра қизнинг кўзларига боқди. Вожаб, Самаранинг юзлари ўзгарган, қошларида бўёқ излари, қирмизи лаблари титрар эди. Қиз унга ҳадиксираб қараб олди-ю, уйи томон чопқиллаб кетди. Абдурахмон орқага ўгирилган ҳам эдики, илжайиб унга яқинлашаётган укасини кўрди. Абдурахмоннинг юраги ноҳуш бир нарсани сезгандек тезроқ ура бошлади. У сир бой бермай мулойимлик билан укасидан сўради.

– Шифокор, қалай ишлар?

Ўспирин йигит кулиб қўйди.

– Сен қандай бахтиёрсан, ака?

Абдурахмон гап нимада эканлигини фаҳмлаган бўлса ҳам, худди тушунмагандек қайта сўради:

– Бахтиёр?

– Ҳа, албатта. Самара билан гаплашган инсон ўзини бахтли ҳис этмоғи лозим.

Абдурахмон ўйлади: “Менинг укам ўтакетган қаллоб, ё аҳмоқ. Аслида Самара билан суҳбатлашган одам эмас, балки ҳозиргина юз берганидек, унинг ёнгинасида қизариб кетиб, хижолатдан жуфтакни ростлаб юборадиган инсон бахтлидир. Эҳтимол, бу ўспирин ҳақиқатан ҳам бахтлидир. Наҳотки, у буни тушуниб етмаса. Балки, у менинг устимдан кулаётгандир?”

Абдурахмон ўз укасининг олдида ҳаяжонланаётганини сездирмаслик мақсадида гапни бошқа томонга буриб юборди-ю ундан сўради:

– Кечаги оқшомни қандай ўтказдинг?

Анвар унинг ёнига келиб ўтирди.

– Кеча “Қаср ал-Айни”да жуда кўп ҳаяжонли воқеалар бўлиб ўтди, оқшомнинг аксарият қисмини ўша жойда ўтказдим.

Абдурахмон жимгина укасига боқар экан, бутунлай

бошқа нарса ҳақида ўйга толди. У Анварни яхши кўрар эди, худди бошқа укаларидек уни ардоқлаб, меҳрибонлик кўрсатиб келмоқда. Лекин айрим кезларда юрагини ташвишлар қамраб оларди. Айниқса, Самара ҳақида сўзлаганида укасини жуда ёмон кўриб кетарди. Укаси қизнинг исмини тилга олганида Абдурахмон қийноқ ва изтиробда қолар эди. Ака Анварнинг порлоқ келажаги учун кўп меҳнат қилди. Лекин, ука катта аканинг юрагида юз бераётган туғёнларни илғай олармикан? У гўзал қизни бошқа инсон севишини хаёлига ҳам келтира олмас, ўзининг ташвишлари билан ниҳоятда банд эди.

– Мен бир муҳим масала борасида маслаҳат олгани келган эдим, – деди Анвар.

Абдурахмон ўз ҳиссиётларини сир бой бермай хотиржам тақлиф қилди:

– Ўтир.

– Олдин сен мени эшит<sup>1</sup>, – гапира кетди Анвар ўтирмасдан. – Ҳозир фикрларим аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Бир ойдан сўнг шифохонадаги амалиётим тугайди. Ўқитувчим доктор Браун тиббиёт факультетида шифокор бўлиб қолишга тавсия этяпти.

Абдурахмон анча енгил тортди ва хурсанд оҳангда қичқириб юборди:

– Табриклайман! Табриклайман! Шак-шубҳасиз, сен бунга лойиқсан, офарин!

Анвар аниқ бир тўхтамага кела олмай турарди, у ҳозир айтган сўзларига яна кўшимча қилмоқчи шекилли. Ниҳоят у хижолатомуз ҳолда секингина қўшиб қўйди.

– Йўқ... демак... Мен айтмоқчиманки... Агар кетсам, бир ўзим кетмайман.

– Ҳеч нарсани тушунмаяпман – хайрон бўлди Абдурахмон, лекин юраги нотинч, қандайдир ташвиш бор эканлигини сезиб турарди.

Анвар ўз ҳаяжонини енгиб, давом этди:

– Мен уйланиб, хотинимни ҳам олиб кетаман.

– Нега бундай тўсатдан? Илгари бу ҳақида гап бўлмаганди-ку, тўғрими?

– Бўлмаган.

– Унда нима бўлди?

– Мен жўнаб кетиш билан боғлиқ ишларимни ҳал қилмагунимча бу ҳақида гапирмоқчи эмасдим.

Абдурахмон сукутда эди. У барибир ўз ҳаяжонини четга суриб сўради:

– Сен узил-кесил шу қарорга келдингми? Кимга уйланишмоқчисан ўзи?

– Самарага, – деди Анвар қўшни уй томонга ишора қилиб.

Абдурахмон бу янгиликни сукут сақлаган ҳолда эшитди.

– Сенинг фикринг қандай? – сўради Анвар шоша-пиша. – У сенга ёқадими?

– Яхши танлов, дидинг чакки эмас, – деб ғўлдирди Абдурахмон.

– Сендан миннатдорман, ака. Ўтириб сўрайман, менга ёрдан бер, эртага унинг отасига учрашамиз, умид қиламанки, у бизга йўқ демайди.

– Бўпти, сен айтганча қиламиз.

– Менда бор-йўғи бир неча ой бор. Бу вақт мобайнида мен уйланишим ва Англияга жўнаб кетишим учун тайёр-гарлик кўришим жоиз. Биласанми, мен асал оймизни барча аслзодалар сингари хорижда ўтказмоқчиман.

Анвар хайрлашдию жўнаб кетди. Абдурахмон ука-

<sup>1</sup> Араб тилида ўзидан катталарга ҳам “сен” деб мурожаат қилинади. “Сиз” олмоши кўпلىкни англатади.

сига эшикни ёпиб, кўздан йўқолгунича қараб турди. У маънос ўтирар, кўзлари ҳеч нарсани кўрмасди. Туман қуюқлашди ва ҳаммаёқ сукутга чўмди. У ахири турдию кичик боғни айланиб, яна ўтирди. Абдурахмон йигирма йил аввалги ўтмишини эслай бошлади. У дамлар сурурга тўла ва саодатли эди. У ўша даврда ниҳоятда хушчақчақ ўспирин бўлиб, келгуси ҳаётдан талайгина умидлари бор эди. У вақтлар ҳозирги кунлар сингари шафқатсиз эмас эди. Абдурахмон ўз оиласида тўнғичи эди. Ота-она уни иложи борица ҳаётдан завқланишини истаб яшар эдилар. Мактабда у ўз тенгдошлари орасида истеъдоди ва тиришқоқлиги билан ажралиб турарди. Атрофдагилар ҳақиқатан унинг пешонасида порлоқ истиқболни кўришар эди. Балки шундай бўлиши мумкин эди, лекин унинг отаси тўсатдан оламдан ўтиб қолди. Ота бахтсиз бевани тўрт фарзанди билан қолдириб боқий дунёга равона бўлди. Оила бор-йўғи тўрт фунт нафақага аранг кун кўрар эди. Абдурахмон шафқатсиз ҳаёт билан илк бор тўқнашди. Унинг барча орзу-умидлари чилпарчин бўлди. Илгари ота оиланинг боқувчиси бўлган бўлса, эндиликда бу ташвиш Абдурахмонга юкланди. Бошқа йўл йўқ эди, лекин у бу ҳақиқатни дарров англаб етмади. Шу тариқа оила таянчининг барча умидлари пучга чиқди.

Юракни ўртаб юборувчи оғир кунлар бошланди. Лекин у барчасига чидади. Унинг зиммасида укалари ҳақида қайғуриш юки бор эди. Энди у фақат ўзи ҳақида ўйламаётган эди. У бутун борлигини онаси ва укаларига бағишлади. У янги бир бахтга, яъни – ўзгалар бахти учун курашмоқ бахтига сазовор бўлди.

У ҳатто уйланиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади, буларнинг барчаси оила таянчининг яқин инсонларига насиб этди. Бу инсон сабр-тоқат қилишга қарор қилди, лекин укаларининг сабрлари чидамади. Улардан бири полиция мактабини битириб, зобит бўлди ва дарров уйланди. Унинг ортидан муҳандислик дипломини олган иккинчи ука ҳам уйланиб олди. Абдурахмон эса буйдоқ бўлиб қолаверди.

Эндигина унинг ҳаётига бахту саодат олиб кириши мумкин бўлган кўхликкина қиз ёқиб қолганда...

Онанинг овози унинг хаёлини бўлди.

– Абду, нега қоронғида ўтирибсан?

Абдурахмон кун ботганини ҳам сезмай қолибди. У оғир қадамлар ташлаб уйга кирди.

– Анвар сен билан гаплашдимми? – сўради она.

– Ҳа.

– Хуш, унинг қарорига нима дейсан?

– Унинг танлаган қизи яхши. Эртага мен қўшнимиз билан гаплашиб, Анвар учун унинг қўлини сўрайман.

– Мана энди ҳамма қушчаларим ҳар томонга қанот қоқиб учиб кетдилар. Сендан ташқари ҳаммаси, – деди она хомуш оҳангда.

У жим эди.

Ким билади, эҳтимол унга рўбарў келган бахтсизлик унчалар кўрқинчли эмасдир. Бу биринчи марта эмас. Ҳаёт уни бир нарсага, сабр-тоқатга ўргатди. У шуни тушуниб етдики, ҳаётни ўзгаларга бағишлагандагина бахт-саодатли бўлиш мумкин экан.

Араб тилидан  
Бобур ФИЁСОВ таржимаси



Адиба АРИФОВА,  
Қўшработ туманидаги 69-мактаб  
ўқувчиси

## Ақлим шошар, хайратим ошар

### БАҒИШЛОВ

Хаёлдек кенг далаларингдан,  
Меҳрга эврилиб бир сабо келур.  
Ўтмишингга боқсам энтикиб,  
Асрлардан бир садо келур:  
Нурга макон, бахтга ошёнсан,  
Зармитансан, зарларга консан.

Бошинг узра хурлик қуёши,  
Тўрт фаслингдан кетмагай баҳор.  
Тогларингда элнинг ризқи-ю,  
Келажакка умид, ишонч бор.



Тарихингни варақлаб букун,  
Ақлим шошар, хайратим ошар.  
Бағрингда-чи буюк хазина –  
Мард ва танти бир элат яшар.

Хаёлдек кенг далаларингдан,  
Меҳрга эврилиб бир сабо келур.  
Ўтмишингга боқсам энтикиб,  
Асрлардан бир садо келур.



### БИРИНЧИ УЧРАШУВ



Зикрилло НЕЪМАТ

## Биз ёнмасак, ким ёнадир Ватан учун

### ВАТАН УЧУН

Менга ўзга юрт навосин куйлайвермай,  
Ўз элининг бир мақолин сўйла, дўстим.  
Ўз бахтингни ўзга юртдан излайвермай,  
Ўз юртининг истиқболин ўйла, дўстим!

Биз ёнмасак, ким ёнадир Ватан учун,  
Кўзга уйқу бегонадир Ватан учун.  
Азиз бошин дорга тиккан Сарбадордек –  
Мардлар мудом мардонадир Ватан учун.

Гул экмасанг, боғлар бўстон бўлармиди,  
Жон чекмасанг, Хурлик ўзи келармиди.  
Дил бермасанг она юртинг тоғ – тошига,  
Бу оламда бошинг осмон бўлармиди?!

Интилмасанг, толе ўзи келмас, ахир,  
Пешона тер кўрмаган ер, ермас ахир.  
Бахт қасрини гар ўзимиз қурмас эсак,  
Биров буни асло қарзга бермас, ахир.

Майли ранги-рўйим сўлсин шу юрт учун.  
Паймонам ҳам тўлса-тўлсин шу юрт учун,  
Менга она юртим соғ-омон бўлса бас,  
Азиз жоним садқа бўлсин шу юрт учун,

Биз ёнмасак, ким ёнадир Ватан учун,  
Дилга қўрқув бегонадир Ватан учун.  
Юртим дея ёниб-қуйинг, юртдошларим,  
Мардлар мудом мардонадир Ватан учун.



### ШУКРОНА

Кўкда қуёш жилмайиб дуторин чалиб турса,  
Гулзорингда райҳонлар ифорин сочиб турса,  
Она юртим кундан-кун чиройин очиб турса,  
Бу кунларга шукрона айтмай бўлурми, дўстим!

Айвонингда янграса қалдирғочлар навоси,  
Тинчлик дея қўл очган боболарнинг дуоси,  
Ният қилсанг, ушалса дилингни муддаоси,  
Бу кунларга шукрона айтмай бўлурми, дўстим!

Фарзандларинг дунёни лол-ҳайрон айлаб турса,  
Мадҳимиз кенг майдонлар узра жаранглаб турса,  
Ўзбек элим меҳрини кенг жаҳон англаб турса,  
Бу кунларга шукрона айтмай бўлурми, дўстим!

Дўсту ёрларинг ҳар кун ҳолинг сўроглаб келса,  
Ўғлоним, дея халқинг дилдан ардоглаб келса.  
Орзую умидларинг кўнглингни чоғлаб келса,  
Бу кунларга шукрона айтмай бўлурми, дўстим!

Шундай хур диёринг бор, севгил, тавоф айлагил,  
Она халқинг меҳрига меҳринг жавоб айлагил,  
Эй, Зикрилло, қалбингни элга офтоб айлагил,  
Бу кунларга шукрона айтмай бўлурми, дўстим!

### ЯХШИЛИК ҚИЛОЛМАСАНГ

Омонатдур оламда соғлигу омонлик ҳам,  
Фаниматдир одамга дўстлигу ёронлик ҳам,



*Ҳар кимга насиб этмас йўллари равонлик ҳам.  
Яхшилик қилолмасанг, қилмагил ёмонлик ҳам.*

*Дўст кўнглини ногаҳон ранжитиб қўйма зинҳор,  
Яраланган қуш мисол қалблар чекмасин озор.  
Ўйламасдан ўқ узмас сайёди камонлик ҳам,  
Яхшилик қилолмасанг, қилмагил ёмонлик ҳам.*

*Инсонга берган қадр яхшиликдир яхшилик,  
Асли инсонлик надур, қилмасанг бир яхшилик?  
Тегирмонда тенг эрур бугдою сомонлик ҳам,  
Яхшилик қилолмасанг, қилмагил ёмонлик ҳам.*

*Дерлар: Яхши ошин ер, ёмон эса бошини,  
Ўйлингга маёқ айла Эзгулик қуёшини.  
Шунда ярашгай бизга соҳиби замонлик ҳам,  
Яхшилик қилолмасанг, қилмагил ёмонлик ҳам.*

### БУХОРО СОҒИНЧИ

*Қўмсаб қолсам азиз она маконимни,  
Киндик қоним томган нурли жаҳонимни,  
Бир ажиб ҳис чулғаб ширин бу жонимни,  
Бир қуш бўлиб учиб борғум Бухоромга.*

*Соғинчлардан сизмай қолсам дунёларга,  
Арзим айтиб тонг юлдузи – Зухроларга,  
Баҳорларни бошлаб чўлу саҳроларга,  
Дарёларни кечиб борғум Бухоромга.*

*Қудрат олиб қадим-қадим наволардан,  
Боғ оралаб ҳур-ҳур эсган саболардан,  
Миноралар узра боқиб самолардан,  
Ҳилол бўлиб сузиб борғум Бухоромга.*

*Юрагимни армонлар тарк этармикин,  
Нигоҳларим муродига тармикин,  
Ер юзини маржон тутиб кетармикин,  
Соғинчларим тизиб борғум Бухоромга.*

### ЎЧМАС БОТИРЛАР ЁДИ..

*Дарёга қўшилган ҳар битта ирмоқ,  
Дарё тўлқинига шиддат бергайдир.  
Хазонга айланган ҳар битта япроқ,  
Дарахт илдизига қувват бергайдир.*

*Чинордек Ватаним, дарё – Ватаним,  
Унутмагил асло ирмоқларингни.  
Сенинг гулламоғинг, яшнашинг учун  
Ўзин фидо қилган япроқларингни.*



*Ҳар кимда ҳам етмас, ахир, матонат,  
Кўксини ўқларга қалқон қилмоққа.  
Ҳар қалбда топилмас журъат, жасорат –  
Ватан учун ўзин қурбон қилмоққа.*

*Ватаним, сен учун қалблар бедордир,  
Мангу асрагаймиз гулбоғларингни.  
Токи, қучоғингда мардларинг бордир,  
Ёвлар топтай олмас тупроқларингни!*

### НУРАТОЖОН

*Чанқаб келсам саҳродан  
Сувлар тутдинг кафтингда.  
Минг асрлик тарихнинг  
Залвори бор кифтингда.*

*Нуратонон, Нурато,  
Нурларингдан ўргилай.  
Балиққа кон чашмаю  
Дурларингдан ўргилай.*

*Кўкдан етти қароқчи  
Мафтун боқар ҳуснингга.  
Бўлиб гўёки соқчи  
Жамолингга, васлингга.*

*Қирқ устунли масжитинг –  
Нуру иймон қалъаси.  
Бағрида аждодларнинг  
Минг асрлик наъраси.*

*Сен – нурлар маконисан,  
Оби ҳаёт маскани.  
Етти иқлим келгайдир  
Пойинг тавоф этгани.*

*Кезиб обод бағрингда,  
Нур инди юрагимга.  
Нур ила қанот бердинг  
Орзую тилагимга.*

*Мен ҳам қалбларга энди  
Эзгулик улашарман.  
Шунда сен каби мангу  
Юракларда яшарман.*

*Нуратонон, Нурато  
Нурларингдан ўргилай.  
Балиққа кон чашмаю  
Дурларингдан ўргилай.*



## КЎЖТМА ЖАВОҲИРИ

Сўз аталмиш беназир хилқат пайдо бўлибдики, адабиёт инсон ҳаётининг энг муҳим ҳодисаларини излайди. Уларни топади, таҳлил этади, сабаб ва оқибатлари ҳақида фикр юритади. Ижодкор зоти борки, ҳаёт ва тирикликнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга интилади. Бу ижод аҳлини оддий инсонлардан ажратиб турадиган энг катта фазилатлардан биридир.

Адабиёт инсон қалбини кашф этиш йўлидаги энг мукаммал воситалардан бири. Тўғри, тасвирий санъат, мусиқа, ҳайкалтарошлик каби санъат йўналишлари ҳам инсон қалби мўъжизаларини қамраб олади. Бироқ улар кўнгилнинг бир ёки бир неча лаҳзалик ўзгаришларини ифодалай олиши мумкин. Адабиёт эса инсон тақдирини тўлалигича қамраб олиш имкониятига эга.

Сўз яралганидан бери, адабиёт оламида инсон психологиясини ўрганиш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилди. Бу изланишлар самараси тўлалигича бадий асарларда ўз ифодасини топган. Шу маънода ўтган асрда ва янги асрнинг бошларида яратилган романларни ҳам инсон қалбини тадқиқ этиш йўлидаги ижобий уринишлар сифатида баҳолаш мумкин.

Сўз инсон фарзандига ато этилган неъматлар орасида энг қадимийси, энг буюгидир. Буюк сўз салафлари таъбири билан айтадиган бўлсак, сўз “Ёруғ дунёдан ҳам кўра қадимийроқдир”.

Ҳазрат Алишер Навоий сўзнинг мана шу хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, шундай лутф этадилар:

*Сўзки жон гулшанида келди насим,  
Бил кўнгул баҳри ичра дурри ятим.  
Улки, сўз нақдига мубассирдур,  
Васфи ичра тили муқассирдур.*

Бу мисраларда Навоий сўзни “Жон гулшани томон эсган сирли шаббодга”га, кўнгил денгизининг тубидан олиб чиқилган энг ноёб гавҳарга ўхшатади. Шубҳасиз, бу таърифлар бежиз эмас.

Мумтоз адабиёт оламига назар солсангиз, тақдирини сўз билан боғлаган, шеърляти билан унинг юксалишига катта ҳисса қўшган ўнлаб исмларга дуч

келасиз. Улар орасида дилкаш шеърляти билан замондошлари орасида машҳур бўлган Хисрав Дехлавий, шеърляти чинакам маънолар ҳазинасига айланган Низомий Ганжавий, сўзга бир пайтнинг ўзида маъно ва ҳикматни жойлай олган Абдурахмон Жомий, уларнинг маънавий давомчиси бўлган Низомиддин мир Алишер Навоий, кўнгил самимиятини сўзга кўчира билган Мавлоно Лутфий, оташин ишқ куйчиси Фузулий, ўзбек халқининг муносиб фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари ўзига хос ижодкорлар бор. Уларнинг ҳар бири бадий сўз тараққиётига катта ҳисса қўшганлар. Шу хизматлари туфайли сўз тарихидан мангу ўрин эгаллаганлар. Бинобарин, улар айтмиш ҳар бир сўзнинг бир неча маънолари бор. Бу шоирлар ҳар бир байтларига бир нечта мазмунни жамлай билдиларки, алақибат уларнинг шеърляти муҳташам бир қаср монанд юксалди, эъзоз топди.

Ҳазрат Навоий яхши сўзни инсонлар қалбига ором берадиган куч, деб атайди. Унинг наздида эзгулик йўлида хизмат қиладиган сўзлар кўнгил денгизининг чинакам жавоҳирларидир. Бу жавоҳирларнинг ғаройиблиги шундаки, улар халойиқ олдида ҳар қанча намойиш этилмасин, қиймати ўзгармайди.

Умуман, бадий адабиёт пайдо бўлганидан бери инсонлар учун хизмат қилади. У инсон ҳаётининг барча жиҳатларини қамраб олган. Шу маънода сўзни инсон маънавиятининг пойдевори деб ҳам аташимиз жоиз. Бунга тарихдан ҳам мисоллар келтириш мумкин. Саъдий, Жомий, Ҳофиз сингари шоирларнинг панд-насиҳат руҳидаги дostonлари, шеърлари неча асрлардан бери шарқ халқлари учун одоб-ахлоқ мактаби вазифасини бажаради. Бу мактабнинг асосида сўз ётади. Шундай бўлгач, ҳеч иккиланмасдан сўзни буюк мураббий деб аташ мумкин. Ўзбек мумтоз адабиётининг неча асрлик намуналари сўз зарофатига йўғрилгани билан алоҳида ажралиб туради. Чунки бу шеърларда мураккаб тасвирий ифодалар, руҳиятнинг сирли манзаралари акс этади. Тўғри, мумтоз ғазаллар, рубоийлар, туюқлар маъносини бир марта ўқигандаёқ тушуниб етиш мушкул. Аммо бу шеърлий мўъжизалар

халқимиз адабиётининг, маънавиятининг ажралмас таркибий қисми бўлгани боис юрагимизга яқин. Шунинг учун ҳам бу сўз мўъжизаларининг маъносини англашга уринавериш лозим.

Ҳазрат Алишер Навоий қаламига мансуб ҳар бир ғазал, ҳар бир мисра шоирнинг сўздан бунёд этилган ҳайкалидир. Бу мисраларда буюк ижодкорнинг қалб саховати акс этади. Бу ғазалларда туйғуларини шеърият осмонига аямасдан сочиб юборган даҳо ижодкор юраги бўй кўрсатиб туради.

Навоийнинг соҳир қаламидан шундай беназир асарлар яралмаганида, шеъриятимизда яна ўнлаб ўт-нафас ижодкорлар туғилиши амри маҳол эди.

Буюк юракларнинг ҳаракат зарбларида, ҳатто изтиробларида ҳам ўхшашлик бўлади. Ҳа, айнан изтиробларида. Зотан, энг таъсирли, умри мангулик билан бирлашиб кетгучи сўзлар айнан изтиробдан туғилади. Шунга ўхшаш Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Алишер Навоий ижодидан, унинг мазмунли умридан жуда кўп ибратланган. Шу боис ўзининг “Бо-

бурнома” асарида Навоийга бўлган ҳурматини баён этаркан, Ҳиротда бўлганида шоир бунёд эттирган иншоотларни кўздан кечиргани ҳақида ёзади. Балки у бу масканларда маънавий устозининг руҳи билан хаёлан суҳбатлашгандир. Унинг покиза руҳидан мадад сўрагандир. Зеро, Навоийнинг тафаккур карвонини бошқариб борадиган туйғулардан бири – огоҳлик. Шоир айтган ҳар сўз ҳам аслида инсонларни огоҳликка чақиради.

Шоир ўзининг юксак мақомдаги фикрларини, тегран мулоҳазаларини содда усулларда айтади. Кези келганда икки оламга оғирлик қиладиган буюк ҳақиқатларни икки мисра шеърга жамлай билади. Ахир, Навоийнинг даҳолиги сири ҳам шунда эмасми?

Дарҳақиқат, инсон тафаккури ва маънавиятини юксалтирадиган, ўзини ва Ўзликни танитадиган восита бу сўздир. Шу маънода айтиш мумкинки, сўз тириклик манбаи.

**Дилнавоз РАҲМАТОВА,**  
Жаҳон тиллари университети ўқитувчиси



Шоира **ҲАСАН қизи**

## Мен эса қуш - бир умрга сеҳрланган

### БОЛАЛИК

Йиллар ўтди сочларимдай узун-узун,  
Гоҳо ширин, гоҳо эса маҳзун-маҳзун,  
Болалигим, энди сен ҳам афсун-афсун.  
Сен энди туш – хотирамга муҳрланган,  
Мен эса қуш – бир умрга сеҳрланган.

Сен туфайли дўстларимни согинаман,  
Болаларим бахти билан овунаман,  
Қайтмаслигинг эслаб яна оғринаман.  
Сен энди туш – хотирамга муҳрланган,  
Мен эса қуш – бир умрга сеҳрланган.

Завқлар улаш, меҳринг билан учиб юрай,  
Кўзларингдан, юзларингдан қучиб юрай,  
Яна қайтиб келармисан, кутиб юрай.  
Сен энди туш – хотирамга муҳрланган,  
Мен эса қуш – бир умрга сеҳрланган.



\* \* \*

Дўстим, ҳозир тунги учлар чамаси,  
Сени эслаб яна мактуб битяпман.  
Согинчномаларни ёзиб чарчамай,  
Сен билан дийдорни кутяпман.  
Биламан, мени ҳам эслаб турасан,  
Лекин тушларингга кираманми ҳеч?  
Бахтиёр кунларга етармиз, бироқ,  
Олтин лаҳзаларга қайтолмаймиз, кеч!  
Эслайман, шўх эдинг, эркатой эдинг,  
Жуда ҳам ёқарди катта танаффус.  
Гулгун кулгуларинг ганиматлигин  
Энди ҳис этяпман, дўстгинам, афсус...  
Яхши қол, сен ухла, тонгда ўйғониб,  
Болаликни эсла, у томон қайтгин.  
Дийдор кўришгунча, дугонажоним,  
Бахтли лаҳзаларнинг қўшигин айтгин.



### БИРИНЧИ УЧРАШУВ



Маҳмуд РАЖАБ



# ЙЎЛОВЧИЛАР

Ҳикоя

Уч кунлар бўлдики ҳаво дим. Йўқ, балки бир ҳафта бўлгандир, балки бир ойдир, балки... анигини билмайману, хуллас анчадан буён ҳаво исиб-исимаиди, совуб-совимаиди. Эринчоқ баҳор булутлари устимизга ёқар-ёқмас сузиб келади-да, ёғишга шайланади-ю, негадир шаштларидан қайтиб ўз йўлида давом этаверадилар. Булутлар кетидан булутлар келади. Бири-бирдан зерикарли булутлар. Ҳаммалари ёғмоқчи бўлиб кўради, аммо ёғмайди. Бунақа ҳавода бўғилиб ўласан киши. Қани энди момогулдирак еру кўкни тиратиб бир гумбурласаю ёмғир шаррос қуйиб берса. Шамолга тўшингни тутиб тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олсанг. Афсус, қовоқ-тумшуғини осилтириб олган булутлар мангуга ёғмайдигандек.

Тоза ҳавони жуда соғиндим. Нега десангиз шу кунларда худди шалоғи чиққан автобусда диққинафас бўлиб олис сафарга кетаётган одамдек қарахтман. Ҳозир ана шу шалоғи чиққан автобусга чиқишим керак, аммо чиққим йўқ. Бекатда ўттиз-қирқ чоғли одам ва мен автобус кутардик. Улар автобуснинг ногаҳон келмай қўйишидан, мен эсам унинг келиб қолишидан хавотирда эдик.

Аммо у келди. Пешонамга ёзилгани шу экан. Ноилож чиқдим. Уловнинг бу турини жиним суймасди. Автобусда ўтган умримнинг энг кўп қисми талабалик йилларимга тўғри келади. Катталарга жой бериш мажбурияти ўша пайтлардан мерос. Ўша йиллари қайси ёшдагиларга жой беришим кераклиги миямга қаттиқ ўрнашиб қолганлигидан ҳозир бундай ёшдагилар мендан кичиклигини ақлимга сиғдира олмасдим. Ҳар гал “катталар” ўрнашиб олишига ўзим йўл қўйиб берардим. Менинг сусткашлигим уларга ёқарди. Бу гал ўтириб кетишни қанчалик истаган бўлсам ҳам эски одатим менга содиқ қолди.

Офтобда қизиб кетган бу темир уйчага бир-бирларини итариб-турткилаб ёпирилиб кирган одамлар

шундоғам сиқик, дим ҳавони биттар айнитиб юбордилар. Булутлар орасидан мўралаган қуёш автобуснинг чап қатор ўриндиқларини роса қиздириб қўйган экан. Баъзи аёллар ўнг ўриндиқлар томон типирчилаб қолишди. Ўрнашиб олишгач, елпиниб ўтирган чапдагиларни ҳазил-мазах қилишди. Наъра тортиб ўрндан кўзгалган автобус чайқала-чайқала олдинга интилди. Бир неча дақиқадан кейин эса автобус йўналишини ўзгартирди-ю, қуёш чапдан ўнг томонга ўтиб олди. Чап ўриндиқдагилар бошларига келган соядан анча сергак тортишди. Ҳамма чакагига эрк бериб юборган, айниқса чап қулоғим тагидаги бир хотиннинг жағига баракат берган экан:

– Бой ҳам бойга, Худой ҳам бойга дейди. Пули борлар ҳамма ерларни сотиб олиб қўйса, бизга ўхшаганлар зор қақшаб қолаверадими? Ҳозир фермерларнинг ошиғи олчи. Қоплондай икки ўғлим ва бир қизим бор. Ҳаммаси ишсиз. Ҳали ўғил уйлантирганим йўқ.

– Колхўзда ишлатинг! – деди шериги.

– Колхўз пул берадимми? Ҳали ўзимнинг ололмай юрган қанча пулим бор. Ундан кейин колхўзнинг иши оғир. Шунча йил менинг ишлаганим етар. Энди болаларим энгилроқ, мойлироқ иш топса дейман. Сўлоқмондай йигит бел кўтариб юришга ор қилади.

– Менинг ўғлим беш йилдан бери бел кўтариб бели қайишгани йўқ. Ишдан ҳориб келдинг, дамингни ол десам, “Бэ-ээ, бригадир ишга бормади, челда ўтириб карта ўйнаб қайтдик” дейди.

Кимдир гапга аралашди.

– Колхўз пул бермаса фермерга юборинг.

– Сиз ҳам менинг тилимни қичитасиз. Ўтган йили фермер қариндошимиз (қариндош бўлмай кетсин) кичик ўғлимни сўраб келди. Муғомбир. “Уйда молларга қараб юрса, ойига ўн беш минг бераман” деди. “Ҳой, оғзингга қараб гапир. Кўҳна жойнинг ўрнини ўзингники



қилиб олдинг, индамадим. Энди ўғлим сенга хизматкор бўлиб, молларингнинг тагини тозалайдими”, дедим. Ит терисини бошига қоплаб, уйдан ҳайдадим.

– Ўғлингиз бирон нарсага қизиқадими ўзи?

– Фудбўл деса жонини беради. Пискултура бор кунларигина мактабга боради. Ёшлигида кўп касал бўлди, эрқароқ ўсди. Биринчи синфга борганида ҳар куни партасида бирга ўтириб қайтардим...

Ёши элликларга борган зиёлинамо киши ўзига ўзи гапира бошлади.

– Илгарилари ота-оналар болаларини мактабга бераётиб ўқитувчига: “Мана шуни одам қилинг, яхши ўқисин, ўқшдан бўйин товласа ҳоҳлаганигизча уриб-сўкаверинг” дейишарди. Энг болажон аёллар ҳам икки-уч шапалоққа рухсат берарди. Ҳозирги хотинларнинг оғзидан фақат бир хил гап эшитасан: “Менинг боламга қаттиқ гапирманг, шайтонлаб қолади. Хушомадини етирмасангиз, гапингизга кирмайди. Юқори баҳо қўймасангиз, мактабга боришдан бош тортади. Сиздан илтимос, боламни биров хафа қилиб қўймасин, унга кўз-қулоқ бўлиб турсангиз, “папка зиёфати” биздан.”

– Э, қўйинг ўша замонни. Хотинлар итдай туғиб кетаверган-да. Боласига қайғурмаган, ҳукумат қайғурсин, деб. Мана мен кеча-кундуз шу болаларим учун югураман. Бировдан кам бўлмасин дейман. Ҳозир сал паст кетсанг одамлар устинга чиқиб олишади. Ҳали бировга ялинганим йўқ. Қизимнинг туғилган кунда ўша фермер қариндошимизнинг қизи қиммат баҳо қўйлаб кийиб келган эди. Қизим сал ўксингандай бўлди. “Хафа бўлма, қарз этсам ҳам сенга ундан яхшисини олиб бераман”, дедим. Кейин билсам, у ҳам бировникини кийиб келган экан. Худога шукур, мен қизимга “ойроти” кийдирмадим. Қийналсам ҳам ўзим югуриб-елиб олди-сотди қилиб бир амаллаб етказиб турибман. Бироқ пул топиш кун-кундан қийинлашиб кетаяпти.

– Туғилган кунга пул топибсиз-ку!?

– Аа-ай, сўраманг! Ҳаммасини насия олдим. Уйда гуруч қолмабди. Дарров хорозга бориб икки қоп гуруч чиқартирдим. Бир қопини кўшнилардан олган гуручларнинг ўрнига тарқатишни мўлжаллаб, иккинчи қопдан туғилган кунга етгудай гуруч қолдириб, қолганини сотдим. Қизим туғилган кунда бир қувонсин деб насияга олиб яшириб қўйган рўмолнинг пулини тўлашим керак эди. Гуручнинг пули рўмолнинг қарзидан қутқармаслигини билиб, хорозчига “Хороз ҳақини қарз дафтарингга ёзиб тур, Худо ҳоҳласа келгуси сафар шоли келтирганимда аввалгиларини ҳам қўшиб, ҳаммасини бир этиб тўлаб кетаман. Агар “йўқ” десанг, қайтиб сенинг хорозингга келмайман, “Оқ қўйлагим лалангир, сен бўлмасанг енам бир” – бошқа хороз кўп, деб пўписа қилдим. Хорозчи иложсиз рози бўлди.

Мана икки ой бўлдими, майда-чуйда харажатларнинг қарзидан кутулдим. Фақат ароқнинг пули қолди.

– Қизингизнинг чиқонлари ароқ ҳам ичишадими?

– Йўқ, ароқни менинг чиқонларим билан эримнинг жўралари ичишди.

– Асосан, эримнинг жўралари денг!

– Ҳозирги эркаклар ароқ ича оладими ўзи? Икки пиёла берсанг ағдарилиб тушади. Кейин меҳмонларга туни билан хотинлар хизмат қилаверади. Ароқни менинг чиқонларим сувдай симиришди.

– Қизингиз баҳонасида ўзларингиз бир мириқибсизлар-да, а?!

– Авваллари бундай нарсаларни мен ҳам ёқтирмасдим. Кейин билсак туғилган кунлар дам олиш учун тайёр баҳона экан. Иш-иш деб бир куни ўлиб кетасан. Қолаверса, туғилган кунлар бўлмаса қариндош-ошнони йўқлаб боришга фурсат тополмайсан.

– Ярим қоп гуручнинг ҳаммаси кетдими? – сўради кимдир. Афтидан шаҳарлик бўлса керак.

– Етмай қолди.

– Тўйдай қилиб юборгандирсиз-да.

– Қайда, охирида келган уч одамга палов етмади, фақат шўрва билан кетмасин деб гўшт қовуртирдим. Улар бошқа бир ердан тўйиб келган эканлар, овқатга қўл ҳам урмадилар. Лекин эртасига кўрса-ак, товоқларда қолган паловга молларнинг ем қозони тўлибди.

Автобус бир маромда ийланиб кетиб борарди. Жиззаки хотин олдидаги каттакон сумкалардан бирини титқилаб, эскириб қолган кўк дафтарини топди.

– Мана шу дафтарда уч йилдан бери қарзини узолмай юрганлар бор. Шулар вақтида тўлаганда мен ҳозир сенга ўхшаб бу ярим-ёрти автобусда чанг ютиб ўтирмасдим.

– Чикон, сал ўзингни бос. Бундай қарз дафтар ҳаммамизда ҳам бор. Қарзга бермасанг ҳеч ким сандан нарса олмай кўяди.

– Қўйинглар-эй, уят бўлади.

– Бошқа гапдан гаплашинглар! – Ҳар ким ҳар томондан вазиятни юмшатишга ҳаракат қилди.

Ҳайдовчи гоҳ йўлга, гоҳ пешойна орқали йўловчиларга қараб кўярди. Автобус ичини бензин ҳиди тобора қамраб борар, кимдир туйнукни очиб ташқаридан кираётган ҳавога тумшуғини тутса, кимдир “Боламни докторга олиб кетаяпман, шамоллаб қолади, туйнукни ёп!” деб бақирарди. Туйнук олдидаги узун бўйли йигитга қийин бўлди. Очдим деганда ёпади, ёлдим деганда очади. Бир неча кишини тушира солиб энди тезликни ошира бошлаган автобусни йўлда турган кимдир қўл кўтариб тўхтади. Уни миндириб газни босдим деганда ҳайдовчини яна кимдир тушиб қолиш учун безовта қилади. Хуллас автобус бир юриб, бир тўхтади.

– Автобусми бу, ё эшакаравами? Қачон етамиз Урганчга? Бу боришда бугунги кунимиз автобусда ўтадими дейман? – нолий бошлади зерикиб кетган бир йўловчи.

Кашандаларни бир неча марта сиқувга олишди. “Бизга ўхшаб нос чекинглар, тутуни чиқмайди”. “Тутуни ичингга қараб кетади”. “Мен шароитга қараб икковиниям чекавераман”. “Икковиям соғлиққа зарар, ундан кўра семичка чақинглар, овқатни яхши ҳазм қилдиради”. “Қўйсанг-а, ўзи қорним оч, овқатни яхши ҳазм қилдирмайдиган хилидан йўқми?” деган гаплар билан автобусдаги беш-олти дудкаш, ўн-ўн беш носкаш ва йигирматача семичка чакувчи тараф-тараф бўлиб баҳслашарди. Бир йигитга ҳозиргина сигарет сотган хотин уч яшар қизчаси димоғи олдида сузиб юрган тунларни қўли билан ҳайдаётиб, босиб-босиб чекаётган йигитга қараб: “Майли, зарари йўқ-зарари йўқ” деб қўйди ва баҳсга аралашди: “Менинг отам ҳозир салкам тўқсонга борди. Умр бўйи оғзидан сигарет тушмаган. Ким кимдан олдин кетиши ёлғиз Худога аён.”

Семичканинг “чирт-чирт” этган овозлари тинмасди. Оёқ остлари семичка қобиғига тўлиб кетди. Бир

неча бор огоҳлантириши ҳеч кимга таъсир қилмагач, хайдовчи автобусни шартта тўхтатиб:

– Яхши гапга тушунмас экансизлар, чақманглар дегандан сўнг чақманглар-да! – деб бор овози билан бақирган захоти ҳамма жим-жит бўлди. Автобус тўхташи билан баробар тўхтаган жағлар, автобус юриши билан яна ишга тушдилар. Қўллар билан оғизлар бир-бирларига мутаносиб равишда яширин ҳаракат қилар, кўзбилан қулоқэса хайдовчининг хатти-ҳаракатларидан кўз-қулоқ бўлиб турарди. Фақат кўзойнакли пакана киши пинагини бузмай семичка чақарди. Хайдовчи унга ўгирилиб: “Сен ўзбекчага тушунасанми ўзи?” деган эди, ҳалиги пакана хайрон бўлиб: “Чего?” деди. Шундагина ҳамма унинг корейс миллатига мансуб эканини пайқади. Хайдовчининг бирдан попуги пасайиб қолди. Эсанкираганидан зўрға “не надо... чимичка чақмоқ” дея олди холос. У гапининг русча жумласини баланд, ўзбекчасини эса пастгина оҳангда айтди. Пакана гап нимадалигини пайқаб: “Меники кагазга чакади” деди бамайлихотир.

Шляпа кийган зиёлинамо киши дардини ёрди:

– Мен Германия шаҳарларини автобусда айланганимда ёнимда ўтирган ўзбек ҳамроҳим конфет қоғозини ғижимлаб автобус деразасидан отиб юборганида, буни кўриб қолган хайдовчи автобусни шартта тўхтатиб ҳалиги қоғозни олди ва манзилга етгач, ахлат қутига ташлади. Бу бизга катта сабоқ эди. Биз қачон шундай маданиятга эришамиз?

– Ким бўлиб ишлагансиз? – сўради ундан ҳамроҳи.

– Кў-ўп ишларда ишладим. Охири мактабга директор бўлдим. Кўпчилик касбдошларим ўзларини савдога уриб кетишди. Бозорда нарса сотишга менинг ғурурим йўл қўймади. Ишлайвердим. Ишлаб-ишлаб пенсияга бир йил қолганда ишдан бўшаб кетдим.

– Бўшатишдими?

– Ўзим бўшадим.

– Нега?

– А-ай, бир сабаблар билан. (Бир хўрсиниб қўйиб секин гап бошлади.) Кеча-кундуз мактаб деб югуриб-йўртаман, сира бирим икки бўлавермади. Эрта кетиб кеч қайтаман, уй ишларига фойдам тегмайди. Олган маошим мажлисга қатнаш, дафтар-қоғоз олиш ва комиссияларни меҳмон қилиш билан кетиб қолади. Жўраларим зиёфатларда “номи улуғ, супраси қуруқ” деб менга теккизиб гап айтадилар. Аламимдан шартта ариза ёздим. Қўл қўйишмади.

– Бизга қолса колхўз яхши эди, – дея тўсатдан гап бошлади малла телпак кийган киши.

– Колхўзнинг нимаси яхши? Шунча йил бизни қийнагани етар. Энди уни тугатиш керак! – фикр билдирди янги суҳбатдош.

– Яна қадимгидай бой-камбағал бўлайликми?

– Улар инсофсиз бой бўлишган, биз инсофли бой бўламиз. Хўш, колхўзнинг нимасини ёқтириб қолдингиз?

– Авваллари мен ҳам худди сендай фикрлар эдим. Колхўзни тугатиб ерларни хусусийлаштириб олсак бойиб кетамиз деб ўйлаб юрардим. Ўтган йили бир гектар ерни ижарага олиб шоли эқдим. Олган ҳосилим чиқарган харажатимга етмади. Яна шунча меҳнатим зое кетди. Колхўзда бўлса хўжакўрсинга ишлаб юраве-расан. Ерни ўзлари суради, ўзлари экади. Уруглики,

ўғитни, ёқилгини ўзлари топиб келтиради. Пахтага техника билан ўзлари ишлов беради. Биз бўлсак қовун-тарвуздан тортиб сабзигача пахтанинг ичига экиб ола-верамиз.

– Бригадирлар индамайдими?

– Бригадирларнинг яширин ерлари бор. Шунинг учун индай олишмайди.

– Раис-чи, у ҳам индамайдими?

– Колхўзчиларга иш ҳақи топиб бера олмагандан кейин раис нима дея олади. Далага бориб қуруқ бўйингни бир кўрсатиб келсанг бўлди, ишлаган ҳисобланасан. Кузда молларни пахтанинг четига – тап-қақир ерга арқонлаб қўйсанг ҳам семириб кетаверади.

Бўйинбоғ таққан мухбир йигит чидаб туролмади:

– Бўлди, бас. Колхўз сенга ўхшаган иш ёқмаслар учун яхши эди. Энди ҳар ким ўзи учун ўзи югурадиган замон келди. Ҳамма сенга ўхшаб фикрласа аллақачон охирзамон бўларди. Шундай латифа бор: “Ўтган асрда ғарблик бир сиёсатчи қайсидир оролга бориб абгор бир қабилани демократик йўл билан фаровонликка олиб чиқмоқчи бўлибди. Сайлов ҳақида тушунча бериб ўз юртига қайтибди. Бир йилдан сўнг бориб қараса, ҳамма аввалгидан беш баттар оч-яланғоч, тўс-тўполон бўлиб ётган экан. Маълум бўлишича, улар ҳамма ишларини овоз бериш йўли билан ҳал қилишибди. Содда, юввош яхши бир одамни кўрсатиб: “Шу кишини бошлиқ қилиб сайласак, нима дейсизлар?” – деб сўрашган экан, ҳамма бир овоздан маъқуллабди. “Ким ишлайди?” деб сўраса, ҳеч ким қўл кўтармасмиш. “Ким нон ейди?” деса, ҳамма қўл кўтарармиш. Натижа эса юқорида айтгандай бўлибди. Мана шунақа, жўражон. Афтидан сенга ўхшаганларни ўша оролга сургун қилишса керак.

– Ўзингни намунча тоза қилиб кўрсатмасанг. Мен ҳам бир вақтлар ҳалолликда сендан зўрроқ эдим. Комсўрг бўлганман. Афғонга юборинг деб ариза берганман. Одамлар мени масхаралаб “коммунист” деб чақирар, мен эса бундан фахрланардим. Нақ фариштанинг ўзи эдим. Комсомўллик кўкрак нишонини тақмай юргани учун энг яқин дўстларимни ҳам кўчада кўриб уришардим. Ҳукумат бир тийин берса, шу бир тийин ҳалол, бошқаси ҳаром деб билардим. Аҳмоқ эканман. Энди кўзим очилди. “Мен ҳам эдим сендек, сен ҳам бўларсан мендек!”

Ҳамма “гур” этиб кулди. Собиқ “комсомўл” тобора қизишиб борар, отдан тушса ҳам эгардан тушмасди. Чунки у минган қизил от давлатники, эгар эса ўзиники эди. Рақиби гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлар, қизиққон йигит эса сира гап бермасди:

– Мен сен билан баҳс бойлашаман. Ҳозирги даврда пора олмайдиган ёки пора бермайдиган бирон-бир одамни топиб бероласанми менга? Ҳамма нарса фақат пул билан ўлчанади. “Нима қилиб бўлса ҳам пул топ!” деган замон ҳозир. Ҳатто ўз ота-онанг ҳам қанча кўп пул топсанг, шунча яхши кўради. Пул тополмасанг ўқрайиб қарашади. Камбағалнинг арзи ҳеч қаерда тингланмайди. Мен бунга юзлаб мисоллар келтираман. Қани сен биргина мисол билан сўзингни исботлаб берчи! Мана мени хайдовчиликка ўқиганимда имтиҳондан жўрттага йиқитишди. Кейин битта мелиса жўрамни орага солиб бир қоп гуруч билан тўғирлаб олдим. Ўша танишим бўлмаганда мен умрбод гувоҳномасиз қолардим. Сен жўра, фақат газета ўқийвериш ҳаётдан

узилиб қолгансан. Қани шу гапларни бирон жойга ёзиб кўр, ўзингни қамоққа тикади. Сен ўзинг мухбир бўлиб ҳақиқатни ёзолмайсан!...

– Шошма-шошма! Биринчидан имтиҳондан ўтиш даражасида яхши ўқимагансан. Мана мен шундай гувоҳномани бир тийинсиз олдим...

– Биринчидан бир тийинсиз олганимга ким ишонади. Иккинчидан сен мухбирсан. Хоҳласанг уларни мақтаб ёзишинг мумкин, хоҳласанг, танқидлаб ёзолмасанг ҳам “ёзаман” деб хиралик қила оласан. Сенинг имкониятинг олдида менинг билимим бир пул.

– Билимингга ишонасанми, мен сенга ҳам бир тийинсиз гувоҳнома олиб бераман.

– Йўғ-э, иккита гувоҳномани нима қиламан?

– Ҳозиргина мендан мисол сўраётган эдинг-ку. Ўзингга ўзинг мисол бўлиб юрасан!

– ...

– Энди менга қара! Бир қоп гуручни кимга берганингни ёзиб бера оласанми? Мен сенга шу гуручингни ҳам қайтариб бераман.

– Қўйинг-эй! – собиқ комсомўл сизлашга ўтди.

– Мелиса дўстимга гап тегиб қолса мендан хафа бўлади. Кейин мен яхшиликка ёмонлик қилган бўламан. Тўғриси, биз гуручни тўйга қаъда сифатида олиб борганмиз. Тўй эгаси бизни зўр сийлади. Умримда бунақанги ҳашаматли тўйни кўрмагандим. Бир мириқиб дам олдим шу кун. Бир кун ош еган жойингга қирқ йил салом бер деган.

– Демак ёзиб беролмайсан, шундайми?

– Ҳа... энди ўзбекчилик, юз-хотир дегандай...

– “Мухбирлар ҳақиқатни ёзолмайди” деган гапингда жон бор. Чунки сенга ўхшаганлар бу гапга ҳамisha жон ато этиб турадилар. Кўрдингни биз нима учун ҳақиқатни ёзолмаймиз. Чунки ҳамма сенга ўхшаб гапидан тонади. Сенга қолса ерингни колхўз суриб берса, уйингни мелиса кўриқлаб ётса, касаллансанг дўхтирлар ўзидан-ўзи даволайверса, магазинларда жонингга не керак бўлса ҳаммаси муҳайё ва арзон нарҳда турса. Сен бўлсанг салгина ишладим деб оёғингни узатиб ётаверсанг! Энди бунақаси кетмайди, дўстим...

Автобусэшигининг “часс...-чусс...” қилаверишидан безор бўлиб кетдим. Тик туришга мадорим қолмади. Ўтириб олиш илинжида “ким тушар экан” дея ҳар бир ўриндиқ эгасига олазарак бўлиб қарайман. Лекин бунинг учун менга ўхшаб бўш жой пойлаётган йўловчилардан чаққонроқ чиқишим керак. Янгибозорча иккинчи ўриндиқда ўтирган чол ёнидан жилмадим. Чунки унинг Янгибозорда тушиб қолишини билардим. Қарасам чол ҳали-бери тушадиганга ўхшамади. Тагин бир ўриндиқдаги аёл сумкаларини йиғиштираётганини кўриб, дарҳол унинг ёнига борган заҳотим чол ўрнидан турди ва бўшаган ўрнига ёшигина бир қиз ўтириб олди. Тик турганида чиройли кўринган қиз, ўтирганидан сўнг кўз ўнгимда анча хунук тортди. Аламимдан энди шу жойимни ўзгартирмасликка қарор қилдим. Бу орада қанча ўриндиқлар неча марта бўшаб, неча марта тўлишди, Худо билади. Бир соатлик вақт назаримда бир йилга чўзилди. Алюмин қувурдан ясалиб, узундан-узоқ мустаҳкам қилиб ўрнатилган тутқичга маҳкам ёпишиб олган талаба йигитнинг кўлидаги соат нақ пешонамга рўбарў бўлиб қолди. Соатга қанча тез қарасанг вақт шунча секин ўтаркан. Кўзим илиниб уйқуга кета-

ман. Сесканиб уйғонаман. “Ярим соатча ухладим” деб ўйлаб қарасам, бир дақиқа, баъзан уч дақиқа ўтган бўлади. Қулоғим шанғиллай бошлади.

Буни бир неча кунлардан бери ухламаганимнинг оқибати деб ўйладим. Шу кунларда негадир уйкусизлик касалига дучор бўлганман. Ҳар хил нарсалар кўзимга кўринади. Худди ҳаётимнинг сўнги лаҳзаларини яшаётгандекман. Ҳеч кимни хафа қилгим йўқ. Яхши сўзлар айтиб ҳамманинг кўнглини олсам дейман. Одамови бўлиб қолганман. Дуч келган одамга яхшилик қилавераман. Ахир инсон ҳаётининг сўнги дақиқалари одамлар онгида қаттиқ муҳрланиб қолишини ўйлаб, мен ҳақимда яхши сўзлар айтилишини жуда-жуда истайман. Энг яқин кишиларимнинг бир нечаси ёруғ оламни кетма-кет тарк этганидан сўнг мен шундай ҳолатга тушиб қолганман. Энди бу ҳолатдан сира чиқа олмаяпман. Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтиб борапти. “Сўнги дақиқалар”нинг сира поёни кўринмайди. “Сўнги дақиқалар”ни яшайвериб чарчадим. Одамларга сохта яхши инсон бўлиб кўринишдан тўйиб кетдим. Қилган яхшиликларим эвазига улар мени ёлғондакам мақташарди. Мен ўлгандан кейин мен ҳақимда қайғуришга уларнинг вақтлари бўлмаслигини, ҳамма турмушташвишлари ичига шўнғиб кетишини ўйлаб баттар сиқиламан. Наҳотки юз йиллардан сўнг ҳеч ким сени эсламаса. Дунёга келиб кетганингни ҳеч ким билмаса. Тубсиз бир кўрқув вужудимни кемиради.

...Бир пайт кўлимга чивин келиб кўнди. Диққатим бўлинди. Аста ўзимга кела бошладим. Нега мен ўзимни бунча ночор ҳис қилишим керак? Чивинлар ҳам яшайпти-ку биз билан бирга. Чивиннинг хатти-ҳаракатини кўриб қойил қолдим унга. Ўлимга чап бериш санытини пухта эгаллаган шу митти жонивордан нега сабоқ олмаймиз? Ўлим билан бошқаларнинг раҳмини келтириш лўлилик ва худбинлик эканини ўйлаб ўзимдан ўзим уялиб кетдим. Ногирон ва ўксик одамга ўхшаб бировдан марҳамат сўрашга мойиллик менинг табиатимда борлигини ва бунинг иллат эканини ҳозир пайқадим. Ҳар бир одамнинг мукамал инсондан бир жойи кам бўлиши эҳтимол. Буни аниқлашнинг ҳеч қийин жойи йўқ – “бировдан кам жойим борми?” дейишнинг ўзи кифоя.

Йўловчиларнинг гап-сўзларига менинг қулоғим муҳтож бўлмаса-да, гап-сўзлар қандайдир қулоқларга муҳтож эди. Кўзни юмиш мумкин бўлса-да, қулоқни юмиш мумкин эмаслигидан кўз юмиб бўлмайди. Товушлар лашкарини миядан ҳайдаб чиқаришнинг иложи йўқ.

Шундоққина олдимда семиз хотин билан озғин жувон суҳбатлашарди. Жувон ҳасратини тўкиб-солди:

– Қайнонам ўлмади, мен қутулмадим. Эрим онасининг чизиғидан чиқолмайди. Она-бола икковлари бир бўлиб алланималарни тез-тез гаплашади. Бир неча марта пойлоқчилик қилиб кўрдим, фойдаси бўлмади. Қаёқданам тушиб қолдим шу оилага. Бир вақтлар ҳамма мени келин қиламан деб ҳоли-жонимга қўймасди. Не-не ерлардан совчилар келишмади. Ҳаммасини қайтардим. Дилшодга тегишимни эшитган танишларим менга насиҳат қилишди: “Ўзи яхши йигит-у, онаси сал чатоқроқ, сени чиқиштирмайди” деганларида ҳам мен: “Ўғли яхши бўлса бўлди, онасини менга қўйиб беринглар” деганман. Мен ўзимга қаттиқ ишо-

нардим. Чунки мен ҳар қандай ёмон одам билан ҳам иноқлаша олардим. Пазандаликми, тикувчиликми, гул ўстиришдан тортиб жўжа боқишгача ҳамма ишларда ёши катталар ҳам мендан маслаҳат олишарди. Онаминг ҳам мендан кўнгли тўқ эди. “Борган жойингни бўстон қиласан сен, қандай оилага тушсанг ҳам тил топиша оласан” дерди. Осмонларда юрган эканман. Мана энди ўтирибман банди зиндон бўлиб. Бу оилада ҳамма қарғаб-сўкиб гаплашар экан. Ҳамма нарса кир-чир. Идиш-товоқ дегани сира ювилмас экан. Беш ўғил ва бир эркатой қиз ҳар хил вақтда овқатланади. Ким ишдан келса дарҳол овқат қолдиғидан ҳидланиб кетган лаганлардан яхшироғини совуқ сувда чалачулпа чайиб, шунга овқат солиб берилади. Рўзғорда дастаси синган бир пичоқ, тешилган элак, дастанинг ўрнига ўқлов тикилган эски болта, кажкардга айланган бир неча ўроқ ва шунга ўхшаганларни ҳисобга олмаганда деярли ҳеч нима йўқ. Иложи борича ҳеч нима сотиб олинмайди, қўшнилardan сўралади. Кеча-кундуз тиним йўқ. Қуни билан далада ишлаймиз. Кечкурун овқатланиб, яна далага эшакаравада кетамиз.

– Кечаси далада нима қиласизлар?

– Колхўз ҳосилини йиғиб олган ерлардан макка-жўхорими, қовун-туйнакми, лавлагими, помидорми, хуллас, нима тўғри келса шуни йиғиб келамиз-да, айвончага босаверамиз. Кечаси билан ишлаб чарчаганимдан баъзан тонгда ухлаб қоламан. Шунда қайнонам бақириб-чақириб эшикни тепа бошлайди: “Тур, кунўрта бўлиб кетди. Сасиб ётаверсанг, ҳамма югурганда югурмасанг, шу кунларда у-бу нарса йиғиб қолмасанг, қиши билан тувақдаги гулларингни ейсанми?”

Ёрилиб кетган қўлларим тикувчиликни ҳам унутиб юборди. Ўстирган гулларим “кўзга куюк” бўлиб турибди.

– Йиққан нарсаларингизнинг ҳаммасини қишда еб улгурасизларми ёки бозорда сотасизларми?

– Қайнонам зикна, баҳорда ейсизлар деб ўлчабгина беради. Баҳор келиши билан босилиб ётган нарсалар ириб-чириб кетади. Ҳаммасини ўзимиз йиғиб олган даланинг шундоқ ёнгинасидан ўтган захкаш ёқасига чиқариб ташлаймиз. Бузоғи ўсмай қолади деб сигирниям соғдирмайди қайнонам. Товуқнинг тухумини едирмай, бозорга соттиради.

Эрим онасининг олдида гердайиб менга дўқ уришни яхши кўради. Буни ўзи учун эмас, қайнонам учун қилишини мен яхши биламан. Қуни билан менга “дўқ урган” эрим бечора туни билан оёқ-қўлларимни уқалаб чиқади.

...Оёғим оғриб кетганидан бир қадам нарига силжидим. Автобустаги ҳар бир сўз миямга ўқдай санчилади. Бошимни қаёққа тикишни билмайман. Қани энди бу ғилдиракли баҳайбат темир сандикдан бир сакраб тушиб қолсам. Бошим лўқиллаб шунақанги қаттиқ оғрияптики, автобуснинг ҳар бир силкинишидан юрагим зириллайди. Миям ўрнига худди кўрғошин қуюлгандек. Ҳеч ким менга ёқадиган гап гапирмайди. Ялтироқ ва ёлғон бўлса ҳам мияга таскин бўладиган сўзларни соғиндим. Аммо бу ерда ҳеч ким ёлғон тўқимасди. Шу пайт ҳайдовчи олдидаги радио-

дан ёқимли бир қўшиқ янгради. Бунчалар оромбахш бўлмаса бу қўшиқ. Дарвоқе, қўшиқдаги барча сўзлар ёлғон эди. Мен истаган ёқимли ёлғон мужассам эди бу қўшиқда. Биз қўшиқларни ёлғон бўлгани учун ҳам ёқтираимизми ё... Нега ҳаётда ёлғонлар бунча кўп? Менга ўхшаган ёлғонга ўчларнинг кўплигиданми?

Автобустаги ҳар бир башара менга таниш бўлиб қолди. Қачонлардир худди шу автобуста айнан шу вазиёт аниқ такрорланаётганга ўхшарди. Ҳар бир воқеа иккинчи марта такрор юз бераётгандек эди. Ҳа-ҳа! Ҳамма нарса таниш. Ана ҳозир нимадир секин сурилиб келиб бирдан тушиб кетади. Олдин ҳам шундай бўлган эди. Эслангандай бўлаяпман. Ростдан ҳам автобус шифтидан бир қарич пастроққа ўрнатилган юк қўйгичдаги плёнкадан ишланган оқ сумка “пот” этиб оёқ остига тушди. Қўрқиб кетдим. Вужудимни ваҳима босди. Аллақандай тушуниксиз ваҳима. Ҳар бир воқеа менга бўйсунмай юз берарди. Воқеалар қаршисида мен бутунлай ожиз эдим. Ожиз ҳам гапми, умуман “нол” эдим. Қўлимни, бармоқларимни қимирлатиб кўрмоқчи бўлдим. Тутқичга ёпишиб қотиб қолган ва оқариб кетган панжаларимга қарадим. Бармоқларим секин қимирлади. Уларни асло мен қимирлатганим йўқ. Мен бармоқларимнинг қимирлашини истадим, халос ва улар ўз-ўзидан қимирлади. Вужудимнинг ҳеч бир аъзоси менга бўйсунмас, ҳар бири алоҳида мустақил ҳаракат қилар, менинг эса томоша қилишдан бошқа чорам қолмагани. Шундагина мен, менинг ичимда яна битта мен борлигини, қўл-оёғим менга тегишли эмаслигини сезиб қолдим. Шундагина мен “ўзимдан ўзим хафа бўлдим”, “ўзимдан ўзим қувондим”, “ўзим билан ўзим қолдим”. Шундагина мен “ўзимдан кетиб ўзимга келдим”. Шундагина мен ҳар бир вужуддан иккита одам яшашини англагандай бўлдим. Дунёдаги ҳамма нарса: ҳар бир одам, ҳар бир буюм, ҳар бир воқеа менга таниш ва қадрдон бўлиб қолди. Мен учун нотаниш ёки бегона нарсанинг ўзи қолмади.

Қулоғимга эшитилаётган хилма-хил товушлар аста-секин ўз шамойилларини йўқотиб ҳаммалари умумий бир тусдаги тутунсимон шамолга айланиб, қулоқларим остидан шувиллаб ўтиб турарди. Ҳатто ана шу шувиллаш ҳам менга жуда таниш эди.

...Автобус манзилга етиб келганида, ҳамма лашлушларини йиғиштириб, ўрнидан тура бошлади. Қоидага биноан, йўловчилар фақат олдинги эшикдан патталарини кўрсатиб тушишлари талаб этилди. Очiq қолган орқа эшикдан автобустга чиққан бўйдор йигит: “Пулларингизга эҳтиёт бўлинглар, ўғрилар бор!” – деди-да, кимлар қайси чўнтагини хавотирланиб ушлаб қўяётганини кўзлари хонасидан чиқиб кузатди. Шу пайтда унинг шериги олдинги эшик ёнида атайлаб тушириб юборган тийинини энкайганича ўриндиқлар тагидан ахтариб, йўловчиларнинг тушишларига ҳалақит берарди. Ҳамма бир-бирларини итариб бор кучи билан олдинга интилар, орқадаги йигит эса: “Нимага силжияпсизлар, тезроқ тушайлик. Қани, сурилдик!” – дея қисилиб қолган йўловчиларни баттар сиқиб келарди. Автобус ичида энди ғала-ғовур ўрнини қий-чув эгаллаб олган, ҳамма бир-бирини айблаб бақирар эди...



Лайло ШАРИПОВА



## Юрагимда Ёронлар тинди

### ВАТАН

Оллоҳим, мен кездим дунёларингни,  
Ўзимнинг оламим тополмай сарсон.  
Ўқиб-ку билмасман иншоларингни,  
Билганим: инсонман ночору ҳайрон.

Матлабим – ҳалоллик, матлабим тинчлик,  
Ўн саккиз минг олам дилда мужассам.  
Мен дўстлар кўзига боқа олдим тик,  
Ва лекин дўсти йўқ зотдай кўнгли кам.

Дунёда бирор зот онам бўлмади,  
Отамдай бўлолмас муқаррам зотлар.  
Дунёлар сиққан бу кўнги тўлмади,  
Руҳимда тўполон, дилда фарёдлар.



Энг охир бу бошим сенга урилди,  
Пойим ҳам, бошим ҳам сендадир, тупроқ.  
Ватаним, бу кўнги сенга бурилди,  
Кўзимни юганда оча ол қучоқ.

Тиконинг гули ҳам тўтиё, Ватан.  
Умримни сарфласам ёзмоққа сўзинг,  
Онамнинг онаси, эй Ҳавво, Ватан,  
Сен менинг отамсан, устозим ўзинг.

### САВОЛ

Ҳар гал кўз ёшимни кафтларим артди,  
Сизнинг кафтларингиз қолди баҳрасиз.  
Кафтимга сингган бир уммон дардни,  
Кўрмаган бечора, уруғ саҳросиз.

Янграган чогида илоҳий бир соз,  
Кўнгилни беркитган сизсиз дафъатан.



Қулоққа мойдайин ёқувчи овоз:  
Юракдан қулганим деворларга тан.

Тасаллим – кўнглингиз қори остида,  
Совуққа исиниб қулган бойчечак.  
Тасалли истадим қаҳр ортидан,  
Сукунат ваҳмидан ёрилди юрак.

Дил йиғлар дуолар қилиб ҳар куни,  
Гуноҳкор сизми, мен, тақдирми ё ким?!  
Шунчайин айб билан қиёмат куни,  
Қай ҳолда юзма-юз бўламиз, бегим.

### ТЎКИЛСАМ

Тўкилсам гўлдаги қумуш шамнамдай,  
Кўнглингиз пойини ўпиб тўкилгум.  
Осмондан қуласам абри найсондай,  
Дилингиз кўзида гавҳардай қулгум.

Мен сизни соғиндим, озори жоним,  
Сизни-чи, далалар чорлади ҳар гал.  
Қишлоқнинг оқшомин туш кўрдингиз эжим,  
Тунларни мен бедор ўтказган маҳал.

Золимман, шаҳарнинг тош зиндонида,  
Сизни ҳам саргардон айлаганим чин.  
Минорга суянган хушнуд онимда,  
Сиз эккан тераклар чорлади бетин.

Бу шариф шаҳар ҳам сизсиз беэиё,  
Сукунат бағрини тилади дардим.  
Соғинч ҳам чечакни сўлдирар гоҳо,  
Бир тоза ҳаволар келтиринг, мардим.



**Санобар ТўЛАГАНОВА,**  
филология фанлари номзоди

## ОЎЗ ҚУДРАТИ

Ҳар қандай адабиётнинг камоли аввало, у мансуб бўлган миллатнинг маданий, маънавий, маърифий анъаналарига таяниб ривож топиши орқали намоён бўлади. Бизда маданий мероснинг чексиз ва туганмас хазинаси, ўзига хос анъаналари мавжуд. Бебаҳо халқ оғзаки ижоди, бой ёзма ёдгорликлар, ахлоқий қадриятлар ва урф-одатлар мустаҳкам илдиз, ишончли пойдевор ҳисобланади. Бугунги ўзбек насридаги изланишлар, янгиланишларни кузатсак, ана шу асл қадриятлар замирида бўй кўрсатиб, ўз йўлини топаётган ижодкорлар сафи кўплигидан қувонамиз.

Яқинда "Ўзбекистон" нашриёти Баҳодир Қобулнинг "Эна шамол" номли тўпламини чоп этди. Китобда ёзувчининг кейинги даврда ёзган қиссалари ва асосан республика матбуотида эълон қилинган ҳикоялари жамланган. Баҳодир Қобул асарларини ўқир эканмиз, миллий қадриятлар, ор-номус, фахру ғурур, Ватанга садоқат, юрт ва онага муҳаббат сингари олийжаноб туйғу-кечинмаларни адиб ўзигагина хос услубда бадий ифода этганлигининг гувоҳи бўламиз. Ёзувчининг "Оқ камар" ҳикояси шамолнинг рубобий тасвири билан бошланади. Худди шамол моддийлашиб, шабада кўз олдингизда жонлангандай таассурот уйғотади. "Шамол кетганларнинг охи, келарнинг нафаси эмиш. Энам шундай деган". Ёзувчи қўллаган услуб ҳосиласида шамолнинг йўналишига мос оҳанг китобхоннинг эстетик диди ва дунёқаршини кенгайтиришга хизмат қилади. Тўпламдаги "Оқдала", "Ўспиринлик" қиссалари ҳам халқона оҳанги билан ўқувчини оҳанрабодек ўзига тортади. Биринчи қиссада бола сўзловчи, кейинги қиссада эса у тингловчи. Фарқли жиҳати, кейинги асарларда асосий саҳнага Мерган ва Овчи образлари кўтарилди. Бу қиссалар мазмунан бир-бирини тўлдириб, тадрижан боланинг ёшига мослаб тузилган. Қиссалар гўё романнинг сочмалари йўсинида тартибланган. Умуман тўпламдаги ҳар бир асарни ўқишингиз билан қадрдон туйғуларингиз уйғонади, болалигингиз билан қайта учрашгандай, йўқотганингизни топгандай бўласиз. Айниқса, унинг "Эна шамол" қиссаси ўзининг

бетакрор тили, услуби билан ажралиб туради. Асар бошиданок муаллиф иқрори – аҳд бўлиб жаранглайди. "Ёлғон гапиргандан ёлғон ёзмоқ ёмон. Гапирганни-ку тўғирласа бўлар-у, ёзиғ билан куйган терини текислаб бўлмасмиш. Жони бор элнинг жонли тилида ёзаман." Бу оддийгина иқрор эмас, балки бу аҳд орқали ёзувчи адабиётга, миллатга, қолаверса, ўз-ўзига сўз беради. "У ёлғон ёза олмайди. Бу унинг кукайида йўқ". Ёзувчи танловининг ўзиёқ унинг йўли ва мақсадини аниқ белгилаб беради. Асар бошида жаранглаган аҳднинг нақд ёки насиялиги ёзувчи яратган қисса, ҳикоялар таҳлили давомида очилиб боради.

"Эна шамол" қиссаси анъанавий сюжет асосига қурилган. Тасвирланаётган воқелик сизни ёзувчининг болалиги ўтган тоғли қишлоққа етаклайди. Воқеалар бош қаҳрамон – бола тилидан ҳикоя қилинади. Баҳодир Қобул инсонни борлиқнинг бўлаги сифатида кўради. Ягона универсум – одам ва олам яхлитлигини кўрсатишга интилиш, алал-оқибат инсонда табиат билан ҳамдардлик, ҳамнафаслик ҳиссини юксалтириш умиди ёзувчининг бош мақсади бўлганлиги ойдинлашади. Ёзувчи қаҳрамонлар характерини ёритар экан, тоғликларга хос юксаклик, улуғворлик, бағрикенглик, тантилиқ, самимийлик сингари фазилатларга алоҳида урғу беради.

Аср сўнгидаги иқтисодий, ижтимоий қийинчиликлар, ўзгаришлар, миллат руҳиятидаги қарама-қаршиликлар, ҳаётий зиддиятлар олдида иккиланишлар инсоний муносабатларнинг дарз кетишига, меҳр – оқибатнинг унутилишига олиб келди. Аммо миллат фитратидеги пок аслиятни, инсоний меҳр-муҳаббатни мағлуб қилиш осон иш эмас. Муаллиф мазкур жараёнларда ҳам инсоф, виждон, имон мезонларидан келиб чиқиб фикрни бадий образлар воситасида ифодалаб беришнинг уйдасидан чиққан.

Адабиёт оламида кўплаб ижодкорлар бола образидан самарали фойдаланганлар. Ч.Айтматовнинг "Жамила", "Оқ кема", Ойбекнинг "Болалик" асарлари бунинг ёрқин намунасидир. Кейинги даврда яратила-

ётган баъзи бир асарларда мана шу усул ўзига хос равишда такрорланмоқда. 2010 йилда “Шарқ юлдузи” журналининг 2-сонида эълон қилинган Собир Ўнарнинг “Бибисора” қиссасида ҳам худди шу йўсиндаги воқелик танланган. Бу қиссада ҳам бола ҳикоячи-ровий сифатида кўрсатилган. “Бибисора”да танланган бола “Эна шамол”даги боладан ўзининг мустақиллиги, эркин фикрлаши, баъзи эпизодларда ўзича ҳукм чиқара олиши, ҳақпарварлиги билан фарқланади. Баҳодир Қобул асарида эса болага асосан Катта энанинг таъсири кучлироқ. Зеро, ҳар икки муаллифларнинг қаҳрамонларга сўз танлашдаги маҳорати мақтовга сазовар. Адибларнинг халқ удумларини аъло даражада билиши ва англандан воқеликни англантишда халқона ифода усулини ўринли қўллай олганликларини таъкидлаб ўтиш лозим. Сўз балоғатини ҳис қилиш учун ижодкор сўзга эврилиши шарт. Сўзнинг тубига, маънисига етиш учун халқ ақлининг кўзи, яъниким, элнинг боласи бўлиш талаб этилади. Руҳан, қалбан эл билан бирлашишга эришиш керак. Ёзувчиларнинг маҳаллий колоритни кўрсатишда бир-бирига яқин усулларидан унумли фойдалана олганлиги ҳар икки қиссаларнинг муваффақиятини таъминлаган.

“Эна шамол”даги бола образи софлик, поклик, ҳалоллик, ҳақиқатнинг рамзи. Адабиёт оламида Бола – покликнинг умрбоқий тимсолидир. Қиссада бола – муаллиф. Муаллиф воқеаларни бола тилидан ҳикоя қилади. Нима учун айнан ровий – бола образининг танлаб олиниши ҳам қизиқ топилма. Бизнинг назаримизда, ёзувчи ўзи соғинган болаликни сўзга солган. Ёзувчи онг оқимидаги воқеликни бола нигоҳи орқали, унинг қалб призмасидан ўтказиб “таҳлил” қилади. Бола ёзувчининг ҳаёт фалсафасидан, халқдан йиққанларининг умумлашма бирлигидир. Қиссадаги ҳар бир персонаж ўзида ёзувчининг эстетик идеалини у ёки бу даражада тажассум этади. Диққат қилинса, асарда бир қанча ёрдамчи образлар тизими шакллантирилган. Уларнинг барчаси ёзувчининг адабий ниятида ўзаро уюшиб, қиссанинг бадиий яхлитлигини таъминлашга хизмат қилган. Қиссада бош қаҳрамон ўзи яшаётган муҳитнинг ичига сингиб, асар бадиий майдонида юз бераётган ижтимоий зиддиятларда воқеликнинг ичидан сизиб чиқади, сиртдан киритилмайди.

Асарда тасвирланган воқеликка сизу биз ҳаётда ҳар куни тўқнаш келамиз, аммо эътибор бермаймиз. Қиссада сизу бизда фикр уйғотадиган, ҳаёт мазмуни ҳақида ўйлашга, инсон қалбини, қадрини тушунишга, мушоҳада этишга ундайдиган ўринлар кўп. Бундай теран мушоҳадага чорловчи кузатишлар асарнинг қадрини, аҳамиятини оширади. Чунки санъат асарларининг қиммати, аввало, ўқувчида фикр уйғотиши, муҳокамага чорлаши, ўзини ўзи тафтиш этишга ундаши билан ҳам белгиланади. Муаллиф бола воситасида Энанинг сўзларини қаҳрамон хотирасида қайта тиклаб, унинг онг ости англамлари орқали бола-ровий тилида баён қилади, шу йўсинда адабий ниятини бизга етказа

олади. Ниятнинг англантилишида сунъийлик сезилмайди. Шунинг учун ҳеч қандай шубҳаларсиз воқеликни қабул қиласиз. Бир ўринда “Ҳаммаям, ҳаммаям эмас..... фақат соғинч ва раҳмда таъма бўлмас экан”. Ёки “Нон учун чизилган расмда истара, ёзилган ёзиғда нафас бўлмасмиш. Ёзиғ-чизиғни ичи борга чиқарган”, “тиғ билан ўйнашганда, тил билан ўйнашма” сингари ҳикматли сўзлар ҳаёт ҳақиқатларининг бола тимсолидаги овозидир.

Асарда ердан кўтарилган, коинотга бўйсир одамлар образлари ҳам бор. Улар бошқалардан фарқли ўлароқ ғайб илмидан, эртанги кундан воқеаларидан хабардор бўлишади.

Катта эна – Самарқанднинг, Ватаннинг, Имоннинг тимсоли. У мушуклар, каптарлар ва мусичалар билан дугона. Қиссани ўқиган китобхонда бунга ҳеч бир шубҳа уйғонмайди. Катта энанинг ҳар бир гапи чексиз армонларнинг, умидсиз орзуларнинг, улкан ҳаёт сабоқларининг – Буюк ҳақиқатидир. Шарқнинг халқона фалсафаси, донишмандлиги, Катта эна образида умумлаштирилган. Катта энанинг ҳар бир сўзлари ҳаёт ҳикматларига тўйинган. Бола тилидан ЭНА сўзларни ўқиган китобхон энди гумонга бора бошлаганда, болакай бу “менинг эмас, катта энанинг гаплари” деб вазиятни ўзгартиради.

Қиссадаги ўзига хос образлардан яна бири Мардон. Мардон – ҳалол, ҳақпарвар, Эгасининг айтганини, “буюрилганини” қиладиган одам.” Яхши тил тишнинг қамоғида бўлади. Қамоқдаги тил – яхши тил. Шунинг учун ўттиз икки олмос қилич билан ўраб қўйилган эмиш. Қилични тиғи бор, тилни қирқ бўлармиш. Сўзлаган тилнинг сири қочар эмиш”, бу Мардон тентакнинг гаплари. Мардон ҳақпарварлиги учун халқдан тентак лақабини олган. “Тентак”лик лақаб ҳам эмас, балки унвон. Сабаби, шу унвон боис Мардон ҳеч ким айта олмайдиган гапларни айта билади. Бола хаёлан сув бетига, қорга, осмоннинг қоқ ўртасига расм чиза билади. Унинг хаёлан чизган расмларини (ҳеч кимга айтмасе-да) кўрилмагани Мардон тентак кўра олади, ранглариғача ажрата билади. Бу ҳам унга “эгасидан берилган” хислат. Бу образ замирида катта ҳаёт мактаби ўғитлари жамланган. Мардон тентак бошқалар каби тирикчилик кўйида турфа шароитларга мослашмайди ва бунга интилмайди. Қиссада тирикчилик баъзи ўринларда унинг учун мослашгандай туюлади.

“Эна шамол”даги Овчи эса дунё амалига тирикчидаёқ ҳисоб бераётган, қилмишларига тўлов тўлаётган образ. Фожиа шундаки, унинг умри хиёнатга бадал ҳисобида кечади. Бу қисматдан солинган солиқ нечоғли қимматга тушаётганига унинг армонлари далил. “Серямоқ ҳаёт қуроқларига харж бўлган тирикчиликнинг аслида ҳар куни бир умрдир. Дунёга нимага келганини жон чиқарда англашнинг ҳожати йўқ. Авомга эрмак, хосга ибрат, тентакка ҳикмат бўлган дунёни тириклик дейдилар. Кун эгасиники. Одам бо-



ласи кўлидан бир чўпни тикка қилиш келмайди. Кун чиқишдан ва ботишни фаҳмлашдан ортиқча ақл одам боласига ортиқлиги, зиёдлигини англаш кўнгилга бунчаллик ҳаловат беришини билмагандим". Ҳаётнинг синовлари туфайли донишмандга айланган Овчи кеч бўлса-да хатосини англаб етади. Берилган қисқа умрда кишининг ўз-ўзини англаб етиши ҳолатини кўрсатиш ёзувчининг образ яратишдаги муваффақиятларидан биридир. Овчи образи орқали Яратганнинг омонати-га хиёнатдан оғоҳлик, тирикликнинг қадри, яшашнинг мақсадини яна бир бора ўқувчига англатиб қўйиш ёзувчи мақсадларидан бири, десак, янглишмаймиз. Саналган барча образларнинг сюжет линияси бола образи орқали кесишади. Бу образлар ҳаёт элагида эланиб, орқага қараб олдинни кўра билганларнинг нафасидир. Муаллиф Катта энанинг, Мардоннинг, Мерганнинг умр дафтарларидан парчалар бераётганда бола тилидан "бу гапларниям ёзиб қўйишим керак, ҳозир тушунмасам, кейин англаб етарман" деб қистириб ўтади. Бу каби қистирмалар, қўшимчалар ёзувчи маслағи йўлида уюшиб бадиий ниятнинг юзага чиқишида муҳим ўрин тутган. Бола ҳар бир образ замиридаги моҳиятга калит вазифасини бажаради. Бола хаёлот оламида ўзини эркин, озод сезади. У қисса бадиий майдонида муаллифнинг ички мени – эстетик идеали сифатида ҳаракатланади. Катта эна миллатнинг кечаси бўлса, болакай бугуни, эртаси, умиди. Ҳеч кимни дўст билмаган Мардон тентак, Овчи у билан сирдош, дилдош. Уларнинг кўрган, кечирган ҳаёт йўллари, тақдирнинг аёвсиз сўқмоқлари боланинг умр синовларидан омон ўтишига эслатма, кўлланма, бир ойна. Бола ёлғиз эмас, унинг жўраси бор, у "ичидаги одам". У жўрасининг овозини эшитади, у билан дардлашади, маслаҳатлашади. Ичкаридаги одамнинг имони бақувват, руҳияти пок, нияти улуғ. У имоннинг буюрганларини болага етказишда восита. Шундай эпизодлар ҳам борки, бола катта энанининг "овози тикиб берган чопончаларининг ўнгирига осилиб" қолганини билади, ўнгирида осилган момосининг овозини хаёлан эшитиш хислатига эга. У шамолнинг кўшиғини тинглаб, бирга куйлай олади. Асар қаҳрамони ҳатто сукунат билан тиллаша олади. "Сукунатни жонсиз демайди. Сукунатни жонсиз деганнинг ўзи жонсиздир". Сокинлик унинг учун гўё медитация бўлиб, ичидаги жўраси билан сирли мулоқот қилаётганига гувоҳ. Ёзувчи баъзи ўринларда воқеликни жумбоқ тарзида тасвирлаб, билса билар деб, кейинги воқеага ўтиб кетаверади. Вазиятдан хулоса чиқариш китобхоннинг фаҳмига, тафаккурига қолдирилади. Бу ҳам усулнинг бир кўриниши-да...

Бола Катта энанинг – элнинг боласи. Унинг асли тоза. Эртаси улуғ. Ичидаги одам унга фақат яхши ниятларни амалга ошувига йўлловчи дўст. Воқеликни сўзга айлантиришда ёзувчи "сопини ўзидан чиқарган", яъни халқнинг тилидан соз усулда фойдаланган.

Бола тасаввурида Самарқанддаги хароба миноралар "осмонга кўлларини чўзиб қолганга" ўхшатилади. Чол шамолнинг ўнг келишига оз қолганлигини, бу ишларни "эгаси буюрган одам" қилишини башорат қилади. Миноралар эскириши мумкин, лекин ҳеч қачон йиқилмаслигини ишонч билан таъкидлайдики, бу бежиз эмас. Ишончнинг замири миллат илдизларининг пойдевори мустаҳкамлигидадир.

Ҳозирги кунда яратилаётган насрий асарларимиздаги "тилсизлик" жуда ачинарли ҳол. Бир қанча романлар, қиссалар муаллифлари бўлган баъзи бир ёзувчиларимизнинг ўз услубига эга эмаслиги, асарлари тилининг сунъийлиги ўқувчини ўзидан бездиради. Халқнинг урф-одатларини, миллатнинг шева-лаҳжаларини яхши билмаслик, зўрма-зўраки ўзи ишонмаган нарсаларга бошқаларни ишонтиришга уринишлар ўзбек насрининг ўсишига тўсиқ, унинг бир жойда депсиниб қолишига сабаб бўлмоқда. Ўзбек адабиётида бетакрор характерлар ва овозлар ярата олган ёзувчиларимиз Ш.Холмирзаев, Т.Мурод, М.М.Дўст, Э.Аъзам, Н.Эшонқул асарлари тилининг ўзига хослигини эътироф этиш жоиз. Баҳодир Қобулнинг асарларидаги энг қувонарли ҳол тилининг халқчиллигида, ширалилигида. Муаллиф сўзнинг маъзини, юқини яхши ҳис қилади. У қаҳрамонлар тилидан бежизга "тоғ кўтаргандан сўз кўтарган оғир эмиш. Дунёнинг аввалиям Сўз, охириям Сўз эмиш", дея таъкидламайди. Сўзнинг залвори улкан тоғдан ҳам оғирлигини ўқувчига англатиш баробарида, сўзга нисбатан эҳтиёткорликка, зукколикка ундайди. Бу қиссаларни ўқиш жараёнида асар бошида жаранлаган ёзувчи аҳдининг ўз исботини топганлигига амин бўлаемиз.

"Эна шамол" қиссасидаги персонажлар ансамбли, ҳар бир образнинг ўзига хос бетакрор тилга эга эканлигини кузатаемиз. Қаҳрамонлар сўзлаган насрий услуб бевосита назмга айланади. Асардаги қизлар кийими тасвирида "Кўйлакнинг куйи лак-лак бўлади. Бировга айтгули йўқ. Билмаганлар "ух", билмаганлар "ху" дейди". Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, Баҳодир Қобулнинг кейинги қиссаларида "Эна шамол"даги эпизодлар такрор келган ўринлар ҳам йўқ эмас. Баъзи образлар ёзувчининг хоҳишига бўйсуниб ҳаракат қилаётгандай туюлади. Қиссадаги айрим эпизодлар мустақил тарзда ҳикоя деб алоҳида эълон қилинган. Масалан, "Ўспиринлик" қиссасидаги "Кунга маҳтал кампирлар" парчаси яна шу китоб сўнгида шу ном остида алоҳида ҳикоя деб берилган. Бу хил ҳолатлар ёзувчининг асар композициясини ҳали тўлиқ пишитиб олмаганлигидан далолат. Аммо умидли ёзувчиларимиздан Баҳодир Қобулнинг "Эна шамол" китоби унинг ўзига хос услуби шаклланаётган ва бетакрор тилга эга адиб сифатида эртанги кун ўзбек насрига умид билан қарашимизга асос бўлади. Изланган топади, ютуқлар камчиликларсиз келмайди. Шундай экан, ёзувчимизга изланинг, толманг деймиз.





Мари РОБЕРТС РАЙНҶАРТ

# ЛАБ БЎЁҶИ

Ҷикоя



Мари Робертс РайнҶарт 1876 йил 12 августда Пенсилваниянинг Алегени шаҳрида туғилган. Ёзувчининг детектив асарлари шу қадар машҳур бўлганки, уни Американинг Агата Кристи деб улуғлашган. Мари Робертс РайнҶарт ижоди Америка миллий адабиёти тарихида ўзига хос босқич ҳисобланади. Қўйида эълон қилинаётган асар ёзувчининг дастурий асари бўлиб, бевосита инглиз тилидан ўғирилган.

Мен терговдан сўнг уйга пиёда, кўринишидан анча чўкиб қолган ойим эса машинада қайтдик.

Холаваччам Элинор Ҷаммонд ҳаётини бахтли ўтказганди. У ҳар тонг бугун қандайдир энг бахтли воқеа рўй беради деб уйғонар, тўшақда керишиб ётганча, кийиниш хонасидаги толиққан бечора Фредга муржаат қиларди:

– Балки танишларимизни бирор нима ичишга таклиф қилармиз, Фред?

– Сен нима десанг шу, севгилим,

Элинорнинг ҳар қандай хоҳиши Фред учун қонун эди. Мен унинг терговчи олдидаги – чуқур қайғуда бўлган, ўйлашдан тиришиб кетган юзини эсладим.

– Мисс Ҷаммонднинг ўз жонига қасд қилиши мумкинлиги борасида бирор шубҳа борми?

– Йўқ, мутлақо йўқ.

– Унинг соғлиғида ташвишли ҳеч нарса йўқмиди?

– Йўқ. У ўзини ўта соғлом ҳис этарди.

– У доктор Барклай қабулига қатнаган экан-ку.

– Ҷа, у бироз толиққанди, – нохушлик билан деди Фред.

Лекин Элинор доктор Барклайнинг офисидаги ўнинчи қаватда жойлашган кутиш хонасининг деразасидан ё итариб юборилган, ё ўзини ташлаганди. Эксперт ҳам у ўзини деразадан ташлаганига аниқ ишонарди.

Ўша куни фақат ҳамширагина уни кўрган экан.

– Ўша куни кутиш хонасида бошқа ҳеч ким йўқ эди, – деди у терговчига. – Доктор бир беморни кўраётган эди. Мисс Ҷаммонд дераза ёнида ўтирганди. Шляпасини ечиб қўйиб, сигарета тутатди-да, журнал ва рақлай бошлади. Мен эса хонамга кирдим, кейин уни кўрмадим...

Ҷамшира кичкинагина, ёқимтой қиз бўлиб, оппоқ оқариб кетган эди.

– Хонасидаги бемор чиққанидан сўнг, доктор кўнғироқ чалди. Мен Мисс Ҷаммондни чақириш учун кутиш хонасига бордим. У ерда ҳеч ким йўқ, фақат унинг шляпаси бор эди, лекин сумкаси кўринмасди. Кейин... – У сўзлашдан тўхтади-да ютиниб олди. – Кейин мен одамлар шовқинини эшитиб деразадан пастга қарадим.

Терговчи бироз вақтдан сўнг сўради:

– Нима деб ўйлайсиз, мисс Комингс, ўша куни Ҷаммонд хоним руҳан сиқилган ҳолатда эдимми?

– Менимча, у ўша куни жуда хушчақчақ эди, – деди у.

– Унинг ёнидаги дераза очикмиди?

– Ҷа. Лекин у ўз жонига қасд қилганига ишаномайман...

У йиғи аралаш сўзларди ва ҳамма билган нарсаларини айтиб бергани кўриниб турарди.

Навбатдаги гувоҳ ҳозиргина келган доктор Барклай эди. У қирқ ёшлар чамасида бўлса-да, ўз кўринишини яхши сақлаб қолган эди. Элинорни жуда яхши билганим учун бу ҳол мени ҳайрон қолдирмади. Элинор чиройли эркакларни ёқтирарди, унчалик чиройли бўлмаган Фред эса бундан мустасно эди. Ёнимда ўтирган ойим ҳам докторнинг чиройли кўринишига эътибор қилган экан:

– Мана, аслида қандай, – деди у норози овозда. – Элинорнинг руҳшуносга бўлган эҳтиёжи худди менинг учинчи оёққа бўлган эҳтиёжим каби кучли экан.

Ўша куни эрталаб доктор Элинорни ҳали кўриб улгурмаган экан. У кўнғироқни чалгандан сўнг ҳеч ким кирвермагач, ўзи кутиш хонасига чиқибди. Қараса, деразадан пастга қараётган мисс Комингс бирдан қаттиқ бақириб юборипти. Яхшиямки Томпсон хоним ўша пайти келиб қолиб уни бироз тинчлантирибди.

Доктордан Элинорнинг ташрифиди ҳақида сўралганда, у шундай жавоб қилди:

– Менинг асабий ва ташвишли беморларим жуда кўп. Мисс Ҳаммонд ҳам бу ҳолатда кўп йиллар бўлган.

– Ҳаммаси шуми? У ўзини ташвишлантираётган бирор аниқ нарса ҳақида гапирмаганмиди?

Доктор мийиғида жилмайиб қўйди:

– Ҳаммамизнинг ўз ташвишимиз бор. Баъзилари хаёлий, баъзилари эса ҳақиқий. Лекин мисс Ҳаммонд фавқуллодда ажойиб аёл эди. Мен унга дам олишга боришни маслаҳат берганим ва бунга амал қилишига ишонар эдим.

Унинг овози илиқ ва таъсирли эди. Фред эса ундан кўз узмасди.

– Сиз у ўз жонига қасд қилиши мумкин деб ҳисоблайсизми?

– Йўқ, ҳеч қачон.

Доктор Элинонинг хаёллари ҳақида ҳеч нарса деёлмасди. Унинг беморлар билан алоқаси сир сақланиши керак эди. Лекин аҳамиятга молик бирор гап бўлганида, албатта айтган бўларди.

Доктор бизнинг ёнимизга келиб ўтирди ва кейинги гувоҳ чақирилди. У – ҳамширани овулган Томпсон хоним эди.

– Мен докторнинг хонасини тозалаш учун ҳафтада бир бор бориб тураман, – деди у. – Ўша куни менга олдиндан пул керак бўлиб қолганди, шунинг учун унинг олдига борганим.

Хоним келганидаёқ докторнинг ёнига кирмаган экан. У кутиш залида ҳали бир бемор, Элино борлигини кўрган ва кутиш учун бошқа иссиқроқ залга кириб ўтирган. Бироздан кейин, доктор қабулидаги бемор аёл чиқиб, пастга тушиб кетганини кўрган. Бир-икки дақиқа ўтиб-ўтмай ҳамширанинг даҳшатга тушиб бақирганини эшитган.

– Борсам, ҳамшира деразадан пастга қараб қичқираётган экан, – деди у. – Шу пайт доктор ҳам югуриб чиқди ва биз уни стулга ўтқиздик. "Кимдир деразадан йиқилиб тушибди, – деди ҳамшира, у қаттиқ ҳаяжонда эди: – Кимлигини кўра олмадим".

Ундан мисс Ҳаммонд залда қанча вақт бўлгани ҳақида сўрашганда, у чорак соатлар чамаси деб жавоб қилди. Чунки бу вақт давомида бошқа ҳеч ким келмаган эди. Акс ҳолда ҳамшира кирган одамни албатта кўрган бўларди.

– Сиз кутиш хонасида мисс Ҳаммондга тегишли бирор буюмга дуч келмадингизми?

– Ҳа, унинг сумкасини топиб олдим. Сумка дераза қаршисидаги кондиционернинг орқасида турганди. Ўйлашимча бу сумка учун жуда ғалати жой эди. Агар ростдан ҳам у ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган десак, унда сумкани нима қилмоқчи бўлган?! Полиция келганда сумкани уларга бердим.

Демак, Элино ўзини деразадан ташлашдан олдин шляпасини стол устига ва сумкасини кондиционер орқасига қўйган. Бу жуда тушунарли, сирли ҳолат эди.

Суд Элинони ўз жонига қасд қилган деб хулоса чиқарди. Ҳеч ким мурда ҳақида бошқа эсламади. Лекин Томпсон хонимнинг гапларидан кейин Элинонинг ўлими қандайдир бошқача содир бўлганини ўйлаб қолдим. Фред уни лоқайд тинглади. Унинг ёнида ўтирган опери Маргарет ўрнидан туриб кетди. Доктор Барклай Фредга бошдан-оёқ қаради-да, чиқиб кетди.

Уйга пиёда етиб келганимда, асабий кайфиятда эдим. Ҳатто, ойимнинг таъбирича у Фредни мендан тортиб олган бўлса ҳам, Элинони яхши кўрар эдим. Лекин Фред у билан биринчи учрашгандан кейин мени умуман кўрмаганди. Фред унга бошданоқ ошиғу-шайдо бўлиб қолганди.

Беъманилик, ўйладим мен. Менимча, Элино ҳар қандай муаммолар гирдобидида қолган тақдирда ҳам ўз жонига қасд қилмаган бўларди. Кимдир уни ўлдирган бўлса керак. Лекин ким ундан бу даражада нафратланиши мумкин? Рашкчи хотинми? Бўлиши мумкин. У кўп аёлларнинг эрларини то ўзи безор бўлмагунча бошини айлантриб юрарди. Аммо у кўпдан бери бу одатини ташлаб, тинч юрганди. Албатта кўплар уни ёқтирмасди. Элино уларнинг туйғуларини менсимас, уларнинг устидан куларди. У нимани айтгиси келса, нимани ўйласа шуни айтаверар ва бу ҳар доим ҳам ёқимли туюлавермасди. Ҳатто Фредга ҳам бу ҳол ёқмаси-да, лекин унинг бундан ҳеч қачон жаҳли чиқмасди.

Мен Фреднинг ёлғиз қолгани ҳақида ўйлардим ва бундан хафа эдим. Унинг уйи бизникидан унча узоқ эмас эди; тушлиқдан сўнг уникига бордим. Унинг уйи бизникига ўхшаш боғ билан ўралган катта уй эди. Борганимда, дарвоза ортида бир эркак уй томонга қараб турганди. Эркак бирдан ортига бурилди-да мени кўрди. У доктор Барклай экан.

У мени танимади. Мени тергов пайтида кўрмаган деб ўйладим. У шляпасини ушлаганча кўчага чиқди ва шу захоти машинасини ўт олдиригани эшитилди. Мабо-до доктор уйга кирган бўлса ҳам, Фред бу ҳақда оғиз очмади. У эшикни очиб, мени кўрганида барча хавотирлари тарқаб кетгандай кўринди.

– Мен яна полиция келибдими деб ўйлабман, – деди у.

Биз кутубхонага кирдик. У ер бир ойлардан бери тозаланмай ётгандай кўринарди. Элинонинг уйи ўзи ҳар доим шундай: сигарет тутуни, одамлар ва ювиқсиз стаканларга ботиб ётарди. Лекин шундай бўлса ҳам бу ерда ҳаёт борлиги сезилиб турарди. Ҳозир эса ундай эмас. Мен унинг сумкасини стол устида кўриб ажабландим, Фред сумкага қараётганимни сезди:

– Полиция буни бугун қайтариб берди, – деди у. – Бирор нима ичасанми?

– Йўқ, раҳмат. Сумкани очиб кўрсам майлими?

У бош ирғади:

– Бунинг ичида ўша кунга тегишли ҳеч нарса йўқ.

Мен сумкани очдим. Унинг ичи доимгидек тўла эди: пул, атир-упа, ён дафтарча, лаб бўёғи теккан рўмолча, мато парчалари ва уларнинг устида "Шуларга мос оёқ кийим" деб ёзилган бир парча қоғоз бор эди.

Мен сумканинг ичини яна бир бор кўздан кечирдим, аммо у ерда бўлиши керак бўлган яна бир нарса етишмасди. Сумкани жойига қайтариб қўйдим.

Фред Элинонинг кумуш рамкадаги суратига тикилиб турарди:

– У жуда мафтункор эди.

– Ҳа, ҳақиқатдан ҳам, – дея маъқулладим мен.

– Маргарет эса уни ўзига жуда кўп пул сарфлайдиган ахлоқ аёл деб ҳисобларди, – деди-да, стол устида тўлиб кетган очилмаган тўлов қоғозларига қаради.

У мендан бирор нима дейишимни кутаётгандек кўринди ва мен дедим:

– Сен уни пул билан ўзинга қаратиб олишинг шарт эмас эди, Фред. У бусиз ҳам сени телбаларча севарди. Унинг докторга бориб юганини билармидинг, Фред?

– Йўқ, ундан тўлов қоғози келмагунча билмасдим.

Фред бахтсиз ҳодисадан хурсанддек гапирарди. Доктор Элинорни бахтиёр қилганди. Элинор сўрамай кетаверарди, аммо ҳар доим Фреднинг ёнига қайтиб келарди, Фреднинг фикрича, экспертларнинг ҳукми мутлақо нотўғри.

– У ўзи йиқилиб кетган бўлса керак. У доим баландликдан кўрқарди.

Биз ташқарига чиқаётганимизда, Маргарет келди.

– Мен Маргарет Ҳаммондни ҳеч қачон ёқтирмаганман. У баланд бўйли, Фреддан анча катта ёшдаги аёл эди. У мен билан сўрашгандек бош ирғаб кўйди.

– Мен бугун кечга келаман, сенинг уйда ёлғиз қолишингни истамайман ва эртага уйинга керакли ҳамма нарсани, шунингдек отамнинг суратини ҳам олиб келмоқчиман, Фред – деди у.

Фред буни эшитиб, ўзини ноқулай ҳис қилди. Чунки кекса Жой Ҳаммонднинг сурати борасида Элинор ҳаётлигида кўп можаролар бўлиб ўтган. Элинор бу суратга бепарво эди. Маргарет эса бу суратнинг айнаи шу уйда сақланишини истарди. Мен Маргарет Элинорнинг умри давомидаги ҳақиқий душмани бўлган эҳтимол деб ўйлаб қолдим.

Маргарет стол устидаги бир уюм тўлов қоғозларини кўриб:

– Ҳали ҳисобингда қанча пулинг борлигини аниқлашимиз керак, – деди.

– Мен қанча пулим борлигини биламан, – деди Фред.

Фред ўрнидан турди ва столни худди ҳали-ҳануз опасидан Элинорни ҳимоя қилаётгандек, тўсиб олиб, унга тикилиб қаради. Аммо мен уйдан чиқиб кетганимдан сўнг Фред ухлаб қолгач, ишончим комилки, Маргарет бу тўлов қоғозларини чиқариб отиб юборади.

Мени кимдир кузатиб келаётганини сезганимда уйга етиб қолган эдим. Мен бир оз кўрқдим-да, тўхтаб, ортимга бурилдим. Орқада бир қиз турарди. У менинг исмиمنى айтиб мурожаат қилди:

– Баринг хоним? Мен сизни терговда кўрган эдим ва исмингизни муҳбир йигитдан билиб олдим. Сиз Ҳаммондларникида бўлгансиз, шундаймасми?

– Ҳа, шундай. Нима эди?

Қиз жуда ёш ва бир оз ҳаяжонда эди.

– Сиз Ҳаммонд хонимнинг дўстимидингиз? – сўради у.

– Элинор менинг холаваччам эди. Нега сўраяпсиз?

Қиз сумкасида сигарета чиқариб, уни ёқди:

– Чунки мен Ҳаммонд хонимни кимдир итариб юборган деб ўйлайман. Мен кўчанинг нариги томонидаги офисда ишлайман. Ўша куни деразадан қараб тургандим. Мен уни олдин танимасдим, албатта.

– Сиз бу қандай содир бўлганини кўрганман демоқчимисиз? – дедим мен ҳайратланиб.

– Йўқ. Аммо мен уни бу ҳодиса содир бўлишидан бир озгина олдин кўрган эдим ва у лаб бўёғи билан лабини бўяётган эди. Бир оздан сўнг қарасам, у дераза олдида эмас... пастдаги йўлакда йиқилиб ётган эди.

Унинг қўллари титрай бошлагач, сигаретини ташлади.

– Менимча, ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган одам лабини бўяб ўтирмаса керак, шундай эмасми?

– Йўқ, албатта, – дедим мен. – Бу аёл Ҳаммонд хоним эканлигига ишончингиз комилми?

– Ҳа, у яшил кўйлақда эди, мен унинг сочини ҳам илғагандим. Кечқурун мен ўша лаб бўёғини йўлақдан излаб кўрдим, аммо уч кундан буён бундай гавжум йўлакда уни кимдир топиб олган бўлиши ҳам мумкин. Ишончим комилки, уни итариб юборишганда лаб бўёғи кўлида бўлган.

Ҳа, мен Фредга айтмай, Элинорнинг сумкасида излаб тополмаган нарса ҳам худди шу Элинорнинг олтин лаб бўёғи эди.

Мен соатга қарадим: энди ўн бир бўлганди.

– Балки биз биргаликда излаб кўрармиз, – дедим. Қиз менга ўз исмини айтишни истамади.

– Мени Смес деб чақирақолинг. Мен судда гувоҳ сифатида иштирок этолмайман. Ишимдан айрилиб қолишни истамайман.

Мен ўша лаб бўёғини топдим. Йўл четида ётган экан. Афтидан камида йигирма марта машина остида қолган кўринарди. Лойини артдим, ўша машҳур "Э" ҳарфи ёзилган лаб бўёғи экан.

Смес хоним уни кўриб:

– Тўғри айтган эканманми? – деди.

Кейин қиз ўзини автобусга урди ва уни бошқа кўрмадим.

Ўша кеча мен яхши ухлолмадим ва эртаси куни эрта-лаб доктор Барклайнинг ишхонасига бориб, Элинорнинг лаб бўёғини стол устига қўйганимда кеч тушганди.

– Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман, – деди доктор унга анграйиб қараркан.

– Ҳаммонд хоним йиқилиб тушишидан атиги бир дақиқа олдин дераза олдида лабини мана шу билан бўяётган бўлган.

– Сиз у йиқилганида бу нарса унинг кўлида бўлган демоқчимисиз?

– Йўқ. Мен Элинор агар ўзини ташламоқчи бўлганида лабини бўяб, кейин ўз жонига қасд қилганига ишонмайман демоқчиман.

У жилмайди-да:

– Агар сиз инсонларнинг табиатини ҳеч бўлмаса мен каби ўрганганингизда, бу сизни сираям ажаблантирмаган бўларди, – деди.

– Демак Элинор кўлида лаб бўёғи билан ўзини ўнинчи қаватдан ташлаган. Сиз эса кеча Ҳаммондларникига бордингиз ва мен пайдо бўлишим билан шошиб кетиб қолдингиз. Бундан келиб чиқадими...

Доктор гапимни эшитиб қотиб қолди. У олдин мени танимаган экан.

– Ҳа, бу сизмисиз? – деди у креслосига ястанаркан. – Сизга ростини айтақолай. Ўша куни жаноб Ҳаммонднинг аҳволи ёмонга ўхшаганди. У ўзини отиб қўймасин деган ташвишда борган эдим.

– Сиз ичкарига кирмай туриб уни қандай тўхтатишингиз мумкин эди?

– Сиз келганингизда қандай кирсам деб ўйлаётган эдим. Опаси ундан хавотир олаётганини айтиб, қўнғироқ қилган эди.

– Мен Маргарет Ҳаммондга ишонмайман, Элинорни кўришга кўзи йўқ эди, – дедим-да, лаб бўёғини кўлимга олдим.

– Баринг хоним, сиз ёш ва мафтункорсиз. Нега ҳаммасини ўз ҳолига қўймайсиз. Энди уни қайта тирилтира олмаслигини яхши биласиз-ку?

– Мен шуни яхши биламанки, у ўзини ўлдирмаган.

Докторнинг ёнидан чиқаётиб, Маргаретни кутиш хонасида кўриб ҳайратландим. Қизиғи шундаки, у бир неча сония ўзини ўша ердан ташламоқчи бўлгандек туюлиб кетди.

– Маргарет! – дедим тўсатдан. У бурилиб қаради, юзи оқариб кетди.

– Э, бу сенмисан, Луиза.

Маргарет ўтирди-да юзини қўл рўмолчаси билан артди.

– У сирпаниб кетиб йиқилиб тушган бўлса керак. Қарагин, пол жуда сирпанчиқ экан, Луи.

Аммо мен бош чайқаб рад қилдим, ортимда Маргарет тургани ҳолда деразадан пастга қарашни истамадим. У докторнинг олдига Фреднинг Элинора учун тўлов қоғозларини топширишга келганини айтди, лекин шу куни у ўзини қандайдир ғалати тутарди.

Мен машинага ўтирдим-да, унинг чиқиб кетишини кутдим. У чиқди, Элинора йиқилиб тушган йўлакка ва йўл атрофига синчковлик билан қаради. Демак, у Элинора лаб бўёғи қўлида бўлганини ёки унинг сумкада йўқлигини билади. Сўнг у таксида кетди. Такси кўп юрди ва ниҳоят бир уйнинг эшигининг олдига бориб тўхтади. Маргарет зинадан чиқиб уйнинг кўнгирагини босди. У уй ичида бир соатлар чамаси қолиб кетди. Чиққанида мен ҳайратдан қотиб қолдим, унинг ёнида терговда қатнашган Томпсон хоним бор эди. Такси менинг ёнгинамдан ўтиб кетди. Мен машинамдан тушиб, унинг олдига югуриб борганимда Томпсон хоним ҳали уйга кириб улгурмаган эди.

– Сиз билан гаплашиб олсак майлими? – дедим.

У иккиланиб қолди.

– Нима ҳақда?

– Қотиллик ҳақида, – дедим.

– Менимча, сиз Ҳаммонд хонимнинг терговда айтилмаган яна нималарнидир биласиз?

Унинг юзига нимадир соя ташлаб ўтди.

– Менимча, уни ҳеч ким ўлдирмаганди. Ҳукм...

– Йўқ, уни кимдир ўлдирган. Бўлмаса жаноб Ҳаммонднинг опаси бу ерда нима қилиб юрибди?

– Мен уни олдин ҳеч ҳам кўрмаганман. Бу ерга эса терговда айтган сўзларим учун миннатдорчилик билдиргани келибди. Чунки менинг гувоҳлигим бечора аёл ўз жонига ўзи қасд қилганини очиб берибди.

– Менимча, у сизга бунинг учун пул ҳам тўлагандир?

– Менга ҳеч ким пул тўлагани йўқ, – деди у жаҳл билан. – Агар кимдир мени сотиб олиб, ёлғон гапиришга мажбур эта олади деб ўйласангиз, адашасиз.

У уйга кирди-да, эшикни шарақлатиб ёпди.

Унинг гаплари тўғрими? Доктор ҳам терговда айтганидан кўра кўпроқ нарсани биладиганга ўхшайди. Лекин нега буни яширишяпти?

Тушдан кейин сочимни турмаклатиш учун Элинора сартарошига бордим. Қизлар Элинора ҳақда гаплашар эканлар, улардан янги маълумотлар эшитдим.

– Ўша куни мен уни кутаётган эдим, – деди улардан бири. – Албатта у келмади ва ...

– Сиз уни ўша куни шу ерда кутгандим, демоқчимисиз?

– Ҳа, у соат тўртга учрашув белгилаган эди. Мен бу ҳақида эшитганимда умуман ишонмадим, гарчанд у сўнги ҳафталарда бир оз ўзгариб қолган бўлса-да.

– Ундаги ўзгаришларни қачон сеза бошлагансиз? – сўрадим мен.

– Тахминан Пасхадан бери. Эсимда, менга унинг янги шляпаси ёқиб қолганди. У ўша шляпасини менга ҳадя қилди. Кейин ғалати бир гап айтди: "Баъзан янги бош кийимлар хавфли бўлиб қолади", деди.

Ўша куни балки соч турмагим ҳар қачонгидан чиройли бўлгандир, аммо бошим оғриқдан ғувиллаб кетган ва мен бунга эътибор берадиган аҳволда эмасдим.

Ойим ва мен Фредни тушликка чақирдик. Дастурхон атрофида ўтирганимизда мен ундан "Баҳор пайтлари, тахминан Пасха арафасида Элинора хафа қиладиган бирор воқеа бўлганмиди?" деб сўрадим.

– Ўша пайтлардан бошлаб у психиатрга қатнай бошлаганини айтмаса, йўқ.

– Нега у докторга қатнай бошлади, Фред? – сўради ойим.

– Ўзингиз ҳам кўрдингизку, – деди Фред. – Доктор келишган, ўктам киши экан. Унга қараш, у билан суҳбатлашиш Элинорага ёқимлироқ бўлгандир.

Шундан сўнг у тез кетди.

Кечаси ёмон ухладим, шунинг учун нонушта маҳали ўтиб кетгунча турмабман. Ойим газетасини ўқиб бўлган экан.

Мен газетани қўлимга олдим, газетанинг сўнги бетидеда ўтган кеча Томпсон хонимнинг отиб кетилганлиги ҳақида ёзилган экан.

Мен бунга қандай ишонишни ҳам билмай қолдим. Сўнг хабарни қайтадан ўқиб чиқдим. У ўлмади қолган, аммо оғир аҳволда экан. Бу ҳодиса рўй берганда у уйнинг ташқарисида ёлғиз ўтирган бўлиб, ҳеч ким ўқ овозини эшитмаган экан. Эри уни кеч соат ўн бирларда уйга қайтганида топиб олибди.

Демак Томпсон хоним унинг ҳаётига хавф туғдирадиган ниманидир билган. Мен Маргарет унинг уйига борганини, йўлақдан Элинора лаб бўёғини излаганини ва бирдан Фреднинг тортмасида турадиган тўп-понтчасини эсладим.

Буларни ўйлаб, ниҳоят, полицияга боришга қарор қилдим.

Бўлим капитани эътибор ҳам бермади, лекин кейинроқ менинг ёнимга изкувар келди.

– Сиз Ҳаммонд хоним ўз жонига қасд қилганига ишонмайсизми? – деди.

Мен унга лаб бўёғи, Элинора сартарошхонадаги учрашуви ва Томпсон хоним терговда айтилмаган нималарнидир билиши ҳақида фаразларимни гапириб бердим.

– Унда буни ким қилган?

– Менимча бу жаноб Ҳаммонднинг опаси. Кеча мен уни докторнинг офисида кўрдим. Элинора итариб юборилганда ҳам у ўша ерда бўлган бўлиши мумкин. У пол сирпанчиқ эканлигини ва ўзим буни текшириб кўришимни айтганди.

Мен бир оз ҳаяжонланиб сигарета тутатдим, қарасам қўлларим ҳам қалтираяпти.



– Маргарет лаб бӯёғи ҳақида ҳам билган, чунки мен унинг йўл четидан ниманидир излаётганини кўрган эдим.

Навбатдаги гумонимни эшитиб изқувар бир қимир-лаб кўйди.

– Менимча, Элинора ўлдирилган куни у офисда бўлган, – дедим мен. – Яна у Томпсон хонимни отган деб ҳисоблайман. Чунки Томпсон хоним бу ҳақда билган бўлса керак.

Изқувар менга яқинроқ келиб қаради:

– Нега сиз Ҳаммонд хоним уни отган деб ўйлайсиз?

– Чунки у кеча эрталаб Томпсонларникига бориб у билан гаплашганди. Уларникида бир соатча қолиб кетганди. Мен буни биламан, уни кузатган эдим.

Изқувар ўрнидан турди, унинг юзи ифодасиз эди.

– Баринг хоним, сизга бир маслаҳатим бор, бу ёғини ўзимизга кўйиб беринг, шундагина агар сиз ҳақ бўлсангиз яхши, агар сиз ноҳақ бўлиб чиқсангиз сизга ҳеч қандай хавф туғилмайди, – деди.

Ўша куни тушда изқувар кўнғироқ қилди. У ҳозиргина Томпсон хоним кўрсатма берганини, уни ким ва нега отганини билмаслигини, лекин Маргарет унинг фақатгина терговда гувоҳлик бергани учун раҳмат айтишга борганини айтган. Унга ҳеч ким пул таклиф қилмаган экан.

Аммо бу кам эди. Томпсон хоним сўроққача жуда ҳаяжонда бўлган, у Маргарет хонимга кўнғироқ қилиб гувоҳлик бериш шартми, деб сўрагандек туюларди. У залда бўлганида докторнинг офисига яна кимдир кирган.

– Ҳеч ким сезмаган бир киши, – деди изқувар.

– Почтачи. Мен у билан гаплашдим. У ўша куни эрталаб Ҳаммонд хонимни офисда кўрган. Почтачи уни яхши эслади. Ҳаммонд хонимни кўрганида шляпасини ечиб, газета ўқиб ўтирган экан.

– У Томпсон хонимни ҳам кўрган эканми?

– У Томпсон хонимни кўрмаган экан, лекин Томпсон хоним уни кўрган.

– Демак, ўша почтачи ўтган куни кечаси бориб Томпсон хонимни отиб кетган!

Изқувар кулиб юборди:

– Йўқ, у ўша кеча оиласини кинога олиб борган. Баринг хоним, ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳозир кўпчиликда тўппонча бор, ҳатто олдин уни ишлатиб кўрмаганларда ҳам.

Демак, Элинора ўзини-ўзи юқоридан ташлаган, Томпсон хонимни эса кимдир, шунчаки, тўппончасини синаётиб, отиб кўйган. Йўқ, мен бунга ишонмадим. Ҳатто доктор Барклай ўша оқшом келиб айтганда ҳам ишонмадим.

Мен радио эшитиб, кечки овқатни еб бўлганимда у келди. Мен полицияга ҳаммасини айтиб берганимни эшитгач, ҳайратдан қотиб қолди.

– Полицияга бордингизми? – деди у.

– Нега бормас эканман? Сизнинг офисингизнинг деразасидан кимдир итариб юборилганини бошқалар билмаслиги учунми?

Унинг жаҳли чиқиб кетди:

– Сиз ўзингиз тушунмайдиган нарсаларга аралашасиз. Бунга аралашмай туrolмайсизми?

Шундан сўнг мен ўзимни тутиб туролмадим.

– Мен сиз буни қилмаганингизни қандай билишим керак, – деб бақирдим. – Сиз ёки почтачи!

– Почтачи? – деди у ҳайратланиб. – Бу билан нима демоқчисиз?

Менимча унинг ҳайратдан қотиб қолган юзи кулгимни қистатди. Мен кулавердим, кулавердим. Кейин йиғлаб юбордим. Мен ўзимни тўхтата олмасдим. Бирдан у, ҳеч қандай огоҳлантиришсиз, юзимга бир тарсаки туширди. Бу шу заҳоти мени тўхтатди.

– Йўқолинг, бу ердан, – дедим, аммо у жойидан жилмади ҳам. Мен бир оз жаҳлдан тушдим, аммо у қилган ишидан мамнундай кўринарди.

– Бу бошқа гап, – деди ва елкамга қоқиб кўйди. – Мен бу ерга сизни уриш учун келганим йўқ. Сиздан кечқурун ёлғиз юрмаслигингизни илтимос қилиш учун келгандим, – деди.

– Нега энди тунда уйдан чиқмаслигим керак экан?

– Бу сиз учун хатарли бўлиши мумкин, – деди. У менга оз-моз ёқа бошлаганди. – Аиниқса мен сизнинг Ҳаммондлар хонадонидан узоқроқ юришингизни истайман. Менимча бундай қилишга фаросатингиз етарли деб ўйлайман, – деди ва эшикни нариги томонидан ёпиб кетди.

Мен ҳали жаҳлимдан тушмасимдан телефон жиринглаб қолди.

Бу Маргарет экан!

– Менимча, биз сенга бугун тунда келган полициячи учун ташақкур билдиришимиз керак, – деди у. – Ташвишимиз сенсиз ҳам етарлича эди.

– Жуда яхши, – дедим ғазаб билан. – Сизга битта саволим бор. Нега сиз кеча эрталаб Томпсон хонимни кўргани борувдингиз? Ўтган кеча уни ким отиб кетди?

У бир пишқирди-да, телефон гўшагини кўйиб кўйди.

Фреднинг ошхона томондан кириладиган эшик олдида чарчаган ҳолатда турганини кўрганимда, ойимнинг ухлашга ётганига бир ярим соат чамаси бўлиб қолганди.

– Кирсам бўладими? – деди у. – Тоза ҳавода сайр қилиб юргандим, чироқ ўчмаганини кўриб, келавердим.

Унинг аҳволи олдингига қараганда яхшироқ кўринарди. У Маргарет ухлаб қолганини ва уйда ёлғиз қолганини айтди.

– Ҳеч ухлолмадим, – деди у. – Уй иссиқ. Ортиқча латта-путталар кўпайиб кетган экан, ёқиб юбордим,

У сигарета чекиб, бир финжон қаҳва ичди. Кейин у кетаётганида мен дарвозагача кузатиб кўйдим ва у уйига қараб кетишига қараб турдим. Сўнг мен бурилиб, энди уйга етдим деганимда буталар орасида нимадир қимирлагандай туюлди. Унинг нима эканлигини билиш учун бурилдим, умримда ўқ овозини эшитмагандим, нимадир бошимга зарб билан урилди, кўз олдим қоронғулашиб йиқилдим.

Мен эшитган кейинги овоз ойимнинг овози эди. Мен ўзимнинг каравотимда бошим бинт билан ўралган ҳолатда ётардим.

– Менимча бу қиз ақлдан озган, – дерди ойим жаҳл билан. – Шунча огоҳлантиришларга қарамай чиқиб кетибди-я.

– Мен қўлимдан келганча ҳаракат қилдим, Баринг хоним, – деди кимдир мулоим овозда.

Бу доктор Барклай эди. У каравот ёнида турар, кўриниши жуда ғалати. эди. Унинг бир кўзи ёпиқ, кўйлагининг ёқасига эса қараб бўлмасди.

– Сиз биров билан олишдингизми? – дедим.

– Ҳа, – деди у. – Бу олишувда бошингизни ўқ салгина ялаб ўтди. Мен сочингизнинг бир қисмини қирқиб ташлашга мажбур бўлдим. Хавотирланманг, озгина жойини қирқиб ташладим. Улар ҳам яна ўсиб чиқади.

– Ким бундай қилди? Ким отди мени?

– Почтачи, – деди у ва хонадан чиқиб кетди.

Мен эса ухлаб қолибман. Менимча, у менга нимадир бериши керак эди. Эртаси куни эрталаб, мен нима бўлганини эшитишимдан олдин келди. У бир кўзи бинт билан ёпилган ҳолда жилмайиб кирди. Кейин ҳаммасини бир бошидан гапириб берди.

Баҳорда Элино унинг ёнига ғалати гаплар билан борган, унинг гапларига қараганда, уни кимдир кузатаётган бўлиб, кузатиб юрган одам почта кийимида экан. Бунга ишониш қийин бўлса-да, Элино хатто қасам ичган экан.

– Сиз Томпсон хоним офисингизга кираётиб кўрган почтачини айтаяпсизми? – дедим.

– Ҳа, Томпсон хоним ҳам уни таниди. Лекин ҳақиқий почтачи Томпсон хоним келишидан анча олдин келиб кетган бўлган. У Элинонинг стулда газета ўқиб ўтирганини кўрган. Томпсон хоним кўрган почтачи эса Элинони ўлдирган кишидир.

– Бу Фред эди, шундайми? – дедим.

– Ҳа, бу Фред эди, – дея у кўлларимдан тутди. – Мени кечир, азизам. Мен Элинони ундан узоқлаштиришга ҳаракат қилдим, аммо Элино ундан ажралмади.

– Фред уни телбаларча севарди, – дедим.

– Ҳа у Элинони қаттиқ севарди. Аммо уни йўқотиб қўйишдан жуда ҳам кўрқарди ва рашк азоби уни қийнарди, – деди у. – Менимча, у Элинони мендан рашк қиларди.

– Аммо у ҳақиқатдан ҳам Элинони севган бўлса...

– Муҳаббат ва нафратнинг ораси бир қадам бўлади. Фред Элино ўзиники бўлмагандан сўнг бошқаники бўлишини ҳам истамаган. – У хўрсинди-да, давом этди. – Мен сизни қутқариб қолишга жуда кеч етиб келдим. Мен у отганидан кейин уни ушлаб олдим ва ўртамизда жуда қаттиқ олишув бўлди. Аммо у ўзини олиб қочди-ю... ўзини ҳам отди.

У босиқ ҳолда ҳикоясини давом эттирди. Томпсон хоним Фреднинг суратини кўриб, у ўша куни ҳамшира бақаришидан сал илгарироқ кўрган почтачи эканини айтибди. Уни отиш учун фойдаланилган ўқ эса Фред тўппончасининг ўқи бўлиб чиқибди.

Маргарет, шўрлик Маргарет эса уни жинни бўлиб қоляпти деб ўйлаган.

– Томпсон хоним отиб кетилганининг эртаси куни у менинг ёнимга келганди, – деди доктор. – Маргарет Фредни махсус касалхонага қўйиш кераклигини айтиб келган эди, аммо менинг полицияга топшириш ҳақида маслаҳатимни эшитгач, унинг ҳам жазаваси тутди. Мен бу ишнинг далиллари йўқолиб кетаётганини, яъни Томпсон хонимнинг умри оз қолгандек туюлганини ва почтачи кийими йўқолганини ўйлаб шундай қилгандим.

– Йўқолган?!

– У кийимни ёқиб юборган экан. Ўтган кеча биз почта кийимидан қолган ягона далилий ашё, тугмаларни топган эдик.

– Нега у Томпсон хонимни ўлдирмоқчи бўлган? – дедим мен. – У нимани билган?

– У ўша почтачини тасвирлашга қодир эди. Маргарет почтачи ҳақдаги гапларни эшитгач, уйдан почта кийимини излаган ва уни топган. Маргарет ўйлаб иш қилишга ҳаракат қилган, аммо у Фредга барча гапдан хабардор эканлигини ва бундан Томпсон хоним ҳам хабардор бўлиши мумкинлигини айтиб қўйган. У эса машинага миниб, унга қарши бўлган барча гувоҳларни ўлдирмоқчи бўлиб кетган. Албатта, сендан ташқари.

– Нега унда мени ҳам ўлдиришга ҳаракат қилган экан? – дедим.

– Чунки сиз ҳаммасини ўз ҳолига қўймадингиз. Сиз Элинони кимдир ўлдирган деб ўйлай бошлаганингизданок хавф остида қолгандингиз. Шунингдек ўтган кеча Маргаретга кўнғироқ қилиб Томпсон хонимларни нега борганини сўрагансиз.

– У эшитиб турган демоқчимисиз?

– Мен унинг эшитганини аниқ биламан.

Доктор Ҳаммондлар уйини кечаси билан кузатганини, Фред бизни келганида у ташқарида бўлганини тан олди. Аммо Фред қаҳвасини тинчгина ичди. Кейин у уйга томон кетаётганда доктор буни панжара ортида туриб кузатган. Фред ортига қайтиб менга тўппонча ўқталган. Доктор уни энди тортиб оламан деганда Фред менга қаратиб ўқ узган.

Бу гапларни эшитаётиб, йиғладим. Доктор рўмолчасини олиб кўзларимни артди.

– Бўлди, ҳаммаси ортда қолди, – деди у таскин бериб. – Сиз жудаям жасур аёлсиз, Луиза Баринг.

Доктор ўрнидан турди:

– Менимча, сиз етарлича мурда ва тасодифий ўлимни кўрдингиз. Сизга ҳозир энг кераги бошингиздаги бинтни янгилаштириш. Кейинроқ бирор кишини бошингизни қайтадан боғлаб қўйиш учун юбораман.

– Буни ўзингиз қилиб қўя қолмайсизми?

– Йўқ. Мен бу соҳадаги шифокор эмасман.

– Мен унга яхшилаб қарадим. У толиққан ва кўзининг атрофи қорайиб кетганди. Лекин у кучли ва жасур кўринар эди. У билан бўлган одам хавф-хатардан йироқ бўлади деб ўйладим. – Нега сиз ўзингиз ғамхўрлик қилмас экансиз? – дедим мен. – Агар мен ҳозир кал эканман, буни бошқа бировдан кўра сиз кўрганингиз маъқул. Бўлақолинг.

У жилмайди ва кутилмаганда ёноғимдан енгил ўпич олди.

– Мен буни сиз столимга лаб бўёғини тақиллатиб қўйганингиздаёқ олишни хоҳлагандим, – деди у. – Балки энди изқуварликни йиғиштириб, сочингизни ўстиришнинг пайида бўларсиз? Чунки мен ёнингизда узоқроқ қолмоқчиман.

Тепамга қарасам, ойим эшикка суяниб, жилмайиб турарди.

**Инглиз тилидан Гулнора МАТЯЗОВА  
таржимаси**



Маъмура ЁҚУБОВА

## Туллар қуриовида орзиқиб кутсанг



### ИЛИЖ

Ҳушингни мангуга ўғирлаб қўйсам,  
Исмимни тушида ҳам пичирлаб айтсанг.  
Кўзинг кўзларимга чўкиблар кетса,  
Ҳаммадан яширган дунёмга қайтсанг.

Ўйингга муштарак бўлса ўйларим,  
Бегона нигоҳга бўйлатмасанг, ёр.  
Ҳеч кимга бергусиз гўзал рашик қилиб,  
Ўзингдан ўзгага ўйлатмасанг, ёр.

Тун. Юлдуз ўқийди ойнинг аксида  
Висол огушида унган дардларинг.  
Мунис таскинларни туҳфа этади  
Хатларинг, хатларинг, хатларинг...

Мен дея ўйлаган ҳар бир орзуинг,  
Ушалса ҳаётга севинч улашиб.  
Во ажаб, дунёдан ўтар чоғимиз,  
Нафаслар мангуга кетса туташиб.

Шундайин соғинсанг, сония сайин  
Гуллар қуриовида орзиқиб кутсанг.  
Нурдан баҳра олса қаҳқашонимиз  
Дунёни унутсанг, ўзни унутсанг.

Бахт бизни никоҳлаб қўйса шодумон  
Армонлар армонга бўлсайди рўё.  
Тоабат шундайин яшасак, ёро  
Ииқий қиёфада кўз очар дунё!  
Шундайин бетакрор севсанг, севилсам!..



\* \* \*

Менсизликка кўникапсанми?  
О, сенсизлик оғирдан оғир.  
Сени десам қулгулар синиқ,  
Томирдаги ҳижронлар оғрир.

Сенсизликнинг соҳилларида,  
Барғихазон тўсди йўлимни.  
Музлаб қолдим тирноғимгача,  
Гул баҳорга бурсам юзимни.

Кутавериб бағри нураган  
Кўзларимнинг даргоҳига юр.  
Сен деб кечган дунёларим кўп,  
Армон берган гулларини кўр.

Безовта дил, хаста жон кезар  
Сенсизлигу менсизлик қадар.  
Қўлларимни қўйвормасанг бас,  
Ииқсизликдан у ёғи ХАТАР.

\* \* \*

Кўнгил оппоқ қозоғ,  
Кўнгил...  
Ёзилмаган байтга макон,  
Бу кўнгилнинг саҳросида,  
Сабр минг йил сақлади жон.

Кўнгил ўзи шаффоф шиша,  
Бирам нозик юраги.  
Синмас асло кимларгадир,  
Мудом бўлса кераги.



Дилобар САЙДАХМЕТОВА

## ДАВР ВА ШАХС ФОЖИАСИ ТАЛҚИНИ

Сўнги давр қиссачилигида қаҳрамон руҳиятини очишда янги бадий изланишлар кўзга ташланмоқда. Бу жараён бадий тасвирда услубий ўзига хосликни юзага келтирмоқда. Натижада инсон тақдири нозик ва мураккаб ҳолатларда – унга хос барча манфий ва мусбат хислатлари билан биргаликда маънавий оламининг ҳаққоний тасвирини яратишга ҳаракат қилинмоқда.

Инсон мустақил фикрлаши, у ёки бу масалада ўз қарашларини дадил, асосли тарзда баён эта олиши учун ўзидаги ички тўсиқларни енгиб ўтиши лозим. Муросасизлик, дадиллик, муаммолар сабабини ўз номи билан аташ шижоати қарор топсагина, рост сўзнинг қудрати жамиятимиз ҳаётида ҳузурбахш, тоза шабадани пайдо қилади.

Эркин Аъзамнинг “Шоирнинг тўйи” қиссасида ҳам ана шу руҳ устуворлик қилади. Қиссада ифода этилган гоё, қаҳрамонлар қисмати шундан далолат беради.

Китобхон асар муқаддимасидан бошлабоқ оғир ва мураккаб руҳий эврилишлар маконига кириб бораётганини сезади.

“Шаҳарнинг қоқ марказида қад ростлаган бу кошонани урушдан кейинги йиллар немис ҳарбий асирларими, Узоқ Шарқда қўлга тушган япон самурайларими, ишқилиб, ажнабийлар қурган, деган, гап юради...”

Немислар қурганми, самурайларми, ҳарқалай шаҳарда бундай пишиқ, мустаҳкам иморат санокли...

Мўйловдор дохийнинг мўлжали бехато. Тасаввур қилиш мумкин: тиканакли симтўсиқ билан ўраб олинган бу атрофда... яғир пахталик кийган маҳбуслар... у ёқдан бу ёққа замбил-ғалтак суриб юрибди. Бош кўтариш йўқ... Иш, иш... Зарбдор жабҳа. ...

Шўрлик маҳбуслар нима гуноҳларига бу ерга келиб қолган? Нима қуришаётганини ўзлари билишармикан? Билишади... — лойиҳашунос саркорлари ҳам ўзларига ўхшаган маҳбус. Озод Шарқда ягона театр

Санъат маскани маҳбуслар қўли билан бунёд этиладими?”

Асарда ушбу кошонада “шеърят тоқида чақноқ юлдуз мисоли чақнаб, носоз замон даррасига дучор бўлиб бевақт сўнган Оташқалб шоирнинг таваллуд анжумани” бўлиб ўтиши билан боғлиқ манзаралар чизилади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, анжуман тасвири орқали давр ва шахс фожеасини ҳаққоний акс эттиради. Бу бизнинг яқин ўтмишимизда, шўро салтанатининг таназзули арафаларида рўй бераётган инқирознинг ўзига хос бадий тасвиридир.

Оташқалб – марҳум шоирнинг энг яқин “дўстларидан бири Оқсоқол домла”. Улар ёшлик даврида биргаликда ижод қилишган. Аммо қалбидаги риёкорлик ҳисси дўстлик ва садоқат туйғусидан устун чиқиб, нафсга қул Оқсоқол ўз дўстининг номини қорага булғаб, совуқ ўлкаларга сургун қилинишига сабабчи бўлади. Бугун эса, яъни қарийб эллик йил ўтиб, ўзининг гуноҳини ювиш учунми ёки масъул лавозимда ишлагани важданми Оташқалб дўстининг оқланишига ҳиссасини кўшмоқчи бўлиб турибди.

Хуллас, оқсоқол анжуманда марҳум дўсти ҳақида жуда кўп яхши сўзларни айтади. Баландпарвоз мактовлар билан уни кўкка кўтаради. Аммо анжуманда ҳақиқатнинг чинакам фидойилари иштирок этмоқда эди. Шу сабаб Оқсоқол анжуманда ўз виждони билан юзма-юз келишга мажбур бўлади. Аммо унинг қалбидаги риёкорлик, мансабпарастлик туйғуси уни бутун умр қийнаб, эзиб келган виждон олдида бош эгишига йўл қўймайди. Чунки виждон олдида тек туриб жавоб беришга ҳар қандай инсоннинг қурби етмайди. Унинг учун инсон ҳалол, мард, имон-эътиқодли бўлмоғи лозим. Оқсоқолда эса бу хислатларнинг биронтаси мавжуд эмас.

Асар сўнгида у сирли равишда вафот этади. Ёзувчи бу сирга ойдинлик киритади, албатта. Бу Оқсоқолнинг ҳақиқат билан юзма-юз келишида эди. Ҳақиқатни эса бу риё ва нафсга қул бўлган инсон кўтара олмайди.

Оқсоқол қалбини буткул забт этган риё ва айна



дамда юзага чиққан ҳақиқат кураши қиссада драматизмни юзага келтирувчи асосий омиллардандир. Анжуманда ёшларнинг қатъий даъвою эътирозларига дуч келиб ўзини умр бўйи таъқиб қилиб келган ҳақиқатнинг кўзига тик қарашга мажбур бўлган Оқсоқол руҳиятида кучли инқироз юзага келади. Ёзувчи бу жараённи жуда ишонарли акс эттирган.

Қиссада давр фожеасини ўзида мужассамлаштирган яна бир образ бор. Бу Мафкурахоним образи. У собиқ шўро даври мафкурасини ўз манфаати йўлида байроқ қилиб олган аёл. Москва ва Ленинград каби шаҳарларда таҳсил олган бу танноз аёл ўз она тилига жуда нўноқ, аммо иккинчи она тили қилиб олган рус тилига жуда уста.

У она тилига нўноқлигидан нолимайди, балки бундан фахрланади ва буни замонавийлик белгиси, фазилат деб ҳисоблайди. Мафкурахоним анжуманга ҳам ўз таннозлигини намойиш қилгандай одамни ялантира-ялантира ташриф буюради. Аслида у бундай даврага мутлақо бегона, шунинг учун ҳам анжуман бошланишидан олдин ташкилотчилар билан суҳбатлашиб ўтираркан, “Қани домланинг ўзлари келдиларми?” – дея ўзининг чаласаводлигини ошкор қилади. Ўз хусни-малоҳатига ишонган бу аёл сўзга ниҳоятда чечан, фаол ташкилотчи, оқни қора, қорани оқ деб исботламоққа моҳир бўлгани учун ҳам мансаб пиллапояларидан енгил-енгил хатлаб ўтган ва ниҳоят муҳим бир жабҳанинг қулоқбошига маҳкам ўрнашиб олган.

Ёзувчи ушбу ҳолатни қуйидаги манзараларда фош қилади. “Қани домланинг ўзлари келдиларми?” деб қолса бўладими! Ҳамма бир-бирига қараган, ҳамма хижолат. Шўх, хозиржавоб маданият вазири тўқсонларни қоралаб қолган, қулоғи оғир кекса рассомни рўпара қилиб, вазиятни юмшатмоқчи бўлди. “Домлани танийман, комсомолда ишлаганимда мани чизганлар, – деди Мафкурахоним хушҳоллик билан рассомга оппоқ бармоқларининг учини тутқазиб. – Ман юбилярни сўравобман...” Яна ҳамма бир-бирига қараган, яна ҳамма хижолат. “Укиши етиб келолмадилар, – деди кимдир орқароқдан жасорат кўрсатиб. – Узоқдалар, ҳу-у Узоқ Шарқда”...

Мафкурахоним нутқ сўзлаб бўлгач, Оташқалб шоир ҳаёти ҳақида маъруза ўқиш учун сўз Ажойиб домлага берилади.

Ажойиб домла ҳам давр чархпалаги қайси томонга қараб айланса шу томонга қараб йўргалаган, мансаб, нафс йўлида ҳар қандай тўсиқни кесиб ўта оладиган маккор шахс. У ҳам ўз навбатида марҳум шоир ҳақида куюниб гапирди, уни осмон қадар буюк инсонга кўтаради, унинг аянчли тақдирдан куюнаётган ва шу бугун муборак номи оқланганидан бениҳоят шодланаётган яқин дўстларию қон-қариндошлари ҳақида эртақ айтиб маъруза қилади.

Аммо у ҳам маърузасини тугатгач Ёш шоир томонидан яхшигина ўққа тутилади. Чунки Ажойиб домла

ҳам Оқсоқол домла сингари Оташқалб шоирнинг аянчли тақдирига муносиб ҳисса кўшган сотқин “биродарлардан” бири эди.

Муаллиф унинг характерини қуйидагича чизади: “Бу одам жуда кўхна, ярим аср бурун жувонмарг кетиб, мана бугун хотирланаётган Оташқалбнинг ўзидан ҳам бир неча ёш катта, кўп қирғинларни кўрган, ҳаммасига чап бериб омон қолган, яъни – келган балога бошқани рўпара қилиб, панасида жон сақлаган, замон ҳар айланганда шамолнинг елпарраги қай тарафга йўналганини илғорлар қатори илғаб, ўша тарафга байроқ кўтариб югурган, ўзининг бу турланиш-тусланишларига илмий ва сиёсий асослари ҳамиша тайёр, бениҳоя маккор ва маддоҳ бир зот эди”.

Аммо қисса фақат замон зайлига қараб турланадиган шахслар тасвиридан иборат эмас, албатта. Анжуманда иштирок этаётганларнинг кўпчилиги адабиёт ихлосмандлари. Улардан бири сахнада бўлаётган бу майнавозчиликларга чидай олмайди. Оташқалб ҳаёти ва ижодига алоқадор ўзи билган ҳақиқатни анжуман иштирокчиларига сўзлаб беради. Ҳақиқатни ошкор айтган Ёш шоир қиссада ҳақиқатпарвар, жасур, ҳар қандай тўсиқни ҳақиқат орқали синдириш мумкин, деган ғояни ифодаловчи образ.

У марҳум шоир ҳаёти ёритилган барча мавжуд расмий ва норасмий архив маълумотларни синчковлик билан ўрганиб чиққан. Шунинг учун у шоир ҳақида айтилаётган барча фикрларни мулоҳазакорлик билан тинглаб туриб, у ҳақдаги ёлғон гапларга виждони чидамай ҳақиқатни рўй-рост ошкор қилади. Оқсоқол ва Ажойиб домлаларни сиқувга олади. Уларнинг асл башарасини кўрсатишга муваффақ бўлади.

Аммо анжумандан сўнг ҳақиқатнинг юзага чиқшини истамаган шахслар келажаги порлоқ шоирнинг тақдирини ҳам марҳум шоирникидай хароб қилишади. Ёш шоир учун барча эшиклар ёпилади, на радио, на телевидение ва на таҳририят уни қабул қилади. Ёлғону уйдирмага, риёга ўз иморатини қурган юқоридагилар шуни ҳохлашдими, вассалом. Бу иш муҳокамага муҳтож эмас.

Ёзувчи қиссани бошлашда уни “кечаги кундан ривоят” деб атайди. Бу бежиз эмас. Чунки муаллиф қатағонга учраган, бегуноҳ айблар билан сургун қилинган шоиру ёзувчиларимизнинг тақдирини бадий тафаккур орқали талқин қилиб, шу қиссани яратган. Бадий тафаккур ва тарихий ҳақиқат бирлашиб ҳақиқий санъат асари яратилган.

Бироқ қисса тарихий ҳақиқат ёритилган расмий ҳужжат эмас. У инсон руҳиятининг эврилишу тафтиш ва курашларига бой, ўз қисмати ҳаёти ҳақида ўйлашга, ўз-ўзини таҳлил қилишга ундовчи асардир. Бу қисса ҳақиқат билан ёлғоннинг, риё ва нафснинг виждон билан ўзаро курашувини акс эттиради. Асар ана шу жиҳатлари билан қимматлидир.





Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА

## Иккимиз бўлайлик Бахтнинг тутқуни

### ХАБАР ОЛ

Ёр, хабар ол кўнглим гулзорларидан,  
Сени дея гўзал гуллар очилган.  
Чечаклар ноз бўйи, ифорларидан,  
Шамолларнинг ҳуши ҳар ён сочилган.

Ёр, хабар ол кўнглим кўрки – богидан,  
Сени дея ёнар олма қирмиз, ол.  
Жаннатий ниҳол юк олган чоғидан,  
Сени деб тўплаган болин узиб ол!

Ёр, хабар ол кўнглим саройларидан,  
Унда хазиналар ётибди қутиб.  
Тушинга кирмаган чиройларидан,  
Кўзларинг қамашар гамни унутиб.

Ёр, хабар ол кўнглим баҳорларидан,  
Бир баҳорки, дунё билмайди уни.  
Бекинайлик олам озорларидан,  
Иккимиз бўлайлик бахтнинг тутқуни.

Ёр, хабар ол кўнглим манзилларидан,  
У турган жой на ой, на кунга аён.  
Келавер кўнглингнинг сен йўлларидан –  
Улар олиб келар кўнглимга томон.  
Ёр, хабар ол...

### УЛУҒ КУН

Зим-зиё зулматда кечганди умрим,  
Гўёки қўрқинчли, босинқи бир туши.

У йиллар умрмас, яшашмас – ярим,  
Тириклигу ўлим, мажруҳ тан, руҳ, ҳуш.

Ойдек орзуларим тупроқда ётиб,  
Кўкдаги эгизин чорлайверди зор.  
Кўёшдек умидим тонглари отиб,  
Айтаверай: “Сўлма, келади баҳор!”

Қорнинг тагидаги бойчечак янглиг,  
Жонимни ҳовучлаб мазлум танимда.  
Кутавердим ўша бир кунни улуг,  
Умид яшайверди менинг ёнимда.

Ва бир кун бепоён зулматни ёриб,  
Оламни кўролдим – қандай мусаффо!  
Атроф мени қутлар, севар қувониб,  
Мен ҳам сизни севдим, эй, ер, эй, ҳаво!

### УМР

Кундан кунга олиб ўтаверамиз,  
Шодлигу согинчни, гаму аламни.  
Умид-ла эртани кутаверамиз,  
Аритади дея кўздаги намни.

Бир вақт қарабмизки, болалик – эртак,  
Ёшлик ҳам олисда силкитади қўл.  
Изтироб ичида сиқибди юрак,  
Олдимизда кутар масъулиятли йўл.

Фаслларни либос алмаштиргандек,  
Ечиб киявердик навбатдагисин.

Орзу, завқ-шавқ фасли олислагандек,  
Муҳаббат фаслининг унутдик тусин.

Мардона ташлаймиз қадамимизни,  
Тортилиб боради йўлнинг таноби.  
Ғолиб ё ўткинчи эканимизнинг,  
Ошқора бўлади энди жавоби.

Кимнидир ранжитдик, ранжидик кимдан,  
Умримиз иншосин қай хатда битдик.  
Нега келганимиз анлаган дамда,  
Ноён дунёга шошилиб кетдик...

### БАРЧАДАН ҲАМ

Мен кузни севаман – ўйчан ва ҳазин,  
Устимдан наводек қуйилар япроқ.  
Лекин юрагимга солсам гар разм –  
Сен менга куздан-да яқинроқ...

Баҳор томиримга ҳаётдек кирар,  
Майсалар қалбимнинг тириклик тори.  
Кўнглимда тугёнинг юракдек урар –  
Баҳордан қудратли сенинг озоринг.

Дарёнинг авжидан ўсади кўнглим,  
Буюклик сари бор оқишларида.  
Сенинг мавжларингдан юрагим лим-лим,  
Сирларинг қай манзил оққушларида?

Тоғлардан ҳайратим – беқиёс, гўзал,  
Виқори – беадад ҳис-ҳаяжоним.  
Ҳадсизлик хаёлга ҳамроҳдир азал,  
Ундан-да беҳудуд берган армонинг...

Оламни севаман ёруғ, мафтункор,  
Нурафшон кунларни ёғдули-дурли.  
Лекин сен бўлмасанг улар не даркор?  
Куним, умримдан ҳам ўзинг қадрли...

\* \* \*

Биргина тасалли – дунёда борсан,  
Борсану, борлигим ичра асрорсан.  
Лабимда қулгумсан, кўзимда ёшим,  
Оҳимга ўт солган ёниқ қуёшим...

Бир гала қуш каби учди хаёлим,  
Бошини ҳар жойга олиб ҳар қайси.  
Ўзимга бўйсунмас паришонҳолим,  
Қадамингга бориб гулдай кўқарсин.

Олам ичра топган оламим, дунём,  
Соғиниб куйсам-да айтмайман буни.  
Сенга “ҳаётим” деб қўйиб олдим ном,  
Энтикиш, кутишсиз ўтмас бир куним.

Ҳар оним соғинч-ла олади нафас,  
Ҳар лаҳзам мазмуни теранроқ йилдан.  
Сенинг хаёлинг-ла яшасам шу бас,  
Басдир муҳаббатинг кетмаса дилдан.

Ҳаётнинг залворли юкин букилмай,  
Кўтармоққа қодир қилган баҳорсан.  
Гарчи узоқдасан, кунимда кулмай,  
Турсанг-да, азизим, дунёда борсан!

### ОҲИМ

Орзуларим қадди бўлди камалак,  
Оҳ тортайин десам оҳим бир фалак.  
Ишқимни дунёдан яшириб ютсам,  
Оғзимдан оҳ бўлиб учди капалак.

Капалагим қўнди гулга, майсага,  
Қаноти тилинди тикон-нафзага.  
Нозигим дея мен авайлаб эдим,  
Тўр ташлади дунё қанот ёйса гар.

Орзуларим энди эмас капалак,  
Эмасдир пирпираб турғувчи малак.  
Кўксимда дардларим улғайди, ўсди,  
Оҳимга дулдуллар солар гулдурак.

Кишнайди қалбимда бир уюр тулпор,  
Чақмоқдек чақнаган қанотлари бор.  
Шамолида учар дунё тўрлари,  
Унга писанд эмас на найза, на хор.

Оҳ тортар бўлсам гар оҳим бир фалак...





Ўқтам МИРЗАЁР

# АМАКИМНИНГ КАСАЛИ

Ҳажвий ҳикоя

Қўл телефони чикдию, балога қолдик. Кетма-кет жиринглагани жиринглаган. Ана, яна бошлади. Ия, амаким қўнғироқ қиляпти-ку?!

Телефонни шартта қулоққа тутдим.

– Ўзингмисан? – деди амаким, – тез етиб кел.

– Қаерга? – сўрадим ҳовлиқиб.

– Автовокзалдан. Тез кел, аҳвол чатоқ.

“Нима бўлди, нима қўйди”, деб сўрашга ҳам улгурмадим.

Амаким – бувамиз Амир даванг авлодининг сўнггиси. Отам раҳматлининг укаси. Шунинг учун бўлса керак, эркалигини кўтарамиз. Кўтармасак, кўтартиради. Инжиқлиги тутса ҳаммани бошига йиғиб, тўс-тўполон қилиб юборади. Бунга кўникиб қолганмиз. Бир оғиз сўзи – қонундай гап.

Амакимнинг ўғли – амакиваччам Тоғайбой билан бўйинсамиз. У гоҳ-гоҳ қўнғироқ қилиб, дардлашиб қолади. Айтишича амаким, ёши ўтган сари ўзини қўярга жой тополмаётганмиш. Ҳаяжонланса, йиғлаб юборадиган одат чиқарибди. Тенгдоши Алимкул найнов оламдан ўтган куни “Энди менга навбат”, деб ҳовлини бошига кўтариб уввос солибди. Тозаям гап кўтармас бўлиб қолган дейишади.

– Мунча ҳаялладинг, – деди у истехзо аралаш боришим билан.

Сўрашиб ҳам улгурмадим. Эғнида олача ятак. Бошида эски қорақўли телпак, қўлида ўғли Тоғайбой муаллимнинг талабалик йилларида тутиб юрган, менга таниш сариқ дипломати. Амаким дастрўмоли билан кенг пешонасини тез-тез, қайта-қайта артаркан сўради:

– Қаерда яхши дўхтир бор?!

– Амаки, бирор жойда ўтириб гаплашиб олайлик, нима гап, тинчликми? – дедим эҳтиёткорлик ва айни пайтда меҳрибонлик билан. – Ҳозир яхши дўхтирлар кўп.

Қўлидан олиш учун дипломатига интилдим. Унамади.

– Менга қара, жўранг одам бўлмади. Ундан умид йўқ, ишдан бош кўтармайди. “Ота, ҳолинг қандай”, деган бола эмас. Менга пули керакмас, мана пул. – У қўлидаги дипломатга ишора қилди.

Уни нимага бермаганини энди англадим.

– Сен – жондай акамнинг ўғлисан, ўзимникисан, – деди амаким ўкиниб. – Ҳаракатингни қил, бўлмаса яқинда бувангдан қолган ёлғиз ёдгорликларингдан ҳам ажралиб қоласан.

Унинг хўлқаси тўлиб, кўзида ёш айланди.

– Дардмандим йўқ, – деди чўзиб.

– Қўйинг амакижон, хафа бўлманг, мен борман-ку!

– Шунинг учун сени қора тортиб келдим-да!

Ҳозироқ гапни чалғитмасам, шу ернинг ўзидаёқ дийдиё катталашиб кетишини англаб, ташхис марказларидан бирини мақтай-мақтай машинам томон йўл бошладим.

– Дўхтирларнинг зўри, техниканинг аълоси Учтепада, танишларим ҳам бор.

– Менга қара, – деди амаким. – Шундай дўхтир топ. Такси ушлайсанми, нима қилсанг қил! Пул бисёр. Менга соғлиқ авло, сигирни сотдим-у, йўлга чиқиб келавердим, тезлаштир.

– Яхши қилибсиз. Сизнинг ёшингизда дўхтирларга тез-тез кўриниб турган маъқул.

– Эй, машинаям олдингми? Одам бўп қопсан.

– Хоҳлаган жойингизга олиб бораман амакижон, дуо қилинг, сизга хизмат қилмасам, ким деган одам бўламан.

Амаким мени ийдирадиган дуолардан ўқиди.

– Одам бўлишингни бошидаёқ билардим, – деди охирида.

Бир зумда Учтепадаги ташхис марказига етиб келдик. Шуҳратжон деган танишимни топиб, дардимизни айтдик. Амаким дўхтирларни кўриши билан ёш боладай лаб-лунжини осилтириб олди. Ҳа, деганда чиройи очилмайди. Бири-биридан чаққон дўхтир қизлар ҳаш-паш дегунча у эшиқдан бу эшикка етаклаб, бир даста қоғозни қўлимизга тутқазди. Шуҳратжоннинг маслаҳати билан эшигига “проф. С.С.Самадов” деб ёзилган кабинет ёнидаги юмшоқ креслоларга чўкиб, навбатимизни кута бошладик. Одам жудаям кўп эди. Амаким ич-этини ер, касалининг отини билгиси келиб, мени саволга тутарди.

– Нима экан? – деди қўлимдаги қоғозларга энгаги билан ишора қилаб. – Сахирмасми?



– Билмасам, – дедим елка қисиб, – ҳозир айтишади.

– Бу ерда даволашадиямми? – сўради амаким ўсмоқчилаб.

– Бу ерда фақат маслаҳат беришади. Дори-дармон буюришса, қишлоқда даволансангиз ҳам бўлади. Шундай дейишим билан амакимнинг ранги-кути ўзгариб кетди.

– Оғирлиқ қилаяпманми?! Бироз сабр қил, оз қолди, кутуласанлар!

– Амакижон, кечиринг, ундай демоқчимасдим, нега оғирлик қилар экан, қанча десангиз шунча қаратаман. “Ғинг”, деган номард.

– “Ғинг”, деб кўр-чи?!

У ер остидан олайиб қаради. Сўнг атрофдагилар эшитмаяптимики, дегандек теваракка бир-бир назар ташлаб олди. Бўйнимни қисиб ерга тикилдим.

– Менга қара, – деди амаким бироздан сўнг елкамга қўлини ташлар экан. – Сенинг одам бўлишингни аввалдан билардим. Эсингдами, ҳали талаба эдинглар, таътилдан Тошкентга қайтаётганларингда Тоғайга кўшиб сенга беш сўмга поездга билет олиб бергандим. Шунда нима дегандинг-а?! Ўшанда отликқаям билет йўқ эди. Биласан. Жаббор кассирга яримта кўйганман. Унча-мунча одам бу ишни қилолмасди. Ўшанда сен: “Раҳмат, амаки, сиз тоғимизсиз” дегансан. Тоғай раҳмат ҳам демаган. Ҳозир ҳам демайди. Сен бошқачасан. Мана, энди сен тоғ бўлдинг, мен сенга суянаяпман. Оғир олма яна.

Сухбатлашиб ўтириб, навбатимиз келганини ҳам билмай қолибмиз. Сайидаҳрор Сайидғаниевич деган профессор тепакал бўлиб тепакал эмас, худди пати чала юлиниб, қозонга босилган товуқнинг чала юлинган туқларига ўхшаган толалар бошининг у ер, бу ерларида диккайиб турган, қалин кўзойнагини бурнининг учига кўндириб олган одам экан. Салом- аликдан сўнг сузишни энди ўрганган бузоқчага ўхшаб бошини энгаштириб, худди пешонаси билан кўраётгандек амакимга бир олақараш қилиб олгач, қоғозларимизнинг у ёқ-бу ёғини ағдарди-да:

– Нечево, отдайсиз, хаватирланишга арзигулик ҳеч нарса йўқ, кўнгилни тўқ қилинг, ҳали милтиқнинг ўқидайсиз, – деди кўлидагиларни қайтариб берар экан.

Мен хайрият-ей, дегандек, амакимнинг қовоғига қарадим. Жавобни эшитгач, у кишининг чиройи очилар деб ўйлагандим. Аксинча, бир сиқим мош-гуруч соқолини тутамлаб, ҳафсаласи пир ҳолатда, лаби гезариб қабулдан чиқди. Дарҳол Шухратжонни топдим.

– Яхши-ку, – деди у қувониб. – Жуда соз.

Шухратжон яна нималардир демоқчи эди, амаким “Юр, кетдик” дегандек бошини ирғади. У билан хайрлашиб марказдан чиқдик.

– Бекор келибмиз, – деди амаким машинага ўтирар экан. – Буларнинг киссасидаям кўзи бор. Чўнтаги бирор нарсани кўрмаса, ақли ҳам ишламайди. “Яхши-сиз”, дейди, томом. Кун ўтаяпти-да. Йўқми, қуриб кетганми бирорта биладигани. Шунча пул ҳайф кетди-я. Айтдим-ку, чўнтагига уч тўрт сўм солиб қўй, деб, қилмадинг. Сенларга керагим бўлса чопардинг. Энди керакмасман, бир қоп гўштман. Ҳа, эссиз ёшлигим-а!

Амакимнинг жаҳли чиққанида баралла, жаҳл билан гапиришларига кўникиб қолганим учун бирор жўяли сўз топа олмай машинани йўлга ўнгладим.

– Дўхтирнинг зўрини Ялтада кўрганман. Афти-ангоримга бир қарашда тўққизта болам борлигиниям билган Палина деган аёл. Столовойга етаклаб бориб, 9-столга ўзи ўтқазиб қўйган. Тўққизта боласи борлар, 9-столда овқатланар экан. Ана обрў. Ҳар куни эртан-оқшом суюқ картошкали овқат билан парваришлаган. Ранги-рўйим бирдан ўзимга келган. Менга шундай дўхтир топасан. Бу ерлардаям шунақа овқатлар бормикан-а, таъми ҳалиям оғзимда? Кўрсам танийман.

Амакимнинг қорни очганини сездим. 9-стол нима-лигидан хабарим бор. Диет стол. Эгам раис айтиб берган. Бир пайтлар амаким билан Ялтага бирга боришган. Шунда қабулхона шифокори сизга диет белгиланди, маъқулми, деб сўраганда амаким бечора уйда қолган тўққиз фарзандини ўйлаб ўтирган чоғи, дўхтир болаларинг нечта деб сўраяпти, деган хаёлга бориб, “да, да, девит, девит”, деб юборган экан.

– Мени меҳмонхонага олиб бор, – деб қолди амаким бир пайт буйруғомуз.

– Амаки, – дедим ялинганнамо.

– Амаки-памаки дема, ҳайда меҳмонхонага.

– Овқатланиб олайлик, қорин очди. Фарҳод бозорининг ёнида битта ресторан очилган. 9-столи ҳам бор. Биз ҳам суюқ картошкали овқатдан татиб кўрайлик, – дедим эркиншиб, гапни бошқа ёққа буриш мақсадида

– Эй, сенлар нимани кўрибсан? Юр, ўзим бир овқатлантирай сени...

Машинани бир четга тўхтатдим.

Хуллас 9-стол ҳангомасини яна бир бор тинглаб бўлгач, ниҳоят амакимни уйимга олиб боришга кўндирдим.

– Хафа бўламан, амаки, – дедим уни ийдирадиган оҳангда, – келингиз эшитса, тозаям шарманда бўламан. Бир ишингиз тушиб келганингизда, меҳмонхонада тунайсизми?

– Мен хафа бўлсам майлими?

– Бугун дам олинг, эртага ҳаммаси кўнгилнингиздагидек бўлади, – дедим кўлимдан ҳеч иш келмаслигини билсам-да, таваккалига.

Ниҳоят... хонадондамиз. Амаким наридан-бери овқатланиб бўлиши билан “Ётар жойни кўрсат” деб қолдилар. Кўрсатдим. Зум ўтмай хуррак овози эшитилди.

Узоқ вақт шифтга тикилиб ётдим. Кошки каллага бирор жўяли фикр келса. Ўйлаб-ўйлаб топдим. Дўстим Шухратжонни яна бир марта безовта қилишдан бошқа иложим қолмаганиди. Эрталаб нонуштагача “ғиз” этиб дўконга бориб келиш баҳонасида кўчага чиқиб, унга кўнғироқ қилдим. Вазиятни дарҳол тушунди. Касалхонамисан касалхона. Телефонда “таниш” дўхтир билан ҳам келишиб олдим. Бордик. “Танишим” мени танимаса-да кучоқ очиб кутиб олди. “Таниш экансиз, ўзимнинг палатамга ётқизаман, – деди дўхтир, ниҳоят амакимнинг қон босимини ўлчаб бўлгач, – ўн кун даволаймиз, натижаси бўлмаса операция қиламиз.”

Тўсатдан айтилган гапдан ўзимнинг ҳам капалагим учиб кетди. Ажабланганимизни кўриб “танишим”:

– Аҳвол чатоқ, дардни ўтқизиш юборибсиз, отахон, сийдик йўлингизнинг босими баланд, – деди мен томонга қараб “хотиржам бўлинг”, дегандек кўзини қисинқираб.

– Ана, мен сенга нима девдим, – деди амаким тарвузи қўлтигидан тушиб. – Биладигани дарров касални

топади... Кейинги пайтда қовуғим шишгандай, бўлиб юривди-я! Раҳматли Болтабойнинг касалидан экан-да-а?! Умрининг охиригача, ёнига оқ елим қопчиқча осиб ўтди, бечора. Дўхтиржон, – деди амаким ялинганнамо унга қараб, – яна қанча қопти? Бирор йил яшайманми?

– Аввало, бу ёғи Худодан, биз ҳам қараб турмаймиз, иложи борича ёрдам берамиз, отахон. Ҳали яна текширилади.

– Аслиддин, – деди амаким боладай мўлтираб, булкилла йиғларкан. – Адо бўлибман, чақир Тоғайни, кўриб қолай...

“Таниш” дўхтирим бехосдан кулиб юбормаслик учун ўзини тийиб, хонасидан чиқиб кетди.

– Амаки, тинчланинг, ҳали яна текширамыз, деяпти-ку, балки диагнози нотўғри чиқар.

– Тўғри, ҳаммаси тўғри. Айтдим-ку, қовуғим шишгандай бўлиб туради, деб.

Шу куни амакимни бир амаллаб шифохонага ётқизиб чиқдим. Тоғайга ҳам хабар бердим. Бир-икки кунни ўтказиб у келди. Эшитадиганини эшитди.

– Ўзинг қарат, – деди амаким ўтирган жойида бир қўли билан билагимдан тутиб. – Бу гўрсухта нимани ҳам тушунади. Қаршисида нима қиларини билмай ўтирган ўғлидан нолиди у. – Қаратинглар, ўлиб қоламан, болам... дўхтирнинг чўнтагига мановини тик, – деди у даъфатан жаҳл билан бир ўрам пулни қўлимга тутқазар экан. Шуни олмаса қарамайди буларинг. Мен керак бўлсам шу ишни қиласан.

Ноқулай аҳволда қолдим. Пулни қўлтиғимга қисганимча ташқарига чиқдим. “Таниш” дўхтиримни топиб вазиятни тушунтирдим.

– Томом, – деди у, – яна бир марта рол ўйнасақ ўйнабмиз-да артистлардан қаеримиз кам? Гонорари ҳам нақд экан.

Дўхтирни бошлаб хонага қайтиб кирдим. Амаким ўғлига ўлимидан сўнг нима ишлар қилишини уқтирарди чамамда. Кўзида дув-дув ёш.

– Ассалому алайкум, отахон, тузалиб қолдингизми?

– Қайда, – деди амаким мажолсиз. – Кун санаб ўтирибмиз-да.

– Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

– Қайдам, – деди яна амаким хирхираб.

– Дўхтир, – дедим дадиллашиб, – амакимизнинг атагани бор. Дори-дармонларни кучайтирмасак бўлмайди. Осма укол-посма укол, дегандай. Бир иложини қилинг ака, бошқа профессорларниям чақиртиринг, илтимос, мановини олиб қўйинг, дедим-да ҳалиги пулни у кишининг чўнтагига солиб қўйдим.

– Овора бўлманг, эй, эй, овора бўлибсиз-да, – деди “танишим” йўлига. Сўнг хушчақчақлик билан амакимнинг ёнига ўтиб ўтирди. У ёқ, бу ёғини кўрган бўлди. – Отахон, Худо хоҳласа отдай бўлиб кетасиз. Эртагаёқ оёққа кўяман, – деди у дадиллашиб. Бугун навбатчиман, эрталабгача, муолажани кучайтирамыз. Сизлар хотиржам бўлинглар, – деди-да, хонадан чиқиб кетди.

– Ана, мен сенга нима девдим-а? – деди амаким дадилланиб. – Буларинг олмаса қарамайди, демаганмидим. Мана, кўрдинг-а, муомаласи ҳам бирдан ўзгарди. Сен бўлса таниш, таниш, дейсан. Отам раҳматли “Менинг танишим – чўнтагим”, деб бекорга айтмаган. Тўғри экан.

Шўрлик дўхтирни гуноҳга ботирганимиз қолди. Худонинг ўзи кечирсин.

Зум ўтмай хушрўйгина нўғай кампир хонага кириб келди-да:

– Сизлар чиқарга керак, биз муолажани бошлаймиз, – деб амакимни ўрнига ётқизиб қўйди. – Шиш қоя?!

– Кечирасиз, исмингиз нима? – сўрадим ундан.

– Танзила, Танзила Исраиловна деб чақирингиз, – деди ҳамшира бепарво.

Осмонга қараб ётиб олган амаким, куйлагининг барини кўтаришга истиҳола қиларди.

– Илтимос, отамга яхшилаб қаранг, Танзила опай, – деди Тоғай ҳам жонланиб.

– Сизларга шу чалнинг ниси керак? Берсангиз тузатирга тузатиб, эр қилиб жатам, – деди Танзила Исраиловна.

Амаким ҳиққиллаб кула бошлади.

– Уйда кампирим бор, тўққизта боласиям бор. Неваралар бир сурув.

– Менда эса жўқ. Эр-да жўқ. Бирси ярамай.

– Кетдик, – дедим ишшайиб Тоғайга.

Ташқарида “таниш” дўхтирим кутиб турарди.

– Қалай, – деди сигаретасини эзғилаб, – ўхшадими?

– Ўхшаганда қандай?

– Бир-икки кун муолажани кучайтирган бўламыз. Пулларингга қувватга индирувчи дориларнинг зўрларидан топиб келаман. Хоҳласаларинг ўзларинг топинглар. – У мана, деб чўғи бироз учган пул ўрамини узатди.

– Йўқ-йўқ. – дедик бараварига. – Ўзингиз билиб-билиб топиб келаверинг. Бизга отамиз тузалиб кетса бўлди...

– Яхши. Аммо, қувватга индирувчи дори-дармонлар зиён қилмайди. Келишдикми?

Келишмасликнинг иложи ҳам йўқ эди.

